Маълумки, бугунги кунда қайта тикланадиган энергия манбаларидан фойдаланиш энергия ва ресурсларни тежаш муаммоларини ҳал этишнинг истиқболли йўналишларидан бири ҳисобланади. Бироқ, уларни оптимал амалга ошириш учун универсал самарали ечимлар ҳали тўлиқ мавжуд эмас. Шунинг учун бу йўналишдаги янги тадқиқот ишларини олиб боришни долзарб ҳисоблаш керак.

Шамол ва гидроэнергетикада валидаги механик энергияни электр энергиясига айлантирувчи фазали роторли асинхрон машиналар (ФРАМ) генератор сифатида ишлатилади. Хорижий маълумот манбаларида, ушбу турдаги асинхрон машиналарни номлашда иккита атама - doubly fed induction generator (DFIG) ёки wound rotor induction generator (WRIG) қўлланилади.

Ротор занжирига қўшимча қаршилик улаш орқали бошқариладиган ШЭС тармоққа тўғридан-тўғри уланган фазали роторли асинхрон генератордан (ФРАГ) фойдаланади. Генератор роторининг фаза чулғамлари ростланадиган қаршиликлар билан кетма-кет уланади. Ротор қаршилигини ўзгартириш орқали генераторнинг момент ёки тезлик тавсифларига таъсир қилади, бу эса роторни ўзгарувчан тезликда ишлашга имкон беради. Резисторларда рухсат этилган иссиқлик тарқалишининг чекланганлиги сабабли, генераторнинг иш диапазони нисбатан кичик, одатда машинанинг синхрон тезлигидан  $0 \div 10\%$  юқори бўлади.

Машинанинг айлантирувчи момент эгри чизиғини ротор занжирига уланган




кўшимча қаршилиқни (ҚҚ) ростлаш орқали ўзгартириш мумкин.

$$M = \frac{m_1 U_1^2 r_2'}{s \omega_1 \left[ \left( r_1 + C_1 \frac{r_2'}{s} \right)^2 + \left( x_1 + C_1 x_2' \right)^2 \right]}$$

Роторнинг кўшимча қаршилиғи тўғрилагичдан иборат бўлган ўзгартгич ва қайта улагич ёрдамида ўзгартирилади. ҚҚ қийматларини ўзгартириш орқали, генератор турли иш нуқталарида ишлаши мумкин.

Ушбу турдаги ШЭС нинг асосий афзаллиги нархининг арзонлиги ва соддалиги ҳисобланади. Асосий камчиликлари: тезлик диапазонини чекланганлиги, тармоқ томонида реактив қувватни назорат қилишнинг мумкин эмаслиги ва қаршилиқлардаги исрофлар сабабли энергия самарадорликнинг пастлиги, уларнинг механик конструкцияси катта шамол тезликларида юқори механик юктамаларга бардош бера олиши керак. Ушбу электромеханик тизим, шунингдек, силлиқ ишга тушириш ва реактив қувват компенсациясини талаб қилади. Ушбу тизим икки манбали асинхрон генератори (ИМАГ) каби мослашувчан эмас.

Замонавий шамол энергетикасида икки манбали асинхрон генераторлардан фойдаланиш имкониятлари мавжуд. 1-расмда кўрсатилгани каби, статор чулғам учлари тўғридан-тўғри тармоққа уланади, ротор чулғамлари эса частота ўзгартгич (ЧЎ) ва трансформатор ёрдамида тармоққа уланади. ЧЎ ротор чулғамидаги қувватни бошқариш имконини беради. Бу турдаги ШЭС чиқишидаги генерация қилинган энергия статор ва роторнинг қувватларининг йиғиндисидан иборат. Машина синхрон тезликдан юқори тезликда ишлаганда, ротордан қувват ўзгартгич орқали тармоққа узатилади. Машина синхрон тезликдан паст тезликда ишлаганда, ротор тармоқдан ўзгартгич орқали қувват истеъмол қилинади. Синхрон тезликда ротор ва тармоқ ўртасида сезиларли энергия алмашинуви бўлмайди. Статор ҳам, ротор ҳам тармоқ билан энергия алмашганлиги сабабли, генератор икки манбали машинаси ҳисобланади.



1-расм. ШЭС даги икки манбали асинхрон генератор схемаси: Р – редуктор; ФРАГ – фаза роторли асинхрон генератор; Т – трансформатор; ЧЎ – частота ўзгартгич; Ф – фильтр

ИМАГ га асосланган ШЭСларининг тезлик диапазоли синхрон тезликка нисбатан  $\pm 30\%$  ни ташкил қилади. Тезлик диапазолини бундай ўзгариши одатда шамол тезлигини ўзгартириш учун барча шартларни қаноатлантиради, шунинг учун ўзгарувчан тезликда ШЭС ишлаши учун етарли ҳисобланади. Чўнинг қуввати генераторнинг статор чулғамларининг максимал сирпаниш  $s = \pm 0,3$  даги номинал қувватига тўғри келади. Ўзгартгичнинг қуввати генераторнинг тўла қувватига эга бўлмаган ҳолда ишлатиш ШЭС нарҳини, оғирлигини ва габарит ўлчамларини пасайишига олиб келади.

Бошқа турдаги тизимлар билан таққослаганда, ИМАГ га асосланган ШЭС ларнинг энергия самарадорлиги сезиларли даражада ошади. Ўзгартгични электр тармоғига тўғридан-тўғри уланмаслик талаб этилади. Юқори гармоникалардан келиб чиқадиган муаммоларни ҳал қилиш учун шамол энергиясини ўзгартириш тизимларида ҳар хил турдаги гармоник филтърлар (Ф) қўлланилади. Генератор томонида (яъни, ўзгартгичнинг кириш қисмида) кучланиш ва токнинг гармоник бузилишларини камайтириш учун генераторда кўпинча  $L$ -филтърлар қўлланилади. Бу генераторнинг магнит ўзагида ва чулғамлардаги гармоник ташкил этувчилари ҳисобида бўладиган исрофларнинг пасайишига олиб келади. Яхшироқ натижаларга эришиш учун  $LC$  филтърларидан ҳам фойдаланиш мумкин.  $LCL$  филтърлари кўпинча тармоқ параметрлари билан белгиланган қатъий гармоник талабларни қондириш учун ишлатилади.  $LC$  филтърлари ШЭС ларда мавжуд, аммо улар  $LCL$  филтърлари каби самарали эмас.

Ушбу филтърлардан фойдаланишнинг қўшимча афзаллиги шундаки, улар қаттиқ ҳолатдаги калитларни тез алмаштириш натижасида юзага келадиган юқори  $du/dt$  қийматларини самарали равишда юмшата олади. Шу билан бирга,  $LCL$  ва  $LCL$  филтърлари резонанс режимига олиб келиши мумкин. Тармоқдаги мумкин бўлган тебранишларни олдини олиш учун филтър параметрлари ва резонанс режимларини эътибор қаратиш керак.

Бу турдаги электромеханик тизим қўйидаги афзалликларга эга ҳисобланади. ИМАГ га асосланган ШЭС тизимларида ўзгартгичнинг номинал қуввати одатда машинанинг номинал қувватининг  $30\%$  ни ташкил қилади, бу ўзгартгич ва филтърнинг нарҳини, оғирлиги ва ўлчамларини пасайишига олиб келади. Бундан ташқари актив ва реактив қувватни ростлаш имконияти мавжуд.

Ушбу мақола Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги томонидан молиялаштирилган “ИЛ-442105947” сонли “Шамол ва сув оқими параметрлари ўзгаришида локал энергетика тизимига ўзгармас частотали стабил ўзгармас электр қувватини узатувчи янги автоматик қурилма яратиш” мавзусидаги инновацион лойиҳа доирасида тайёрланди.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. K. Alimkhodjaev, O. Toirov, M. Taniev. Addressing Issues and Possibility of Introducing Renewable Energy Sources in the Conditions of Uzbekistan. Journal of critical reviews. ISSN- 2394-5125vol 7, issue 15, 2020
2. К.Т. Алимходжаев, «Управляемая ветроэлектростанция», Патент Республики Узбекистан, Ташкент, Бюл. №3, IAP 05781 от 29.03.2019.
3. Алимходжаев Ш.К. Ветроэлектростанции, работающие параллельно с действующей энергосистемой Узбекистана. “Энергия ва ресурс тежаш муаммолари” №1, 2015. –Т., -с.180.
4. Материалы Второй национальной конференции «Развитие ветроэнергетического потенциала Республики Узбекистан», стр. 6, 2016.
5. О.З.Тоиров, К.Т.Алимходжаев, М.Х.Таниев. К вопросу использования возобновляемых источников энергии в энергосистеме Узбекистана, International Conference “Solar Energy: Trends of Researchs and Developments”, стр. 66, 2019.

**ANALYSIS OF TECHNICAL AND ECONOMIC INDICATORS OF ENERGY STORAGE DEVICES WHICH CAN BE SUITABLE FOR CLIMATIC CONDITIONS OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN.**

**Sadullayev Nasullo Nematovich**

Doctor of technical science, professor,  
Bukhara engineering – technological institute

**A.A Norboyev**

Doctoral student, Bukhara engineering – technological institute

Energy storage is an integral part of any system and is very common in nature. The existence of any body means that the energy contained in it is united as a system. Energy storage processes are especially important for energy systems that receive energy from renewable energy sources, because the energy stability of such systems depends on the properties of nature. For example, in cases where wind energy is used, the stability of energy depends on the speed of the wind, and in the case of photoelectric plants, it depends on solar radiation. But since the load of energy consumers connected to the grid depends only on their characteristics, it is necessary for the energy source to provide the system with continuous energy. Currently, the whole world is switching to alternative energy sources, including in the Republic of Uzbekistan, systematic work is being carried out to increase the share of alternative energy in the energy supply system. In the process of developing the energy system, it is necessary to use energy generating devices suitable for the climatic conditions of our country.

There are several positive factors that lead to an increase in the use of mechanical energy storage systems in the world. The article explain a number of factors for the

widespread use of mechanical energy storage devices in the area of Uzbekistan.

**Firstly.** Since the price of electricity in Uzbekistan is low, the cost and operating costs of the energy storage devices used here are required to be low.

**Secondly.** In most parts of the territory of the republic, the humidity is low, it is very hot in the summer and it cools sharply in the winter. In such situations, the use of mechanical energy storage devices that are less dependent on the external environment can bring many conveniences. Because the batteries currently used in the industry have a low operating temperature.

**Thirdly.** Mechanical energy storage devices have a relatively simple structure, and high technologies are not required for the production of these devices. The materials used for the components of the devices are also typical materials used in industry. Therefore, it is possible to quickly localize the production of these devices in the territory of the republic.

***Technical and economic indicators of modern energy storage devices:***

Specifications allows to correctly classify backup systems with high technical characteristics, costs and other economic indicators. Targeting the economic performance of new technologies with government subsidies, incentives, or long-term investments, but technical performance is based on physical limitations, and therefore the technical characteristics remain the same even as the market changes. Therefore, the economic and technical characteristics that quantify the services expected from energy storage in any storage technology and energy system are discussed. Especially in energy storage systems with high economic performance, it is necessary to study more technical performance and improve them.

Technical indicators are characterized by many indicators. But in most systems, there are the main technical indicators used for energy storage technologies, which are as follows:

**Energy capacity** - represents how much energy the storage system can store in total.

**Energy availability (EA)** - represents how much of the available energy stored in the backup device we can use. is the ratio of the amount of available energy (E) stored in the device at a certain time to the energy ( $E_a$ ) that can be used in practice.

$$EA = \frac{E}{E_a};$$


**Power** - The power that the energy storage system can provide to the energy system is given in the form of nominal and maximum power.

**Standby time**-It is the time it takes to charge the energy storage system, transfer it to the charging mode, and in the event of an emergency, analyze the data and reconnect it to the energy system.

**The energy supply time** – It is expressed by how long the energy storage system can provide the total energy with the nominal capacity.

**Useful work coefficient** - It means how much of the stored total energy can be given to the energy system. Figure 1 shows the maximum efficiency of energy storage

devices in each cycle.



It can be concluded from the above diagram that the largest efficiency ratio belongs to the lithium-ion battery, which belongs to the group of chemical batteries, but if you take into account the huge damage to the environment and waste water during the production process of this type of battery, and the problem of waste water in our country taking into account that it is one of the current issues, we need to improve alternative energy storage devices that can replace this system. Next, the Flywheel energy storage device is also an environmentally friendly energy storage device, which is a developing energy storage device all over the world, but because of the high cost of manufacturing and operation of this device, and it is an example of a relatively complex and expensive device to control the speed of the system. the need to use frequency converters makes this system unpopular. But using high-tech processes and relatively cheap raw materials, it is possible to reduce the cost of this system and use it as an alternative energy storage system. Thermal energy storage devices and CAES devices are considered less energy efficient per cycle than other devices.

**Relative energy and energy density.** The ratio of the total energy stored in the energy storage device to the mass of the device is called specific energy. If we take the total energy as a ratio to the size of the device, it will be convenient to use it as energy density.

**Number of cycles.** It is expressed by the total number of cycles during the service life of the backup device. It is said that one cycle is when the storage device is charged and gives its full energy to the system.

**Normal operating temperature.** The temperature at which the energy storage device can operate with the maximum useful efficiency is called the operating temperature of the energy storage device. This indicator is also considered as an important indicator for the backup system, because the temperature of the external



environment, together with the heat released during the operation of the system, can have a negative effect on the operation mode of the system. Our climatic conditions are considered negative for the service life and efficiency of chemical storage devices, because storage devices are mainly used for alternative energy sources in remote desert areas, where very dry and hot climate conditions are observed in summer and cold temperatures in winter. For these reasons, we need to use an energy storage device that can work effectively in these conditions.

## REFERENCES

1. Ling Ai Wong, Vigna K. Ramachandaramurthy, Phil Taylor, J.B. Ekanayake, Sara L. Walker, Sanjeevikumar Padmanaban. “Review on the optimal placement, sizing and control of an energy storage system in the distribution network”. *Journal of Energy Storage*, vol. 21, pp. 489–504, 2019, doi:10.1016/j.est.2018.12.015.
2. A.A. Khodadoost Arani, H. Karami, G.B. Gharehpetian, M.S.A. Hejazi. Review of Flywheel Energy Storage Systems structures and applications in power systems and microgrids. *Renewable and Sustainable Energy Reviews* 69 (2017) 9–18.
3. N.N Sadullayev, A.A Norboyev. Structure and principles of operation of modern energy storage devices. *Journal Of New Century Innovations*. Volume-2\_April\_2022.
4. S. Koochi-Fayegh, M.A. Rosen. “A review of energy storage types, applications and recent developments”. *Journal of Energy Storage*, vol. 27 (2020) 101047, doi:10.1016/j.est.2019.101047
5. Mirzabaev, A & Isakov, A & Mirzabekov, Sh & Makhkamov, T & Kodirov, Dilshod. (2020). Problems of integration of the photovoltaic power stations with the grid systems. *IOP Conference Series: Earth and Environmental Science*. 614. 012016. Doi: 10.1088/1755-1315/614/1/012016

## ПЕРСПЕКТИВЫ ИСПОЛЬЗОВАНИЯ ВОЗОБНОВЛЯЕМЫХ ИСТОЧНИКОВ ЭНЕРГИИ В КЛИМАТИЧЕСКИХ УСЛОВИЯХ ЮГА УЗБЕКИСТАНА

УЗАКОВ Г.Н.

Каршинский инженерно-экономический институт

[uzoqov66@mail.ru](mailto:uzoqov66@mail.ru)

В статье изложены основные результаты научных исследований по разработке энергоэффективных систем и технологий на основе использования возобновляемых источников энергии в природно-климатических условиях г.Карши.

Приведены основные характеристики и принцип работ энергоустановок на основе возобновляемых видов энергии, разработанные на научно-инновационном

полигоне «Альтернативные источники энергии» Каршинского инженерно-экономического института.

**Ключевые слова:** *Возобновляемые источники энергии, солнечная энергия, солнечный коллектор, солнечная установка, солнечный дом, энергоснабжения, энергии биомассы, пиролизная установка, твердые бытовые отходы.*

Рациональное использование топливно-энергетических ресурсов представляет собой одну из глобальных мировых проблем, успешное решение которой, будет иметь определяющее значение не только для дальнейшего развития мирового сообщества, но и для сохранения среды его обитания. Одним из перспективных путей решения этой проблемы является применение новых энергосберегающих технологий, использующих возобновляемые источники энергии. Истощение запасов традиционного ископаемого топлива и экологические последствия его сжигания обусловили в последние годы значительное повышение интереса к этим технологиям практически во всех развитых странах мира [1,2,3,4].

Правительством нашего государства поставлены задачи бесперебойного энергоснабжения промышленных объектов, транспорта и сельских населенных пунктов, реализации мер по ускоренному развитию на селе промышленного производства и строительства, создания компактных предприятий по выращиванию, хранению переработке сельхозпродуктов, оснащенных современной техникой и технологиями Указом Президента Республики Узбекистан №УП-60 от 28.01.2022 года принята Стратегия развития Нового Узбекистана на 2022-2026 годы и Государственная программа по её реализации. Согласно принятой программе обеспечение энергобезопасности страны, экономия традиционных энергоресурсов и внедрения технологий «Зеленой экономики» во всех сферах является первостепенной задачей для развития Нового Узбекистана. Аграрный сектор в Узбекистане является очень энергоемким, годовой расход электроэнергии с/х составляет около 18÷20 млрд. кВт.час (30%). В сельских населенных пунктах Узбекистана проживает более 15 млн. человек и аграрном секторе занято несколько млн. человек, которые в круглый год нуждаются бесперебойному энергообеспечению [2,3,4].

В связи с этим необходимо разработать конкурентоспособные и экологически чистые технологии, создать рынок энергетического оборудования, использующего возобновляемые источники энергии (ВИЭ), устранить финансовые, информационные, законодательные барьеры на пути их широкого использования. Одним из способов экономии энергии и совершенствования систем теплоснабжения является применение энергоэффективных тепловых установок, использующих нетрадиционные возобновляемые источники энергии, в частности, низкопотенциальные источники энергии.

Энергетический потенциал большинства из перечисленных выше ВИЭ в масштабах планеты и отдельных стран во много раз превышает современный уровень энергопотребления и поэтому они могут рассматриваться как возможный альтернативный источник производства энергии.

Солнечное излучение, вследствие того, что оно исходит от источника с яркостной температурой около 6000 °С, с термодинамической точки зрения является высококачественным первичным источником энергии, допускающим принципиальную возможность ее преобразования в другие виды энергии (электроэнергия, тепло, холод и др.) с высоким КПД.

Южный регион Республики Узбекистан (Кашкадарьинская область) обладает огромными ресурсами солнечной энергии. По измеренным данным плотность солнечного излучения в условиях г.Карши в ясный полдень достигает до 1 кВт/м<sup>2</sup>, а в среднем за год (с учетом ночей и пасмурных дней) составляет около 200-250 Вт/м<sup>2</sup>, что тем не менее соответствует ежегодному поступлению на 1 м<sup>2</sup> земной поверхности энергии, эквивалентной 150÷250 кг условного топлива или 4396,5-7327,5 МДж тепловой энергии [5,6].

Однако относительно невысокая плотность энергетического потока солнечного излучения на поверхности земли и непостоянство времени (суточная, сезонная) затрудняют более эффективному использованию для электро-и теплоснабжения автономных потребителей. На наш взгляд перспективными направлениями применения ВИЭ на юге Республики являются следующие:

-внедрение фотоэлектрических систем и гелиоколлекторов в типовых коттеджах, теплицах, фермерских хозяйствах, мини пререрабатывающих предприятиях, молочных предприятиях, сушильных и холодильных камерах, плодоовощехранилищах, инкубаторах и.т.п.;

-создание систем гибридного теплоснабжения локальных потребителей на основе оптимальной комбинации традиционных и ВИЭ;

-установка солнечных фотоэлектрических станций (в среднем 2 кВт), теплонасосных установок и солнечных водонагревателей (в среднем 200 литров) в школах, детских садах, частных домовладениях;

-создание эффективной и современной системы переработки органических отходов животноводства и ТБО для использования их в виде ВИЭ (биогазовые, пиролизные установки).

В связи с этим, нами на научно-инновационном полигоне «Альтернативные источники энергии» Каршинского инженерно-экономического института создан энергоэффективный солнечный дом, на основе комбинированного использования традиционных и солнечных энергоустановок. Ниже кратко излагаются основные принципы создания экспериментального солнечного дома.

Создан экспериментальный солнечный сельский дом - здание, построенное по принципам энергосбережения, с максимальным использованием ресурсов солнечной энергии местности для обеспечения потребностей сельского индивидуального дома, в первую очередь отопления и горячего водоснабжения. Разработана система солнечного автономного электроснабжения, теплоснабжения и горячего водоснабжения для сельских домов, удаленных от централизованной системы энергоснабжения. Солнечный сельский дом спроектирован с комбинированными системами отопления (традиционный водогрейный котел +

система солнечного отопления с гелиоколлекторами), горячего водоснабжения (дублер электронагреватель + солнечный коллектор для нагрева воды), солнечно-ветрового электроснабжения, а также предусмотрен теплый пол на основе солнечной энергии. В предложенных системах энергоснабжения эффективно используются энергоустановки на основе возобновляемых видов энергии, в частности солнечные батареи, ветроустановки и солнечные коллекторы. Внедрение проекта солнечного сельского дома позволяет сэкономить традиционные энергоресурсы (природный газ, угля, мазута и т.п.) и обеспечить уменьшение выброса вредных парниковых газов в атмосферу.

Одним из классических видов возобновляемой энергии является энергия биомассы. Вместе с тем, биомасса (углеводородсодержащие биологические отходы, материалы) – это энергоёмкий материал. Энергетическая плотность биомассы составляет  $10\div 20$  мДж/кг. В отличие от нестабильности солнечной энергии, биомасса транспортабельна и доступна для использования, т.е. является стабильным энергетическим ресурсом. По прогнозам специалистов, к 2050 году человечество будет способно получить из биомассы до 35-38% потребляемого топлива и до 15-17% электроэнергии [5,6].

Научными исследователями кафедры «Альтернативные источники энергии» КИЭИ в период 2010-2022 годы были исследованы процессы термической переработки биомассы с целью получения альтернативного топлива методом пиролиза. Получен патент на полезную модель «Устройство для отопления теплицы» (авторы: Узаков Г.Н., Давлонов Х.А. и др.) и внедрена в системе отопления опытной солнечной теплицы полезной площадью  $100 \text{ м}^2$ . Разработана и исследована пиролизная установка для получения топлива из местной биомассы и на основе проведенных исследований имеются результаты получения альтернативных топлив из различных биомасс способом пиролиза [5,6,7,8]. Пиролизный-реактор изготовлен из стальной трубы диаметром 0,8 м, высотой 1,0 м и объемом  $0,5 \text{ м}^3$ , в реактор можно загрузить 100 кг исходного сырья (биомассы) при плотности биомассы  $200 \text{ кг/м}^3$  и влажностью 20-30 %. Температурный режим разработанной установки обеспечивается с использованием собственного пиролизного газа, полученным при пиролизе биомассы. Основным отличием разработанной пиролизной установки от известных состоит в том, что реактор изготовлен в форме «труба в трубе», который позволяет утилизировать потери теплоты через поверхности трубы в окружающую среду для нагрева воды и дополнительно получить горячую воду для систем отопления теплиц [6].

Проведены исследования по созданию солнечной установки для термической регенерации твердых адсорбентов (активного угля, цеолита) для систем обеспечения микроклимата плодоовощехранилищ [9-12]. Для решения проблем энергосбережения в процессах хранения и сушки сельхозпродуктов предложена солнечно-теплонасосная система теплохладоснабжения комбинированной сушильно-холодильной камеры. В предложенной системе замкнутый цикл теплового насоса (ТН), применение термодинамического цикла

ТН для одновременного охлаждения и теплоснабжения, управляемые солнечные установки создают требуемые теплотехнические условия для сушки различных плодоовощных продуктов без затраты дорогостоящей традиционной энергии (тепла, электроэнергия).

Разработана принципиальная тепловая схема гелионагревательной системы (ГНС) с контактным теплообменником для тепловлажностной обработки (ТВО) приточного воздуха в теплицу [13]. Для повышения эффективности работы гелионагревательной системы тепловлажностной обработки воздуха в теплицах разработан комбинированный солнечный коллектор (КСК), который одновременно нагревает воды и атмосферного приточного воздуха. Экспериментальные исследования показали превышение КПД комбинированного солнечного коллектора в режиме нагрева «вода+воздух» по сравнению с аналогичными водяными и воздушными коллекторами. Среднесуточный КПД КСК в режиме нагрева воздуха составил  $\bar{\eta} = 0,28$ , а в режиме нагрева воды -  $\bar{\eta} = 0,33$ . Среднесуточный КПД разработанного КСК в режиме нагрева «вода+воздух» составляет  $\bar{\eta}_{cp}^{КСК} = 0,45$ . Экспериментальные исследования показали, что среднесуточный КПД КСК составляет  $\bar{\eta}_{сут} = 0,45$ , т.е. больше на 35 % по сравнению аналогично воздушным, больше на 26,6 % по сравнению аналогичным водяным солнечным коллектором. Предложенная система ТВОВ с гелионагревательной установкой позволяет с экономить традиционной энергии на нагревании, охлаждения воздуха и снизить расход воды на увлажнении.

Создана экспериментальная солнечная установка для термической переработки твердых бытовых отходов, которая изготовлена из полуцилиндра с основанием в виде прямоугольного параллелепипеда, с размерами: длина 1,2 м, ширина 1 и высота 1м. Рабочий объем реактора составляет 1,2 м<sup>3</sup> [14,15,16,17]. Выполненный на экспериментальной солнечной установке исследований анаэробной ферментации ТБО подтвердил возможность получения свалочного газа и высококачественных биоудобрений. На основе проведенных исследований, установлено что, при средней температуре нагрева 50-55 °С получено 200-250 м<sup>3</sup> свалочного газа из одной тонны бытовых отходов. На техническую новизну разработанной солнечной установки для термической переработки ТБО получен патент «Устройство для термической переработки твердых бытовых отходов» № FAP 01557 // 28.10.2020 г. (авторы: Узакон Г.Н., Тошмаматов Б.М. и др.).

#### **Выводы.**

1. Предложенные энергоустановки на основе ВИЭ являются исключительно важными и эффективными для систем автономного энергоснабжения сельских объектов, удаленных от систем централизованного энергоснабжения.
2. Комбинированные системы энергоснабжения на базе ВИЭ обеспечивают бесперебойную работу и стабильность системы энергоснабжения локальных потребителей.



3. Альтернативные топлива, которые получены методами пиролиза являются биотопливом второго поколения и, следовательно, целесообразно продолжать исследования и разработки в этом направлении.

4. Комбинированный солнечный коллектор для систем тепловлажностной обработки воздуха в теплицах обеспечивает необходимый температурный и влажностной режим в теплицах в течение сезона и снизить энергоёмкость технологических процессов отопления, вентиляции и увлажнения.

5. Совместное использование теплового насоса и солнечного коллектора для одновременной сушки и хранения плодоовощных продуктов в биоэнергетическом комплексе «сушилка-холодильник» позволяет снизить затраты энергии на 2,0÷2,5 раза.

### СПИСОК ИСПОЛЬЗОВАННЫХ ИСТОЧНИКОВ

1. Постановление Президента Республики Узбекистан от 26 мая 2017 года №ПП-3012 “О программе мер по дальнейшему развитию возобновляемой энергетики, повышению энергоэффективности в отраслях экономики и социальной сфере на 2017-2021 годы”.

2. Указ Президента Республики Узбекистан от 28 января 2022 года №УП-60 «О стратегии развития Нового Узбекистана на 2022-2026 годы».

3. Аллаев К.Р. Современная энергетика и перспективы ее развития. -Т.: - 2021.- с.952.

4. Захидов Р.А. Инновационные технологии в энергетике и освоение возобновляемых источников энергии в Узбекистане //Проблемы информатики и энергетике. - 2014.- №5.- С-56-64.

5. Узаков Г.Н., Раббимов Р.Т., Давлонов Х.А., Узакова Ю.Г. Применение пиролиза биомассы для получения альтернативных топлив. - Ташкент: Фан, 2015. –120 с.

6. Узоқов Ғ.Н., Давлонов Х.А. Гелиоиссиқхоналарнинг энергия тежамкор иситиш тизимлари. - Тошкент: Ворис, 2019. – 140 б.

7. Патент на полезную модель № FAP 20180200 от 26.12.2018. «Устройство для отопления теплицы». Авторы: Узаков Г.Н., Давлонов Х.А. Узакова М.

8. Uzakov G.N., Davlonov Kh.A., Holikov K.N. Study of the Influence of the Source Biomass Moisture Content on Pyrolysis Parameters// Applied Solar Energy, 2018, Vol. 54, No. 6, pp, 481-484. (05.00.00; №4. Scopus CiteScore 2018, IF:0.9).

9. Узаков Г.Н., Хужакулов С.М. Применение возобновляемых видов энергии в плодоовощехранилищах. – Ташкент: Фан ва технологиялар, 2017. – 148 с.

10. Патент на полезную модель № FAP 01259 от 04.12.2014. «Устройства для регенерации адсорбентов». Авторы: Хужакулов С.М., Узаков Г.Н., Юлдашев Ж.Ш.

11. Узаков Г.Н. Хужакулов С.М. Исследование температурных режимов гелиовоздухоподогревательной установки для систем термической регенерации адсорбентов. //Гелиотехника. – №1. 2017. 40-43 с. (05.00.00. №1)

12. Khujakulov S.M., Uzakov G.N., Vardiyashvili A.B. Effectiveness of solar heating systems for the regeneration of adsorbents in recessed fruit and vegetable storages. //Applied Solar Energy. – USA. 2013. – vol.49, № 4. – pp. 257-260. (05.00.00. №4. Scopus CiteScore 2018, IF:0.9).

13. Aliyarova L A, Uzakov G N, Toshmamatov B M 2021 The efficiency of using a combined solar plant for the heat and humidity treatment of air IOP Conf. Series: Earth and Environmental Science. 723052002. doi:10.1088/1755-1315/723/5/052002.

14. Toshmamatov B, Davlonov Kh, Rakhmatov O, Toshboev A 2021 Recycling of municipal solid waste using solar energy IOP Conf. Series: Materials Science and Engineering 1030012165. doi:10.1088/1757-899X/1030/1/012165

15. G N Uzakov, S M Shomuratova and B M Toshmamatov 2021 Study of a solar air heater with a heat exchanger – accumulator IOP Conf. Series: Earth and Environmental Science. 723 (2021) 052013. doi:10.1088/1755-1315/723/5/052013.

16. Узаков Г.Н., Тошмаматов Б.М., Кодиров И.Н. Маматова М., Баратова С.Р. Устройство для термической переработки твердых бытовых отходов. Патент по полезную модель РУз № FAP 01557 // 28.10.2020.

17. Узаков Г.Н., Тошмаматов Б.М., Давлонов Х.А., Хатамов И.А. Солнечная установка для термической переработки твердых бытовых отходов. Патент по полезную модель РУз № FAP 20200171.16.12.2020 г.

**КЕСКИН КОНТИНЕНТАЛ ИҚЛИМ ШАРОИТИДА ҚИШЛОҚ  
НАМУНАВИЙ УЙЛАРИНИНГ ГИБРИД ИССИҚЛИК ТАЪМИНОТИ  
ТИЗИМИНИНГ САМАРАДОРЛИГИ ТАҲЛИЛИ**

*Узоқов Ғулом Норбоевич-техника фанлари доктори, профессор,*

*Давланов Хайрулла Алламуротович -PhD, доцент,*

*Тошмаматов Бобир Мансурович-катта ўқитувчи,*

*Камолов Бекзод Илхомович-таълим докторант.*

*Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти, Қарши шаҳри, Ўзбекистон  
Республикаси.*

Ҳозирги вақтда Республикамизда коммунал-маиший ва ижтимоий объектлар, бино ва иношоотларнинг иссиқлик таъминоти тизимларида анъанавий энергия ресурсларини тежаш, қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланишни ривожлантириш ва иқтисодиёт тармоқларида энергия тежамкор технологияларни жорий этиш муамоларига алоҳида эътибор қаратилмоқда [1].

Соҳа мутахассислари маълумотларига кўра, иссиқ сув таъминоти тизимларида (ИСТ) ва иситиш мавсумида турар-жой биноларини иссиқлик билан таъминлашнинг анъанавий усулларида фойдаланилганда истеъмол қилинадиган анъанавий ёқилғи-энергия ресурслари (табиий газ, кўмир, суюқ ёқилғи, ўтин ва бошқалар) мамлакат умумий энергия балансининг йилига **30-40%** қисмини ташкил қилади. Республикамизда биноларни иситиш учун йиллик энергия сарфи юқори бўлиб, ўртача **350-400 килловатт·соат/м<sup>2</sup>**, яъни **1 м<sup>2</sup>** майдонни иситиш учун энергия сарфи деярли бир хил иқлимли дунёнинг ривожланган мамлакатларига нисбатан 2,5-3,0 баробар кўп. Яъни, Ўзбекистонда бир йилда ишлаб чиқариладиган бирламчи энергиянинг 40 фоизи мавжуд биноларни иситишга сарф бўлади [2,3].

Шуни таъкидлаш керакки, анъанавий иссиқлик таъминоти тизимларининг ишлаши катта термодинамик йўқотишларни келтириб чиқаради, натижада органик ёқилғининг кимёвий энергиясидан фойдаланишда бутун тизимнинг эксергетик самарадорлигини пасайишига олиб келади. Анъанавий иссиқлик таъминоти тизимлари ишини таҳлил натижалари шуни кўрсатадики, тизимнинг эксергетик самарадорлигининг ўртача қиймати, эксергетик ФИКи 50-60% ни ташкил қилади.. Бундан ташқари, қишлоқ ва тоғли ҳудудлардаги марказлашган электр ва иссиқлик таъминоти тизимларидан узоқда жойлашган қишлоқ уйларини анъанавий ёқилғи (табиий газ, кўмир ва бошқалар)лар билан узлуксиз таъминлаш муаммолари мавжуд.

Ҳозирги вақтда, анъанавий органик ёқилғида ишлайдиган иситиш тизимининг энергия самарадорлигининг пастлиги, транспорт харажатларининг юқорилиги, экологик барқарорликнинг кескинлашуви ва анъанавий табиий ёқилғи захираларининг камайиб бориши туфайли муқобил иссиқлик таъминоти тизимларини ишлаб чиқиш зарурияти юзага келмоқда. Анъанавий иссиқлик таъминоти тизимларининг энергия тежамкор муқобил вариантларидан бири қайта тикланадиган энергия манбалари (куёш, геотермал энергия, иссиқлик насослари ёрдамида паст потенциал иссиқликдан фойдаланиш) асосида гибрид иссиқлик

таъминоти тизимларидир. Гибрид иссиқлик таъминоти тизимлари шундай тизимлар ҳисобланадики, унда иссиқлик биргаликда бир неча энергия манбаларидан фойдаланишга асосланган ҳолда ҳосил бўлади. Бундай тизимлар анъанавий энергия манбаларини: табиий газ, суюқ, қаттиқ органик ёқилғилар ва электр энергиясини тежалишини таъминловчи энергия тежамкор ва экологик тоза технологиялардир [4].


Дунёда гибрид иссиқлик таъминоти тизимлари соҳасида муайян ютуқларга эришилган, анъанавий ва қайта тикланадиган энергия манбалари (ҚТЭМ) комбинацияси асосида иссиқлик таъминоти тизимлари самарадорлигини ошириш бўйича илмий ишланмалар таклиф қилинган. Бироқ маҳаллий истеъмолчилар учун гибрид иссиқлик таъминоти тизимлари Ўзбекистонда, айниқса, қайта тикланадиган энергия ресурслари ва ҳудуднинг иқлим омилларини ҳисобга олган ҳолда рационал схемалари асосланмаганлиги туфайли қишлоқ уйларининг автоном иссиқлик таъминоти учун амалда қўлланилмай келмоқда.

Гибрид иссиқлик таъминоти тизимлари Европада, биринчи навбатда, Европа Иттифоқи (ЕИ) мамлакатларида кенг қўлланилмоқда. Иссиқлик таъминотининг энергия самарадорлигини ошириш мақсадида қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш бўйича қабул қилинган қатор дастур ва меъёрий ҳужжатлар гибрид иссиқлик таъминоти тизимларининг ривожланишига хизмат қилмоқда. Масалан, Полшада меҳмонхона мажмуасининг гибрид иссиқ сув таъминоти тизими (ИТТ) ишлаб чиқилган.

Варшава табиий Фанлар университети (SGGW) ва Lublin технология университети олимлари ташқи тармоқ электр энергияси, қуёш ва геотермал энергия манбалари ва газ қозонидан биргаликда фойдаланган ҳолда гибрид иссиқ сув таъминоти тизимини ишлаб чиқишган. Сўнгги йилларда Россия ва Германияда гибрид иситиш тизимлари ишлаб чиқилган бўлиб, иссиқлик энергиясини ҳосил қилувчи битта агрегат икки ёки ундан ортиқ энергия ташувчиларнинг адаптив режимида ишлайди. Мутахассислар ва олимлар қозон-қуёш коллектори, қозон-рекуператив вентиляция, қозон-иссиқлик насоси каби конструкцияларини яратдилар. Viessmann компанияси асосий қурилмаларни (конденсацион қозонхоналар, иссиқлик насослари, қуёш коллекторлари, биогаз қурилмалари ва бошқаларни.) ишлаб чиқаради ва уларни гибрид тизимларга киритиш мумкин [5].

ҚТЭМ асосидаги комбинациялашган (гибрид) иссиқлик таъминоти тизимлари Амерханов Р.А., Виссарионов В.И., Безруких П.П., Стребков Д.С., Попель О.П., Елистратов В.В., Бутузов В.А., Тарнижевский Б.В., Томаров Г.В., Харченко В.В., Юдаев И.В., Агеев В.А. Л.М., Cataldi R., Jung J.W. ва бошқалар томонидан ўрганилган [6].


Бутузов В. А. томонидан гибрид иссиқлик таъминоти тизими схемаси ( қуёш коллектори+қозон қурилмаси) таклиф қилинган [7] бўлиб, унинг технологик схемаси 1-расмда кўрсатилган.



**1-расм. Гибрид иссиқлик таъминоти тизими схемаси.**

*1-қуёш коллектори, 2-насос, 3-иссиқлик алмашинув қурилмаси, 4,5- мембранали бак.*


Бекман У., Клейн С., Даффи Дж. томонидан [8] ишлаб чиқариш қуввати 500÷1000 л/сутка бўлган гибрид иссиқлик таъминоти тизими ишлаб чиқилган (2-расм) .



**2-расм. Гибрид иссиқлик таъминоти тизими схемаси.**

*1-қуёш коллектори, 2-аккумулятор бак, 3-кенгайиш баки, 4-иситиш қозони, 5-совуқ сув қувури, 6-автоном истеъмолчи.*

Кирпичникова И.М. ва Ерошенко А.В. томонидан қуёш коллекторли гибрид иссиқлик ва иссиқ сув таъминоти тизими схемаси таклиф қилинган [9] (3-расм).




**3-расм. Қуёш коллекторли гибрид иссиқлик ва иссиқ сув таъминоти тизими схемаси.**



*1-қуёш коллектори, 2-аккумулятор баки, 3-иссиқлик алмашинув қурилмаси, 4-бино, 5-калорифер, 6-дублёр иситиш тизими, 7-электр қиздиоғич, 8- циркуляция насоси, 9-вентилятор.*

Юқорида келтирилган гибрид иссиқлик таъминоти тизимлари кўпроқ қуёш энергияси қувватига боғлиқ бўлиб, булутли ва кечги режимларда анъанавий ёқилғилар сарфланишига сабаб бўлади ҳамда ушбу тизимлар кескин континентал иқлим шароитларига мослаштирилмаган.

Муаллифлар томонидан ҚТЭМ асосидаги қишлоқ намунавий уйлариининг гибрид (биогаз қозони+иссиқлик насосли қурилма (ИНҚ)+вакуум трубкали қуёш коллектори) иссиқлик таъминоти тизимининг схемаси таклиф қилинган (4-расм).



**4-расм. ҚТЭМ асосидаги қишлоқ намунавий уйлариининг гибрид иссиқлик таъминоти тизими схемаси.**

*1-биогаз қозони, 2-биогаз қурилмаси (БГҚ), 3-иссиқлик алмашинув қурилмаси, 4-вакуум трубкали қуёш коллектори, 5-задвижка, 6,7-ИНҚ, 8- аккумулятор баки, 9-газгольдер, 10-циркуляция насоси.*

Таклиф қилинган ҚТЭМ асосидаги қишлоқ намунавий уйлариининг гибрид (биогаз қозони+иссиқлик насосли қурилма (ИНҚ)+қуёш коллектори) иссиқлик таъминоти тизими 4-контурдан иборат.

1-контур: биогаз қозони 1, задвижкалар 5, газгольдер 9 ва биогаз қурилмаси 2 дан иборат;

2-контур: қуёш коллектори 4, аккумулятор баки 8, иссиқлик алмашинув қурилмаси 3 ва задвижкалар 5 дан иборат.

3-контур: тупроқ ости иссиқлик манбаи, ИНҚ 7 ва задвижкалар 5 дан иборат;

4-контур: канализация қудуғи, ИНҚ 6 ва задвижкалар 5 дан иборат.

ҚТЭМ асосидаги қишлоқ намунавий уйлариининг гибрид (биогаз қозони+иссиқлик насосли қурилма (ИНҚ)+қуёш коллектори) иссиқлик таъминоти тизими кундузги ва кечки режимларда ишлайди.

**Кундузги режим:** 2 ва 4 контурлар тизимга уланади ҳамда 1 ва 3 контурлар тизимдан узиб қўйилади.

Қуёш энергияси таъсирида вакуум трубкали қуёш коллектори 4 да қайнаган ишчи жисм (фрион) аккумулятор баки 8да сувни қайнаш ҳароратигача қиздиради

ва қайнаган сув табиий конвекция асосида иссиқлик алмашинув қурилмаси 3 даги ишчи жисмга иссиқлигини бериб тизимга қайтади. Циркуляция насоси 10 ёрдамида автоном истеъмолчидан қайтиш қувури орқали ҳаракатланаётган  $35\div 45^{\circ}\text{C}$  ли сув задвижка 5 орқали иссиқлик алмашиниш қурилмасига боради ва иссиқлик алмашинув ҳисобига ҳарорати  $80^{\circ}\text{C}$  га кўтарилиб, задвижка 5 орқали автоном истеъмолчига боради. Тизимга қўшимча равишда 4 контур уланган бўлиб, циркуляция насоси 10 ёрдамида автоном истеъмолчидан қайтиш қувури орқали ҳаракатланаётган  $35\div 45^{\circ}\text{C}$  ли сув задвижка 5 орқали ИНҚ 6 га йўналтирилади ва сув  $80^{\circ}\text{C}$  гача қизиб, тизимга задвижка 5 орқали қайтади. ИНҚ 6 бир томони канализация қудуғига уланган бўлиб, канализация қудуғида иссиқлик  $35\div 45^{\circ}\text{C}$  ни ташкил қилади.

**Кечги режим:** 1 ва 3 контурлар тизимга уланади ҳамда 2 ва 4 контурлар тизимдан узиб қўйилади.

Циркуляция насоси 10 ёрдамида автоном истеъмолчидан қайтиш қувури орқали ҳаракатланаётган  $35\div 45^{\circ}\text{C}$  ли сув задвижка 5 орқали биогаз қозони 1 га йўналтирилади. БГҚ 2 га юкланган маҳаллий биомасса хом-ашёси қуёш энергияси таъсирида бижғиши натижасида ажралиб чиқган биогаз газгольдер 9 йиғилади ва биогаз қозонида ёқиши натижасида ажралган иссиқлик таъсирида сувни  $95^{\circ}\text{C}$  гача қиздириб 5 задвижка орқали истеъмолчига юборилади.  $35\div 45^{\circ}\text{C}$  ли сув задвижка 5 орқали ИНҚ 7 га йўналтирилади ва сув  $65^{\circ}\text{C}$  гача қизиб, тизимга задвижка 5 орқали қайтади. ИНҚ 7 бир томони тупроқ ости иссиқлик манбаига уланган бўлиб, бунда иссиқлик  $20\div 24^{\circ}\text{C}$  ни ташкил қилади.

Натижада, қишлоқ намунавий уйлари кескин континентал иқлим шароитида ҳам ҚТЭМ асосида узлуксиз иссиқлик таъминоти тизими билан таъминланади.

Дастлабки олиб борилган тадқиқотлар ва ҳисоблар натижалари шуни кўрсатадики, таклиф қилинган гибрид тизимни қўлланилиши натижасида иситиш мавсуми давомида  $30\div 40\%$  гача бирламчи энергияни тежаш имконини беради.

### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 28.01.2022 йилдаги “2022 — 2026 йилларга мўлжалланган янги ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон Фармони.
2. Аллаев К.Р. Современная энергетика и перспективы ее развития. Под общей редакцией академика Салимова А.У. –Т.: “Fan va texnologiyalar nashriyot-matbaa uyi”, 2021. 952 стр.
3. Zakhidov R.A., Tajiyev U.A., Kiseleva E.I., Saliev G.S., Gorobtsov S.I. On the Possibility of Sustainable Energy and Water Supply of Low-Rise Residential Buildings Located in Areas with an Arid Climate using Combined Wind and Solar Photovoltaic Power Complexes of Low Power. Applied Solar Energy (English translation of Geliotekhnika) this link is disabled, 2022, 58(1), pp. 159–164
4. Uzakov G., Khamraev S., Khuzhakulov S. Rural house heat supply system based on solar energy. IOP Conference Series: Materials Science and Engineering, 2021, 1030(1), 012167.

5. Yao J., Liu W., Zhang L., Tian B., Huang M.. Performance analysis of a residential heating system using borehole heat exchanger coupled with solar assisted PV/T heat pump. *Renewable Energy*.160 (2020) 160-175.

6. Kutlu C., Zhang Y., Elmer Th., Su Y., Riffat S.. A simulation study on performance improvement of solar assisted heat pump hot water system by novel controllable crystallization of supercooled PCMs. *Renewable Energy*.152 (2020) 601-612

7. Ran S., Li X., Xu W., Wang B.. A solar-air hybrid source heat pump for space heating and domestic hot water. *Solar Energy*.199 (2020) 347-359.

8. Бекман У., Клейн С., Даффи Дж. Расчет систем солнечного теплоснабжения. — М.: Энергоиздат, 1982. — 80 с.


9. Подольян Л.А., Энергоэффективное жилых зданий нового поколения. Автореферат дисс.к.т.н. 2005.- ст. 8-9.

## ҚУЁШ ҲОВУЗИ ҚУРИЛМАСИНИНГ ЮҚОРИ КОНВЕКТИВ ЗОНАСИ ИССИҚЛИК САМАРАДОРЛИГИНИ ҲИСОБЛАШ

Н.С. Элмуродов

Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти, таянч докторант

Қуёш ҳовузининг ишлаши асосан қуёш ҳовузига киритилган қуёш энергияси миқдори ва ҳовуздан иссиқлик йўқотилиши миқдорига боғлиқ. Қуёш энергияси тушаётган қуёш радиациясидан олинди ва қуёш ҳовузи томонидан фойдали иссиқликка айлантирилади. Қуёш ҳовузига кириб борадиган қуёш нурланиши чуқурлашган сари парчаланиб боради ва унинг нурланиш энергияси ҳовуз қатламлари томонидан ютилади. Қуёш нурлари сув юзасига тушганда, қуёш нурларининг бир қисми осмонга қайтади. Қуёш нурланишининг узун тўлқин узунликдаги нурлари асосан юқори конвектив зона томонидан, қисқа тўлқин узунликдаги нурлари пастки конвектив зона томонидан ютилади.



### 1-расм. Қуёш нурланишининг қайтиши ва синиши

Қуёш ҳовузининг юзасига тушадиган нурланиш оқимини ва ҳовузда ютиладиган нурланиш оқимини ҳисоблаш учун инглиз олимлари Брент ва Солбеск томонидан таклиф қилинган формуладан фойдаланиш мумкин [1].

$$\frac{Q_x}{Q_o} = \left\{ 0,36 - 0,08 \ln \left( \frac{x}{\cos \alpha_r} \right) \right\} \quad (1)$$

Бу ерда  $Q_o$  горизантал юзадаги инсоляция, Вт/м<sup>2</sup>;  $Q_x$  эса  $x$ , чуқурликка тушадиган нурланиш оқими.  $\alpha_r$  - ҳовузга тушадиган нурланишнинг синиш бурчаги[1].

Қуёш нурланишининг бундай синиши ҳаво-сув интерфейси учун қуйидагича бўлиши мумкин [2]:


$$\frac{\sin \alpha_i}{\sin \alpha_r} = \frac{n_r}{n} = 1,333 \quad (2)$$

Бу ерда  $n$  - ҳаво синдириш кўрсаткичи,  $n_r$  - сув синдириш кўрсаткичи,  $\alpha_i$  - нормал горизантал текисликка нурланишнинг туғридан-туғри тушиш бурчаги.

Қуёш нури сувнинг шаффофлиги ва тиниклигига қараб сувда бир неча метр чуқурроқ тарқалади. Шунинг учун сувни тоза сақлаш зарур.

Қуёш ҳовузининг ўрта қатлами иссиқлик изолятори вазифасини бажаради ва пастки қатламда йиғилган энергия йўқотилишини олдини олади. Қуёш ҳовузининг фойдалилиги унинг иссиқлик энергиясини сақлаш ҳажмига ва қурилиш ҳаражатларига боғлиқ. Шу сабабли унинг иссиқлик балансини аниқ таҳлил қилиш муҳим ҳисобланади. Қуёш ҳовузининг иссиқлик балансини тузиш, ҳовуз зоналари учун математик моделни ишлаб чиқиш орқали ечилади (2-расм).


Ҳар бир қатламга тушадиган энергия миқдори ва қатлам томонидан сўрилган нурланиш энергияси, қатламдан энергия йўқотилиши ва вақт ўтиши билан қатламда энергия тўпланишига тенг. Қуёш ҳовузининг ҳар бир, юқори конвектив қатлами (ЮКЗ), ўрта конвектив бўлмаган қатлами (ЎКЗ) ва пастки конвектив қатламли (ПКЗ) учун моделнинг ҳар бир вақт давомидаги энергия баланси тузилади. Энергияни тежашга асосланган ЮКЗ қатлами учун энергия баланси қуйидагича ифодаланади.



## 2-расм. Қуёш ҳовузининг иссиқлик баланси модели

Қуёш ҳовузининг сиртидан иссиқлик йўқотишлари, қуёш ҳовузининг ишлашига сезиларли даражада таъсир қилади. Иссиқлик йўқотишлари буғланиш, радиация, ўтказувчанлик ва конвекция жараёнлари натижасида кузатилади. Қуёш ҳовузи иссиқлик манбаи бўлсада, унинг сирт ҳарорати атроф-муҳит ҳароратидан 3-5% камроқ эканлиги тадқиқотлар давомида аниқланди [3].

Қуёш ҳовузининг юқори зонасининг иссиқлик ютилиш ва иссиқлик юқотилиш қийматларини 3-расмда қисқача тасвирланган.



## 3-расм. Қуёш ҳовузи юқори зонасининг иссиқлик баланси

Қуёш ҳовузининг юқори зонасида иссиқлик қуёш нурланиши ва пастки зонадан иссиқлик берилиши ҳисобига ютилади, лекин бу иссиқликнинг маълум қисми юқорида айтиб ўтилган 4 та жараён орқали йўқотилади.

Қуёш ҳовузи юқори зонасининг иссиқлик баланси тенгламасини математик тарзда қуйидагича ифодалаш мумкин.

$$Q_{ю} = Q_{нур} + Q_{конд} - Q_{буғ} - Q_{ум} - Q_{ўтк} \quad (3)$$

Бу ерда;  $Q_{нур}$  - юқори зонада қуёш нурланишининг ютилган иссиқлиги [Вт],  $Q_{конд}$  - пастки қатламдан олинган иссиқлик [Вт],  $Q_{буғ}$  - буғланиш орқали иссиқлик йўқотилиши [Вт],  $Q_{ум}$  - қуёш ҳовузи суви юзасидан атроф-муҳитга умумий иссиқлик юқотилиши [Вт],  $Q_{ўтк}$  - ён девордан иссиқлик йўқотилиши [Вт].

Қуёш ҳовузининг юқори зонаси юзасига тушадиган қуёш энергияси

$$Q_{нур} = \alpha \tau A_{юкз} q_{нур} \quad (4)$$

бу ерда:  $\alpha, \tau$  - қуёш ҳовузи юқори зонаси тиниқ юзасининг нур ўтказиш ва ютиш коэффициентлари;  $A_{юкз}$  - қуёш ҳовузи юқори қатлами юзаси, [м<sup>2</sup>];  $q_{нур}$  - қуёш радиациясининг интенсивлиги, Вт/м<sup>2</sup>.

Қуёш ҳовузининг пастки қатламдан олинган иссиқлик энергияси

$$Q_{конд} = \frac{\lambda_{юкз} \cdot A_{юкз}}{L_{юкз}} (T_{юкз} - T_{юкз}) \quad (5)$$

Бу ерда  $T_{юкз}$  - қуёш ҳовузи ўрта қатлами ҳарорати [°C],  $T_{юкз}$  - юқори қатлам ҳарорати [°C],  $\lambda_{юкз}$  - юқори қатламнинг ўртача иссиқлик ўтказувчанлик



коэффициенты  $[Вт/м \cdot К]$ ,  $A_{юкз}$  - қуёш ҳовузи ўрта қатлами юзаси  $[м^2]$ ,  $L_{юкз}$  - юқори қатлам қалинлиги  $[м]$ .

Қуёш ҳовузининг юзасидан буғланиш орқали иссиқлик йўқотилишида бошқа иссиқлик йўқотилишларига нисбатан кўп микдорда иссиқлик йўқотилиши кузатилади.

Германия муҳандислари ассоциацияси VDI 2089 стандарт формуласига кўра қуёш ҳовузининг юқори қатламининг умумий юзасидан буғланиш орқали иссиқлик йўқотиш қуйидагига тенг [4].

$$Q_{буг} = W \cdot r = \varepsilon A (P_{мб} - P_{\sigma}) \cdot r \quad (6)$$

Бу ерда;  $A$  - қуёш ҳовузи юқори қатлам сувининг сирт майдони,  $м^2$ ;  $P_{мб}$  - ҳовуздаги сув ҳароратида тўйинган ҳавонинг сув буғлари босими, Па;  $P_{\sigma}$  - атроф-муҳит ҳарорати ва ҳаво намлигидаги сув буғининг парциал босими, Па;  $\varepsilon$  - эмпирик коэффициент,  $\varepsilon = 5$  (г/м<sup>2</sup> соат бар);  $r$  - берилган ҳароратда сувнинг буғ ҳосил булиш иссиқлиги, кЖ/кг [4].

Қуёш ҳовузининг юқори қатлами юзаси сиртидан атроф-муҳитга конвектив ва радиация орқали умумий иссиқлик юқотилиш энергиясини қуйидаги формуладан ҳисоблаш мумкин.

$$Q_{ум} = (\alpha_{кон} + \alpha_{нур}) A_{юкз} \cdot (T_{юкз} + T_a) \quad (7)$$

Бу ерда  $\alpha_{кон}$  - конвектив иссиқлик узатиш коэффициенти  $[Вт/м \cdot К]$ ,  $\alpha_{нур}$  - қуёш нурланишида сувнинг иссиқлик узатиш коэффициенти  $[Вт/м \cdot К]$ ,  $T_a$  - атроф-муҳит ҳарорати  $[°C]$ .

Конвектив иссиқлик узатиш коэффициентини ҳисоблашда McAdams[5] томонидан берилган тенгламадан фойдаланиш мумкин;

$$\alpha = 5.7 + 3.8w_{хаво} \quad (8)$$

$w_{хаво}$  - қуёш ҳовузи сув сатҳи устидаги ҳаво ҳаракатининг тезлиги;

Қуёш ҳовузи юқори қатламининг энергия балансини ҳисоблашда юқори қатлам ён деворларидан иссиқлик юқотилиши муҳим ҳисобланади. Уни қуйидаги формула орқали ҳисоблаш мумкин.

$$Q_{утк} = \frac{A_{дев}}{R} (T_{юкз} - T_a) \quad (9)$$

Бу ерда  $A_{дев}$  - қуёш ҳовузи юқори қатлами ён деворининг юзаси  $[м^2]$ ,  $R$  - Қуёш ҳовузи деворининг термик қаршилиги  $[м^2 \cdot °C]$ .

Термодинамиканинг биринчи қонунини ҳисобга олган ҳолда, қуёш ҳовузи юқори зонасининг иссиқлик самарадорлигини қуйидагича ифодалаш мумкин.

$$\eta_{юкз} = \frac{Q_{ю}}{Q_{кир}} \quad (10)$$

Юқори конвектив зонада сақланадиган иссиқликни қуйидаги кўринишда ҳисоблаш мумкин.

$$Q_{ю} = Q_{кир} + Q_{чик} = (Q_{нур} + Q_{конд}) - (Q_{буг} + Q_{ум} + Q_{утк}) \quad (11)$$

Энди, (10) тенгламани юқори конвектив зона учун (11) тенгламага қўйиб, ЮКЗ энергия самарадорлигини қуйидаги эмперик формуладан ҳисоблаш мумкин.

$$\eta_{\text{юкз}} = 1 - \frac{Q_{\text{нур}} + Q_{\text{конд}}}{Q_{\text{буз}} + Q_{\text{ум}} + Q_{\text{утк}}} \quad (12)$$

Олиб борилган назарий ва амалий тадқиқот натижалари таҳлилидан қуйидаги ҳуласалар келтирилди:

Қуёш ҳовузиларнинг иш фаолиятини ишончли, реал ва илмий баҳолаш учун термодинамик самарадорликни чуқур таҳлил қилиш, шу жумладан энергетик ва эксергетик ёндашувни ўтказиш керак.

Қуёш ҳовузлири, айниқса қишлоқ жойларида электр энергиясини сарфламасдан иссиқлик олиш жараёнини амалга ошириш учун қулай.

Қуёш ҳовузлири самарадорлигини ҳисоблашда сувнинг лойқалиги муҳим параметр бўлиб, лойқалик даражасининг ошиши билан ҳовуз самарадорлиги пасаяди.

### Фойдаланилган адабиётлар

1. Bryant, H. & Colbeck, I. (1977) A solar pond for London? Solar Energy, 19(3), 321- 322.
2. Jaefarzadeh, M. R. (2004) Thermal behavior of a small salinity-gradient solar pond with wall shading effect. Solar Energy, 77(3), 281-290.
3. Uzakov G. N., Elmurodov N. S., Davlonov X. A. Experimental study of the temperature regime of the solar pond in the climatic conditions of the south of Uzbekistan //IOP Conference Series: Earth and Environmental Science. – IOP Publishing, 2022. – Т. 1070. – №. 1. – С. 012026.
4. Элмуродов Н. С. и др. СУЗИШ БАССЕЙНЛАРИНИНГ ЭНЕРГИЯ БАЛАНСИ ТАҲЛИЛИ //Иновацион технологиялар. – 2022. – Т. 3. – №. 3 (47). – С. 21-27.
5. McAdams, W.H. (1954) Heat transmission. 3<sup>rd</sup> edn., Tokyo, Japan: McGraw-Hill Kogakusha, pp. 249.

## ПИКО ГИДРОТУРБИНАЛАРНИ ТАЖРИБА-СИНОВДАН ЎТКАЗИШ МИКРО СТЕНДИ

<sup>1</sup>Бозаров О.О., <sup>2</sup>Усаров Х.

<sup>1</sup>Тошкент давлат техника университети, Тошкент, Ўзбекистон

<sup>2</sup>Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти, Андижон,  
Ўзбекистон


Бугунги кунда гидроэнергетика соҳасида паст босимли сув манбаларидан электр энергияси ишлаб чиқариш қурилмаларини самарадорлигини орттириш ва янги турларини ишлаб чиқиш борасида нафақат Ўзбекистонда, балки бутун жаҳонда кўплаб изланишлар ва тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Бироқ,

Ўрганишлардан маълум бўладики, тадқиқот натижалари асосида ишлаб чиқилган гидротурбинанинг кичик моделини тажриба-синовдан ўтказиш учун тадқиқот стендлари деярли йўқ, мавжудларининг ўлчамлари жуда катта. Стендда ишлатиладиган қўшимча қурилма ва жиҳозлари эскирган. Уларда фақат бир ёки икки турдаги гидротурбинани синовдан ўтказиш мумкин, шунингдек сув босими ва сарфини ўзгартириш имконияти чекланган [1-3]. Бу стендларда тажриба ўтказиш учун гидротурбина конструкциясини тайёрлаш учун кўп маблағ кетади. Шунинг учун тайёрланган турли пико гидротурбиналарнинг тажриба-синов моделини тадқиқ этиш имкониятига эга бўлган стенди яратилди ва унда тажриба ўтказиш методикаси ишлаб чиқилди (1-расм).

Тайёрланган стенд намунаси қуйидагича тузилмага эга: 1 йиғилувчан раманинг юқори асосига алюминли пластмасса доска маҳкамланган, пастки асосидаги стеяжиги 100 литр сифимли сув таъминот 3 резервуари ўрнатилган. 4 насос ёрдамида 18 таъминот трубади орқали сув диаметри  $D_1=100$  мм бўлган 21 трубага ўтади ва бу трубадан диаметрлари кичикроқ бўлган учта А, В, С йўналишга тармоқланади. Бу тармоқларнинг ҳар бирида ундан оқиб ўтган сув сарфини ҳисоблаш 7 сечтиги ва 1 атм. гача босимини кўрсатувчи 6 манометрлар ўрнатилган.

“А” тармоқдаги сув 3 хил диаметрдаги трубаларга тармоқланади ва ҳар бирида 8 сув сарфини бошқариш учун кранниклар қўйилган ва улардан чиқувчи сув оқимлари яна бирлашади. Бирлаштирилган сув трубади узунлиги 5-6 труба диаметрига тенг узунликда бўлиб, гидротурбинага сув киришидаги босимини ўлчаш учун унга ҳам алоҳида 9 манометр ўрнатилган. “В” тармоқда эса 2 та турли диаметрли труба ўрнатилган бўлиб, унда ҳам 9 манометр ўрнатилган. Бу иккала тармоқда реактив турдаги гидротурбиналарни синовдан ўтказиш кўзда тутилган. “С” тармоқ актив турдаги, Пельтон, Чархпалак типидagi ишчи ғилдиракларни тажриба-синовдан ўтказишга мўлжалланган бўлиб, унда сув сарфини ўлчовчи 7 ҳисоблагич ва сув босимини аниқлаш мақсадида 9 манометр ўрнатилган. Уччала тармоқ охирида гидротурбинани махсус герметик улаш жойи мосламаси маҳкамланган.

10 гидротурбинадан ўтган сув оқими пастки 3 резервуарга қайтиб тушади ва яна насос орқали гидротурбинага узлуксиз узатилади. Гидротурбинанинг айланма ҳаракати 11 шкифлар орқали 12 генераторга узатилади. Генератордан чиқувчи уч фазали ток ҳар бир фаза учун ўрнатилган 13 рақамли амперметр ва вольтметрлар орқали автомат калитга ўтган, сўнг 16 истеъмол розеткасига уланган.



**1-Расм. Пико гидротурбина моделларини тажриба-синовдан ўтказиш стенди**

Сув тортиш насоси двигателига турли частоталар бериш орқали сув сарфи ва босимини кенг диапазонда ўзгартириш имкониятини ҳсил қилиш учун 3 кВт қувватгача ишлайдиган 16 частота ўзгартиргичдан фойдаланилди. Частота ўзгариш диапазони 0 дан 5000 айл./мин ни ташкил этди. Бундан ташқари, сув босими ва сарфини ўзгартириш имкониятини кенгайтириш мақсадида 5 кранник орқали сув оқимининг насос олдидаги циркуляцияси ҳосил қилинди.



**2-расм. Пико гидротурбина моделларини тажриба-синовдан ўтказиш учун тайёрланган стенд**

Тайёрланган стенда соплולי реактив гидротурбина, Жонвал-Геншель типигаги гидротурбина ва Каплан типигаги гидротурбиналарда тажриба ўтказилди.

Тажриба ўтказишда тармоқларда гидротурбина моделидаги сув босими  $P_A$ ,  $P_B$ ,  $P_C$  манометрлар ёрдамида аниқланиб, сув сарфи 3 идишдаги градиуровкаланган шкала орқали, ишчи ғилдиракнинг айланиш частотаси тахометр ёрдамида аниқланди.

Бунда гидротурбина ва стендаги трубаларнинг ўлчамлари кичиклиги сабабли уюрмали ҳаракат ва жойлардаги қаршилиқлар эвазига ортиқча юзага келадиган энергия йўқолишини эътиборга олувчи тузатмалар киритилди.

#### Хулоса:

Ушбу ишлаб чиқилган тажриба-синов стени мавжудларига нисбатан жуда ҳам арзон бўлиб, турли типдаги гидротурбинанинг кичик моделини тайёрлаб уни 1-15 литр/с ораликдаги сув сарфи ва 2 атм. босимгача бўлган ихтиёрий босимда тажрибадан ўтказиш мумкин. Ўхшашлик теоремалари асосида тажриба моделидаги гидротурбинанинг катта ўлчамдаги прототипини тайрлаш шунингдек, стендан гидродинамика қонунларини ўзлаштиришда, гидроэнергетика, гидравлика ва жойлардаги қаршилиқларни ўрганишда лаборатория шароитида кенг қўламда фойдаланиши мумкин.

#### Адабиётлар

1. [V. Obretenov](https://www.researchgate.net/publication/267510438), T. Tsalov, Stand for Testing of Hydrokinetic Turbines. <https://www.researchgate.net/publication/267510438>.
2. R. Pokhrel, B. Bhandari, Testing and development of pico hydro turbines, International Journal on Hydropower and Dams January 2005 <https://www.researchgate.net/publication/285685947>
3. S. Arad, L. Samoila, I. Sardaroiu, Laboratory stand with micro hydro generator, Annals of the University of Petrosani, Electrical Engineering, 22 (2020). <https://www.upet.ro/annals/electrical/doc/2020/L13%/20Arad%20Susana.pdf>

## АНАЛИЗ СОВРЕМЕННОГО СОСТОЯНИЯ ПИРОЛИЗНЫХ УСТАНОВОК

**Ҳатамов И.А.**

*Старший преподаватель, Каршинский инженерно-экономический институт*

**Каримова Н.М.**

*магистр, Каршинский инженерно-экономический институт*

При быстром росте населения планеты и развитии технологий потребность в энергии также резко возрастает а энергетические ресурсы природного топлива сокращаются. Биомасса в основном состоит из углеводов соединений (целлюлозы, гемицеллюлозы, лигнина и небольшого количества других органических веществ), которые идентифицируются как элементы углерода, водорода и кислорода и обладают большим запасом энергии [1, 2].

В результате пиролиза биомассы получают такие вещества, как бионефть, пиролизное масло, биотопливо, пиролизное масло [3, 4], которые в основном имеют черно-бурую окраску [4-6]. Бионефть содержит более сотни органических соединений, в том числе алканы, ароматические углеводороды, фенолы и кетоны,



эфиры, простые эфиры, сахара, амины и спирты [7, 8]. Бионефть производится методом высокотемпературного пиролиза в бескислородной среде. В таблице 1 перечислены несколько видов использования биомассы в производстве бионефти и виды используемой в них биомассы. Также в данной статье представлена характеристика биомассы, анализ типов реакторов для быстрого и медленного пиролиза.

**Характеристика биомассы.** Для достижения высокого выхода биотоплива при быстром пиролизе необходимо приготовить твердый продукт биомассы таким образом, чтобы скорость теплообмена в этой массе была высокой. Известно, что наиболее распространенными продуктами для производства продуктов пиролиза являются надземная биомасса, то есть рапс, подсолнечник и травяные остатки, пшеница, хлопчатник и стебли кукурузы [9-11]. Элементный состав (С, Н, О, N, S), зольность, влажность и высокая теплота сгорания свидетельствуют о высокой важности биомассы.

Таблица №1

Тип биомассы	Тип реактора	Температура, °С	Биотопливо, %
Виноградный кунжут	Реактор с неподвижным слоем	550	27,6
Твердая и мягкая сосна	Вакуумный пиролизный реактор	450	55
Муниципальные, животноводческие и древесные отходы	Реактор с абстрактным псевдооживленным слоем с внутренней циркуляцией	500	39,7
Спаржа	Реактор с неподвижным слоем	550	27,3
Картофельная кожура	Реактор с неподвижным слоем	550	24,8
Рисовой шелухи	Абстрактный реактор с псевдооживленным слоем	450	60
Отходы сахарного тростника	Трубчатый нагревательный реактор	475	56
Древесная стружка	Циклонный реактор	650	74


## Виды биомассы

**Предварительная обработка биомассы.** Согласно Куня и др. [12], обработка биомассы перед ее преобразованием в биотопливо обеспечивает получение продукта высокого качества. Процесс гидролиза осуществляют обработкой в кислой среде при температуре 25 или 122 °С при атмосферном давлении в течение 1 часа. Фактически количество кислорода снижается за счет частичного удаления кислородсодержащих соединений при кислотной обработке [13].

**Размер частиц продукта.** Размер частиц смеси биомассы оказывает существенное влияние на скорость нагрева твердого топлива и является важным параметром, регулирующим скорость при сушке и первичном пиролизе [14]. В работах указывается, что очень крупные частицы исходного продукта имеют наименьший выход жидкости при пиролизе. Например, в эксперименте, проведенном Ник-Азаром и др. [14], при увеличении размера частиц с 53-63 мм до 270-500 мм было определено, что максимальный выход биотоплива уменьшился с 53% до 38%.

**Типы реакторов.** В предыдущих работах биотопливо получали каталитическим крекингом в кипящем слое [15], винтовом реакторе [16], реакторе с неподвижным слоем [5], барботажном кипящем слое [17], реакторе со слоем [17] и т. д. [16, 17].

**Быстрый пиролиз.** Быстрый пиролиз биомассы считается новым и наиболее эффективным способом преобразования биомассы в жидкое топливо, благодаря которому достигается быстрое термическое разложение органических соединений в бескислородной среде с получением жидких, угольных и газообразных продуктов. Необходимые условия быстрого пиролиза следующие: продукт достаточно сухой (влажность менее 10%), частицы очень мелкие (менее 3 мм), время пребывания в реакторе очень короткое (0,5-2 с. ), высокая температура (400-500 °С). Продукты, получаемые быстрым пиролизом: биожидкость 60-70%, уголь 12-15% и газ 13-25%. Это очень удобный процесс, который можно проводить при атмосферном давлении и высокой температуре. Принципиальная схема абстрактной реакторной системы с псевдооживленным слоем для быстрого пиролиза биомассы показана на рис. 1. Он может включать блок перекачки газа, нагреватель газа, абстрактный реактор с псевдооживленным слоем, конденсатор, фильтры, расходомер и блок сбора газа.



**Рисунок 1. Система быстрого пиролиза.**

**Абстрактный кипящий слой с пузырьками.** Реакторы с барботажным псевдооживленным слоем уже много лет используются в нефтяной и химической промышленности. Конструкция этого реактора отличается высокой скоростью теплопередачи в однородном температурном слое, что очень полезно при быстром пиролизе. Известно, что максимальный выход жидкости достигается при рабочей температуре в пласте 500-500°C. Принцип барботажного слоя считается «самоочищающимся», а полукокс как побочный продукт удаляется из реактора с газообразным и парообразным продуктом. Плотность этого полукокса меньше плотности абстрактной среды кипящего слоя, и полукокс оседает в верхней части слоя. Схема абстрактного процесса в псевдооживленном слое показана на рис. 2.




**Рисунок 2. Принципиальная схема процесса пузырьющегося абстрактного псевдооживленного слоя.**

Система с барботажным псевдооживленным слоем имеет несколько конструктивных особенностей, например, тепло может передаваться к псевдооживленному слою по-разному. Время пребывания паров осуществляется регулировкой расхода газа. Размер частиц биомассы должен быть менее 2-3 мм. Поскольку уголь, полученный в этом процессе, может ускорить реакцию парового крекинга, необходимо быстро удалить уголь из пласта.

**Циркуляционный абстрактный реактор с псевдооживленным слоем.** Эта конструкция реактора также характеризуется высокой скоростью теплопередачи и малым временем пребывания паров. Этот процесс характеризуется трудностью смешивания большого количества сред, участвующих в абстрактном кипении.


Горячая среда циркулирует между камерой сгорания и пиролизером. Схема такого типа пиролизной установки представлена на рис. 3.



**Рисунок 3. Схематическая диаграмма циркулирующего абстрактного процесса в псевдооживленном слое.**

Для системы с циркулирующим слоем размер частиц биомассы должен быть меньше, чем размер частиц, используемых в барботажном слое. В этом типе реактора частица находится в зоне пиролиза с высокой теплоотдачей в течение 0,5-1 с, а затем выбрасывается в секцию угольного топлива. Циркуляционное движение частиц по системе обеспечивает измельчение угольного продукта. Крупные частицы, не прошедшие полного пиролиза, вводятся в камеру сгорания полужола, где полностью сгорают. Размер частиц 1-2 мм.


**Пиролиз с вращающимся конусом.** Пиролизный реактор с вращающимся конусом был разработан в Нидерландах в начале 1990-х годов в Университете Твенте. Эта технология очень похожа на технологию с подвижным слоем (циркулирующий абстрактный псевдооживленный слой), в которой псевдооживленный слой непосредственно смешивается с исходной массой. Основное отличие этой технологии в том, что транспортировка осуществляется за счет центробежной силы, создаваемой вращающимся конусом, а не газом (рис. 4). Биомасса и кипящая среда вводятся в основание вращающегося конуса, при этом вращение создает центробежную силу и твердое вещество поднимается вверх по краям конуса. Твердые частицы удаляются с краев конуса, а пары пиролиза направляются в конденсатор. Уголь и кипящая среда подаются в камеру сгорания, где кипящая среда повторно нагревается с использованием свежей биомассы.



**Рисунок 4. Технологическая схема роторно-конусного пиролиза.**

Предлагаемая конструкция имеет два преимущества: легко отделить продукты и нет проблем с дроблением частиц. Имеет компактную конструкцию и не требует газозова для пиролиза.

**Вакуумный пиролиз.** В Канаде был разработан процесс вакуумного пиролиза для преобразования биомассы в жидкость. Хотя это и медленный процесс пиролиза, он позволяет получить химически подобную жидкость. Однако из-за низкой скорости нагрева выход биожидкости снижается до 30-45%. Для ускорения процесса пиролиза внутри реактора устанавливают мешалки. Схема установки вакуумного пиролиза представлена на рис. 5.



**Рисунок 5. Схема процесса вакуумного пиролиза.**

**Заключение.** Биотопливо — это топливо будущего, которое заменит топливо на нефтяной основе. Однако исследования и крупномасштабные производственные процессы все еще ограничены. Основная часть исследований проводилась в лабораторных условиях, состав полученного биотоплива изучен не полностью. Параметры биотоплива следует сравнивать с топливом на нефтяной основе. Конструкции реакторов еще не запущены в серийное производство. Видно, что в этой области проводится большое количество исследований, которые проводятся для усовершенствования устройств пиролиза, увеличения выхода биотоплива и улучшения качества биотоплива.



**Использованная литература.**

1. Tsai W.T., Lee M.K., Chang Y.M. Fast pyrolysis of rice straw, sugarcane bagasse and coconut shell in an induction-heating reaction. *Journal of Analytical and Applied Pyrolysis* 2006, №76. – pp. 230–237.
2. Kim S.S., Kim J., Park Y.H., Park Y.K. Pyrolysis kinetics and decomposition characteristic of pine trees. *Bioresource Technology* 2010, №1001. – pp. 9797–9802.
3. Bridgwater A.V. Biomass fast pyrolysis. *Thermal Sciences* 2004, №8. – pp.21–49.
4. Czernik S., Bridgwater A.V. Overview of applications of biomass fast pyrolysis oil. *Energy & Fuels* 2004, №18. – pp. 590–598.
5. Ozbay N., Apaydin-Varol E., Uzun B.B., Putun A.E. Characterization of bio-oil obtained from fruit pulp pyrolysis. *Energy* 2008, №33. – pp. 1233–1240.
6. Islam M.R., Tushar M.K., Haniu H. Production of liquids fuels and chemicals from pyrolysis of Bangladeshi bicycle/rickshaw tire wastes. *Journal of Analytical and Applied Pyrolysis* 2008, №82. – pp. 96–109.
7. Wu L., Guo S., Wang C., Yang Z. Production of alkanes (C7–C29) from different part of poplar tree via direct deoxy-liquefaction. *Bioresource Technology* 2009, №100. – pp. 2069–2076.
8. Qiang L., Wen-Zhi L., Xi-Feng Z. Overview of fuel properties of biomass fast pyrolysis oils. *Energy Conversion and Management* 2009, №50. – pp. 1376–1383.
9. Sanchez M.E., Lindao E., Margaleff D., Martinez O., Mora A. Pyrolysis of agricultural residues from rape and sunflowers: production and characterization of bio-oils and biochar soil management. *Journal of Analytical and Applied Pyrolysis* 2009, №85. – pp. 142–144.
10. Wang P., Zhan S., Yu H., Xue X., Hong N. The effects of temperature and catalyst on the pyrolysis of industrial wastes (herb residue). *Bioresource Technology* 2010, №101. – pp. 3236–3241.
11. Guo X., Wang S., Wang Q., Guo Z., Luo Z. Properties of bio-oil from fast pyrolysis of rice husk. *Chinese Journal of Chemical Engineering* 2011, №19. – pp. 116–121.
12. Cunha J.A., Pereira M.M., Valente L., de la Piscina P.R., Homs N., Santos M. Waste biomass to liquids: low temperature conversion of sugarcane bagasse to bio-oil. The effect of combined hydrolysis treatments. *Biomass and Bioenergy* 2011, №35. – pp. 2106–2116.
13. Kumar P., Barrett D.M., Delwiche M.J., Stroeve P. Methods for pretreatment of lignocellulosic biomass for efficient hydrolysis and biofuel production. *Industrial & Engineering Chemistry Research* 2009, №48. – pp. 3713.
14. Nik-Azar M., Hajaligol M.R., Sohrabi M., Dabir B. Effects of heating rate and particle size on the products yields from rapid pyrolysis of beech-wood. *Fuel science & technology international* 1996, №14. – pp. 479–502.

15. Zhang H.Y., Xiao R., Wang D.H., Zhong Z.P., Song M., Pan Q.W., et al. Catalytic fast pyrolysis of biomass in a fluidized bed with fresh and spent fluidized catalytic cracking (FCC) catalysts. *Energy & Fuels* 2009, №23. – pp. 6199–6206.

16. Алмарданов Х.А., Хатамов И.А., Тураев З.Б., Эшонкулов М.Н., Жовлиев С.М., Юсупов Р.Э. Применение солнечных концентраторов для приема альтернативного топлива через устройство гелиопиролиза. //Universum: технические науки, (3-4 (84)), 8-11, 2021 - cyberleninka.ru

17. Давлонов, Х. А., Рахматов, О. И., Хатамов, И. А. (2021). Пиролиз иситиш курилмали куёш иссиқхоналарида иссиқлик энергияси утилизатори–субли аккумуляторнинг оптимал ўлчамларини ҳисоблаш. Инновацион технологиялар, (1 (41)), 23-26.

## GORIZONTAL O'QLI SHAMOL ENERGETIK QURILMASINI MATLAB TIZIMIDA MODELLASHTIRISH

**Safarov Alisher Bekmurodovich**

*Buxoro muhandislik-texnologiya instituti, t.f.f.d., (PhD)*

**Uzoqov G'ulom Norboyevich**

*Qarshi muhandislik-iqtisodiyot instituti, t.f.d., professor*

Jahon taraqqiyoti tajribasi shuni ko'rsatadiki, jamiyat hayot sharoitlarining yaxshilanishi energiya iste'molining ortishi, undan oqilona foydalanish zaruriyatini tushunish bilan chambarchas bog'liqdir. Shuning uchun har qanday davlatning yonilg'i-energetika majmuasi faqatgina xalq xo'jaligining yetakchi sohalarining o'ziga bo'lib qolmay, shuningdek jamiyatning ijtimoiy rivojlanishiga muhim ta'sir ko'rsatadi.

Jahonda yoqilg'i-energiya resurslarini tejash, energiya uzluksizligi va ishonchliligini oshirishda qayta tiklanadigan energiya manbalaridan, jumladan shamol energiyasidan foydalanish yetakchi o'rinlardan birini egallamoqda. «Dunyo miqyosida 2021 yildan 2030 yilgacha bo'lgan davrda issiqxona gazlari va chiqindilarni kamida 40% ga kamaytirish, qayta tiklanadigan energiya manbalaridan foydalanish ulushini 32% ga, energiya samaradorligini 32,5% ga oshirish rejalashtirilganligini hisobga olsak» energiya uzluksizligi va ishonchliligini oshiradigan shamol energetik qurilmalarini modellashtirish, samaradorligini oshirish va amaliyotga joriy etishni taqozo etmoqda.

Havo massasining yer atmosferasi atrofida aylanishi ekspertlar tomonidan turlicha baholangan. Shamol energiyasining yillik nazariy zahirasi yer yuzidagi barcha energiya zahiralardan 100 marta ortiq bo'lib,  $330 \cdot 10^{12}$  kW·h ni tashkil qiladi. Ammo bu energiyaning faqat 10-12% dan foydalanish mumkin.

Shamol energetik qurilmalari shamol energiyasini, avval mexanik energiyaga, so'ngra elektr energiyaga aylantiradi. Shamol energetik qurilmalari ishlab chiqargan elektr energiyani aholining maishiy yoki sanoat ehtiyojlariga sarflash uchun umumiy elektr tarmog'iga ulanadi yoki avtonom tarzda, yoki boshqa avtonom manbalar bilan

birga ishlatiladi. Tarmoqqa ulangan gorizontaal aylanish o'qli shamol energetik qurilmalari barcha turdagi shamol qurilmalarining 98% ni tashkil etadi.

1-rasmda gorizontaal o'qli shamol energetik qurilmasining tashqi ko'rinishi keltirilgan. Ushbu turdagi shamol energetik qurilmalarining samaradorligi (shamol energiyasidan foydalanish koeffitsienti) yuqoriligi sababli elektr energiyasini olishda keng foydalaniladi.



*1-rotor, 2-tormozlash tizimi, 3-yuritmalii burish halqasi, 4-mexanik uzatmalar tizimi (reduktor), 5-elektr generator, 6-shamol tezligi va yo'nalishini o'lchovchi asbob (anemometr, flyuger).*

**1-rasm. Gorizontaal o'qli shamol energetik qurilmasining tashqi ko'rinishi**

Havo oqimining kinetik energiyasi quyidagi formula orqali aniqlanadi:

$$E = \frac{m \cdot v^2}{2} \quad (1)$$

bunda:  $m$  – havo oqimining massasi, kg;  $v$  – shamol oqimining tezligi, m/s.

Doimiy tezlikni hisobga olgan holda harakatlanuvchi shamol g'ildiragidan olinadigan quvvat kinetik energiyaning vaqtga nisbatan differentsialiga teng.

$$P = \frac{dE}{dt} \quad (2)$$

Ko'ngdalang kesim yuzasi  $S$  bo'lgan shamol turbinasi g'ildiragi hosil qiluvchi quvvat quyidagi formula orqali aniqlanadi:

$$P = \frac{\rho \cdot S \cdot v^3}{2} \quad (3)$$

Bunda:  $\rho$  – havo oqimining zichligi, kg/m<sup>3</sup>;  $S$  – shamol g'ildiragining ko'ndalang kesim yuzasi, m.

Havo oqimining zichligi balandlik, harorat va bosim o'zgarganda qiymati ham o'zgaradi. Havo oqimining zichligi balandlikka bog'liqlik empirik tenglamasi quyidagicha [1]:

$$\rho = \rho_0 - 1.194 \cdot 10^{-4} \cdot H \quad (4)$$

bunda:  $\rho_0 = 1,225 \text{ kg/m}^3$ ,  $T = 298 \text{ K}$  haroratda dengiz sathidagi havo zichligi.

Shamol oqimidan olinadigan mexanik quvvat quyidagi formula orqali aniqlanadi [2].

$$P_M = P \cdot C_p(\lambda, \beta) = \frac{\rho \cdot S \cdot v^3}{2} \cdot C_p(\lambda, \beta) \quad (5)$$

bunda:  $C_p(\lambda, \beta)$  – shamol energiyasidan foydalanish koeffitsienti;  $\lambda$  – shamol parraklarining tez aylanuvchanlik koeffitsienti;  $\beta$  – shamol g'ildiragining gorizontga nisbatan o'rnatilish burchagi.

Shamol parraklarining tez aylanuvchanlik koeffitsienti quyidagi formula orqali aniqlanadi:

$$\lambda = \frac{\omega_M \cdot R}{v} \quad (6)$$

bunda:  $\omega_M$  – shamol g'ildiragining burchak tezligi, rad/s;  $R$  – shamol g'ildiragining radiusi, m;  $\omega_M \cdot R$  – shamol g'ildiragining chiziqli tezligi, m/s.

Shamol g'ildiragining mexanik momenti quyidagi formula orqali aniqlanadi:


$$M_M = \frac{P_M}{\omega_M} = \frac{\rho \cdot S \cdot v^3 \cdot C_p(\lambda, \beta)}{2 \cdot \omega_M} \quad (7)$$

Shamol energetik qurilmasining shamol energiyasidan foydalanish koeffitsienti quyidagi soddalashtirilgan formula orqali aniqlanadi [3]:

$$C_p(\lambda, \beta) = 0.5 \cdot \left( \frac{116}{\lambda + 0.08 \cdot \beta} - \frac{4.06}{\beta^3 + 1} - 0.4 \cdot \beta - 5 \right) \cdot \exp\left(-\frac{21}{\lambda + 0.08 \cdot \beta} + \frac{0.735}{\beta^3 + 1}\right) \quad (8)$$

(8) ifoda orqali gorizont o'qli shamol energetik qurilmasining shamol energiyasidan foydalanish koeffitsientini optimal qiymatini aniqlashimiz mumkin. Bundashamol g'ildiragini o'rnatilish burchagi  $\beta$  va shamol parraklarining tez aylanuvchanlik koeffitsienti  $\lambda$  daning turli qiymatlarida Matlab tizimida modellashtiramiz.

2-rasmda shamol energiyasidan foydalanish koeffitsienti ( $C_p$ ) ning shamol parraklari tez aylanuvchanlik koeffitsienti va shamol g'ildiragining gorizontga nisbatan o'rnatilish burchagiga bog'liqlik egri chiziqlari keltirilgan.



## **2-rasm. Shamol energiyasidan foydalanish koeffisienti ( $C_p$ ) ning egri chiziq-lari**

Gorizontal o'qli shamol energetik qurilmasining shamol energiyasidan foydalanish koeffisientining optimal  $C_p = 0.42$  qiymatga shamol parraklarining tez aylanuvchanlik koeffisienti  $\lambda = 8$  hamda shamol g'ildiragining gorizontga nisbatan o'rnatilish burchagi  $\beta = 0$  gradus bo'lganda erishishi aniqlandi.

### **Adabiyotlar:**

1. N. Sadullayev, A. Safarov, Sh. Nematov, R. Mamedov, "Statistical Analysis of Wind Energy Potential in Uzbekistan's Bukhara Region Using Weibull Distribution", Applied Solar Energy (English translation of Geliotekhnika) Volume 55, Issue 2, 1 March 2019, Pages 126-132.

2. G. Modukpe, D. Dei. Modeling and Simulation of a 10 kW Wind Energy in the Coastal Area of Southern Nigeria: Case of Ogoja. DOI:10.5772/intechopen.85064

3. M. Muller. Realistic loss modelling and minimisation in an air-cored permanent magnet generator for wind energy applications. DOI:10.1049/cp.2012.0324

## **ОЦЕНКА ТЕХНИКО-ЭКОНОМИЧЕСКИХ ПОКАЗАТЕЛЕЙ МИКРОГИДРОЭЛЕКТРОСТАНЦИИ**

**Мамедов Расул Акиф-огли**

**Бухарский инженерно-технологический институт**

В мире на сегодняшний день стремительный рост потребления электроэнергии, связанный с увеличением населения Земли, повлекло за собой истощение природных ресурсов, а также изменение климата, связанное с выбросами парниковых газов в атмосферу за счёт сжигания природного топлива в целях выработки электроэнергии. Для решения этих проблем необходимо увеличение доли выработки электроэнергии из возобновляемых источников энергии [1]. Согласно отчету Renewables 2020 Global Status Report, электроэнергия, выработанная из возобновляемых источников энергии, таких как солнце, ветер, биомасса, геотермальная энергия и гидроэнергетика составляет 27,3 процента [2].

По данным организации International Hydropower Association (ИНА) пятерку лидеров по установленной мощности за период 2020 года замкнули Китай (13760 МВт), Турция (2480 МВт), Индия (478 МВт), Ангола (401 МВт) и Россия (380 МВт). Что касается Узбекистана то в 2020 году он освоил 71 МВт установленной мощности и занял 24 строчку в мировом рейтинге, что значительно превышает по отношению к 2019 году с добавленной установленной мощностью 11 МВт с 40 местом в мировом рейтинге (Рис. 4) [3]. Одним из важнейших комплексов в Республике Узбекистан является система Аму-Бухарского машинного канала (АБМК), расположенного в Бухарской области. Для



эффективного использования гидроэнергетической установки необходима в первую очередь точная оценка ресурсов гидроэнергетического потенциала и свойств энергии воды в регионе, где будет применена установка. Впервые гидроэнергетический потенциал Аму-Бухарского машинного канала был оценен в научных исследованиях, ученных Бухарского инженерно-технологического института. В ходе исследования было установлено что ирригационная система Аму-Бухарского машинного канала обладает хорошим потенциалом. Оценка валового гидроэнергетического потенциала составила 200,2 ГВт·ч и может служить решением проблем с электрификацией отдалённых районов с бесперебойной и надёжной электроэнергией, с применением микроГЭС, эффективно работающей в низконапорных водотоках [4,5]. На основании оценки гидроэнергетического потенциала было установлено что ирригационная система Аму-Бухарского канала обладает хорошим гидроэнергетическим потенциалом состоящего из низконапорных водотоков. Исходя из этого нами была разработана гидроэнергетическая установка типа водяного колеса эффективно работающая в низконапорных водотоках [6,7].

Для использования микрогидроэлектростанций в энергосистеме нашего региона необходима четкая оценка технико-экономических показателей гидроэнергетической установки. Технико-экономические показатели микрогидроэлектростанции в большей степени зависят от ее конструкции, включающей в себя гидротурбину, электрогенератор, а также систему управления, позволяющую стабилизировать выходные энергетические параметры напряжения и частоты.

#### **Технико-экономические показатели микрогидроэлектростанции**

Использование надежных, недорогих гидроэнергетических установок, эффективно работающих в низконапорных водотоках в свою очередь, увеличивает возможности для обеспечения локальных потребителей электроэнергией.

По результатам теоретических и экспериментальных исследований было установлено, что разработанная гидроэнергетическая установка эффективно работает в низконапорных водотоках со скоростью потока воды 1-4 м/с, при этом наружный диаметр водяного колеса составляет  $D_a = 1$  м, внутренний диаметр  $D_i = 0,5$  м, количество лопастей  $z = 16$ , оптимальный угол наклона лопастей водяного колеса  $\beta=30^\circ$ .

В таблице 1 приведены технические характеристики разработанной гидроэнергетической установки:

**Таблица-1**

Номинальная мощность, Вт	1500
Работа при диапазоне скорости потока воды м/с	1-4
Скорость вращения водяного колеса, об/мин	30-450
Коэффициент использования энергии воды, %	32
Напряжение, В	220

Ток, А	1-6
Диаметр водяного колеса, м	1
Ширина установки, м	2
Площадь одной лопасти, м <sup>2</sup>	0,2
Масса, кг	80
Грузоподъемность понтонов, кг	150
Материал лопастей	сталь
Материал водяного колеса	метал
Материал понтонов	сталь

Стоимость электроэнергии, вырабатываемой гидроэнергетической установкой, а также общие капитальные затраты на установку зависят от рационального размещения устройства. При выборе точного места для установки водяного колеса необходимо: наличие ресурсов гидроэнергетического потенциала, статистический анализ данных о напоре, скорости и расходе потока воды, а также определение мощности потребителей, расположенных вдоль оросительного канала.

Вышеприведенные факторы взаимосвязаны между собой и влияют на экономическую эффективность гидроэнергетической установки. Предложенная нами гидроэнергетическая установка не оказывает существенного влияния на развитие экономики или энергосистемы. Основной целью использования данной гидроэнергетической установки является обеспечение экологически чистой и бесперебойной электроэнергией локальных потребителей, расположенных вдали от централизованного электроснабжения.

Определим эффективность использования гидроэнергетической установки в системе электроснабжения фермерского хозяйства.

Разработанная нами гидроэнергетическая установка мощностью 1,5 кВт, предназначена для эффективной работы в низконапорных водотоках с возможностью прямой передачи электроэнергии потребителю.

При определении экономической эффективности гидроэнергетической установки необходимо учесть затраты на изготовление, монтаж и ввод в эксплуатацию водяного колеса мощностью 1,5 кВт. Экономическая эффективность водяного колеса определяется по формуле:

$$\Sigma C = C_m + C_{и} + C_{тр} + C_{гсу} + C_y + C_{ис} + C_{пр} , \quad (1)$$

где,  $C_m$  – расходы, затрачиваемые на материал для изготовления конструкции, млн.сум;  $C_{и}$  – расходы на изготовление конструкции, млн.сум;  $C_{тр}$  – затраты на транспортировку, млн.сум;  $C_{гсу}$  – расходы на генератор и систему управления примененных в установке, млн.сум;  $C_y$  – расходы на установку конструкции, млн.сум;  $C_{ис}$  – расходы на введение в эксплуатацию, млн.сум;  $C_{пр}$  – прочие расходы, млн. сум.

Определим общую сумму средств, затраченных на изготовление, монтаж и ввод в эксплуатацию гидроэнергетической установки типа нижнебойного водяного колеса, эффективно работающей в низконапорных водотоках оросительного канала, по приведенному выше выражению.

Общая сумма денежных средств, затраченных на материал и изготовление конструкции – 3 млн. сум, средства, потраченные на сборку генератора и систему управления установки – 5 млн. сум, средства, потраченные на транспортировку и выплату заработной платы рабочим 1,5 млн.сум, прочие затраты: средства потраченные на монтаж и введение в эксплуатацию - 0,5 млн.сум. Всего для изготовления гидроэнергетической установки было потрачено 10 млн.сум (цена за 2022 год)

Годовые эксплуатационные затраты гидроэнергетической установки определяются по следующему выражению [8]:

$$I_{ГЭУ} = I_{ао} + I_{тр} + I_{зп} , \quad (2)$$

где,  $I_{ао}$  – годовые амортизационные отчисления, млн.сум/год;  $I_{тр}$  – затраты на текущий ремонт, млн.сум/год;  $I_{зп}$  – заработная плата обслуживающего персонала, млн.сум/год;

Рабочий персонал обслуживает гидроэнергетическую установку два раза в год. Ежемесячная заработная плата, выплачиваемая работникам, оказывающим данную услугу, определяется следующим образом [9]:

$$I_{зп} = 2 \cdot n \cdot П , \quad (3)$$

где,  $П$  – заработная плата за пол года, млн.сум;  $n$  – количество обслуживающего персонала.

Амортизационные отчисления гидроэнергетической установки определяются по следующему выражению [10]:

$$I_{ао} = 0,029 \cdot K_{ГЭУ} , \quad (4)$$

где,  $K_{ГЭУ}$  – себестоимость гидроэнергетической установки, сум;

Затраты на текущий ремонт гидроэнергетической установки определяются следующими выражением [10]:

$$I_{тр} = 0,03 \cdot K_{ГЭУ} , \quad (5)$$

Средняя стоимость электроэнергии, вырабатываемой гидроэнергетической установкой, определяется по следующему выражению [11]:

$$C_{1кВт \cdot час} = (I_{ао} + I_{тр} + I_{зп}) / Э_{год} , \quad (6)$$

На основании вышеприведенных данных можно сравнить экономическую эффективность гидроэнергетической установки, бензинового генератора и солнечной панели (см. табл. 2).

Таблица-2

Показатели	Разработанная гидроэнергетическая установка
Установленная мощность, кВт	1,5
Среднее количество вырабатываемой электроэнергии за год, кВт·ч	12000
Балансовая стоимость установки, млн.сум	10
Амортизационные отчисления млн.сум	0,29
Затраты на текущий ремонт, млн.сум	0,3
Затраты на топливо, млн.сум	-
Эксплуатационные затраты, млн.сум	0,59
Стоимость выработанной электроэнергии, кВт·ч сум	465

**Заключение.** Согласно анализу технико-экономических показателей микрогидроэлектростанции мощностью 1,5 кВт было достигнута выработка 12000 кВт·ч электроэнергии в год при работе в низконапорных водотоках со скоростью потока воды 4 м/с. При этом учитывая себестоимость микрогидроэлектростанции равной 10 млн сум, 1 кВтч выработанной электроэнергии обходится 465 сум. В результате экспериментального исследования проведенного над микрогидроэлектростанцией на Куймазарском канале было установлено что, создание и применение нижнебойных водяных колес, эффективно работающих в низконапорных водотоках, может послужить обеспечению экологически чистой, надежной и бесперебойной электроэнергией локальных потребителей, расположенных вдали от централизованной системы электроснабжения.

### Список литературы

1. Sadullayev N.N., Safarov A.B., Nematov Sh.N., Mamedov R.A., Abdujabarov A.B. Opportunities and prospects for the use of renewable energy sources in Bukhara region // Applied solar energy. 2020. Vol. 56. № 4 - pp. 410-421
2. Renewables 2020 Global Status Report / [Электронный ресурс]. – Режим доступа:  
[https://www.ren21.net/wpcontent/uploads/2019/05/GSR2021\\_Full\\_Report.pdf](https://www.ren21.net/wpcontent/uploads/2019/05/GSR2021_Full_Report.pdf)  
(дата обращения 11.01.2021)
3. 2021 Hydropower Status Report / [Электронный ресурс]. – Режим доступа: <https://www.hydropower.org/publications/2021-hydropower-status-report>  
(дата обращения 11.07.2021)
4. Мамедов Р.А., Сафаров А.Б., Чарыева М.Р. Анализ зависимости коэффициента Шези при оценке ресурсов гидроэнергетического потенциала

оросительных каналов Бухарской области // Научно-технический журнал «Альтернативная энергетика». 2021. №1. – с. 52-60

5. Sadullayev N. N., Safarov A. B., Mamedov R.A., Kodirov D. Assessment of wind and hydropower potential of Bukhara region. 1st International Conference on Energetics, Civil and Agricultural Engineering 2020. 1st International Conference on Energetics, Civil and Agricultural Engineering 2020. October 14-16, 2020. pp. 1-8

6. Мамедов Р.А. Разработка методики и математической модели микроГЭС, эффективно работающей в низконапорных водотоках. Научный журнал Universum: технические науки. 2022. 4(97). стр. 66-69

7. Мамедов Р.А. Садуллаев Н.Н., Сафаров А.Б., Ражабова Г.Ж. Гидроэнергетик курилма. Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги Ҳузуридаги Интеллектуал Мулк Агентлиги. Фойдали моделга патент “№ FAP 01884”. 07.03.2022

8. Мухаммадиев М.М., Уришев Б.У., Умаров Д.М, Давлатов Ф.Э. Микрогидроэлектростанции на ирригационных каналах// САЕИИРИ на пуути к интегрированному управлению водными ресурсами// Сб. научн. трудов-Ташкент: НИЦ МКВК, 2010. стр.79-83

9. Д.Б. Кодиров, Д.Т. Юсупов Разработка микро-ГЭС для малых поселений// Журнал главный энергетик. г. Москва, 2016 г., №5, стр. 44-46

10. Д.Б. Кодиров. Энергоэффективная микрогидроэлектростанция для низконапорных водотоков// PhD диссертация. Ташкент 2018. стр. 119

11. Садуллаев Н.Н. Энергия тежамкор электр техник, электр механик ва электр технологик курилмалар аудити. -Т.: «Fan va texnologiya», 2018,184 б

## **МУҚОБИЛ ЭНЕРГИЯ ҚУРИЛМАЛАРИ УЧУН КИЧИК АЙЛАНИШ ТЕЗЛИКЛИ ЭЛЕКТР ГЕНЕРАТОРНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ ВА ТАДҚИҚ ҚИЛИШ**

**А.Б. Сафаров, И.Р. Бобоев, Д.Қ. Атовуллаев,  
А.Ш. Шамсиддинов**

**Бухоро муҳандислик - технология институти**

Ҳозирги кунда энергетик олимларнинг кун тартибида турган энергия хавфсизлиги, электр энергия ишончилиги ва узлуксизлиги, иқлим ўзгариши каби асосий долзарб муаммоларни олдини олишда “яшил энергетика”ни ривожлантириш ва ундан фойдаланиш кўламини ошириш лозим. “яшил энергетика”нинг асосий қисмини экологик тоза қайта тикланадиган энергия манбалари ташкил қилади [1].

Қайта тикланадиган энергия манбалари асосида ишлаб чиқарилаётган электр энергияси ишончли, атроф-муҳитга деярли зарари йўқлиги боис бундай лойиҳалар амалиётга тобора кенг жорий қилинапти, уларга катта миқдорда инвестиция йўналтирилиб, истиқболли ишланма ҳамда тадқиқотлар қўллаб-қувватланапти.



Бугунги кунда қайта тикланидиган энергия манбалари ичида шамол энергиясидан фойдаланиш энг истиқболли лойиҳалардан бири саналади.

Шамол энергетик қурилмаларининг самарадор ишлаши қурилмага қўлланиладиган электр генераторларга боғлиқдир.

Генераторнинг асосий ўлчамлари 2-расмда келтирилган. темир ротор дисklarининг қалинлиги доимий магнит бўлақлари қалинлиги билан бир хил бўлиши керак, магнитларнинг қалинлиги  $h_M$ , магнит ва статор орасидаги бўшлиқ  $g$ , ва статор қалинлиги  $t_w$  ни ўз ичига олади. Ушбу генератор самарали ишлаши учун доимий магнитлар тўғри танланиши керак. Генераторга қўлланилган доимий магнитлар (NdFeB) N48 маркали бўлиб, магнитни қалинлиги 10 мм, узунлиги 40 мм ва кенлиги 15 мм га тенг. Статор ва ротор орасидаги бўшлиқ қалинлиги 2 мм га тенг. Бу кўрсаткич қанча кичик бўлса магнит майдон индукция қиймати катта бўлади. 2-жадвалда икки роторли генераторнинг асосий параметрлари келтирилган.

2-жадвал

Магнит ўлчамлари (NdFeB) N48	40x15x10 мм	Статорнинг ташқи диаметри	230 мм
Магнит майдон индукцияси	1,36-1,42 Тл	Статорнинг ички диаметри	100 мм
Магнит майдон кучланганлиги	955 кА/м	Чулғам	ПЭТВ, 0.25 мм <sup>2</sup>
Магнитлар сони	32 та	Чулғамлар сони	12 та
Метал дискнинг (ротор) қалинлиги	10 мм	Статорнинг қалинлиги	20 мм


Иккита магнит ҳаво оралиғидаги магнит индукция қиймати статор қалинлиги, статор ва ротор орасидаги ҳаво бўшлиғининг қалинлигига боғлиқ. Иккита магнит ҳаво оралиғидаги магнит майдон индукция қиймати қуйидаги боғлиқлик орқали аниқланади [2]:

$$B_g = \frac{B_r}{1+(g+0,5t_w) \cdot k_{sat} \mu_{rrec} / h_M} \quad (1)$$

Тоқли ўткагич киритилган муҳитнинг магнит сингдирувчанлиги қуйидаги боғлиқликдан аниқланади [3]:


$$\mu_{rrec} = \frac{1}{\mu_0} \cdot \frac{B_r}{H_c} \quad (2)$$

Бу ерда:  $B_r$  ва  $H_c$  доимий магнитларнинг магнит индукцияси ва кучланганлиги (1-жадвал).



**2-расм. Икки роторли генераторнинг статор ва ротори орасидаги боғлиқлик параметрларнинг белгиланиши.**

FEMM 4.2 дастури чизиқли ва чизиқли бўлмаган магнит майдон хоссаларини, магнит майдон индукцияси куч чизиқларини, магнит майдон кучланганлигини баҳоловчи дастур ҳисобланади. Яратилган шамол генератори имкониятлари ушбу дастурий таъминот асосида таҳлил қилинди. 3-расмда генератордаги мавжуд доимий магнитларни бир-бири билан таъсири ва магнит майдон индукция куч чизиқлари ва қийматлари келтирилган [9].



**3-расм. FEMM 4.2 дастурида олинган доимий магнитлар орасидаги магнит майдон индукция векторининг қийматларининг таҳлили**

4-расмда лойихаланган генераторнинг роторида магнитларнинг жойлашуви ва статор чулғамининг ташқи кўриниши келтирилган. Статор чулғами уч фазали бўлиб, ҳар фазасида 4 тадан ғалтаклари мавжуд. Сататор чулғамларини икки хил усулда: “юлдузча” ёки “учбурчак” усулида улаш мумкин



а)



б)

**4-расм. Генераторнинг ротори (а) ва статори (б) нинг ташқи кўриниши.**


Генераторда ҳосил бўладиган магнит оқими доимий магнитлар ўлчамларига ва магнит майдон индукциясига боғлиқ бўлади. Бу ифода қуйидаги формуладан аниқланади [4]:

$$\Phi_{\max} = B_g W_m L_m \quad (3)$$

Генератор чулғамларида ҳосил бўладиган эЮк қуйидаги боғлиқлик билан аниқланади [5]:

$$E_f = \frac{\sqrt{2}q\pi k_w \Phi_{\max} n p r N}{120} = \frac{\sqrt{2}q\pi k_w B_g W_M L n p r N}{120} \quad (4)$$

бу ерда:  $p$  – доимий магнитларнинг жуфт кутублар сони;  $q$  – битта фазадаги чулғамлар сони;  $k_w$  – тўлдириш коэффициенти (0,95);  $N$  – битта чулғамдаги ўрамлар сони;  $n$  – магнит майдонинг айланиш тезлиги;  $W_M$  – доимий магнитни кенглиги;  $L_M$  – доимий магнитни узунлиги;  $B_g$  – иккита магнит ҳаво оралиғидаги магнит майдон индукция қиймати.



**5-расм. Генератор ротори айланиш тезлигининг кучланишга боғлиқлик графиги( уч фазали юлдузчга уланган).**

5-расмда икки роторли уч фазали (аксиал) генераторнинг (тажрибада олинган ва назарий ҳисобланган қийматлар) ротор айланиш тезлигининг кучланишга боғлиқлик графиги келтирилган. Таҳлил қилинган натижаларга кўра 500 об/мин да генератордан тахминан 150 В кучланиш олиш мумкин.



а)



б)

**6-расм. Генераторнинг тажриба синов ишлари (а) ва ташқи кўриниши (б)**

Лойиҳаланган генератордан чиқадиган қувват қуйидаги ифода орқали аниқланади [6]:

$$P_{out} = 3E_f I \eta \cos \varphi = \frac{3\sqrt{2} q \pi k_w B_r W_M L_M n \pi r N}{120} I \eta \cos \varphi \quad (5)$$

Бу ерда:  $I$  – статор чулғами максимал токи; ушбу генераторлар учун  $\eta \cos \varphi = 0,9$  тенг бўлади;  $E_f$  – генератор чулғамларида ҳосил бўладиган ЭЮК.



**7-расм. Генератор ротори айланиш тезлигининг қувватга боғлиқлик графиги**

7-расмда генератор ротори айланиш тезлигининг генератордан чиқадиган кучланишга боғлиқлик графиги келтирилган. Ушбу графикда назарий ва тажриба синов натижалари солиштирилган.

Назарий ва тажриба синов натижаларни солиштирганда хатолик 10% дан кам бўлгани тадқиқ қилинди.

Биз лойиҳалаган генераторда шамол тезлиги (2,5-3 м/с) бўлган ҳолатларда ҳам маълум миқдорда энергия билан таъминлашимиз мумкин. Ушбу генераторларни кичик қувватли шамол турбиналарига қўлласак шамол оқими энергиясидан самарали фойдаланишимиз мумкин.

Олиб борилган тадқиқотлар асосида қуйидагиларни хулоса қилишимиз мумкин:

1. Бухоро вилоятидаги шамол энергиясидан фойдаланиш имкониятлари ўрганиш кучсиз ҳаво оқимларда самарадор ишловчи шамол генераторини яратишни талаб этади.
2. Кучсиз шамол оқимларида ишловчи генераторларни назарий таҳлили ротори ва статори қарама-қарши томонга айланувчи, вертикал ўқли, кўп кутбли ўзгармас магнитли генераторлардан фойдаланиш энг юқори самара беришини кўрсатди.

#### Фойдаланилган адабиётлар:

1. <https://lex.uz/ru/docs/4486127>
2. Садуллаев Н.Н., Сафаров А.Б., Нематов Ш.Н., Мамедов Р.А. "Statistical Analysis of Wind Energy Potential in Uzbekistan's Bukhara Region Using Weibull Distribution". Applied Solar Energy, July 2019, Volume 55, Issue 2, pp. 126–132.
3. Садуллаев Н.Н., Сафаров А.Б., Нематов Ш.Н., Мамедов Р.А. "Research on Facilities of Power Supply of Small Power Capability Consumers of Bukhara

Region by using Wind and Solar Energy”. International Journal of Innovative Technology and Exploring Engineering (IJTEE), Volume 8, Issue 9S2, July 2019, pp. 229 – 235.

4. Садуллаев Н.Н., Сафаров А.Б., Нематов Ш.Н., Мамедов Р.А. “Increase Power Efficient and Reliability of Electrosupply of Consumers of Low Power”. GIS Business, Volume 14, Issue 4, August 2019, pp. 42 – 52.

5. Садуллаев Н.Н., Сафаров А.Б., Нематов Ш.Н. “Analysis of Wind Energy Potential in Using Weibull Distribution in Bukhara Region, Uzbekistan”. International Journal of Advanced Research in Science, Engineering and Technology, Volume 6, Issue 1, January 2019, pp. 7846 – 7853.

6. Садуллаев Н.Н., Сафаров А.Б., Нематов Ш.Н., Мамедов Р.А. “Статистический анализ ветрового энергетического потенциала в Бухарской области Республики Узбекистан с использованием распределения Вейбулла”. Гелеотехника, 2019, том 55, № 1, 67-77 стр.

## **QUYOSH ENERGIYASIDAN FOYDALANISHDA MPPT KONTROLLERINI TATQIQ QILISH**

**t.f.d., professor M.I. Maxmudov**

*Buxoro muhandislik-texnologiya instituti*

**tayanch doktorant H.O. Sayfiyev**

*Buxoro muhandislik-texnologiya instituti*


Agar siz quyosh panellarini sonini oshirmasdan quyosh panellari quvvatini oshirish uchun, quyosh kontrolleringizni quyosh maksimal quvvat nuqtasi (MPPT) kuzatuvchisi bilan almashtirishingiz kerak. bunday kontroller, ko'p hollarda, PWM kontrollerlariga nisbatan energiya ishlab chiqarishni oshiradi.

MPPT kontrollerlari bozorda 80-yillarning oxirida paydo bo'lgan. Asta-sekin, ular tobora kengroq qo'llanila boshlandi va kelajakda, ehtimol, barcha kontrollerlar quyosh modulining MQN ni kuzatish funksiyasiga ega bo'ladi.

Quyosh massivining odatiy volt-amper xarakteristikasiga nazar tashlaydigan bo'lsak, agar zaryad boshqaruvchisi quyosh massivining maksimal quvvat nuqtasini kuzatsa, energiya ishlab chiqarishni oshirish mumkinligini ko'rish mumkin [1].



Oddiy kontrolleri quyosh panelidagi oqim va kuchlanishni doimiy ravishda kuzatib boradi, ularning qiymatlarini ko'paytiradi va quyosh energiyasi maksimal bo'lgan oqim-kuchlanish juftligini aniqlaydi. O'rnatilgan protsessor, shuningdek, batareyaning zaryadlash holatini (to'ldirish, to'yinganlik, tenglashtirish, qo'llab-quvvatlash) nazorat qiladi va shunga asoslanib, batareyalarga qanday oqim berilishi kerakligini aniqlaydi. Shu bilan birga, protsessor displeyda parametrlarni (agar mavjud bo'lsa), ma'lumotlarni saqlash va hokazolarni ko'rsatish uchun buyruqlar berishi mumkin.




Maksimal quvvat nuqtasini turli yo'llar bilan hisoblash mumkin. Eng oddiy holatda, boshqaruvchi kuchlanishni bo'sh nuqtadan batareya zo'riqishiga qadar ketma-ket pasaytiradi. Maksimal quvvat nuqtasi bu qiymatlar orasida bo'ladi. QMNni qidirishning turli usullari tavsifi " MPPT quyosh kontrollerining ishlash printsiipi " maqolasida tasvirlangan [2].

MQN ning holati bir nechta parametrlarga bog'liq - modulning yoritilishiga, haroratga, ishlatiladigan modullarning heterojenligiga va boshqalar. Tekshirish moslamasi vaqti-vaqti bilan har ikki yo'nalishda oldingi bosqichda topilgan nuqtadan biroz "uzoqlashishga" harakat qiladi va agar quvvat kuchaysa, u shu nuqtada ishlashga o'tadi. nazariy jihatdan, MQN ni qidirishda ba'zi quvvat yo'qoladi , ammo bu yo'qotish MPPT tekshiruvchi tomonidan taqdim etilgan qo'shimcha quvvat bilan solishtirganda juda kichik .

O'rnatilgan shahar konvertori boshqaruvchining kirish va chiqishida turli kuchlanishlarni qo'llab-quvvatlaydi. Bu avtomobildagi uzluksiz o'zgaruvchan transmissiya turli avtomobil tezligida optimal vosita tezligini qanday saqlab turishiga o'xshaydi.

MPPT boshqaruvchisidan foydalanganda olingan qo'shimcha energiya miqdorini aniq aniqlash qiyin. Qo'shimcha ishlab chiqarishga ta'sir qiluvchi asosiy omillar. batareyaning harorati va zaryad holati. Chiqish uchun eng katta qo'shimcha modul past haroratlarda va zaryadsizlangan batareyalarda




energiya ishlab chiqarishda hech qanday daromad olmaysiz. Quyosh panelini qisman soya qilish ham xuddi shunday ta'sirga ega.

Shuning uchun, MPPT kontrollerlaridan foydalanganda, odatda, quyosh panellarini yuqori kuchlanishga o'tkazish kerak. Ko'pgina kontrollerlar maksimal quvvat nuqtasini keng diapazonda kuzatishi mumkin. Ushbu yechim, shuningdek, past yorug'lik darajasida quyosh batareyasining energiya ishlab chiqarishini oshiradi. Biroq, kirish va chiqish voltaji o'rtasidagi farq juda katta bo'lmasligi kerak, aks holda boshqaruvchining samaradorligi pasayadi.

**MPPT kontrollerlaridan qachon foydalanish maqsadga muvofiq.** Tekshirgichlarning joriy narxi ularni 200 Vt yoki undan ortiq quvvatga ega modullar bilan samarali ishlatish imkonini beradi. Yoki modulingizning kuchlanishi nostandart bo'lsa. Bu QP modullarini qo'shmasdan QP tizimingizning chiqishini oshiradi. Agar siz MPPT boshqaruvchisidan foydalanmasangiz, QPdan energiya tanqisligini quyosh panellariga mablagingizning bir qismini yo'qotish deb hisoblashingiz mumkin.

O'ngdagi rasm maksimal quvvat nuqtasidagi kuchlanish modulning turli haroratlarida qanday o'zgarishi mumkinligini ko'rsatadi. Quyosh moduli qanchalik issiq bo'lsa, moduldagi kuchlanish past bo'ladi va shunga mos ravishda quyosh batareyasi tomonidan energiya ishlab chiqariladi. Bir nuqtada, maksimal quvvat nuqtasi batareya zo'riqishidan past bo'lishi mumkin, bu holda siz PWM kontrolleri bilan solishtirganda

## Maksimal quvvat nuqtasi 120 wattli panel



**Adabiyotlar:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Энергия ресурсларидан оқилона фойдаланишни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2017 йил 8 ноябрь, ПҚ-3379- сонли фармони.
2. [Qonunchilik palatasi tomonidan 2019-yil 16-aprelda qabul qilingan Senat tomonidan 2019-yil 3-mayda ma’qullangan](#)
3. <http://www.energonazorat.uz/add/energoseberezhenie/quyosh-energiyasi-mozhizalari.html>
4. <http://leds.uz/uz/projects/847>
5. <https://www.solarhome.ru/basics/solar/pv/solnechnyekontrollery.htm>
6. [MPPT контроллер - принцип работы: https://www.solarhome.ru/control/pwm](https://www.solarhome.ru/control/pwm)

**DEVELOPMENT OF A SECURITY DEVICE IN PULSED MODE WITH AN INVISIBLE LASER BEAM.**

*Rayimjonova<sup>1</sup>Odinaxon Sodiqovna, Iskandarov<sup>2</sup> Usmonali Umarovich, Sobirova<sup>3</sup>*

*Kamola Abduvoxid qizi*

*<sup>1</sup>FB TITU Head of Department of Telecommunication Engineering, PhD.*

*<sup>2</sup>FB TITU Head of Department of Telecommunication Engineering, senior teacher.*

*<sup>3</sup>FB TITU Head of Department of Telecommunication Engineering, a student.*

**Abstract.** In article declared and observed the safety and security system of the Arduino UNO. In the system used invisible beam of the laser. Properties of the semiconductor lasers work analyzed and given. Conclusions were drawn and the significance of device noted as a result of work.

**Keywords.** laser, voltage, beam, invisible beam, semiconductor materials, open optic system, impulse, optical method.

Due to the increased optical power and excellent functional properties of semiconductors, they can be used in various devices [13], not only in production, but also in everyday life, and even medicine. A semiconductor laser is the basis for reading and writing computer disks[10]. Thanks to it, laser pointers, level gauges, distance meters and other devices useful for different work. In this article developed, an invisible beam laser and a light-dependent resistor (LDR or light dependent resistor) are used to emit light in a straight line or by refraction. [1,3] .




Figure 1. Laser with invisible beam, barrier and LDR resistor with Arduino unit  
 The LDR sensor in English calls as a “Light Dependent resistor”, which means "light-dependent resistor". The LDR can detect the laser beam, and the fact that someone has crossed it. Thus, the laser beam will be blocked and LDR does not see it. If the LDR cannot detect the laser, the buzzer will alert us with a loud sound that someone has crossed or blocked the laser. The project basically works on the principle of interruption. If the laser radiation is interrupted in any way, the alarm is triggered until it is reset by the button. A laser is a concentrated light source that emits direct light of the same color [11].

The LDR is sensitive to light and outputs a certain voltage when the laser beam hits this resistor. When the laser beam is interrupted and cannot reach the LDR, its output voltage changes, and eventually an alarm sounds. For this Arduino laser security system project, we will need the following components:[12].

1. Arduino Uno
2. Invisible beam laser diode module
3. Buzzer
4. LDR (light-dependent resistor)
5. Resistors (10k)
6. Push button switch
7. Layout board
8. Connecting wires
9. Breadboard

The Arduino IDE software package is required. The laser transmitter module emits a red laser beam in the form of a pulse point. The module consists of an 808 nm laser diode head and a resistor [2,5]. "Caution! Don't look directly into the laser head." Specification of the laser transmitter module 808:

- Output power - 5 MW
- Operating voltage - 5 V
- Wavelength - 808 nm
- Operating current - less than 40 mA
- Operating temperature - -10°C to 40°C [14 to 104°F]
- Dimensions - 18.5 mm x 15 mm [0.728 inches x 0.591 inches]

The connection diagram of the security system is given below.




Figure 2. Connecting an Arduino to develop a laser device

The program for this project is Arduino Uno.

//“Programma laser oxrana”

```

int laserPin = 5;
int sensorPin = A5;
int buttonPin = 12;
int buzzerPin = 11;
int laserThreshold = 10;

void setup() {
pinMode(laserPin, OUTPUT);
pinMode(buttonPin, INPUT_PULLUP);
Serial.begin(9600);
}
boolean alarmState = false;

void loop() {
if (! alarmState) {
delay(1000);
digitalWrite(laserPin, HIGH);
delay(10);
unsigned long startTime = millis();
while (millis() - startTime < 1000) {
int sensorValue = analogRead(sensorPin);
Serial.println(sensorValue);
if (sensorValue > laserThreshold) {
alarmState = true;
break;
}
}
delay(20);
}
digitalWrite(laserPin, LOW);
    
```



```
}  
Else {  
tone(buzzerPin, 540);  
if (! digitalRead(buttonPin)) {  
alarmState = false;  
noTone(buzzerPin);  
} delay(10); } }  
//«Конец программы»
```

### Literatures

1. Yarochkin V. I. Information security. Textbook for University.M, 2003.
2. Freeman R. Fiber-optic communication systems. M., Technosphere; 2004
3. Medved D.B. Influence of weather conditions on wireless optical communication. Bulletin of Communications, 2001, No. 4, pp. 154-157.
4. Gurov I.P., Jabiev A.N. Interferometric systems for remote control of objects. SP6GITMO., 2000, from 15-21
5. Abdiazizov A.A., Zhyraev N.M., Iskandarov U. Elektr aloka nazariasi. Ferghana. 2009., pp. 18-30.
6. Baskakov S.I. Radio engineering circuits and signals: Textbook for universities. - M.: Higher School, 1988.
7. Otnes R., Enokson L. Applied analysis of time series. – M.: Mir, 1982. – 428 p.
8. Sergienko A.B. Digital signal processing. / Textbook for universities. – St. Petersburg: Peter, 203. – 608 p .
9. Aificher E., Jervis B. Digital signal processing. Practical approach. / M., "Williams",
10. “XXI-asrda superkompyuterlar bilan birga” INFOCOM . Республика журнали 2011 йил, 9-сон, 1-бетида. 2011 йил, Сентябрь, 1 бет.
11. Исследование реальной эффективности индикатора 10\_MТ\_20GY DUI Kit. Наманган давлат университети илмий ахборотномаси. 1-сон. 2020.
12. Кўп каскадли кучайтиргичларни, лазер микрофонлининг самарадорлигини оширишда қўллаш. Наманган давлат университети ахборотномаси. 2020, 6-сон. - Б. 348-352 бетлар. 2020
13. Темир-бетон маҳсулотидан қўрилган биноларда очик оптик тизимлар қаршилигини назорат қилиш тажриба тадқиқотининг қисқа шарҳи. Наманган давлат университети илмий ахборотномаси. 2020, 6-сон. - Б. 348-352 бетлар.

---

**NASOS AGREGATLARINI TARTIBGA SOLISH VA UNI  
BOSHQARISHNING ZAMONAVIY USULLARINI O'RGANISH VA TADBIQ  
QILISH**

**MAXMUDOV MAQSUD IDRISOVICH**

Buxoro muhandislik-texnologiya instituti "Energiya tejamkorligi va energoaudit" kafedrası mudiri t.f.n., prof.

*E-mail:* [makhmudov.makhsud@gmail.com](mailto:makhmudov.makhsud@gmail.com)

**NAZAROV MAXMANAZAR MURODULLA O'G'LI**

Toshkent kimyo texnologiya instituti Shahrísabz filiali assistenti,

*E-mail:* [maxmanazarnazarov1996@gmail.com](mailto:maxmanazarnazarov1996@gmail.com)

Zamonaviy texnik suv ta'minoti nasos stantsiyalari o'zaro bog'liq dizayn, texnologik va elektrga ega ish rejimlari ko'rsatkichlarining qiymatini aniqlaydigan parametrlar. Ularni ko'p mezonli tizim deb hisoblash mumkin. Biroq, ushbu nasos stantsiyalarining gidravlik uskunalari va avtomatlashtirishning yetarli emasligi bunday tizimni optimallashtirish masalalarini hal qilishga imkon bermaydi.

Texnik suv ta'minoti nasos stantsiyalarining dizayn xususiyatlari va turli xil quvvati tufayli turli xil elektr yuritma tizimlaridan foydalanish kerak. Elektr yuritmaning ish sharoitlari nuqtai nazaridan ularning nasos agregatlarining xususiyatlariga valdagi yuk momentining aylanish tezligiga bog'liqligi, uzoq ish rejimi, og'ir iqlim sharoitlari, uzoq muddatli (nasos) rejimlarida jihozlarning ishlashi zarurati, yuritmani yo'qotish ehtimoli va ish rejimida ortiqcha yuklarning yo'qligi kiradi.

Texnik suv ta'minoti nasos stantsiyalarining ishlashini va ko'rib chiqilayotgan tizimlarga qo'yiladigan zamonaviy talablarni tahlil qilish asosida nasos agregatlarining tartibga solinadigan elektr yuritmalaridan foydalanish zarurligini keltirib chiqaradigan sabablarni aniqlash mumkin:

Texnik suv va elektr energiyasidan oqilona foydalanishga imkon beradigan bosqichma-bosqich suv ta'minoti jadvaliga o'tish;

Nasos stansiyasini boshqarishning mezon usulini shakllantirish imkoniyati; qisman Nasos stansiyasini kompleks avtomatlashtirishga o'tish; "avankamera — nasos stantsiyasi" tizimining sozlash rejimlarini takomillashtirish, qurilmalarning ishlash samaradorligini oshirish;

Kapital xarajatlarni kamaytirish va katta imkoniyatlarga o'tish.

Belgilangan xususiyatlarga asoslanib, texnik suv ta'minoti nasos stantsiyalarining avtomatlashtirilgan elektr yuritmalari belgilangan suv ta'minotini ta'minlashi, pompalanadigan suv hajmining birligi uchun energiya sarfini kamaytirishi va umuman nasos stansiyasini boshqarish mezonini shakllantirishi kerak. Elektr yuritmasining texnik vositalari va elektron yechimlarini tanlash texnik suv ta'minoti nasos stantsiyalarining elektr yuritmasiga qo'yiladigan o'ziga xos talablar bilan belgilanadi. Shu bilan birga, elektr yuritmalarini boshqarishning oqilona tuzilmalari texnologik

jarayonga ta'sir qilish qonunlari va usullarini hisobga olgan holda asoslanishi kerak.

Markazdan qochma tipidagi mexanizmlarning ishlash tartibi uchta miqdor bilan belgilanadi: ko'tarish  $Q$ ; bosim  $H$  va burchak tezligi  $\omega$ . Ushbu qiymatlar, shuningdek, qarshilik momentini va mexanizm validagi quvvatni aniqlaydi. Markazdan qochma tipidagi mexanizmlar nazariyasining asoslari L. Eyler tomonidan ishlab chiqilgan

Ishchi g'ildirak kurakchalarining cheksiz sonini va kurakchalar bo'ylab suyuqlikning laminar harakatini taxmin qilish (1-rasm). Quyidagi ifodalarda nasoslarning bosimi va ta'minoti uchun nazariy formulalar olingan:

$$\left. \begin{aligned} H &= \frac{ic \cos \alpha}{g} k_l \eta_g \\ Q &= C_R F_K \eta_0 \varphi_l \end{aligned} \right\} \quad (1.1)$$

bu yerda,  $i$  va,  $C$  — ishchi g'ildirak chiqishidagi suyuqlikning aylanma va absalyut tezligi;

$\alpha$ -tezlik vektorlari orasidagi burchak;

$C_R$ -suyuqlikning radial chiqish tezligi;

$k_l$ -kurakchalarning cheklanganlik darajasi koeffitsienti,  $k_l \approx 0,3$ ;

$\eta_g$ , nasos ichidagi energiya yo'qotilishini hisobga olgan holda nasosning gidravlik samaradorligi,  $\eta_r \approx 0,6 \div 0,9$ ;

$\eta_0$ -nasos ichidagi suyuqlik oqimining qisman yopilishini hisobga olgan holda hajmiy samaradorlik,  $\eta_0 \approx 0,95 \div 0,98$ ;

$\varphi_l$ -kuraklarning oxirgi qalinligi hisobga olgan holda nasosning chiqish qismining pasayish koeffitsienti,

$\varphi_l \approx 0,874 \div 0,95$ ;

$F_k = l D_k b$ -ishchi g'ildirakning chiqish aylana yuzasi;

$b$ -g'ildirakning chiqishidagi kurakchanning kengligi.


Bosim ishchi g'ildirakning chiqish uchidagi birlik og'irlikdagi elementar suyuqlik oqimining kinetik energiyasining o'sishini tavsiflaydi va uzunlik o'lchoviga ega:  $D/H=m$ .

Xuddi shu nasos uchun chiziqli tezliklar  $i, c, C_R$  uning burchak tezligiga mutanosib bo'lganligi sababli,  $\eta_g$  va  $\eta_0$  o'zgarmas deb hisoblasak, biz nasosning mutanosiblik qonunlarini olamiz:

$$\left. \begin{aligned} Q_1/Q_2 &= \omega_1/\omega_2 \\ H_1/H_2 &= (\omega_1/\omega_2)^2 \\ H_1/H_2 &= (Q_1/Q_2)^2 \end{aligned} \right\} \quad (1.2)$$

Markazdan qochma tipidagi mexanizmlarning ishlash xususiyatlari aniqlanadi  $Q - H$  xarakteristikasi va samaradorlikning FIK bilan bog'liqligi  $\omega = \text{const}$ . Ushbu xususiyatlarni nazariy hisoblash katta qiyinchiliklarni keltirib chiqaradi, shuning uchun ular nasos kataloglarida berilgan  $H = f(Q)$  va  $\eta = \varphi(Q)$  eksperimental bog'liqliklardan foydalanadilar  $\omega_{\text{nom}}$  tezlikdan boshqa tezlik uchun,  $Q-H$  xususiyatlarini olish uchun mutanosiblik qonunlaridan foydalanamiz. Buning uchun bir qator qiymatlar berilgan  $Q_e$  asl  $Q - H$  xarakteristikasidagi  $H_e$  qiymatlariga mos keladigan  $\omega_{\text{nom}} = \text{const}$ . Asl xarakteristikadagi tanlangan nuqtalardan o'tgan  $H = H_e(Q/Q_e)^2$  parabolalari hisoblanadi.

Parabolaning har bir nuqtasiga ko'ra mexanizmning ma'lum tezligiga mos keladi. Parabola nuqtalarini bir xil  $\omega$  qiymatiga ulab,  $\omega = \text{const}$  uchun xarakteristikani aniqlaymiz. Proportsionallik qonunlari  $\eta$  ning doimiyligi taxminida olingan  $\eta_g$  va  $\eta_0$ , keyin qayta hisoblangan parabolalar mexanizmning doimiy samaradorligi chiziqlari bo'lib chiqadi.



1-rasm. Markazdan qochma tipdagi mexnizmlarning Q-H xarakteristikasi

Nasosning ma'lum bir  $\omega = \text{const}$  bilan barqaror ishlash tartibi grafik usul bilan nasosga ulangan chiziqning tegishli Q-H xarakteristikasi va xarakteristikasining kesishish nuqtasi bilan aniqlanadi:

$$H_{Ma1} = H_{st} + K_{Mag} Q^2, \quad (1.3)$$

bu yerda,  $H_{st}$ -magistralning statik bosimi;

$K_{mag}$ -magistralning qarshilik koeffitsienti,

2-rasmdan kelib chiqadiki,  $\omega$  tezligi pasayganda, mexanizmning ish nuqtasi  $H_{mag}$  magistralining xarakteristikasi bo'ylab pastga siljiydi, bu ta'minot va bosimning pasayishiga to'g'ri keladi.

Bosim suyuqlikning og'irlik birligiga berilgan energiya bo'lgani uchun va yetkazib berish mahsuloti zichlik  $\gamma$ -bu vaqt birligida nasos orqali o'tadigan suyuqlik miqdori, keyin nasosning foydali quvvati mahsulot bilan belgilanadi

$$P_{foy} = HQ\gamma g \quad (1.4)$$

bu yerda  $g$  — tortishish tezlashishi.

Nasosning FIKini hisobga olgan holda,  $\eta_{nas}$  uning validagi quvvat quyidagicha aniqlanadi:

$$P_s = \frac{\gamma Q H g}{\eta_{nas}} \quad (1.5)$$

Agar hisoblangan nuqta uchun tezlik nominaldan farq qilsa, u holda ushbu tezlikka mos keladigan samaradorlik qiymati quyidagicha aniqlanadi. Hisoblash nuqtasi orqali parabola asl Q-H xarakteristikasi bilan kesishguncha amalga oshiriladi. Kesishish nuqtasi  $Q_{e2}$  qiymatini beradi, bu esa o'z navbatida  $\eta$  ning asl egri chizig'i bilan aniqlanadi(Q) samaradorlik  $\eta_2$ .

Valdagi qarshilik momenti quvvat orqali aniqlanadi:

$$M_{st} = P_s/\omega. \quad (1.5)$$

$H_{st}=0$  magistralda statik bosim bo‘lmagan maxsus holatda,

$$H_{mag} = H_s \left(\frac{Q}{Q_s}\right)^2 = H_s \left(\frac{\omega}{\omega_{nom}}\right)^2 \quad (1.6)$$

Bunday holda, almashtirish  $\eta=\eta_{nom}$  ni hisoblash orqali olamiz:

$$M_{st} = \frac{\gamma Q H g}{\eta \omega} = M_{st,s} \left(\frac{\omega}{\omega_{nom}}\right)^2 \quad (1.7)$$

bu yerda,  $M_{st,s} = \frac{\gamma Q_s H_s g}{\eta_{nom} \omega_{nom}}$  mexanizmning nominal tezligiga mos keladigan qarshilik momenti.

Shunday qilib, statik bosim bo‘lmasa, qarshilik momenti burchak tezligining kvadratiga mutanosib bo‘ladi. Bunday holda, shubhasiz, quvvat tezlik kubiga mutanosibdir. Umumiy holda, qachonki  $H_{st}=\text{const}$ ,  $M_{st}$  ning  $\omega$  ga bog‘liqligi magistral xarakteristikasining Q-H xarakteristikalari bilan kesishish nuqtalari bo‘yicha hisoblanadi, ularning koordinatalari (1-7) ga almashtiriladi.  $M_{st}$  ning  $\omega$  ga bog‘liqligini aniqlashning belgilangan usuli uning analitik tavsifini bermaydi. Shu bilan birga, ish diapazonida qarshilik momentining  $M_{st,\min}$  dan  $M_{st,\max}$  gacha o‘zgarishi funktsiyasi uchun  $M_{st}(\omega)$  parabolik yaqinlashuv yordamida taxminiy analitik ifodani topish mumkin:

$$M_{st} = M_{st,\max} \left(\frac{\omega}{\omega_{st,\max}}\right)^k \quad (1.8)$$


Minimal maksimal  $\omega_{st}$  ni bilish, maksimal  $M_{st,\min}$  va  $M_{st,\max}$  ga mos keladigan tezliklar, parabolaning k ko‘rsatkichini aniqlaymiz:

$$K = \frac{\lg \frac{M_{st,\min}}{M_{st,\max}}}{\lg \frac{\omega_{st,\min}}{\omega_{st,\max}}} \quad (1.9)$$

2-rasmda tavsiflar formulalarga mos keladigan mexanik xarakteristikalarni ko‘rsatadi  $H_{st}=0$  va  $H_{st}=\text{const}\neq 0$  da markazdan qochma tipidagi mexanizmlar uchun egri chiziqlar mexanik ishqalanish yo‘qotishlarini hisobga olgan holda haqiqiy xususiyatlarni ko‘rsatadi.

Markazdan qochma tipidagi mexanizmlar uzoq ish vaqti bilan tavsiflanadi. Shuning uchun doimiy tezlikda ishlaydigan nasoslar va nasoslarning nominal dvigatel kuchi quyidagi shartdan aniqlanadi:





2-rasm. Markazdan qochma tipidagi mexanizmlarning mexanik xarakteristikalari

$$P_{\text{НОМ}} \geq P_c \quad (1.10)$$

Nasos agregatlarini tartibga solish va uni boshqarishning zamonaviy usullarni o'rganish va tadbiiq qilish borasidagi bir qator vazifalar o'rganildi bunda:

1. Suv chiqaruvchi nasos agregatlarining elektr yuritmalarini boshqarishning zamonaviy tizimlari tahlil qilindi.

2. Nasos agregatlarining elektr yuritmalarini boshqarish uchun turli xil istiqbolli tizimlarning sxematik yechimlari va xususiyatlari ko'rib chiqiladi, shuningdek ularni tartibga solish qonunlari belgilanadi.

3. Ba'zi tizimlarning afzalliklari va kamchiliklari nasos agregatlarining elektr yuritmalarini tartibga solishning boshqa tizimlariga nisbatan aniqlandi.

### Foydalanilgan adabiyotlar

1. Ключев В. И. Теория электропривода: Учеб. для вузов.— 2-е изд. перераб.и доп. — М.: Энергоатомиздат, 2001. — 704 с.

2. Лезнов Б.С. Энергосбережение и регулируемый привод в насосных и воздухоудувных установках. — М.: Энергоатомиздат, 2006. 360 с. ил.

3. Кадиров А.А., Хамудханов М.М. Методы исследования и расчета энерго- ресурсосберегающих режимов работы водоподъемных насосных станций. -Т: «Янги аср авлоди», 2013. -120 с.

4. Камалов Т.С. Частотно-регулируемый электропривод насосных станций систем машинного орошения. – Ташкент: Фан, 2014.-368с.

5. <http://www.energo.ru>.

6. <http://www.uzbekenergo.uz>

## **O'ZBEKISTON RESPUBLIKASIDA MUQOBIL ENERGIYA MANBALARIDAN FOYDALANISH ISTIQBOLLARI**

**Jo'rayev Nurmuhammad Mamatovich**

*TATU Farg'ona filiali Telekommunikasiya injiniringi kafedrasida dosenti*

**Jo'rayeva Gulnoza Fazlitdinovna**

*TATU Farg'ona filiali Telekommunikasiya injiniringi kafedrasida katta  
o'qituvchisi*

**Komilov Davron Rashidjon o'g'li**

*TATU Farg'ona filiali Telekommunikasiya injiniringi kafedrasida assistenti*

Dunyo bo'ylab fan-texnika va sanoatning jadal rivojlanishi tabiiy zahiralarga bo'lgan ehtiyojning yanada oshishiga olib kelmoqda. Respublikamiz iqtisodiyotida mineral xom-ashyo qazib olish va qayta ishlash yetakchi o'rinlardan birini egallamoqda. U sanoat va qishloq xo'jalik ishlab chiqarilishini rivojlantirishga katta ta'sir ko'rsatmoqda. O'zbekiston noyob yoqilg'i energetika resurslariga ega. Qidirib topilgan gaz zahiralari 2 trillion kubometrga yaqin, ko'mir 2 milliard tonnadan ortiq, 160 dan ortiq neft konlari mavjud. Hozirgi davrda O'zbekiston energetika tizimi 19 ming sanoat, 80 ming qishloq xo'jaligi, 19 ming kommunal va 3,5 million maishiy iste'molchilarni energiya bilan ta'minlaydi [1-2].

Respublika energetikasi istiqboli gidroenergetika va issiqlik energetikasi yo'nalishida rivojlandi. O'zbekiston energetika tizimi 37 ta issiqlik va gidravlik elektr stansiyasini o'z ichiga olib, ularning umumiy quvvatlari 11,58 mln. MVt ga yetadi. Shundan 9,84 mln MVt issiqlik elektrostansiyalari, 1,74 mln MVt gidroelektr stansiyalari hissasiga to'g'ri keladi [3]. Asosiy yoqilg'i energetika resurslari qatoriga neft, gaz va ko'mir kiradi.

Organik yoqilg'ilarida ishlaydigan ana'naviy energiya manbalari o'rnini bosib elektr energiyasi olish imkonini beradigan, hozircha keng qo'llanilmaydigan usul, qurilma yoki inshootlarga muqobil energiya manbalari deyiladi.

Muqobil energiya manbalarining ommalashishiga to'sqinlik qilishi mumkin bo'lgan asosiy sabablardan biri - bu ularning tannarxi yuqoriligidir. Shu bois ham olimlar uning eng maqbulini tanlashda ham arzon, ham ishlab chiqarishda samarali bo'lishi lozimligiga e'tibor qaratishmoqda.

Quyidagi jadvalda O'zbekiston Respublikasi hududidagi eng muhim qaytala tiklanuvchi energiya manbalarining turlari va miqdorlari keltirilgan [4].

Ma'lumki, ko'pchilik energetika resurslarining manbai quyoshdir. Quyosh nurlari yerning 1m<sup>2</sup> yuzasiga taxminan 1 kVt energiya beradi. Ko'p million yillar mobaynida bizning yer sharimiz quyosh energiyasini o'simliklar orqali torf, toshko'mir va antratsit ko'rinishida yig'di. Shuning uchun yoqilg'i quyosh energiyasining akkumulatoridir.

Afzalliklari:

- An'anaviy energiya manbalari narxlarining doimiy ko'tarilishi sharoitida energiya manbalarining istiqboli, mavjudligi va bitmas-tuganmasligi.

- Nazariy jihatdan, atrof-muhit uchun to'liq xavfsizligi.

Kamchiliklari:

- Ob-havo va kunning vaqtiga bog'liqligi.

- O'rta kengliklarda mavsumiylik va elektr energiyasi ishlab chiqarish hamda unga bo'lgan talabning mos kelmasligi. Yuqori kengliklarda foydasiz, energiyani saqlashga bo'lgan ehtiyoj.

- Sanoat ishlab chiqarishida - quyosh elektr stantsiyalarini an'anaviy taqqoslanadigan quvvat bilan takrorlash zarurati.

- Noyob elementlardan foydalanish bilan bog'liq yuqori qurilish xarajatlari (masalan, indiy va tellur).

- Yorug'lik yutuvchi sirtlarni ifloslanishidan vaqti-vaqti bilan tozalash zarurati.

- Katta maydonlardan foydalanish zarurati.

- Ularda toksik moddalar, masalan, qo'rg'oshin, kadmiy, galliy, mishyak va boshqalar borligi sababli quyosh panellarini ishlab chiqarish va yo'q qilishning murakkabligi.

Quyosh issiqlik elektr stantsiyalarining uch turi mavjud:

- markaziy qabul qiluvchi - bug 'generatori bo'lgan minora turi;
- parabolik (qayiqsimon) turi;
- lagansimon turi.

Fotoeffekt foton (yorug'lik nuri zarrachasi) har xil turdagi elektr o'tkazuvchanlikka ega ikkita materialdan tayyorlangan elementga urilganda paydo bo'ladi. Bunday materialga kirgandan so'ng, foton elektronni o'z orbitasidan chiqarib yuboradi va erkin elektron va "kovak" hosil qiladi. Natijada, p - n birikmasi deb ataladigan muvozanat buziladi va zanjirda elektr toki paydo bo'ladi.



2-rasm. Fotoelementning tuzilishi

Fotoelementning sezgirligi tushayotgan nurning to'lqin uzunligiga va element yuqori qatlamining shaffoligiga bog'liq. Ochiq ob-havo sharoitida kremniy paneli

maydonining 1 sm<sup>2</sup> yuzasiga 0,5 V kuchlanishida, ya'ni 12-13 mVt/sm<sup>2</sup> ga teng, taxminan 25 mA elektr tokini hosil qiladi. Kremniy fotoelementlarining nazariy samaradorligi taxminan 28%, amalda esa - 14 dan 20% gacha.

### Foydalanilgan adabiyotlar ro'yhati

1. Мухитдинов М.М., Эргашев С.Ф. Солнечные параболоцилиндрические установки: Издательство «ФАН», Ташкент, 1995, 206 с.
2. Бекман У., Клейн С. Даффи Д. Расчет систем солнечного теплоснабжения. М.: Энергоиздат. 1982, стр. 27-38.
3. Раушенбах Г. Справочник по проектированию солнечных батарей. Москва, Энергия. 1983, стр. 180-194.
4. Умаров Г., Усмонов М. Қуёш энергиясидан халқ хўжалигида фойдаланиш.— Т.: Фан, 1984, 48 б.


## PAST TEZLIKLI ENERGIYA OQIMLARIDA SAMARALI ISHLOVCHI MUQOBIL ENERGIYA MANBAI UCHUN GENERATOR KONSTRUKSIYASINI TAKOMILLASHTIRISH

N.N. Sadullayev, Sh.N.Nematov, F.O.Sayliyev  
Buxoro muhandislik – texnologiya instituti

O'zbekistonda chekka hududlardagi iste'molchilar elektr ta'minoti ishonchligining pastligi va shu hududlarga elektr energiyasini uzatishda isroflarning yuqoriligi, qayta tiklanuvchi energiya manbalardan foydalanish dolzarligini keltirib chiqarmoqda.

O'zbekiston Respublikasi muqobil energiya manbalariga o'tish orqali elektr energiyasini hosil qilish aholining turmush darajasini yaxshilanishi, energiya resurslariga bo'lgan qaramlikni va CO<sub>2</sub> ajratmalarini kamaytirish imkoni beradi.

Buning natijasida 2020-2030 yillarda energetika tizimi rivojlantirish konsepsiyasiga muvofiq yashil iqtisodiyotni rivojlantirish yo'lidagi bir qancha muammolarning asosiy yechimi hisoblanadi. Quyidagi diagrammada mamlakatimizda 2030 – yilgacha elektr energiya ishlab chiqarish qiymatlari berilgan.



*1 – rasm. 2030 – yilgacha elektr energiya ishlab chiqarishning elektr stansiyalar kesimidagi prognozi.*

Manba: 2020-2030 yillarda O`zbekiston Respublikasini elektr energiyasi bilan ta'minlash konsepsiyasi.

Respublikaning boshqa hududlarida esa asosan past tezlikli shamol va suv oqimlari mavjud. Past tezlikli shamol va suv oqimlarida ham samarali ishlaydigan energetik qurilmalarini yaratish, chekka hududlardagi elektr ta'minoti bo'lmagan va ishonchliligi past bo'lgan iste'molchilarni elektr ta'minoti ishonchliligini oshirishda katta ahamiyat kasb etadi. Nazatdiy tadqiqotning maqsadi sifatida past tezlikli shamol va suv oqimlarida energetik qurilmalari samarali ishlashida elektr generatorlarni to'g'ri tanlash asos qilib olindi. Bundan tashqari sanoatning rivojlanishi va elektr transport vositalaridan keng foydalanish, elektr generator/motrlarning yangi konstruksiyalarini ishlab chiqish va mavjud konstruksiyalarning parametrlarini yaxshilash bo'yicha ilmiy tadqiqotlarni o'rganish.

Past tezlikli shamol va suv oqimlarida inergiya samaradorligi yuqori bo'lgan (akseal va radial) oqim generatorlaridan foylaniladi.

Bu turdagi generatorlar magnit oqim zichligi yuqoriligi va cho'tka kallektordan foydalanmasligi mator rejimiga yaxshi o'ta olishi mashina sozlik va maishiy texniokalarga keng miqyosda kirib borishga asos bo'ldi.

#### **Radial oqim generatorlar**

Radial oqim generator hozirgi kunda ko'pgina katta quvvatli GESlarda foydalanib kelinmoqda. Mazkur gidroenergetik inshootlarda foydalaniladigan generator ko'p qutbli, kichik aylanish tezligiga ega. Quvvati 10 kW va aylanish tezligi 214.3 ayl/min ga teng bo'lgan Radial oqim generatori har bir fazalar orasidagi kuchlanishlar farq 0.3%-1.3% gacha, amaliy va nazariy tajribalar orasidagi farq 5% ga bo'lishi kuzatilgan [1] Boshqa tadqiqot ishlarida radial oqim generatorini energiya samaradorligi past potentsialli shamol oqimlari uchun foydalanish yaxshi natija berishi ta'kidlangan. Oqim tezligi 3m/s-5m/s bo'lganda, generator tezligi 100 ayl/min- 500ayl/min gacha erisha olgan[2]

#### **Aksial oqim generatorlari**

Shamol turbinalarida reduktor qurilmasidan foydalanmasdan holda aksial oqimli generatorlardan foydalanish shamol energiyasidan foydalanish koeffitsientini, energiya zichligini oshirishi va generator vaznining kamayishiga olib kelgan. [3].Akseal (SGPM-5-150A) Tangensial (SGPM-5-150T) oqim generatorlari taqqoslanganda aksial oqim generatori samaradorligi 2.1 % yuqoriligi, o'kazgich 2,2 marta kam ishlatilishi va boshqa ko'pgina afzalliklar aniqlangan [4]. Ikki rotorli aksial generator 219-402 ayl/min da harakatlanish natijasida kuchlanishi 79 V-150 V, 50 Hz chastota esa 333 ayl/min qayd etilgan [5]. Aksial oqimli ikki statorli va uch rotorli generatorida energiya zichligi, ikki rotorli va bitta statorli akseal oqim generatorida energiya zichligi mos ravishda 283,6 W/kg, 195,3 W/kg qayd etilgan.

*1-jadval. Akseal va Radial oqim generatorlarining texnik tavsiflari.*



Qiymatlari	Aksial	Radial [6]
Quvati	3 kW	3 kW
Nominal kuchlanishi	220 V	220V
Aylanish tezligi	1200 ayl/min	1150 ayl/min
CHastotasi	60 Hz	60 Hz
Tok kuchi	8.75 A	12.6 A
Motor massasi	27 kg [6]	41 kg
Foydali ish koeffitsienti	90 %	83%
Quvvat zichligi	111.1 W/kg[7]	72.8W/kg [7]
Materiallarning taxminiy qiymati	609.8 €	535.65 €
Ishlab chiqarish uchun xarajati koeffitsienti (K)	1.5	2
Umumiy xarajatlar	914.7 yevro	1071.3 yevro

Akseal oqim generatori massa jixattan radial oqim generatoridan yengilligi kansturuksiyasi soddaligi magnit oqim zichilgi yuqoriligi narxi arzonligi va texnik xizmat ko'rsatish radial oqim generatoriga nisbatan arzonligi akseal oqim genertarini past tezlikli shamol oqimlari uchun yaxshi generatorligini adabiyotlarda takidlandi.

#### Natijalar va muhokama

O'zbekistonda qayta tiklanuvchi energiya manbalaridan keng foydalanishni joriy etish uchun energetik islohotlarni yanada rivojlantirish lozim.

Buxoro muhandislik-texnologiya institutida ham shamol energiyasidan samarali foydalanish bo'yicha tadqiqot ishlari olib borilmoqda. Institutda ILM-20215001- "Kichik quvvatli istemolchilar uchun O'zbekiston iqlimiy sharoitlarida samarador ishlovchi shamol energetik qurilmasini yaratish" innovatsion loyihasi asosida ilmiy tadqiqot-ishlari olib borilmoqda.

Tadqiqot ishida Respublika hududlaridagi shamol oqimlarida samarali ishlovchi shamol turbinasi va shu turbina orqali samarali elektr energiyasi ishlab chiqara oladigan elektr generator ham loyihalanmoqda




a) rotor



b) stator

2-rasm. Doimiy magnitlardan tashkil topgan ko'p qutbli akseal oqim generator

Generatorda 64 ta doimiy magnit orqali 32ta juft qutb hosil qilinib va 24 ta simli galtakdan tashkil topgan. Bu turdagi generator past tezlikli shamol oqimlariga va mikro geyslarga o'rnatish yaxshi natija berishi kutilmoqda



3-rasm. Akseal oqim generatorini harakatlantirish natijasida chiqish kuchlanishi

Olingan natijalar asosida nominal kuchlanishni ishlab chiqarish uchun ushbu generatordan foydalanishda aylanish tezligi pasligi ekanligi xulosa qilindi. Past tezlikli inergiya oqimlariga ishlashi amaliyotda kuzatildi.

Generatorni Respublikamiz iqlim sharoitlariga ya'ni issiq havoda hamda changlanganlik miqdori yuqori bo'lgan muhitlarda ham samarali ishlashi ta'minlash uchun sinov natijalari davom ettirilmoqda.

### Foydalanilgan adabiyotlar

1. Ashraf, Muhammad Mansoor and Tahir Nadeem Malik. "Design of a three-phase multistage axial flux permanent magnet generator for wind turbine applications." *Turkish J. Electr. Eng. Comput. Sci.* 25 (2017): 520-538.
2. Reza Yazdanpanah, Abdolkarim Afroozeh, Mahdiah Eslami, Analytical design of a radial-flux PM generator for direct-drive wind turbine renewable energy application, *Energy Reports*, Volume 8, 2022, Pages 3011-3017, ISSN 2352-4847, <https://doi.org/10.1016/j.egy.2022.01.121>
3. D Ahmed and A Ahmad. An optimal design of coreless direct-drive axial flux permanent magnet generator for wind turbine. [Journal of Physics: Conference Series Volume 439, 6th Vacuum and Surface Sciences Conference of Asia and Australia \(VASSCAA-6\) 9–13 October 2012, Islamabad, Pakistan. Doi: 10.1088/1742-6596/439/1/012039](https://doi.org/10.1088/1742-6596/439/1/012039)
4. A N Antipov, A D Grozov and A V Ivanova. Design and analysis of a new axial flux permanent magnet synchronous generator for wind IOP Conference Series: Materials Science and Engineering, Volume 643, International Scientific Electric Power Conference 23–24 May 2019, Saint Petersburg, Russian Federation
5. I M W Kastawan, Rusmana. Voltage Generation of Three-Phase Double Sided Internal Stator Axial Flux Permanent Magnet (AFPM) Generator IOP Conference

Series: Materials Science and Engineering, Volume 180, 1st Annual Applied Science and Engineering Conference (AASEC), in conjunction with The International Conference on Sport Science, Health, and Physical Education (ICSSHPE) 16–18 November 2016, Bandung, Indonesia

6. Aleksander Kilk. LOW-SPEED PERMANENT-MAGNET SYNCHRONOUS GENERATOR FOR SMALL-SCALE WIND POWER APPLICATIONS. Oil Shale, 2007, Vol. 24, No. 2 Special ISSN 0208-189X pp. 318–331

7. Tarimer, Ilhan and E. Yuzer. “Designing of a Permanent Magnet and Directly Driven Synchronous Generator for Low Speed Turbines.” *Elektronika Ir Elektrotehnika* 112 (2011): 15-18

## MUQOBIL ENERGIYA HISOBIGA ISHLOVCHI ISSIQLIK NASOSLARI

**R.A. Axtamov, A.X. Juraqulov, Normurodov E.E.**

Buxoro muhandislik-texnologiya institute

Dunyo yangi asrga qadam qo‘yganiga ham 22 yil bo‘ldi. XX asrda jahonda barcha soha, jumladan texnika va sanoat sohalarida mislsiz yutuqlarga erishildi. Lekin, shu barobarida insoniyatni o‘ylashga va amaliy chora-tadbirlar ko‘rishga chorlovchi birqator global muammolar ham yuzaga keldi. Bu muammolarning asosiysi-iqlim iliqlashuvi hamda tabiiy, jumladan energetik resurslarning qashshoqlashuvi hisoblanadi.


Bugungi kunda dunyoda ishlab chiqarilib, u yoki bu sohalarda foydalanilayotgan yalpi energiya miqdorida an‘anaviy yoqilg‘ilarning ulushi 86, gidroenergetikaniki 7, yadro yoqilg‘isiniki 6 va boshqa tur resurslarniki 1 foizni tashkil etmoqda. An‘anaviy yoqilg‘ilarga bo‘lgan ehtiyoj tobora ortib borishi bilan birga, ularning manbalari aksincha kamayib bormoqda, boshqacha qilib aytganda energiya ishlab chiqarish uni iste‘mol qilish darajasidan ortda qolmoqda. Texnosferaning atrof muhitga ta‘siri tez sur‘atlarda ortib bormoqda. Bularning barchasi tag-zamini bilan bir-biroviga bog‘liq muammolardir. Dunyo mamlakatlari, jumladan Xitoy, Hindiston, Rossiya va shu kabi yirik mamlakatlarning iqtisodini rivojlanib borishi Yer qa‘ridan katta miqdordagi tabiiy resurslarni qazib olishni taqazo etmoqdaki, bu holat ularni qazib olish, tashish va foydalanish jarayonida biosferaga juda ko‘p miqdorda zaharli moddalarni qo‘shilishiga olib kelmoqda. Ekspertlarning xulosalariga ko‘ra, har yili Yer atmosferasiga 200 mln.t atrofida qattiq zarrachalar, 200 mln. t oltingugurt gazi, 700 mln.t uglerod oksidlari va 150 mln.t azot oksidlari tashlanmoqda. Natijada tabiatda turli-tuman anomal hodisalar (“kislotali yomg‘irlar”, “iqlimning iliqlashuvi”, “ozon qatlaminig qashshoqlashuvi”, “cho‘llanish” va h.k. ) va ofatlarning yuz berishi, shuningdek, biologik modda almashinuvlar tufayli kishilarning tanalariga zaharli kimyoviy moddalarni o‘tib qolishi bilan bog‘liq kasalliklarning ko‘payishi yuzaga

kelmoqda.

Aytish mumkinki, XXI asr butun dunyoda muqobil energiya manbalariga diqqatni qaratishni talab qilmoqda. gelioenergetika - quyosh energetikasiga, shamol energetikasiga yangicha nazar va umid bilan qarashga to'g'ri kelmoqda. Bu sohalar tez sur'atlar bilan turli yo'nalishlarda rivojlanmoqda. Shimoliy Skandinaviyadan tortib to Afrikaning jazirama sahrolarida joylashgan dunyoning 70 dan ortiq mamlakatlarida gelioenergetik dasturlar asosida ilmiy-tadqiqotlar va amaliy ishlar olib borilmoqda. Quyosh va shamol qurilmalari binolarni isitish va sovutish, suvlarni chuchiltirish, elektr energiyasi hosil qilish va turli texnologik jarayonlarni amalga oshirishda foydalanilmoqda.

Keyingi yillarda rivojlangan Evropa Mamlakatlarida barcha kamunal sohalarda, jumladan, isitish tizimlarida iqtisodiy jihatdan samarali bo'lgan yangi texnologiyalar, issiqlik nasoslaridan keng foydalanilmoqda. [1,2]

1-rasmda issiqlik nasosi yordamida isitishning umumiy ko'rinishi tasvirlangan.



1-rasm

Issiqlik nasosining asosiy konstruktiv elementlari quydagilar:

1. Kompessor
2. Kondensator
3. Bug'latgich
4. Rostlovchi vintel


Bu qurilmalar o'zaro germetik quvurlar tizimi bilan bog'langan bo'lib, unda ishchi jisim sirkulyasiya qilinadi.

Qurilmaning, bug'latgichi issiqlik olinadigan manbaga joylashtiriladi, kondensator esa isitiladigan binoning ichida bo'ladi. Umuman qurilmaning ishlash prinsipi Karnonning teskari sikliga asoslangan bo'lib, kompressor ishlaganda bug'latgichdagi issiqlik tashuvchi (qaynash harorati past bo'lgan amiak, freon kabilar) issiqlik olinadigan manbadan (havo, tuproq, suv) issiqlik olib gaz holatga kompressorga so'riladi. Kompessor uni siqib kondensatorga uzatadi. Kompressorda siqilgan issiqlik

agentining harorati 100-120<sup>0</sup>C gacha ko'tariladi. Bino ichidagi harorat bilan isitiladigan bino ichidagi haroratlar farqi bo'lganligi sababli issiqlik almashinish asbobi orqali issiqlik isitiladigan muhitga yoki issiqlik akumuliyatoriga beriladi.

Bu tizim ham umumiy elektr tarmog'idan olingan elektr energiya hisobiga ishlaydi. O'zbekistonning ko'pgina hududlari yuqori kuchlanishli elektr uzatish tarmoqlaridan uzoqda joylashgan bo'lib, ularga elektr leniyalari o'tkazish iqtisodiy jihatdan samarali emas. Shuning uchun bunday aftanom hududlarda barcha sohalarda jumladan isitish tizimidaham muqobil energiya manbalaridan foydalanish tejamli bo'ladi.

Buning uchun biz quydagi 2-rasmda ko'rsatilgan sxema asosida ishlaydigan issiqlik nasosli isitish tizimidan foydalanishni taklif qilamiz.



2-rasm

Bu tizimning ishlash tartibi quydagicha: Quyoshli kunlarda binoda o'rnatilgan fotobatareyalar yordamida hosil qilingan elektr energiya, shamolli kunlarda shamol dvigateli yordamida hosil qilingan elektr energiya yetarli elektr sig'imiga ega bo'lgan elektr akumulatorlarda yig'iladi. Yig'ilgan elektr energiya kerakli vaqtda investor orqali issiqlik nasosiga beriladi. Tizim, rasmda ko'rsatilgandek, er guruntidan va unda joylashtirilgan suv quduqlaridan issiqlik oladi. Buning uchun issiqlik nasosining bug'latgichi ana shu joyda joylashtiriladi.

Foydalangan adabiyotlar:

1. Жўраев Т.Д. Қуёш иссиқлик қурилмалари. Қўлланма. Тошкент, Дизайн-пресс, 2012, 108 б.
2. Рей Д., Макмайл Д. Тепловые насосы. М. Энергоиздат, 1982. 218 с.
3. Янтовский Е.И. и др. Теплонасосные станции в энергетике. Теплоэнергетика. 1978, №4



4. G'.N. Uzoqov, S.M. Xo'jaqulov, Yu. G'. Uzoqova. Muqobil energiya manbalaridan foydalanish asoslari (o'quv qo'llanma) Toshkent "Fan va texnologiya" 2017, 160 bet.

5. P.A. Axтамов, A.X. Журақулов. "Экологик тозаликни сақлашда қуёш энергияси ва иссиқлик насосларининг роли". Материалы международной конференции "современные проблемы экологии и охраны окружающей среды и биотехнологии". Ташкент 2022 г. 662-664 с

## **KOGENERATSION QURILMALAR TAHLILI, AFZALIKLARI VA KAMCHILIKLARI**

**G.N UZOKOV**

Qarshi muhandislik-iqtisodiyot instituti

**S.SH RUSTAMOV**


Buxoro muhandislik-texnologiya instituti

Hozirgi vaqtda jahoning qator mamlakatlarida issiqlik va elektr energiyasiga bo'lgan talab oshib energiya taqchilligi kuzatilmoqda. Bunga sabab tabiiy yoqilg'ilarning kamayishi va neft narxining oshib borishi bilan bog'liq bo'lib qolmoqda. Dunyo bozorida energiyaning asosiy miqdori kogeneratsion qurilmalar yordamida ishlab chiqarilishi hech kimga sir emas. Chunki kogeneratsion tizimlardan foydalanib, bir vaqtning o'zida ham issiqlik ham elektr energiyasi olish imkoni mavjud. Ishlab chiqarilgan energiyani maishiy uy-joy, sanoat korxonolari, shuningdek issiqxonalarining energiya ta'minotida samarali foydalanish mumkin. Tizimning foydali jihati shundaki, energetik yoqilg'i sifatida tabiiy gaz, ko'mir, biomassa, turli xildagi chiqindilarni yoqish orqali samarali energiya olish imkoni mavjud.

Kogeneratsion qurilmalar asosan quyidagi elementlardan tashkil topgan:


- Quvvat bloki (gaz porshenli dvigatel, gaz turbinasi, dizel dvigateli va h.k)
- Elektr generatori
- Issiqlikni qayta tiklash tizimlari
- Nazorat va boshqaruv tizimlari

1-rasmda rasmda kogeneratsion qurilmaning konstruktiv-texnologik sxemasi ko'rsatilgan.



1-rasm. Kogeneratsion tizimning konstruktiv-texnologik sxemasi

Zamonaviy kogeneratsion gaz qurilmalari yordamida qishloq xo‘jaligi chiqindilari, shuningdek shahar chiqindilarini utilizatsiya qilish orqali elektr va issiqlik energiyasi ishlab chiqarishni ta‘minlaydi. Hozirgi vaqtda ushbu texnologiya dunyoning barcha sivilizatsiyalashgan mamlakatlarida foydalanish uchun eng istiqbolli yechim hisoblanadi, chunki u biogazni kogeneratsiya stansiyalari uchun yoqilg'i sifatida ishlatishni nazarda tutadi. Ushbu agregatlar an'anaviy tabiiy gazda ham, tarkibida metan miqdori 50-65 foiz bo'lgan boshqa har qanday muqobil gazlarda ham ishlay oladi. Kogeneratsiya qurilmalari nafaqat zaxira, balki issiqlik va elektr energiyasining mustaqil yordamchi manbalari, sifatida ham qo'llaniladi. Bugungi kunga kelib, bu maqsadda dunyoda ko'plab energiya uskunalari ishlab chiqilgan va ishlab chiqarilmoqda, chunki markaziy tarmoqdan elektr energiyasini iste'mol qilishdan ko'ra avtonom iste'mol uchun kogeneratsiya qurilmalarini yaratish arzonroqdir. Ushbu tizimning boshqa tizimlar orasida afzalligi ishonchli energiya bilan ta'minlash, atrof-muhitni kamroq ifloslantirish va xavfsizroq ishlashdir. Kogeneratsiya zavodining o'zi mini-kombinatsiyalangan issiqlik va elektr stantsiyasidir, uning samaradorligi 85% dan 90% gacha bo'lishi mumkin. 2-rasmda kogeneratsion qurilmalarning o'rtacha samaradorligi ko'rsatilgan.



2-rasm. Kogeneratsion tizimning o'rtacha samaradorligi

Kogeneratsiya tizimlarida qo'llaniladigan texnologik qurilmalardan kelib chiqib ularni ikkita alohida guruhga bo'lish mumkin. Bular, an'anaviy va rivojlanayotgan texnologiyalar guruhidir. Birinchi guruhga gaz turbinalari, porshenli dvigatellar va bug' turbinalari kiradi. Ikkinchi guruhga esa mikroturbinalar va yonilg'i kamerali qurilmalar kiradi.

Muayyan loyiha uchun kogeneratsiya texnologiyasini tanlashda chuqur tahlillar qilishni talab etadi, chunki u bir necha omillarga bog'liq. Har bir texnologiya o'ziga xos xususiyatlarga ega bo'lgan afzallik va kamchiliklarga ega, ular qurilmaning o'ziga xos ehtiyojlariga javob berishini ta'minlash uchun hisobga olinishi kerak.

Texnologiyani tanlashda e'tiborga olinishi kerak bo'lgan omillarga quyidagilar kiradi: elektr va issiqlik talablarining o'rtacha eng yuqori shartlari, bu ehtiyojlar uchun soatlar soni, ishlatiladigan issiqlik turi, zarur bo'lgan tezlik reaksiyasi, ishlatiladigan yoqilg'i turi, narxi va mavjudligi va boshqalar kiradi. 1-jadvalda turli xil kogeneratsiya texnologiyalarining asosiy afzalliklari va kamchiliklari keltirilgan.

1-jadval

Texnologiya	Afzalliklari	Kamchiliklari
Gaz turbinalari	<ul style="list-style-type: none"> <li>- Yuqori Ishonchlilik</li> <li>- Ifloslantiruvchi moddalar emissiyasining kamayishi</li> <li>- Sovutish shart emas</li> <li>- Yuqori energiya intensivligi (400 dan 600 ° C gacha)</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>- Yuqori bosimli gaz bilan ishlash</li> <li>- Qisman yuklanganda samaradorlik pasayishi</li> <li>- Xona haroratining oshishi bilan chiqish quvvati kamayadi</li> <li>- issiqlik talablari past bo'lgan jarayonlarda yuqori samaradorlik</li> </ul>
Ichki yonuv dvigatellari	<ul style="list-style-type: none"> <li>- Yuqori elektr quvvat chiqarish</li> <li>- Past bosimli gazda ishlash</li> <li>- Qisman yuklama bilan ishlash</li> <li>- Jarayonni tez boshlash</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>- Yuqori texnik xarajatlar</li> <li>- Ifloslantiruvchi moddalar emissiyasi yuqori</li> <li>- Sovutish kerak</li> <li>- Past haroratni sozlash</li> </ul>
Bug' turbinalari	<ul style="list-style-type: none"> <li>- Umumiy daromad yuqori</li> <li>- Har xil yoqilg'idan foydalanish imkoniyati</li> <li>- Turli xil miqdorda bug' mavjudligi</li> <li>- Yuqori bosimdagi bug'</li> <li>- Foydalanish muddati va ishonchliligi yuqori</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>- Elektr samaradorligi past</li> <li>- Jarayon sekin boshlanishi</li> </ul>
Mikro turbinalar	<ul style="list-style-type: none"> <li>- O'lchamlari ixcham</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>- Yuqori xarajatlar</li> </ul>

	- Ifloslantiruvchi moddalar emissiyasining kamligi - Sovutishni talab qilmaydi	- Past haroratni sozlash - Endilikda rivojlanayotgan texnologiya
Yoqish kameralari	- Ifloslantiruvchi moddalar emissiyasi kamligi - Shovqin pastligi	- Yuqori xarajatlar - Ishonchliligi past - Yoqilg'ini oldindan qayta ishlashga bo'lgan ehtiyoj - Endilikda rivojlanayotgan texnologiya

Xulosa sifatida kogeneratsiya qurilmalaridan foydalanishning iqtisodiy samaradorligini takidlaydigan bo'lsak, kogeneratsiya yordamida ishlab chiqarilgan elektr va issiqlik energiyasining umumiy qiymati markazlashtirilgan ta'minotdan 2-2,5 baravar arzon bo'lib, o'zini oqlash muddati 2,5-4 yilni tashkil etadi. Kogeneratsiya agregatlarining ishlash muddati esa taxminan 25-30 yilni tashkil etadi, shu vaqt ichida ular o'n barobar o'zini oqlashi mumkin. Shuningdek bu tizim yordamida chiqindilardan olingan yoqilg'ilarni ishlatish yuqori samaradorlikni beradi.

### FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR

1. Andryushchenko A.I. Nikolaev Y.E. Bug '-gaz texnologiyalaridan foydalangan holda shaharlarni issiqlik bilan ta'minlashning istiqbolli sxemalarini tanlash.// Sanoat energetikasi. 2004 y.

2. Ильин Е.А., Болдин С.В., Пузиков Н.Т. Энергосберегающие когенерационные установки на биогазе // Международный студенческий научный вестник. – 2015.

3. Болдин С.В. Газогенератор для производства газов из древесных отходов / С.В. Болдин, Н.Т. Пузиков, А.С. Коробков // Великие реки 2008.

4. Артюх А.Е., Рынгель Д.И., Трус М.П. Когенерационные установки мини-тэц в системах электроснабжения.


## SHAMOL ENERGETIKASIDA FOYDALANILADIGAN AERODINAMIK SIRTLAR TADQIQOTI

N.N SADULLAYEV, F.F MUZAFFAROV

Buxoro muhandislik texnologiya institute

Aerodinamik sirtlar asosan sanoat tarmog'ining samolyotsozlik va shamol energetikasi sohalarida keng qo'llaniladi. Bu sohalarni loyihalashda bir necha o'n minglab turdagi aerodinamik sirtlardan foydalaniladi, chunki bu sirtlarning har biri o'z xususiyatidan kelib chiqib turli xildagi koeffitsiyentga ega. Tadqiqotlar shuni ko'rsatmoqdaki aerodinamik sirtlarni loyihalash va ularni tahlil qilishda parvoz qilish xususiyatlari birlamchi ahamiyat kasb etadi, yani ko'p hollarda samolyot yoki raketalarda ishlatish masalalari nazarda tutilgan. Bu aerodinamik sirtlardan vertikal o'qli shamol turbinasi parraklarini tayyorlashda foydalanishda o'ziga xos bo'lgan xususiyatlarni inobatga olish talab etiladi. Bu degani samolyotlar uchun kamchilikli bo'lgan parrak shamol turbinasi uchun afzallik bo'lishi mumkin.

Biz bu tadqiqot ishida NACA 4412 aerodinamik sirtidan foydalandik. NACA 4412 ning tasniflanishi quyidagicha:




1-rasm. NACA 4412 ning tasniflanishi.

NACA 4412 dagi raqmlar uzunligi 1 [m] bo'lgan aerodinamik sirtga nisbatan olinadi. Bunda I-4 raqmi egriklik chizig'i va uzunlik orasidagi masofaning uzunlikka nisbatan % da ifodalanilishi, II-4 esa aerodinamik sirtning uchi va eng katta egriklik chizig'i orasidagi masofaning uzunlikka nisbatan qismda (4/10) ifodalanilishi. III-12 raqam esa eng katta egriklik masofasining uzunlikka nisbatan % da ifodalanilishi.


Aerodinamik sirtlarni tahlil qilishda Ansys, Solid works, Catia, Comsol, Xfoil, Qblade kabi dasturiy paketlardan foydalaniladi.





2-rasm. Qblade dasturida aerodinamik sirtlarning tadqiqoti.


Ansys dasturining fluent paketi bilan tajribalar o'tkazish orqali biz aerodinamik sirtlar to'g'risida umumiy xulosalarga kelishimiz mumkin. Bu dasturda ishchi element ya'ni aerodinamik sirt bosim berish va tezlik orqali sinaladi. Quyida standart ko'rinishdagi hamda taklif etilayotgan aerodinamik sirtlarning modeli Ansys dasturida tekshirilgan va ularni qiyosiy tahlil qilishimiz mumkin.




3-a rasm. Taklif etilayotgan sirtning 3000 ta takrorlanishdagi tezliklar o'zgarishi.

3-b rasm. NACA4412 sirtining 3000 ta takrorlanishdagi tezliklar o'zgarishi.

3 rasmdan shu narsa ayon bo'ladiki b rasmda 100 ta takrorlanishdan keyin x,y koordinatalar bo'yicha tezlik miqdori 0 ga yaqinlashib qoladi, a rasmda esa o'zining stabil yoki doimiy tezligini saqlab qolishga erishadi. Shuni alohida ta'kidlab o'tish kerakki 3a-3.b rasmdagi natijalar bir xil parametrlarda tekshirilgan.




4-a rasm. Takif etilayotgan sirtning ko'rsatayotgan bosimi tahlili.




4-b rasm. NACA4412 sirtining ko'rsatayotgan bosimi tahlili.

4-b rasmdan ko'rinadiki NACA4412 sirtida ko'tariluvchi kuchning miqdori katta ya'ni bu samolyot qanotlaridagi ko'tariluvchi kuchlarning afzalligi bo'lib hisoblanadi. 4-a rasmda esa ko'tariluvchi kuch miqdorining katta bo'lishi vertical o'rnatilgan valga aks ta'sir ko'rsatuvchi ortiqcha momentlarni beradi va bu turbinaning umumiy samaradorligiga salbiy ta'sir ko'rsatadi.




5-a rasm. Takif etilayotgan sirtning tezlik xarakteristikasi.




5-a rasm. NACA4412 sirtining tezlik xarakteristikasi.

5-rasmdan sirlarning turli nuqtalaridagi tezlik miqdorini aniqlashimiz mumkin, bunda taklif etilayotgan sirtning uch tomonidagi tezlik NACA4412 sirtidagiga nisbatan kattaroq. Qolaversa Bernulli qonuniga asosan tezlik katta bo'lgan qismlarda bosim kichik bo'lishini inobatga olsak 4 rasmdagiga nisbatan ko'tarish kuchi 5-b rasmda katta ekanligini ko'rishimiz mumkin.



*6-a rasm. Takif etilayotgan sirtidagi tezlik vektorlarining o'zgarish xarakteristikasi.*



*6-a rasm. NACA4412 sirtidagi tezlik vektorlarining o'zgarish xarakteristikasi.*

Demak 6-rasmdagi tezlik vektorlarining o'zgarish xarakteristikasi orqali biz aerodinamik sirtga turbulent oqimning ta'sirini ko'rishimiz mumkin. Oqimlarda ayniqsa shamol oqimida turbulentlik xususiyati dominant bo'ladi. 6-a ramda parrakning egri sirti tomonidagi turbulentlik uning dum qismida bo'lganligi sababi ishlashiga salbiy ta'sir ko'rsatolmaydi.

#### **Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati**

1. Marco Casini, Small Vertikal Axis Wind Turbinas for Energy Efficiency of Buildings p 56-65
2. Payam Sabaeifard, Haniyeh Razzaghi, Ayat Forouzandeh, Determination of Vertikal Axis Wind Turbinas Optimal Configuration through CFD Simulations p 103-113
3. Djamal Hissein Didane, Nurhayati Rosly, Mohd Fadhli Zulkafli, Syariful Syafiq Shamsudin, Numerical investigation of a novel contra-rotating vertikal axis wind turbina p 43-53
4. Zhenzhou Zhao, Chang Yan, Tongguang Wang, Bofeng Xu, and Yuan Zheng, Study on approach of performance improvement of VAWT employing double multiple stream tubes model p1-24
5. M. Abdul Akbar, V. Mustafa A new approach for optimization of Vertikal Axis Wind Turbinas p 34-45
6. S. Brusca, R. Lanzafame, M Messina, Design of a vertikal-axis wind turbina: how the aspect ratio affects the turbina's performance p333-340
7. www.wind energy.com

## ИССЛЕДОВАНИЕ БИПАРАМЕТРИЧЕСКИХ РЕЗОНАНСНЫХ ДАТЧИКОВ ДВИЖЕНИЯ МАГНИТНЫМ ЭКРАНОМ

**Амиров Султан Файзуллаевич**

доктор технических наук, профессор,

**Суллиев Абсаид Хуррамович**

кандидат технических наук, профессор,

Ташкентский Государственный Транспортный Университет

Датчики магнитного типа находят широкое применение для контроля и управления оборудованием железнодорожного транспорта благодаря своей надежности, неприхотливости к тяжелым условиям эксплуатации и относительно невысокой стоимости [1].

В описан датчик движения магнитного типа, в котором любой из параметров движения (линейное перемещение, скорость, ускорение.) преобразуется в линейное перемещение магнитного экрана или измерительной катушки, а напряжение, наводимое в измерительной катушке, является функцией этого линейного перемещения и отражает величину измеряемого параметра движения [2,3].

Икки йўлли ҚХК бўйича дастлабки тадқиқотларнинг аксариятида силлик абсорбер пластинасида фойдаланилган. Бироқ сўнгги йилларда коллекторларнинг самарадорлигини ошириш учун сунъий ғадир-будирликдан фойдаланилмоқда. Фудҳоли [5] силлик ва ғадир-будирликли икки йўлли ҚХКнинг самарадорлигини таҳлил қилди. Назарий ва тажриба таҳлиллари шуни кўрсатдики, ҚХКнинг самарадорлиги асосан ҳавонинг массавий сарфига боғлиқ бўлиб, массавий сарф ортиши билан самарадорлик ортади. Қуёш нурланиш интенсивлиги 425-790 Вт/м<sup>2</sup> ва ҳавонинг массавий сарфи 0,09 кг/с бўлганда, ғадир-будир абсорбердан тайёрланган икки йўлли ҚХКнинг оптимал ФИК тахминан 71-83% ни ташкил этади. Габхане ва Канасе-Патил [6] абсорбер пластинаси С-симон ғадир-будирликга эга бўлган икки йўлли ҚХКнинг иссиқлик-гидродинамик характеристикасини тажрибавий тадқиқот қилишган. Тажриба натижалари С-симон қовурғали икки йўлли ҚХК худди шундай қовурғали бир йўлли ҚХКга нисбатан 1,8-2 марта юқори самарадорликка эга эканлигини кўрсатган. Нуссельт сонининг максимал қиймати ғадир-будирликнинг нисбий қадами 24, бурчаги 90° ва Рейнольдс сони 15000 бўлганда кузатилган. Абдулла ва бошқалар [7] турбулизатор ўрнатилган икки йўлли ҚХКни тажрибавий тадқиқот қилишган ва тажриба натижаларига кўра икки йўлли ҚХКда ҳаво сарфи 0,05 кг/с бўлганда максимал кунлик самарадорлик 68% ни ташкил этган.

V-симон гофрланган абсорберли рециркуляцияли икки йўлли ҚХКнинг янги конструкцияси ишлаб чиқилган бўлиб, у 2, б-расмда кўрсатилган [8]. Тажриба натижалари шуни кўрсатдики, ҳаво оқимининг массавий тезлиги ва рециркуляция коэффициенти қанча юқори бўлса, коллекторнинг унумдорлиги шунча юқори бўлади. Эль-Себайи ва бошқалар [9] V-симон гофрланган абсорберли икки йўлли ҚХКнинг (2, в-расм) самарадорлигини текшириш бўйича тажрибалар ўтказди ва V-симон гофрланган абсорберли икки йўлли ҚХК силлик абсорберли икки йўлли ҚХКга қараганда 11-14% юқори самарадорликка эга эканлигини аниқлади.

Шундай қилиб абсорбер пластинасининг ғадир-будирлиги параллел оқимли ва циркуляцияланмайдиган қарама-қарши оқимли икки йўлли ҚХКнинг характеристикасига катта таъсир кўрсатади. Бироқ циркуляцияланувчи икки йўлли ҚХКнинг унумдорлигига циркуляцияланувчи ҳавонинг тезлиги катта таъсир кўрсатади. Демак икки йўлли ҚХКларнинг иссиқлик самарадорлиги бир йўлли ҚХКларникига қараганда 10-15% га юқори бўлиб, улардан фойдаланиш қуёш коллекторли тизимнинг самарадорлигини ортишига олиб келади.

**Фойдаланилган адабиётлар**

1. Alam T., Kim M.-H. Performance improvement of double-pass solar air heater- A state of art of review. *Renew. Sustain. Energy Rev.* 79 (2017) 779–793.
2. Satcunanathan S., Prasad P. The thermal performance of the two pass, two glass cover solar air heater, *J. Sol. Energy Eng.* 105 (1983) (3).
3. Alam T., Kim M.-H. Performance improvement of double-pass solar air heater- A state of art of review, *Renew. Sustain. Energy Rev.* 79, 2017. –p. 779–793.
4. Yeh H.M., Ho C.D. Heat-transfer enhancement of double-pass solar air heaters with external recycle, *J. Taiwan Inst. Chem. Engineers* 42 (5) (2011) 793–800.
5. Fudholi A., Sopian K., Othman M.Y., Ruslan M.H., Bakhtyar B., Energy analysis and improvement potential of finned double-pass solar collector, *Energy Convers. Manage.* 75, 2013. –p. 234–240.
6. Gabhane M.G., Kanase-Patil A.B. Experimental analysis of double flow solar air heater with multiple C shape roughness, *Sol. Energy* 155 (2017) 1411–1416.
7. Abdullah A.S., Abou A.M.M., Omara Z.M. et al., Performance evaluation of a new counter flw double pass solar air heater with turbulators, *Sol. Energy* 173 (2018) 398–406.
8. Ho C.D., Hsiao C.F., Chang H.S., Tien Y.E., Investigation of device performance for recycling double-pass V-corrugated solar air collectors, *Energy Procedia* 105, 2017. –p. 28–34.
9. El-Sebaei A.A., Aboul-Enein S., Ramadan M.R.I., Shalaby S.M., Moharramb V.M. Investigation of thermal performance of double-pass flat plat and v-corrugated plate solar air heaters, *Energy* 36 (2) (2011) 1076–1086.

**ИССИҚЛИК НАСОСЛИ ҚУЁШ ҚУРИТГИЧЛАРИНИНГ  
ЭКСЕРГЕТИК ТАҲЛИЛИ**

**РЎЗИҚУЛОВ Ғ.Ю., ИБРАГИМОВ У.Х., ХЎЖАЁРОВА А.**

Қарши муҳандислик-иктисодиёт институти

Эксергетик таҳлил – иссиқлик насосли қуёш қуритгичларининг унумдорлигини баҳолаш учун энг мақбул ечим ҳисобланади. Эксергетик таҳлил қуритиш қурилмаларининг самарадорлигини ошириш, уларни экологик хавфсиз, барқарор ва энергия тежамкор режимда ишлатиш учун муҳим [1].

Эксергетик таҳлил термодинамиканинг иккинчи қонунинга асосланган. Эксергия тенгламасининг умумий кўриниши қуйидагича [2]:

$$Ex = mc \left[ (T_K - T_T) - T_T \ln \frac{T_K}{T_T} \right] \quad (1)$$

бу ерда  $m$  – массавий сарф, кг/с;  $c$  – ҳавонинг солиштирма иссиқлик сифими, Ж/(кг·°С);  $T_K$  – қуритгичдан чиқаётган ҳаво ҳарорати, °С;  $T_T$  – ташқи ҳаво ҳарорати, °С.

Қуритгич қурилмасига киритилган эксергия:

$$E_{x_k} = mc \left[ (T_{k,k} - T_T) - T_T \ln \frac{T_{k,k}}{T_T} \right] \quad (2)$$

Қуритгич қурилмасидан чиққан эксергия:

$$E_{x_q} = mc \left[ (T_{k,q} - T_T) - T_T \ln \frac{T_{k,q}}{T_T} \right] \quad (3)$$

Қуёш қуритгичдаги эксергия:

$$E_{x_{йқ}} = E_{x_k} - E_{x_q} \quad (4)$$

Эксергетик самарадорликни тизимга узатилган қуритувчи агентнинг эксергияси ҳисобига маҳсулотни қуритишда ишлатилган энергия нисбатидан ҳам аниқланиши мумкин. Ушбу самарадорлик қуритиш камерасидан чиқиш эксергиясини қуритиш камерасига кириш эксергиясига нисбатидан аниқланади. У ҳолда эксергетик самарадорликни умумий кўриниши қуйидагича аниқланади:

$$\eta_{Ex_k} = \frac{E_{x_q}}{E_{x_k}} = 1 - \frac{E_{x_{йқ}}}{E_{x_k}} \quad (5)$$

Ҳаво табиий циркуляцияланувчи иссиқлик насоси қуёш қуритгичларида қуёш энергиясидан фойдаланилганда тизимнинг самарадорлигини қуйидаги ифода орқали аниқланади [3]:

$$\eta_{Ex_{тиз}} = \eta_{Ex_{кур}} \eta_{Ex_{қуёш}} \quad (6)$$

Қуритиш камераси ичидаги ҳаво ҳароратини ошириш учун зарур эксергиядан фойдаланиш самарадорлиги қуйидаги формуладан аниқланади:

$$\eta_{Ex_{қуёш}} = \frac{E_{x_q}}{E_{x_{рад}}} \quad (7)$$

бу ерда қуритиш камерасига қуёш нурланиши орқали қираётган эксергия ва қираётган эксергия қуйидаги кўринишда ҳисобланади:

$$E_{x_q} = \left( 1 - \frac{T_T}{T_{кур}} \right) \left[ \frac{mc(T_{k,q} - T_T)}{\Delta t} \right] \quad (8)$$

$$E_{x_k} = S \cdot A \left[ 1 - \frac{4}{3} \left( \frac{T_T}{T_0} \right) + \frac{1}{3} \left( \frac{T_T}{T_0} \right)^4 \right] \quad (9)$$

бу ерда  $T_{кур}$  – қуритиш камераси ичидаги ҳарорат, °С;  $\Delta t$  – қуритиш камерасига қираётган ва ташқи ҳаво ҳароратлари фарқи, °С;  $S$  – қуёш радиацияси, Вт/м<sup>2</sup>;  $A$  – қуёш радиацияси тушаётган юза, м<sup>2</sup>;  $T_0$  – осмон ҳарорати, °С.

Агар эксергетик йўқотилишлар ( $E_{x_{йқ}}$ ) минимумга яқинлашса тизим ёки жараённинг эксергетик самарадорлиги максимал бўлади. Тизим ёки жараёнларнинг самарадорлигини таҳлил қилишда эксергетик “яхшиланиш потенциали” (ЯП) конценциясидан фойдаланиш мумкин. Ушбу ЯП [4, 5] манбалардан олиниши мумкин:

$$ЯП = (1 - \eta_{Ex}) E_{x_{йқ}} \quad (10)$$

Фудхоли ва бошқалар [6] қовурғаланган икки йўлли қуёш коллектори ва иссиқлик насоси қурилмаси мавжуд қуёш қуритгичининг эксергетик таҳлилининг ўтказишган. Натижаларга кўра ЯП кўрсаткичи 0 дан 135 Вт гача, эксергетик самарадорлик 43 дан 97% гача оралиқда ўзгарган. Коллекторнинг минимум ва максимум ФИКлари 23% ва 80% ни, қуритгич ичидаги ҳарорат 35°C ва 60°C ни ташкил этган. Энергиянинг солиштирма сарфи 2,62 кВт·соат/кг эканлиги



аниқланган.

Фудхоли ва бошқалар [7] балиқни қуритиш учун мўлжалланган гибрид қуёш қуритгичининг унумдорлигини тадқиқот қилишган. Тадқиқот жараёнида балиқдаги намлик 8 соат давомида 64% дан 10% гача камайган. Ўртача қуёш радиацияси  $540 \text{ Вт/м}^2$  ва ҳаво сарфи  $0,0778 \text{ кг/с}$  бўлганда коллекторнинг самарадорлиги 40% ва қуритгичнинг самарадорлиги 23% ни ташкил этган. Энергиянинг солиштирма сарфи  $2,92 \text{ кВт}\cdot\text{соат/кг}$  эканлиги аниқланган.

Чоудхури ва бошқалар [8] қуёш қуритгичларини эксергетик таҳлил қилишган. Тадқиқот жараёнида маҳсулотнинг намлиги 14 соат давомида 76% дан 12% гача камайган. Натижаларга кўра коллекторнинг самарадорлиги 33%, қуритишнинг самарадорлиги 48% ва қуритиш тизимининг эксергетик самарадорлиги 41% ни ташкил этган.

Шангугам ва Натаражан [9] кўкатларни қуритиш учун иссиқлик насосли қуёш қуритгичини тадқиқот қилишган. Массаси 20 кг бўлган кўкатнинг бошланғич намлиги 80% бўлиб, 21 соат қуритилганда унинг охириги намлиги 5% ни ташкил этган. Натижаларга кўра энергиянинг солиштирма сарфи  $1,22\text{—}1,82 \text{ кВт}\cdot\text{соат/кг}$  ва тизимнинг самарадорлиги 25-42% эканлиги аниқланган.

Прасад ва бошқалар [10] иссиқлик насосли қуёш қуритгичларида олмани қуритиш бўйича тадқиқот ишларини олиб боришган. Ушбу қуритгичда массаси 15 кг олма 36 соат давомида қуритилган. Бунда олманинг намлиги 78% дан 9% гача камайган. Олмани худди шу намликгача қуритиш очик қуёшда қуритгичда тадқиқот қилинган қуритиш вақти 266 соат талаб қилинган. Натижаларга кўра қуритиш вақти 86% га қисқарган ва қуритгичнинг самарадорлиги 29% ни ташкил этган.

Ратхоре ва Пануар [11] иссиқлик насосли қуёш қуритгичларида узумни қуритиш жараёнини тадқиқот қилишган. Массаси 320 кг бўлган узумнинг намлиги 85% дан 16% гача камайган, қуритиш вақти давомийлиги 70 соатни ташкил этган. Қуритгич қурилмасининг самарадорлиги 30% га етган.

Юқорида келтирилган таҳлиллар асосида қуйидаги хулосалар қилинди:

- иссиқлик насосли қуёш қуритгичларидан фойдаланиш маҳсулотларни талаб этилган намлик миқдоригача қуритишда энергия ва ресурс тежаш имконини беради;

- иссиқлик насосли қуёш қуритгичларида маҳсулотларни қуритиш вақтини 46% гача қисқартириш мумкин;

- маҳсулотни қуритишга солиштирма энергия сарфини  $1,19 \text{ кВт}\cdot\text{соат/кг}$  гача қисқартириш мумкин;

- иссиқлик насосли қуёш қуритгичларининг ўртача эксергетик самарадорлиги 43% ни ташкил этади, бу оддий қуёш қуритгичларига нисбатан 27% гача самарали ҳисобланади.

#### **Фойдаланилган адабиётлар.**

1. Chowdhury MMI., Bala BK., Haque MA. Energy and exergy analysis of the solar drying of jackfruit leather. Biosystems Eng 2011. 110. 222–9.

2. Akbulut A., Durmus A. Energy and exergy analyses of thin layer drying of mulberry in a forced solar dryer. *Energy* 2010. 35. 1754–63.
3. Panwar NL., Kaushik SC., Kothari S. Thermal modeling and experimental validation of solar tunnel dryer: a clean energy option for drying surgical cotton. *Int J Low Carbon Technol* 2013. 0. 1–13.
4. Fudholi A., Sopian K., Ruslan MH., Othman MY., Bakhtyar B. Energy analysis and improvement potential of finned double-pass solar collector. *Energy Convers Manage* 2013. 75. 234–40.
5. Benli H. Experimentally derived efficiency and exergy analysis of a new solar air heater having different surface shapes. *Renewable Energy* 2013. 50. 58–67.
6. Fudholi A., Sopian K., Yazdi MH., Ruslan MH., Gabbasa M., Kazem HA. Performance analysis of solar drying system for red chili. *Sol Energy* 2014. 99. 47–54.
7. Fudholi A., Ruslan MH., Othman MY., Sopian K. Performance of hybrid solar drying system for salted silver jewfish. In: 10th WSEAS Int. Conf. on environment, ecosystem and development (EED'12), 2012. p. 138–42.
8. Chowdhury MMI., Bala BK., Haque MA. Energy and exergy analysis of the solar drying of jackfruit leather. *Biosystems Eng* 2011. 110. 222–9.
9. Shanmugam V., Natarajan E. Experimental investigation of forced convection and desiccant integrated solar dryer. *Renewable Energy* 2006. 31. 1239–51.
10. Prasad J., Vijay VK., Tiwari GN., Sorayan VPS. Study on performance evaluation of hybrid drier for turmeric (*Curcuma longa* L.) drying at village scale. *J Food Eng* 2006. 75. 497–502.
11. Rathore NS., Panwar NL. Experimental studies on hemi cylindrical walk-in type tunnel dryer for grape drying. *Appl Energy* 2010. 87. 2764–7.

**ҚУЁШ КОЛЛЕКТОРЛИ СУВЛИ ИССИҚ ПОЛ ҚУВУРИДА ИССИҚ СУВНИНГ ТУРБУЛЕНТ ОҚИМИДА ИССИҚЛИК АЛМАШИНУВ ЖАРАЁНЛАРИНИ МОДЕЛЛАШТИРИШ**

**ХАМРАЕВ С.И., ИБРАГИМОВ У.Х., КАМОЛОВ Б.И., ЗУВАЙТОВА З.К.**

Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти

Аҳоли яшаш уйларида қулай шароитни яратиш, аҳолини йил давомида узлуксиз иссиқлик энергияси билан таъминлашда қуёш коллекторли сувли иссиқ пол тизимларидан фойдаланиш муҳим масалалардан бири ҳисобланади [1]. Сувли иссиқ пол тизимининг қувурлари орқали иссиқ сувдан узатилаётган иссиқликдан самарали фойдаланиш, қувурлар диаметри ва жойлашиш қадамини иссиқлик беришга таъсирини ўрганиш ва иссиқ пол тизимининг параметрларини оптималлаштириш бўйича кам сонли тадқиқотлар борилган бўлиб, улар янги ўрнатилаётган сувли иссиқ пол тизимини лойиҳалашда фойдаланиш учун етарли ҳисобланмайди. Юқорида келтирилганларни инобатга олган ҳолда муаллифлар

томонидан иссиқ пол тизимининг қувурларидан оқаётган иссиқ сувнинг турбулент оқим режимида иссиқлик алмашинув жараёнлари тўлиқ тадқиқот қилиниб иссиқ пол тизимининг параметрлари оптималлаштирилди.

Иссиқлик алмашинуви мавжуд бўлганда турбулент оқим режимида иссиқлик бериш куйидагича аниқланади [2]:

$$Nu = 0,021Re^{0,8}Pr^{0,43} \left( \frac{Pr}{Pr_d} \right)^{0,25} \varepsilon_l \quad (1)$$

Аниқловчи ўлчам сифатида қувурнинг ички диаметри қабул қилинади.  $\varepsilon_l$  коэффициент иссиқлик бериш коэффициентини қувур узунлиги бўйича ўзгаришини инобатга олади. Агар  $l/d \geq 50$  бўлса  $\varepsilon_l = 1$ .  $l/d < 50$  бўлганда бошланғич участканинг таъсирини инобатга олиш зарур.

Иссиқ сувдан иссиқ пол қувури деворига иссиқлик бериш коэффициенти:

$$\alpha = \frac{Nu\lambda}{d} \quad (2)$$

бу ерда  $\lambda$  – иссиқ сувнинг иссиқлик ўтказувчанлик коэффициенти, Вт/(м·°С).


Иссиқ пол тизимидан узатилган иссиқлик миқдори:

$$Q = qF \quad (3)$$

бу ерда  $F$  – қувурнинг умумий иссиқлик алмашинув юзаси майдони, м<sup>2</sup>.

Олиб борилган тажрибаларда хона ичидаги ҳаво ҳарорати 20°С, пол юзасидаги ҳарорат 26°С қабул қилинди [3]. Сувли иссиқ пол қувури жойлашининг турли қадамларида ( $s = 0,1$  м,  $s = 0,15$  м,  $s = 0,2$  м,  $s = 0,25$  м,  $s = 0,3$  м) иссиқ сувнинг турбулент оқим режимларида иссиқ пол юзасига иссиқлик бериш коэффициенти ва узатилган иссиқлик миқдори бўйича олинган тажриба натижалари  $Nu = f(Re)$  ва  $Q = f(Re)$  боғлиқлик графиги шаклида келтирилди.

1-расмда иссиқ сувнинг турбулент оқим режимида иссиқ пол қувурининг турли жойлашиш қадамида қувурнинг иссиқлик бериш коэффициенти ва пол юзасига узатилган иссиқлик миқдори бўйича тажриба натижалари келтирилган.



**1-расм. Турбулент оқим режимида иссиқлик алмашинуви коэффициенти ва иссиқлик миқдорини қувурнинг жойлашиш қадамига боғлиқ ҳолда ўзгариши: 1-s=100 мм; 2-s=150 мм; 3-s=200 мм; 4-s=250 мм; 5-s=300 мм**

1, а-расмда келтирилган иссиқлик бериш коэффициентини натижалари тахлили шуни кўрсатадики, иссиқ пол қувурининг иссиқлик бериш коэффициенти қувурларни жойлашиш қадамига сезиларли даражада боғлиқ бўлиб, қувур жойлашиш қадамини ортиши билан иссиқлик бериш коэффициенти ортиб боради. Тажриба натижаларига кўра турбулент оқим режимида жойлашиш қадами 100 мм бўлганда иссиқлик бериш коэффициенти 54...68, 150 мм бўлганда 56...72, 200 мм бўлганда 57...73, 250 мм бўлганда 58...74, 300 мм бўлганда 59...75 оралиғида ўзгариши аниқланди.

1, б-расмда келтирилган пол юзасига узатилган иссиқлик миқдори натижалари тахлили шуни кўрсатадики, узатилган иссиқлик миқдори қувурнинг жойлашиш қадамига сезиларли даражада боғлиқ бўлиб, қувурни жойлашиш қадамини камайиши билан узатилган иссиқлик миқдори ортиб боради. Тажриба натижаларига кўра турбулент оқим режимида жойлашиш қадами 100 мм бўлганда узатилган иссиқлик миқдори 88619...251348 Вт, 150 мм бўлганда 63008...179137 Вт, 200 мм бўлганда 53571...152158 Вт, 250 мм бўлганда 55191...159873 Вт, 300 мм бўлганда 52883...153530 Вт оралиғида ўзгариши аниқланди.

Турбулент оқим режимида иссиқлик бериш бўйича олинган тажриба натижалари қайта ишланиб қувурнинг турли жойлашиш қадамларида қуйидаги эмпирик боғлиқликлар олинди:

$s = 100$  мм бўлганда:

$$Nu = 0,013Re^{0,8}Pr^{0,68} \quad (4)$$

$s = 150$  мм бўлганда:

$$Nu = 0,0132Re^{0,8}Pr^{0,68} \quad (5)$$

$s = 200$  мм бўлганда:

$$Nu = 0,0135Re^{0,8}Pr^{0,68} \quad (6)$$

$s = 250$  мм бўлганда:

$$Nu = 0,0138Re^{0,8}Pr^{0,68} \quad (7)$$

$s = 300$  мм бўлганда:

$$Nu = 0,0141Re^{0,8}Pr^{0,68} \quad (8)$$


Умумлашган ҳолатда қуйидаги тенглама олинди:

$$Nu = 0,0156Re^{0,8}Pr^{0,669}s^{0,077} \quad (9)$$

Олинган (9) тенглама  $10000 < Re < 14000$ ,  $3,54 < Pr_c < 4,86$  оралиқларда ўринли. Ҳисоблаш хатолиги  $\pm 2\%$  ни ташкил этади.

Иссиқлик алмашинув тадқиқотининг назарий ва тажриба натижаларининг адекватлиги Фишер мезони бўйича баҳоланди.

2-расмда қувурда турбулент оқим режимида иссиқлик беришни аниқлаш бўйича олинган назарий ва тажриба натижаларини таққослаш кўрсатилган.



**2-расм. Турбулент оқим режимида иссиқлик бериш бўйича олинган назарий ва тажриба натижаларини таққослаш: 1-назарий ((1) формула) натижалар; 2-тажриба ((9) формула натижалари**

Фишер мезони қийматлари жадвалидан ишончли эҳтимоллик  $P=0,99$ , эркинлик даражаси  $f_1 = 95$  ва кузатишлар сони  $n = 99$  ҳолга мос келувчи  $F_{ж} = 0,62$  қийматни топамиз. (1) формула учун Фишер мезонининг ҳисобий қиймати  $F_x = 0,28$ . (9) формула учун Фишер мезонининг ҳисобий қиймати  $F_x = 0,14$ . Кўриниб турибдики иккала ҳолатда ҳам  $F_x < F_{ж}$ , демак модел адекват.

Қуёш коллекторли иссиқ пол тизимининг силлиқ қувурида иссиқ сувнинг турбулент оқим режимида ўтказилган тажриба тадқиқотлари шуни кўрсатадики, қувурларни жойлашиш қадами иссиқлик бериш коэффициентига сезиларли таъсир кўрсатади. Қувурлар жойлашиш қадамини камайиши билан иссиқлик бериш коэффициенти ортади. Тажриба натижаларини қайта ишлаш натижасида қуёш коллекторли иссиқ пол тизимининг қувурида иссиқ сувнинг ламинар оқим режимида иссиқлик бериш коэффициентини аниқлаш бўйича эмпирик боғлиқликлар олинди. Олинган эмпирик боғлиқликларнинг натижалари маълум назарий формула бўйича ҳисоблаш натижалари билан етарлича аниқликда мос келади. Силлиқ қувурда гидравлик қаршилик бўйича тажриба натижаларини таклиф этилган эмпирик боғлиқликдан оғиши  $\pm 2\%$  ни ташкил этади.

#### Фойдаланилган адабиётлар.

1. S.I. Khamraev, U.Kh. Ibragimov, B.I. Kamolov. Removal of hydrodynamic lesions of a heated floor with a solar collector. APEC-V-2022. IOP Conf. Series: Earth and Environmental Science. **1070** (2022) 012018. doi:10.1088/1755-1315/1070/1/012018.
2. Михеев М.А., Михеева И.М. Основы теплопередачи. Изд. 2-е. М.: Энергия, 1977. – 344 с.
3. Водяной теплый пол. Проектирование, монтаж, настройка. 2020. [www.valtek.ru](http://www.valtek.ru).



## ҚИШЛОҚ ЭЛЕКТР ТАРМОҚЛАРИДА РЕАКТИВ ҚУВВАТ ИСТЕЪМОЛИ ВА УНИ КАМАЙТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

**Рахмонов Икромжон Усмонович**

техника фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат техника университети  
“Электр таъминоти” кафедраси мудири

E-mail: [ilider1987@yandex.ru](mailto:ilider1987@yandex.ru)

**Омонов Фахриддин Бердиёр ўғли**

Термиз муҳандислик-технология институти, “Электротехника,  
электромеханикава электротехнология” кафедраси мудири

Реактив қувватдан оқилона ва самарали фойдаланиш борасида республикада бир қанча қарорлар қабул қилинмоқда. Улардан бири Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2008 йил 10 октябрда 1864-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган Электр энергетикада назорат бўйича давлат инспекцияси «Ўздавэнергоназорат» бошлиғининг “Реактив қувват компенсацияси бўйича ишларни ташкил этиш тартиби тўғриси”даги низомни тасдиқлаш ҳақида буйруғидир.

Ушбу буйруқга 2018 йил 26 июльда киритилган ўзгартиришга кўра, реактив қувватни ҳарактерловчи катталиклардан бири бўлган қувват коэффициентининг норматив қиймати қуйидагича белгиланган:

0,4 кВ	$\text{tg}\varphi_n = 0,25$
6 — 10 кВ	$\text{tg}\varphi_n = 0,30$
35 кВ	$\text{tg}\varphi_n = 0,32$
110 кВ	$\text{tg}\varphi_n = 0,38$
220 кВ	$\text{tg}\varphi_n = 0,50$

Шу билан бирга буйруқда қувват коэффициентини пасайиши оқибатида электр энергиясини қўшимча технологик йўқотишларини ҳисоблаш босқичлари ҳам келтирилган. [1]

Қишлоқ электр тармоқлари орқали таъминланадиган ишлаб чиқариш корхоналари ва аҳоли хонадонларининг ночизиқли юкламаларида вентилли ўзгартгичлар қўлланилиши натижасида, уларнинг электр таъминоти тизимида сезиларли даражада ток ва кучланиш эгри чизиқларининг шаклини бузилишига олиб келади.

Қишлоқ электр тармоқларида кучланишни ростлаш энергия тежамкорлигига эришишнинг жуда самарали техникавий тадбири ҳисобланади. Бундан фойдаланилганда узатилаётган электр энергиясининг сифати оширишилади ва истеъмолчилардаги кучланиш ҳолати яхшиланади. Бошқа томондан кучланишни ростлаш тармоқлардаги руҳсат этилган исрофни иқтисодий мақсадга мувофиқлик даражасигача камайтиради, шу билан бирга линияларда сарф қилинаётган металл ҳажмининг камайтиришига олиб келади.


Қуйидаги 1 жадвалда ишлаб чиқариш корхоналарининг шартномавий ва амалдаги реактив энергия истеъмоли келтириб ўтилган.

Сурхондарё вилоятидаги ишлаб чиқариш корхоналарининг шартномавий ва амалдаги реактив энергия истеъмоли ҳолати (01.08.2022 йил ҳолатига)

1-жадвал

Т/Р	Ойлар	Корхона номи			
		AMUDAR TEXTILE MCHJ		FARAVON SURXON AGROSI MCHJ	
		Шартномада кўрсатилган қиймат кВар*ч	Амалда истеъмол қилинган қиймат кВар*ч	Шартномада кўрсатилган қиймат кВар*ч	Амалда истеъмол қилинган қиймат кВар*ч
1	Январ	500 000	432 000	66 000	48 200
2	Феврал	500 000	512 280	66 000	70 800
3	Март	500 000	789 840	66 000	63 000
4	Апрел	500 000	597 864	66 000	53 200
5	Май	500 000	475 680	66 000	78 400
6	Июн	500 000	494 400	66 000	51 000
7	Июл	500 000	405 720	66 000	47 000
<b>Жами:</b>		3 500 000	3 707 784	462 000	411 600

Қишлоқ электр тармоқлари юкламаларини ўзгарувчанлиги алоҳида ўрганилиши лозим бўлган мураккаб вазифалардан биридир. Бунинг учун аввало электр истеъмолчиларининг чиқишларидаги юкламалар ҳисобланади ҳамда уларнинг кундузги ва кечки максимум юкламалари орасидаги сезиларли фарқлар таҳлил қилинади.



1-расм. “AMUDAR TEXTILE MCHJ” корхонасининг суткалик актив ва реактив юкламалар графиги (11.08.2022 йил ҳолатига)

Янги тармоқларни монтаж қилишда ҳамда электр таъминоти ишончлилигини оширишда ҳақиқий электр юкламалар графигини куриш орқали тармоқ истеъмолчилари характерланади ва шунга мос равишда электр таъминоти тизими лойиҳаланади. Электр юкламалар графиги  $S$  тўла қувват,  $P$  актив қувват ва  $Q$  реактив қувватлар бўйича курилади. Электр юклама графиги суткалик, ойлик ёки йиллик бўлиши мумкин.

Электр юкламалар графиги тузилиши об-ҳаво таъсирида йилнинг турли даврлари учун бири-бирдан фарқланади. Ҳисоблашларда ёзги ҳамда қишги юкламалар графигидан фойдаланилади. 1-расмда ёзги юкламалар графигига мисол тариқасида олинган “AMUDAR TEXTILE MCHJ”нинг актив ва реактив юкламалар графиги келтирилган.

“AMUDAR TEXTILE MCHJ” корхонаси таҳлилидан олинган маълумотлардан маълум бўладики, қишлоқ электр тармоқларида актив ва реактив қувват истеъмоли йирик диапазонда ўзгариши ҳисобига бошқа истеъмолчилардан фарқланади. 1-расмдаги юкламалар графигидан реактив қувватнинг 500 кВАр дан 1100 кВАр гача бўлган 600 кВАр лик ораликда ўзгараётганлигини бу эса тармоқнинг сифат кўрсаткичларига ёмон таъсир кўрсатишини таъкидлаб ўтиш жоиз. Графикда соат 3, 14 ва 15 ларда реактив қувват истеъмоли юқори қийматда, соат 7, 12, 13 ва 23 ларда эса истеъмолнинг паст қийматдалигини кўришимиз мумкин.

Юқоридаги каби кескин ва тез ўзгарувчан юкламали истеъмолчилар қишлоқ электр тармоқларида автоматик ростланувчан реактив қувват манбаларини қўллаш масаласини долзарб қилиб қўяди. Ҳозирги мавжуд схемалар реактив қувватни кичик қийматда компенсациялаш имкониятларини бермайди. Реактив қувват истеъмолининг пик вақтларида кучланиш тушувининг олдини олиш учун биз ростланувчан реактив қувват манбаларини кучланиш бўйича бошқариш схемасини таклиф этамиз. [7]

Хулоса қилиб айтганда, “AMUDAR TEXTILE MCHJ” каби юкламаси кескин ўзгарувчан ишлаб чиқариш корхоналарида реактив қувватни кучланиш бўйича ростлаш схемаларини қўллаш қуйидаги бир қанча афзалликларни беради.

1. Таклиф этилаётган схема орқали истеъмолчиларда реактив қувватни силлиқ ростлаш имконияти туғилади.

2. Юлдуз шаклида уланган конденсатор батареяларини бошқариш орқали тармоқнинг симметриялигига ҳам эришиш осонлашади.

3. Истеъмолчи реактив қувватини кичик қийматларда ростлаш имконияти туғилади.

4. Схема асосида йиғилган қурилма таннархи арзонлиги сабабли маҳаллий ишлаб чиқарувчиларда қурилмадан кенг қўламда фойдаланиш имконияти ошади.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2008 йил 10 октябрда 1864-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган Электр энергетикада назорат бўйича давлат инспекцияси «Ўздавэнергоназорат» бошлиғининг “Реактив қувват компенсацияси бўйича ишларни ташкил этиш тартиби тўғриси”даги низомни тасдиқлаш ҳақида буйруғи
2. М.С.Левин, А.Е.Мурадян, Н.Н.Сырых, “Качество электроэнергии в сетях сельских районов”, Москва, Энергия-1975 г., 224 с.
3. Ф.А.Хашимов, А.Д.Таслимов “Энергия тежамкорлиги асослари”, “VNESHINVESTPROM”, Тошкент, 2014 й.
4. Е.В.Тимофеев, А.Ф.Эрк, В.Н.Судаченко, В.А.Размук “Повышение энергоэффективности в сельском хозяйстве”, “Young Scientist” #4(138) January 2017 у.
5. В.И.Зацепина, Е.П.Зацепин, О.Я.Шачнев “Повышение эффективности электроснабжения объектов сельского хозяйства”, Вопросы современной науки и практики, Университет им. В.И.Вернадского №3(61) 2016г.
6. I.U.Rakhmonov, F.B.Omonov “The issue of analysis and reduction of electricity consumption in agricultural facilities” – IJARSET, Vol.12, Issue 12, December 2021, ISSN 2350-0328.
7. И.У.Рахмонов, Ф.Б.Омонов “Қишлоқ электр тармоқлари энергия самарадорлигини ошириш”, Энергия ва ресурс тежаш муаммолари, №2, Тошкент-2022 йил.
8. И.У.Рахмонов, Ф.Б.Омонов “Қишлоқ электр тармоқларида реактив қувват истеъмоли таҳлили”, Энергия ва ресурс тежаш муаммолари, Махсус сон, Тошкент-2022 йил.
9. I.U.Rakhmonov, F.B.Omonov, I.T.Karabayev, A.M.Abduraxmonov “Қишлоқ электр тармоқларида ростланувчи реактив қувват манбаларини ҳисоблаш ва танлаш дастури” DGU 12720 Toshkent, 18.10.2021
10. M.X.Muratov, Z.M.Shayumova, F.B.Omonov “Method for determining reactive power compensation with smooth control of pumping unit performance” IJARSET, Vol. 9, Issue 6, June 2022
11. Электрон ресурс: <http://mcx-consult.ru/energoberezhenie-dlya-agropromyshl>
12. Электрон ресурс: <https://tekhnosfera.com/povyshenie-effektivnosti-energoberezheniya-v-elektrosetyah-predpriyatiy-apk-pri-kompensatsii-reaktivnoy-moschnosti>

---

**POSSIBILITIES OF USING WIND ENERGY IN KASHKADARYA  
REGION**

***PhD. A.B. Safarov***

*Bukhara Engineering Technological Institute*

***PhD. X.A. Davlonov***

*Karshi Engineering-Economics Institute*

***S.E. Beknazarov***

*Karshi Engineering-Economics Institute*


Increasing the use of renewable energy sources in the global energy system plays an important role in stabilizing issues related to energy security, ecology and environmental protection, saving fuel and energy resources. The use of renewable energy sources such as solar, wind, biomass, geothermal and hydropower is rapidly developing. Due to the low cost of electricity generated from renewable energy sources and the fact that it is practically harmless to the environment, such projects are being implemented more and more often, with large investments in them, promising developments and research.

To date, the use of wind energy is one of the most promising projects among renewable energy sources. The circulation of air masses around the Earth's atmosphere is estimated by experts in different ways. The annual theoretical supply of wind energy is 100 times greater than all energy reserves on Earth and is  $330 \cdot 10^{12}$  kWh. However, only (10-12)% of this energy can be used [1].

In Uzbekistan, research work is being carried out to assess the resources of the wind energy potential and their use. Until recently, the resources of the gross (theoretical) wind energy potential of our republic were estimated at 2.2 million T.O.E. However, the potential of wind energy in local, separate areas (Navoi, Ustyurt, Bukhara, Bekobod) was not fully taken into account. In addition, this indicator was calculated using actinometric stations located far from each other at a height of 5-8 meters (in fact, it should be determined at a height of 25-100 meters). In 2015, in cooperation with the German companies "Intec-Copa, GEONET" and "Uzbekenergo", studies were carried out to assess the resources of the wind energy potential on the territory of Uzbekistan and create a wind energy map [2].


On fig. 1 shows the average annual wind speed at a height of 10 m in the districts of the Kashkadarya region. This information is taken from the Nasa Power Data Access Viewer (GIS) [3]. It has been established that the average wind speed at different points of the region and at a height of 10 m is in the range of (2.9-3.9) m/s. The average wind speed was 3.73 m/s in Kasbi, Kitab, Kasan, 3.98 m/s in Mirishkar and 3.99 m/s in Mubarek.






**Fig.1. Data on the average wind speed at a height of 10 m in the Kashkadarya region**

Fig. 2 presents the results of the gross (a) and technical (b) potential of the wind energy resources of the Kashkadarya region. Mathematical expressions and were used in the theoretical calculation of these results. It was found that the gross (theoretical) potential of the Mirishkar and Mubarek regions, which have the highest potential in the region, at a height of 100 meters is 342 and 337 billion kWh, respectively, and the technical potential is 6.84 and 6.74 billion kWh.



a)



**Fig.2. The results of the gross (a) and technical (b) potential of wind energy resources of the Kashkadarya region**

It has been established that at a height of 10 meters, the average specific wind power is 20-40 W/m<sup>2</sup>, the average specific energy is 200-500 kWh, and at a height of 100 meters with an average wind speed of 4-5.8 m/s, the average specific power of the wind flow was 113-253 W/m<sup>2</sup>, and the average specific energy 998.36-2208.03 kWh. Statistical analysis of wind speed data for 2021 made it possible to estimate the annual gross technical potential of the region. The gross wind energy potential at a height of 100 m was 2296.15 billion kWh/m<sup>2</sup>, and the technical potential was 45.92 billion kWh/m<sup>2</sup>. According to the results of the study, Mirishkar and Mubarek regions have a high potential for using wind energy. When providing autonomous consumers located far from the centralized power supply with uninterrupted and reliable electricity, wind energy can be used.

## REFERENCES

1. T.Y. Yunusov, Present and future of energy production. Tashkent. "Science and technology". Monograph. 2009. pp.140 (in Russian).
2. <https://power.larc.nasa.gov/data-access-viewer/>
3. R.A. Zakhidov, M.V. Kremkov. The wind power potential of Uzbekistan. Applied Solar Energy, vol. 51, 2015, pp. 336–337

## QUYOSH FOTOELEMENTLARINING ENERGIYA SAMARADORLIGINI BAHOLASH

**Qodirov Ismoil Norqobilovich**  
Qarshi muhandislik-iqtisodiyot instituti

Energetika nuqtai nazardan quyosh energiyani elektr energiyaga o'zgartirish uchun eng samarali qurilmalardan yarimo'tkazgichli fotoelektr o'zgartirgichlar (FEO) hisoblanadi. Bunda to'g'ridan-to'g'ri bir pog'onali energiyaning o'tishi amalga oshiriladi. Quyosh energiyani o'zgartirishning boshqa texnologiyaga, ya'ni termodinamik o'tishga qaraganda (nurlanish→suvni qizdirish→bug'→turbina aylanishi→elektr energiya) o'tishlarda kam energiya sarflanadi [1].

Quyosh energiyani fotoelektr o'zgartirgichlar sohasidagi nazariy tadqiqot va amaliy ishlanmalar FEO'larda nurlanish energiyani o'zgartirishda yuqori FIK bilan amalga oshirish mumkinligini tasdiqlandi va bu maqsadga erishish uchun asosiy yo'nalishlar belgilangan. Fotoelektrik tizimlar - quyoshdan kelayotgan energiyani yarim o'tkazgichli quyosh elementlaridan foydalanilgan holda elektr toki olish uchun ishlatiladigan qurilmadir. Fotoelektrik tizimlarning asosiy qismlariga quyidagi qurilmalarni kiritish mumkin: quyosh paneli , kontroller , akkumulyator batareyalari va invertor hisoblanadi (1-rasm)




1-rasm. Fotoelektrik tizimining ulanish sxemasi.

Fotoelementlar – yarimo'tkazgichlar asosidagi murakkab qurilma. Ulardan faqatgina o'zgarimas tok hosil bo'ladi. Ishlab chiqarilayotgan elektr energiyasi miqdori quyosh elementlarining FIK bog'liq. Birlik yuzada hosil qilinayotgan elektr energiyasini odatda  $10 \text{ mVt/sm}^2$  dan  $25 \text{ mVt/sm}^2$  gacha qiymatlar oralig'ida bo'ladi bu mos holda 10% dan 25 % FIK teng [2] Hozirda ishlab chiqarilayotgan quyosh elementlarining yuzasi  $15,6\text{sm} \times 15,6\text{sm}=243,4 \text{ sm}^2$  kattaliklarda bo'ladi. 19 % FIKli fotoelementi eng yuqori ko'rsatkichda ishlab chiqarayotgan quvvat 4,6 Vt teng bo'ladi. Hozirgi paytda fotoelektrik modullarning (FEM) 3 Vt dan 400 Vt quvvatlilari mavjud (2-rasm).



2-rasm. Fotoelement tuzulishi.



4-rasm  
Oddiy QFening

konstruksiyasi.

1-himoya qiluvchi shisha; 2-tiniq bog'lovchi modda;


3-qaytarishga qarshi qatlam; 4-taroqli tuzilmadagi yuqori elektrokontakt;

5-p-turidagi yarimo'tkazgich; 6-n-turidagi yarimo'tkazgich; 7-quyi yaxlit elektrokontakt; 8 va 9-kontaktli shinalar

Kontroller – fotoelektrik tizimlarda akumlyator batareyasining (AKB) zaryadini nazorat qiluvchi qurilma. AKB chuqur razryadlanishdan (energiya ko'p miqdorda ishlatilganda) va o'ta zaryadlanishdan himoyalovchi qurilma.

Invertor – o'zgarmas tokni o'zgaruvchan tokga aylantirib beruvchi qurilma hisoblanadi. U akkumulyator batareyasidan oladigan o'zgarmas tokni o'zgaruvchan tokka aylantirib berish vazifasini bajaradi.

QFE hosil qila oladigan, elektr yurituvchi kuch (EYUK) ham ko'p faktorlarga bog'liq: quyosh nurlanish intensivligiga, fotoelementning yuzaga, konstruksiyaning FIKga, temperaturaga. Element 25 °C dan yuqoriga qiziganda har 1 °C da QFE 0,002 V kuchlanishni yo'qotadi (3-rasm) [3].



3-rasm. Fotoelementning volt-amper ko'rsatkichlariga tashqi havo haroratining ta'siri. 1 – 25 °C va 2 – 60 °C temperaturalarda

Quyosh modullari to'g'ridan-to'g'ri quyosh nurlari bo'lmagan taqdirda ham elektr energiyasi ishlab chiqaradi. Shuning uchun ham bulutli havoda fotoelektrik tizim elektr energiyasini ishlab chiqaradi. Shu bilan birga, elektr energiyasini ishlab chiqarish uchun eng yaxshi sharoit yorqin quyoshda bo'ladi va panellar quyosh nuriga perpendikulyar ravishda yo'naltiriladi [4].

**QFElarning fotoo'zgartirish samaradorligi**

QFE	QFE laboratoriya namunalarning samaradorligi, potentsiali	QFE hozirgi darajadagi sanoat modullarning samaradorligi	QFE o'rtakelajakdagi sanoat modullarning samaradorligi
Monokristalli kremniy <i>c-Si</i>	24%	12-18%	18-20%
Polikristalli kremniy <i>ms-Si</i>	20%	10-15%	16-18%
Amorfli kremniy <i>a-Si</i>	13%	5-8%	10-12%
Kadmiy telluridi <i>CdTe</i>	16,5%	6-11%	13%
Mis, indiy va galiy diselenidi <i>Su(In,Ga)Se2 (CIS)</i>	20,3%	8-14%	14-17%

FEO' uchun o'ziga xosligi 300-350 K temperaturalarda ularning nazariy FIKning chegarasi >20% bo'ladi. Bu esa, energiyaning qaytmas yo'qotishlarni kamaytirishga yo'naltirilgan o'zgartirgichlarning tuzilma va ko'rsatkichlarni maqbullashtirish oqibatda amalda haqiqiy FIKni 50% gacha va undan ortiqcha ko'tarish mumkinligini ko'rsatadi (laboratoriyalarda hozir FIK 40% gacha erishgan).

## Foydalanilgan adabiyotlar

1. Виссарионов В.И., Дерюгина и др. Солнечная энергетика. –М.: МЭИ. 2008. -316 с.
2. Mamadolimov A. T., Tursunov M. N. Yarimo'tkazgichli quyosh elementlari fizikasi va texnologiyasi. Toshkent – 2003.
3. M. A. Azizov. Yarimo'tkazgichlar fizikasi. «O'qituvchi» Toshkent – 1974;
4. A. Teshaboyev, S. Zaynobiddinov, E. A. Musayev. Yarimo'tkazgichlar va yarimo'tkazgichli asboblarning texnologiyasi. "Qaldirg'och" Toshkent – 2006.




## QUYOSH HAVOISITGICHLARINING ENERGIYA BALANSINI HISOBLASH

**Qodirov Ismoil Norqobilovich**  
Qarshi muhandislik-iqtisodiyot instituti

Mamlakatimizda oxirgi yillarda quyosh energiyasidan foydalanish keskin ortib bormoqda. Quyosh panellaridan foydalanish va samaradorligini oshirish bo'yicha ko'plab tadqiqotlar olib borilmoqda. Shulardan biri quyosh havo kollektorlaridan havo isitgichi sifatida foydalanishdir. Quyosh havo kollektorlari asosiy vazifasi - quyosh nurini issiqlik energiyasi aylantirishdir [1].

Quyosh havo isitgichlari issiqlik izolyatsiyalangan yassi yashiklar bo'lib, ularning usti shaffof material (oyna, plastik, plyonka) bilan qoplangan. Shaffof qoplaman o'tgan quyosh nurlari qoraytirilgan qabul qiluvchi sirt tomonidan yutiladi va uni qizdiradi. Yashikning qabul qilgich kanali bo'yicha o'tadigan havo konveksiya orqali qizdiriladi (1-rasm).



1-rasm. Quyosh havo isitgichning (A) va issiqlik qabul qilgichlarni turli xil konstruksiyalarining (B) sxemalari:

1-issiqlik izolyatsiyalangan yashik; 2-yassi issiqlik qabul qilgich; 3-shaffof qoplama

Quyosh havo isitgichining issiqlik balansini quyidagicha ifodalash mumkin [2-3]:

$$Q_{yut} = Q_{havo} + Q_{at.m} \quad (1)$$

bu yerda, issiqlik qabul qilgichda yutilgan issiqlik:

$$Q_{yut} = I \cdot \tau \cdot k \cdot F_k \quad (2)$$

Issiqlik qabul qilgichdan havoga uzatiladigan issiqlik quyidagi ifoda yordamida aniqlanadi:

$$Q_{havo} = \rho c_p V (t_{ch} - t_k) = \alpha F_k (t_{ch} - t_k) \quad (3)$$

Atrof muhitga yo'qotilgan issiqlik quyidagicha aniqlanadi:

$$Q_{at.m} = k F_t (t_q - t_a) \quad (4)$$

bu yerda:  $\tau$  - shaffof qoplamaning quyosh nurlarini o'tkazish koeffitsiyenti;  $F_k$  - qabul qilgich sirtining yuzasi,  $m^2$ ;  $F_t$  - havo isitgichni tashqi sirtining yuzasi,  $m^2$ ;  $k$  -

issiqlik uzatish koeffitsiyenti,  $Vt/(m^2 K)$ ;  $\rho$  - havoning zichligi,  $kg/m^3$ ;  $c_p$  - havoning solishtirma issiqlik sig'imi,  $J/(kg K)$ ;  $V$  - havoning hajmiy sarfi,  $m^3/s$ ;  $\alpha$  - qabul qilgich sirtidan issiqlik berish koeffitsiyenti,  $Vt/(m^2 K)$ ;  $t_{ch}$ ,  $t_k$  - kanaldagi havoning kirishdagi chiqishdagi temperaturalar,  $^{\circ}C$ ;  $t_q$  - qabul qilgichning temperaturasi,  $^{\circ}C$ ;  $t_a$  - atrof muhit temperaturasi,  $^{\circ}C$ .

(3) va (4) tenglamalarga asosan qurilmaning issiqlik samaradorligi yoki FIK quyidagi ifoda yordamida aniqlanadi:

$$\eta = \frac{Q_{havo}}{I} = \frac{I \cdot \tau \cdot k \cdot F_k - k F_t (t_q - t_a)}{I} \quad (5)$$

(5) formuladan ko'rinadiki havoisitgichning samaradorligi qurilmaning konstruktiv parametrlari, ya'ni nur yutish qobiliyati  $k$  va qabul qilgichning  $F_k$  yuzasi (g'adir-budurligi, g'ovakligi, gofrlanganligi va hk.), shaffof qoplamaning nur o'tkazuvchanligi  $\tau$  (bir qatlamli qoplama, oyna), issiqlik izolyatsiyasi  $K$  (ko'p qatlamli shaffof qoplama, yashikning tubi va devorlarining issiqlik izolyatsiyasi) bilan aniqlanadi. Odatda quyosh havoisitgichlarning FIK ti 30...40% ni tashkil etadi [3].

O'tkazilgan tadqiqotlar va meteorologik parametrlarning kunlik dinamikasini tahlil qilish asosida, kollektordan chiqishdagi harorat, yutuvchi oyna plastina va issiqlik izolyatsiyasining tashqi harorati, kollektorning issiqlik unumdorligi, foydali ish koeffitsienti quyosh havo kollektorili adsorbentlarni termik regeneratsiyalash va aktiv ventilyatsiyalash tizimining issiqlik samaradorligini aniqlashga imkon beradi.

Tadqiqot natijalariga ko'ra quyosh havo kollektorining maksimal foydali ish koeffitsienti 42-50 % ni tashkil qildi. Buning sababi shundaki, ushbu davrda kollektorning optik yo'qotishlari pasayadi, kollektor kanallarida havo harorati va quyosh bilan qizdirilgan yuzasi o'rtasidagi haroratlar farqi kattalashishi kuzatiladi. Havo tezligi ortishi bilan issiqlik chiqishi va shunga mos ravishda kollektorning samaradorligi oshadi. Quyosh havoisitgichlari isitish va shamollatish tizimlarida hamda issiqlik texnologik jarayonlarida keng foydalaniladi. Qishloq xo'jalik mahsulotlari va qurilish materiallarini quritish uchun keng qo'llanilishi mumkin.

### Foydalanilgan adabiyotlar

1. Аллокулов П.Э., Хайриддинов Б.Э, Ким В.Д. Нетрадиционная теплоэнергетика. –Ташкент.: Фан. 2009. -187 с.
2. Даффи Ж.А., Бекман.У.А. Тепловые процессы с использованием солнечной энергии. М.: Мир, 1977. 520 с.
3. Аббасов Ё.С., Умурзакова М.А., Абдукаримов Б.А., Сатторов А.Х. Вопросы повышения эффективности солнечных воздухонагревателей и методы расчета теплообмена на гелиоприемниках с прерывистым пограничным слоем. ФарПИ ИТЖ НТЖ ФерПИ ( STJ FerPI), 2018. № 4. 209-211 с.

**PARABOLOID QUYOSH KONSENTRATORINING  
PARAMETRLARINI ASOSLASH**

**Raxmatov Obid Ibod o'g'li**


assistent, Qarshi muhandislik-iqtisodiyot instituti

Hozirgi vaqtda tabiiy yoqilg'i resurslaridan oqilona foydalanish va energiya tejamkorlikni ta'minlash muhim vazifalardan hisoblanadi. Energiya resurslarini tejashda qayta tiklanuvchan energiya manbalaridan samarali foydalanish muhim ahamiyatga ega. Qayta tiklanuvchan energiya manbalaridan quyosh va biomassa energiyasining energetik potentsiali katta bo'lib, ulardan amalda foydalanish energetik, ekologik va iqtisodiy jihatdan yuqori samara beradi O'zbekiston Respublikasida quyosh energiyasidan foydalanish imkoniyatlari yuqori bo'lib, yilning qariyb 270-300 quyoshli kunlarida (2700-3000 soat) nurlanish energiyasidan turli maqsadlarda samarali foydalanish mumkin [1].

Hozirgi vaqtda quyosh energiyasidan yuqori harorat talab etadigan texnologik jarayonlarda foydalanish uchun quyosh konsentratorlarini qo'llanishi muhim ahamiyatga ega. O'zbekistonda ham keyingi yillarda quyosh energiyasidan turli texnologik jarayonlarda foydalanish bo'yicha ilmiy tadqiqotlar olib borilgan va amaliy natijalarga erishilgan [2].

Yer sirtiga deyarli parallel tushayotgan quyosh nurini to'plovchi qurilmalarga quyosh konsentratorlari deb yuritiladi (1-rasm). Bu konsentratorlarning asosiy qismi botiq ko'zgudir. Botiq ko'zgu sirtiga tushgan nur uning fokusida o'tgan tekislik –fokal tekislikda to'planadi. Ko'zgu shakliga qarab konussimon, ellipsoslindrik, parabolaslindrik, paraboloid tipdagi quyosh konsentratorlari mavjud. Ayrim hollarda asosiy ko'zgu fokal tekisligida to'plangan nurni ko'zgu orqa tomoniga o'tkazish maqsadida ikkilamchi qaytaruvchi sirt o'rnatilgan turlari mavjud. Ko'zgu materiali sifatida 6-7 mm qalinlikdagi sayqallangan qalin shisha, 2-3 mm li oddiy deraza shishasi, sof A95 markali alyuminiy va hatto polimerlar ham ishlatilishi mumkin. Sirtga tushgan quyosh nurini mumkin qadar ko'proq qaytarish maqsadida shisha sirti kumush yoki alyuminiy bilan qoplanadi. Ob-havo o'zgarishi ta'sirida bu qoplama buzilib ketmasligi uchun uning ustki qismi maxsus kimyoviy moddalar bilan surtiladi. Shisha ko'zguning nur qaytarish koeffitsienti 0,85% - 0,88%, sirlangan alyuminiyniki 0,85% - 0,90% ga teng [3].

Hozirgi vaqtda nur qaytaruvchi sirt paraboloid va paraboloslindrik shakldagi quyosh konsentratorlar tobora keng qo'llanilmoqda. Fokal tekislikda hosil bo'ladigan yuqori temperaturadan suv qaynatish, sho'r suvni bug'latish yo'li bilan chuchuk suv olish, ovqat pishirish, sut qaynatish, kofe tayyorlash, metallarni payvandlash, qiyin eruvchi moddalarni eritish, elektr toki olish kabi qator ishlarni bajarish mumkin [3].



**1-rasm. Paraboloid turdagi quyosh konsentratorining sxemasi.**

*1 – paraboloid reflektori; 2 – quyosh nuri oqimi 3 – bak; 4 –qizdirilgan jism; 5 – oyna; 6 – korpus; 7 – markazida nuqta.*

Effektiv apertura sirti  $S = \pi D^2$  ( $\pi = 3,14$ ) ni fokal tekislikda to'plangan nur dog'ining sirti  $S_0 = \pi d^2$  ga nisbati konsentratorning konsentratsiyalash koeffitsiyenti quyidagicha aniqlanadi [4]:

$$k = \frac{S}{S_0} = \left(\frac{D}{d}\right)^2 \quad (1)$$

Agar konsentrator sirtining nur qaytarish koeffitsientini  $R$  deb olsak, fokal tekislikda to'plangan nur energiyasi sirtga tushayotgan energiyaga  $Q_0$  nisbatan necha marta katta ekanligini aniqlash mumkin:

$$Q = R \cdot \left(\frac{D}{d}\right)^2 \cdot Q_0 \quad (2)$$

Konsentratsiya koeffitsiyenti quyidagi ifoda yordamida aniqlanadi:

$$n = \left(\frac{D}{d}\right)^2 \cdot R \quad (3)$$

bu yerda  $D$  - paraboloid reflektorning diametri, m;  $d$  –markazga yig'ilgan nurlarning fokuslanish diametri, m;  $R$  – nur qaytarish koeffitsiyenti 0,8 %.

Suvni qaynash darajasiga qadar ko'tarish uchun sarflangan issiqlik miqdori  $Q$  quyidagi formula yordamida aniqlanadi:

$$Q = m \cdot c \cdot (t_{iss} - t_{s.s}) \quad (4)$$

Quyosh konsentratorining o'rtacha quvvati quyidagi ifoda yordamida aniqlanadi [5]:

$$P = \frac{Q}{\tau} \quad (5)$$

Tajribalar paraboloid turdagi quyosh konsentratorida amalga oshirildi. Bunda konsentrator markazida yig'ilgan nurlarning fokuslanish nuqtasida joylashgan idishga 100 ml suv solindi, suvning dastlabki harorati o'lchandi, o'rnatish vaqti va isitishning boshlanishi yozib olindi. Idish ichidagi suvning harorati qaynash haroratiga yetgunga qadar elektron termometr yordamida o'lchab borildi. O'lchov va hisob natijalari 1-jadvalda keltirilgan.

### Paraboloid turdagi quyosh konsentratorining dastlabki qiymatlari

1-Jadval

Paraboloid konsentratorning diametri, m	Markazga yig'ilgan nurlarning fokuslanish diametri, m	Suvning issiqlik sig'imi, $\frac{J}{kg \cdot K}$	Suvning dastlabki harorati, °C	Suvning keyingi harorati, °C
1,2	0,001	4200	18	100

### O'lchovlar va hisob natijalari

2- Jadval

	Konsentratsiya ko'effitsiyenti	Fokusli nuqtadagi harorat, °C...	uv miqdori, ml.	Suvning boshlang'ich harorati °C	Suvning oxirgi harorati, °C	Qizdirish uchun sarflangan vaqt, min.	Sarflangan energiya miqdori, J	Qurilmaning o'rtacha quvvati, V
Tajribada	11520	300	100	18	100	8	34440	71,75
Hisoblashda	13000	400	100	18	100	7	34440	81,91

*Tajriba natijasida tanlab olingan konsentratorning konsentratsiya ko'effitsienti 111520 ni tashkil etdi hamda 100 ml suvni haroratini 18°C dan 100°C gacha oshirish uchun 34,4 kJ issiqlik sarflandi va jarayon davomiyligi 8 daqiqani tashkil etdi. Ushbu qurilmaning quvvati hisoblashlar natijasida 71,75 Vt ekanligi aniqlandi. Nazariy hisob natijalari shuni ko'rsatadiki massasi 100 ml bo'lgan suvni haroratini qaynash haroratigacha oshirish uchun 34,4 kJ issiqlik kerakligi hamda 7 daqiqa vaqt sarflanganligi aniqlandi. Bunda ushbu quyosh konsentratori energetik qurilmaning quvvati 81,91 Vt ekanligi nazariy hisoblashlar natijasida topildi. Bundan ko'rinib turibdiki tajriba va nazariy hisob natijalari orasidagi yaqinlik 13% ni tashkil etdi.*

Foydalanilgan adabiyotlar.

1. Авезов Р.Р., Вохидов А.У., Куралов М.А. Қуёш энергетикасининг Ўзбекистон Республикасида ривожлантириш тамойиллари. // Қайта тикланувчи энергетиканинг замонавий муаммолари. Республика илмий-амалий анжумани материаллари тўплами. Қарши. 18 март 2018й., 11-13 б.

2. X.A Almardanov, S.E.Chuliev. Biomassa geliopirrolizi uchun quyosh konsentratoridan fodalanish samaradorligi. Muqobil energetika ilmiy-texnik jurnali. № 2 (06) aprel, 2022. 60-68 betlar.



3. Abdurakhmanov A., Kuchkarov A.A., Holov Sh. R., Abdumuminov A. Calculation of optical-geometrical characteristics of parabolic-cylindrical mirror concentrating systems // European science review. 2017. Vol. 2. P. 201-204.

4. Klychev Sh.I., Zakhidov R.A., Bakhranov S.A., Dudko Yu.A., Khudoikulov A.Ya., Klychev Z.Sh., and Khudoiberdiev I.A. Parameter optimization for paraboloid-cylinder-receiver system of thermal power plants // Applied Solar Energy. Applied Solar Energy. 2009. Vol. 45. No. 4. P. 281–284.

5. Х.А. Алмарданов, И.А. Хатамов, З.Б. Тураев, Р.Э. Юсупов. Применение солнечных концентраторов для приема альтернативного топлива через устройство гелиопиролиза. Universum: технические науки, 2021, 8-12 ст.

### **ВЛИЯНИЕ ГЛУБИНЫ СВЕТОПРОЕМА ИНСОЛЯЦИОННОЙ ПАССИВНОЙ СИСТЕМЫ СОЛНЕЧНОГО ОТОПЛЕНИЯ НА ОПТИМАЛЬНЫЙ УГОЛ НАКЛОНА ШАРНИРНО ТРАНСФОРМИРУЕМОГО РЕФЛЕКТОРА**

**Дусяров Акмал Саъдуллоевич**

к.т.н., доцент кафедры «Альтернативные источники энергии» Кар.ИЭИ,

**Алиқулов Сирож**

студент, КарИЭИ.

Инсоляционные пассивные системы солнечного отопления с трансформируемым плоским рефлектором состоят из следующих основных элементов: светопроема (обычно увеличенных размеров) на южной вертикальной стене помещения, совмещенных с внутрикомнатным отопительным прибором емкого приемника солнечного излучения, одновременно являющегося аккумулятором тепла, установленных внутри отапливаемого помещения около светопроема и шарнирно соединенного с нижней частью светопроема плоского рефлектора, установленного снаружи здания, с возможностью дискретного изменения угла наклона относительно горизонта.

Как уже констатировано выше, тепловая эффективность применения шарнирно трансформируемых плоских рефлекторов в инсоляционных пассивных системах солнечного отопления прежде всего зависит от степени оптимизированности их основных параметров, главным из которых является угол наклона рассматриваемого рефлектора к горизонту.


В связи с этим представляет практический интерес определение оптимального угла наклона к горизонту шарнирно-соединенных с нижней частью оконного проема трансформируемых рефлекторов в зависимости от времени года с целью максимального улавливания отраженного от него потока прямой солнечной радиации светопроемом.

Оптимальным при этом считается угол наклона солнечного коллектора, при котором в полдень весь отраженный поток от него падает на поверхность

светопроема при равенстве площади их поверхностей. Для удобства рассматриваемую задачу решим для светопроема, имеющего нулевую глубину относительно плоскости наружной поверхности несущей, ориентированной на юг вертикальной стены. Как следует из рис. 1, в полдень

$$2\beta + 90 + \alpha_{opt} = 180 \quad (1)$$

$$\beta + i' = 90 \quad (2)$$



**Рис. 1 К определению оптимального угла наклона к горизонту трансформируемого зеркального рефлектора:**

$A_n$  - высота светопроема;  $A_p$  - длина рефлектора;  $i$  - угол падения;  $i'$  - угол отражения прямого солнечного излучения на поверхности рефлектора.

Значение оптимального угла наклона рефлектора ( $\alpha_{opt}$ ) при этом

$$\alpha_{opt} = 2i - 90^\circ, \quad (3)$$

где  $i$  - угол падения прямого солнечного излучения на поверхность рефлектора, который равен углу отражения излучения от этой же поверхности ( $i'$ ).

Значение угла падения прямого солнечного излучения на поверхности плоских приемников, ориентированных на юг под углом наклона к горизонту ( $\alpha$ ), определяется из выражения, т.е.

3. Мухторов А.Ф., Гафуров М.О., Аннаев З.Й. Надежность электротехнических систем предприятий с непрерывными технологическими процессами // Universum: технические науки : электрон. научн. журн. 2020. 11(80). URL: <https://7universum.com/ru/tech/archive/item/10863> (дата обращения:

06.05.2021).

4. Bozorov Makhsum Bakhshilloevich, Mukhtorov Abdullo Fayzullayevich.  
ANALYSIS OF METHODS FOR FORECASTING ELECTRICITY  
CONSUMPTION OF THE COMPANY MERGANTEX

5. Bozorov Makhsum Bakhshilloevich, Mukhtorov Abdullo Fayzullayevich.  
DEVELOPMENT OF A METHOD FOR ASSESSING THE EFFICIENCY OF  
THE POWER SUPPLY SYSTEM OF INDUSTRIAL ENTERPRISES.

EURASIAN JOURNAL OF ACADEMIC RESEARCH Innovative Academy  
Research Support Center [www.innacademy.uz](http://www.innacademy.uz)

6. М.Б.Бозоров, А.Ф.Мухторов. Электр энергияси истеъмоли ҳажмини  
башоратлаш. Актуальные проблемы системы электроснабжения // Сборник  
трудов международной научно-технической конференции. – Ташкент. ТашГТУ,  
2021. 210-213 с.

## INDUKSION TIGEL PECHLARNING FIZIK ASOSLARI BO‘YICHA ENERGIYA SAMARADORLIKKA ERISHISH

**Xudoynazarov Farrux Jumanazar o‘g‘li**

Buxoro muxandislik texnologiya instituti “Elektr mexanikasi va texnologiyalari”  
kafedrasida o‘qituvchisi.

*E-mail:* [Xudoynazarov9796@mail.ru](mailto:Xudoynazarov9796@mail.ru)

Induksion isitish deyarli har qanday materialni isitish uchun ishlatilishi mumkin:  
metall qotishmalari, o‘tkazgichlar, dielektriklar, gazlar va boshqalar. Uning ishlatilishi  
to‘g‘ridan-to‘g‘ri aloqa qilmasdan isitiladigan ob‘ektga issiqlikni uzatishga imkon beradi.

Har qanday isitish tezligini atrof-muhit uchun ta‘minlaydi. Induksion isitish  
paytida olinadigan haroratning maksimal darajasi faqat dasturning refrakter materiallar  
qarshiligi bilan belgilanadi.

Elektr yordamida isitiladigan material o‘rtasida to‘g‘ridan-to‘g‘ri aloqa qilish  
zaruriyatining yo‘qligi vakuumda yoki himoya muhitida isitishga imkon beradi.  
Tozalash jarayonlarini o‘tkazishga to‘sqinlik qiladigan sovuq shlaklarning mavjudligi,  
murakkab va qimmat elektr jihozlari, eritmalar orasidagi haroratning keskin  
tebranishlarida qoplamaning past qarshiligi, metallarni aralashtirish elektrodinamik  
hodisasi paytida eritmaning yemirilish ta‘siri, ushbu energiya uzatish usulini cheklaydi.  
Induksion isitishda birlamchi elektr zanjiridan, ikkilamchi elektr zanjiriga energiya  
uzatish induksiya orqali transformator printsipiga asoslangan holda amalga oshiriladi.

Induktorning magnit oqimi chiziqlari yo‘nalishiga perpendikulyar bo‘lgan  
tekislikda va girdob xarakteriga ega bo‘lib hisoblanadi va elektromotor kuch magnit  
oqimining o‘zgarishi tezligiga mutanosib bo‘ladi

$$e = -\frac{d\Phi}{d\tau},$$


Ushbu maydon ta‘sirida eritilgan metalning ichki elektr zaryadlari harakatga  
kelib, girdob oqimlarini hosil qilib elektr maydonining energiyasi Joule-Lenz

qonuniga muvofiq o'zgaradi

$$q_v = \frac{E^2}{p}$$

bu yerda  $q_v$  - issiqlikning hajmli chiqarilish intensivligi;  $E$  - elektr maydon kuchlanganligi.

Zaryad sifatida ishlatiladigan ferromagnit materiallarni Kuryer nuqtasi ( $740-770$  ° C) haroratgacha yetguncha qizdirish nafaqat o'tkazuvchanlik oqimlari tufayli, balki magnitlanishning teskari o'zgarishi natijasida energiya yo'qotilishi tufayli ham amalga oshiriladi. Ushbu haroratdan oshgandan so'ng, isitiladigan o'tkazgichlar magnit xususiyatlarini yo'qotadi va induksiyon pechining ishlashi havo transformatorining ishlashiga o'xshash bo'ladi (qobiqsiz).



**1-rasm.** Induksion tigel pechini asosiy elementlarning ulanish diagrammasi:

1 - induksion pech; 2 - generator; 3 - asosiy kontaktor;  
4 - burilish soni uchun kalitlar; 5 - kontaktorli kondensator.

Bunday holda, induksion oqimlarning kattaligi tashqi yuzasida maksimal qiymatga yetadi va o'rtasiga qarab sezilarli darajada pasayadi. Isitilgan korpusning sezilarli qalinligi bilan induksion oqim zichligi sirdan markazgacha bo'lgan masofa bo'yicha eksponent qonun o'zgarib turadi.

Induktor va metall (5-10 sm) orasidagi katta masofa nisbatan sezilarli reaktiv quvvat paydo bo'lishiga olib keladi, bu esa o'rnatmaning elektr samaradorligini 0,03-0,1 % gacha kamaytiradi. Ushbu quvvat komponentining ta'sirini kamaytirish va qabul qilinadigan samaradorlikni ta'minlash uchun induksion tigel pechlarning fizik asoslari ko'rib chiqilgan.



**Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati**

1. Идиатулин А. А., Сарапулов Ф. Н., Фаткулин С. М., Фризен В. Э. Режимы работы индукционного плавильного агрегата // Индукционный нагрев. – 2011. – №2. – С. 10–16.
2. Идиатулин А. А., Фаткулин С. М., Фризен В. Э. Лабораторная модель индукционного плавильно-литейного комплекса // Энергоэффективные электротехнологии. Сб. тезисов. – Санкт-Петербург, 2011. – С. 41.
3. Кувалдин А. Б., Федин М. А. Идентификация индукционных тигельных миксеров как объектов // Индукционный нагрев. – 2013. – № 1 (23). – С. 19–24.
4. Кувалдин А.Б., Федин М.А. Расчет формы поверхности расплава и ее влияние на энергетические и электрические характеристики индукционной тигельной печи // Электричество. – 2009. – № 4. – С. 47–53.

**ЭКСПЛУАТАЦИЯ ЖАРАЙОНИДА ТОРТУВЧИ АСИНХРОН  
МОТОРЛАРНИНГ ТЕХНИК ҲОЛАТИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ  
УСУЛЛАРИ**


**Шоимкулов Асрор Абдунабиевич**

Тошкент давлат транспорт университети, докторанти (Тошкент,  
Ўзбекистон)

*E-mail:* [Asrorbek.shoimkulov@mail.ru](mailto:Asrorbek.shoimkulov@mail.ru)

**Кириш.** Мамлакатнинг иқтисодий ривожланиши бевосита унинг транспорт тизимига боғлиқ. Сўнгги йилларда темир йўл транспортида тортиш кучига бўлган талабнинг ошиши, ўзгармас тортув электр моторларидан ўзгарувчан тортувчи асинхрон мотор(ТАМ) ларЎ123456787654Ў1га ўтилишига олиб келди. Диагностиканинг мақсади носозликлар ва носозликларни аниқлаш ва олдини олиш, белгиланган чегараларда операцион кўрсаткичларни сақлаш, ресурсдан тўлиқ фойдаланиш учун ҳолатни башорат қилишдир [1].

**ТАМ лар диагностикасининг тест ва функционал таҳлили.** ТАМ ларни диагностика қилишнинг замонавий тизимлари ва усуллари икки гуруҳга бўлиш мумкин. Биринчи гуруҳга тест диагностикаси усуллари киради (1.1- расм).



1-расм. Объектнинг техник ҳолатини диагностикалаш тизимлари: а) тест дагностика усули; б) функционал диагностика усули

Бу усулда ДО нинг изоляцияси қаршилиги, тоқлар, чулғамнинг ички қаршилиги, чулғамнинг диэлектрик йўқотиш тангенци бурчаги ва бошқалар ўлчанади. ДО ни диагностикалаш пайтида унинг вақтинча иш фаолиятини тўхтатиб туриш лозимлиги тест диагностика усуллариининг асосий камчиликларидан бири ҳисобланади. Бундай диагностика нафақат турли нуқсонларнинг ривожланишининг олдини олишга, балки уларнинг пайдо бўлишига ҳам олиб келади [2].

Техник диагностиканинг иккинчи усулига функционал диагностика усуллари (ФДУ) киради (1- расм, б). Бунда ДО (диагностика объекти) фақат ўзининг ишчи таъсирлари (масалан, ТАМ киришига, яъни унинг статор чулғамига электр энергияси тармоғидан номинал кучланиш) остида бўлади ва технологик жараён бир маромда давом этаверади. Бунда ТАМ ларга хизмат кўрсатиш ва уларни таъмирлаш ишлари диагностика натижаларига кўра фақат зарурат бўлгандагина ўтказилади [2].

**ТАМ лар диагностика усуллари.** Ҳозирги вақтда ТАМ ларни функционал диагностика қилишнинг қуйидаги усуллари маълум:

- тебраниш таҳлилига асосланган бирликнинг алоҳида элементлари;
- ишлаб турган машина томонидан узатилган акустик тебранишларни таҳлил қилиш;
- двигател ва ташқи магнит майдон бўшлиғидаги магнит оқимни ўлчаш ва таҳлил қилиш бўйича;
- алоҳида машина элементларининг ҳароратини ўлчаш ва таҳлил қилиш бўйича;
- нефт таркибидаги темир миқдорини таҳлил қилиш асосида механик компонентларни (хусусан, подшипниклар) диагностикаси;
- машинанинг электр параметрларини таҳлил қилиш асосида;
- изоляция ҳолати диагностикаси.

Вибродиагностика усуллари энг кўп қўлланилади. Усулларнинг моҳияти электр моторининг турли нуқталарида тебраниш параметрларини таҳлил қилиш ётади. Тебраниш параметрларига тебранишнинг силжиши, тебраниш тезлашиши ва тебраниш тезлиги киради [3].

Электр машиналарининг ташқи магнит майдони асосан статор чулғамлари ва магнит тизимининг турли хил носимметрияси билан белгиланади. Юзага келган нуқсонлар туфайли носимметрикликлар ташқи магнит майдоннинг табиатини ўзгартириб, фазовий индукция гармониклари спектрини келтириб чиқаради. Бу ТАМ ни диагностика қилиш учун ташқи магнит майдоннинг индукцияси таҳлилидан фойдаланишга имкон беради [4].

Иссиқлик усуллари бизга электр машиналарининг подшипниклари ҳолатини аниқ аниқлаш имконини беради. Бироқ, улар машина изоляциясининг ички шикастланишини кузатиш учун мос эмас [5].

Замонавий диагностика комплексларининг таҳлили шуни кўрсатдики, ТАМ ларнинг техник ҳолатини диагностика қилишнинг ишончилигини ошириш учун мавжуд бўлганларни такомиллаштириш ва иш пайтида ТАМ лар учун янги усуллар ва диагностика воситаларини ишлаб чиқиш зарур. Шунингдек, электр, магнит, иссиқлик ва тебраниш усуллари асосида кичик ва ўрта қувватли асинхрон двигателларни комплекс диагностика қилиш воситаларини ишлаб чиқиш зарур [5].

**Хулоса.** Кўриб чиқилган усуллар афзалликлари ва камчиликлари шуни кўрсатадики ТАМнинг техник ҳолатини баҳолашда энг ишончли маълумотни олиш учун диагностика комплексларида амалга оширилиши мумкин бўлган юқоридаги усулларни биргаликда қўллаш керак.

#### Адабиётлар рўйхати

1. Бердиев У. Т. ва бошқ. “Эксплуатация и ремонт электровозов “O‘zbekiston” и “O‘zY” [Operation and repair of “O‘zbekiston” and “O‘zY” electric locomotives]. – 2016.

2. Сидельников Л. Г., Афанасьев Д. О. Обзор методов контроля технического состояния асинхронных двигателей в процессе эксплуатации //Вестник Пермского национального исследовательского политехнического университета. Геология, нефтегазовое и горное дело. – 2013. – №. 7. – С. 127-137.

3. Халиков А. А., Файзуллаев Ж. С. О. Исследование погрешности технических средств функциональной диагностики тяговых асинхронных двигателей методом параметрических структурных схем //Universum: технические науки. – 2020. – №. 7-1 (76). – С. 47-51.

4. Балабанов В.Н. Диагностика в системе технического обслуживания и ремонта электроустановок: Учебн. пособие.–Хабаровск:ДВГУПС,2003.–80 с.

5. Обзор современных методов и средств оперативной диагностики электромеханических преобразователей энергии / Ф.Р. Исмагилов, И.Х. Хайруллин, Д.Ю. Пашали, О.А. Бойкова // Вестник Урал. гос. авиац. техн. ун-та. – 2010. – Т. 14, № 4 (39). – С. 73–79.

## MOY PRESSI QURILMASINI BOSHQARISH TIZIMINI TAKOMILLASHTIRISH ORQALI ELEKTR ENERGIYANI TEJASH

**Latipov Saidmurod Tuyg'unovich**

Buxoro muhandislik-texnologiya instituti, "Energetika" kafedrası doktoranti.

Yog'-moy korxonalarida har xil turdagi press qurilmalari moy'ni dastlabki siqib olish uchun xizmat qiladi. Press qurilmasining asosiy qismlari elektr yuritma, reduktor va parmali valdan iborat. Press qurilmasining ishlash printsiپی shundaki, qovurgichda tayyorlangan mag'iz ta'minlovchi orqali tsilindr ichida aylanadigan parmali valning birinchi parmasiga beriladi, u erda aylanish natijasida hosil bo'lgan bosim ta'sirida siqiladi. Natijada moy tsilindr teshiklari orqali moy shnekiga oqadi va tozalash hamda keyingi ishlov berish uchun yuboriladi. Mag'iz esa konus shaklidagi qurilmada siqilish natijasida kunjara ko'rinishida chiqadi [1].

Tadqiqot olib borilayotgan MP-68 tipli press qurilmasi soatiga uch tonnadan ortiq chigitni qayta ishlashga mo'ljallangan. Uning dvigatelining o'rnatilgan quvvati 40 kVt. 1-rasmda MP-68 tipli press qurilmasining umumiy ko'rinishi keltirilgan.



1-rasm. MP-68 tipli pressning umumiy ko'rinishi.

Hozirgi kunda yog'-moy sanoatining bazi korxonalarida ma'nan va jismonan eskirgan press qurilmalaridan foydalanib kelinmoqda. Shu sababli press qurilmalarining unumdorligini oshirish va elektr energiyasini tejash maqsadida elektr yuritmalarini takomillashtirish dolzarb masala hisoblanadi [1, 2].

Press qurilmalarining elektr energiyasi iste'molchisi uning elektr yuritmasi hisoblanadi. Unda elektr energiyasi sarfini kamaytirish uchun zamonaviy elektr yuritma turlarini qo'llash lozim bo'ladi.

Press qurilmasi uchun elektr yuritma tizimini tanlashda butun qurilmaning texnik-iqtisodiy samaradorligi yuqori bo'lishini ta'minlash asosiy hal qiluvchi me'zon hisoblanadi.

Yog'-moy korxonalarida dastlabki moy olish ya'ni, presslash orqali moy olish texnologik jarayonining talablariga to'liq javob beradigan elektr yuritmaning asosiy rostlovchi turi tristorli chastota o'zgartkich – asinxron dvigatel tizimli o'zgaruvchan tok

elektr yuritmasi hisoblanadi.

Qisqa tutashgan rotorli asinxron dvigatellarning tezligini rostdash juft qutblar sonini o'zgartirish, kuchlanish rostdagichini qo'llash, uch fazali magnit kuchaytirgich, stator zanjiridagi qarshilikni impulsli rostdash va o'zgaruvchan tok chastotasini o'zgartirish bilan amalga oshiriladi [3].

Juft qutblar sonini o'zgartirib tezlikni rostdashda dvigatelning belgilangan tezliklarda ishlashi bu usulning kamchiligi hisoblanadi. Kuchlanish rostdagichini, magnit kuchaytirgichni qo'llash bilan impulsli rostdashlarda dvigateldagi tezlikning kamayishida sirpanish yo'qotilishinig ajralishi bu usullarning kamchiligi bo'ladi. Bu yo'qotishlar dvigatelni qo'shimcha qizishiga olib keladi natijada dvigatelning quvvatini oshirishga to'g'ri keladi.

Dvigatel tezligini rostdashning ravonligiga, diapazonining kengligiga va mexanik tavsiflarning qattiqligiga yuqori talablar qo'yilganda, tristorli chastota o'zgartkich – qisqa tutashtirilgan rotorli asinxron dvigatel (TChO'-AD) tizimli elektr yuritma eng samarali hisoblanadi. Bunday tizimda tezlikni rostdash diapazoni  $D > 2$  da va  $f/u = \text{const}$  bo'lganida yuritma mexanik tavsifining qattiqligi rostdanadigan tezlikning yetarli barqarorligini ta'minlaydi. TChO'-AD tizimida yana tezlikni rostdaganda qo'shimcha yo'qotishlar bo'lmaydi. Shuningdek tezlikni rostdashning yanada yuqori aniqligi ta'minlanadi, og'ir sharoitda ishlaydigan elektr yuritmaning ishonchliligi va ko'pga chidamliligi ortadi. Bundan tashqari chastotali rostdanadigan elektr yuritma elektr energiyani tarmoqqa qaytarish imkoniyati bo'lgan muhim xususiyatga ega hisoblanadi [4].

Oqimning optimal qiymatini va uning darajasiga mos keladigan boshqaruvchi ta'sirlarni (tokning chastotasi, kuchlanishi, mutlaq sirpanish parametrlari va b.) avtomatik ravishda ushlab turish motorda nobudgarchiliklar minimum bo'lgan rejimni ta'minlashga imkon beradi, bunda chastota bilan rostdanadigan elektr yuritmani energetik va ishlatishdagi ko'rsatkichlari yaxshilanadi.

Tahlillar shuni ko'rsatadiki, chastota o'zgarishining keng diapazonida asinxron motorda nobudgarchilik eng kam bo'lgan sharoitda boshqarilganda uning harorati ortishi ham eng kichkina bo'ladi, uning mutlaq qiymati yo'l qo'yiladigan haroratdan past bo'ladi.


Elektr yuritmaning chastotali rostdlovchi boshqarish tizimida mikroprotssessorli boshqarish usuli qo'llanilgani tufayli nazoratlanuvchi texnologik parametrlarni avtomatik ushlab turish imkoniyati yaratilgan.

Demak, motorda yig'indi quvvat isrofi minimum bo'ladigan magnit oqimning optimal qiymatini avtomatik ushlab turish, o'z navbatida, motorning qizishi minimum bo'lishini ta'minlaydi, bu esa faqatgina foydali quvvat koeffitsientini emas, balki motorning qizishi bo'yicha foydali quvvat zaxirasining ham oshishiga sharoit yaratadi.

Hozirgi kunda chastota o'zgartkichlari ko'p davlatlarda, jumladan Shveysariya, AQSh, Germaniya, Fransiya, Yaponiya, Rossiya, Xitoyda shu bilan birga O'zbekistonda ham ishlab chiqarilmoqda. Bu qurilmalar qo'llanilgan yarim o'tkazgichli asboblarning turlari, tayyorlanishi, himoyalarning turlari bilan bir-biridan farq qilishi mumkin.



Yogʻ-moy korxonalarida press qurilmalarining elektr yuritmalarida zamonaviy mikroprotsessorli vositalar qoʻllanilganda, boshqarishning murakkab qonuniyatlarini dvigatelning momentini, tezligini va boshqa koʻrsatkichlarini sifatli rostdlashga imkoniyat yaratiladi. Buning uchun asinxron dvigatelda stator tokining ham amplitudasini ham fazasini boshqarishni taʼminlash zarur boʻladi. Bunday boshqarishning asosiy qismi magnit oqimi va momentini boshqarish signalini dvigatel fazalari toklarini boshqarish signallariga oʻzgartiruvchi hisoblanadi asinxron dvigatellarni mikroprotsessorli boshqarish tizimlarida bu masala dasturli vositalar bilan hal qilinadi. Press qurilmasining elektr yuritmasiga qoʻllanilgan chastotali rostlanadigan elektr yuritmaning tuzilish sxemasi 2-rasmda keltirilgan.



2-rasm. Press qurilmasining elektr yuritmasini chastotali boshqarish sxemasi.

PQBT – press qurilmasining boshqarish tizimi; PQ – press qurilmasi; T – yarim oʻtkazgichli toʻgʻrilagich; F – filtr; AI – avtonom inverter; ChOʻBQ – chastota oʻzgartkichning boshqarish qurilmasi; D – dvigatel; UM – uzatish mexanizmi; IO – ishchi organ; OʻOʻ – oʻlchov oʻzgartkichlari.

Press qurilmasi parmali valining aylanish tezligini chastotali rostlanadigan elektr yuritma tizimi orqali boshqarishni qoʻllashning quyidagi afzalliklari mavjud:

1. Press qurilmasi elektr yuritmasining ishga tushirish yuklamalarining kamayishiga, ishlash muddatining oshishiga, elektr dvigatel va texnologik uskunalarning zaxiralarini ortishiga, taʼmirlashlar orasidagi muddatlar uzayishiga olib keladi.

2. Press qurilmasi elektr yuritmasini ravon ishga tushirishda ishga tushirish toki dvigatelning naminal tokidan oshmaydi, bu elektr apparatlarga va elektr tarmoqlarga tushadigan yuklamani kamaytiradi.

3. Press qurilmasi elektr yuritmasi tezligini rostdlash orqali mahsulot birligiga sarflanadigan elektr energiyasi solishtirma sarfini kamaytirish imkoniyati mavjud. Maʼlumki texnik chigit I, II, III va IV navlarga boʻlinadi. Tajribalar shuni koʻrsatdiki

chigitning naviga bog‘liq holda press qurilmasi parmali valini turli tezliklarda ishlatilishi turli mahsuldorlik va har xil elektr energiyasi solishtirma sarfiga olib keladi. Bundan ko‘rinadiki, chigitning naviga qarab press qurilmasi parmali valini optimal aylanishlar sonini ta‘minlash orqali elektr energiyasi sarfini kamaytirish imkoniyati mavjud.

#### **Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati:**

1. Latipov S.T., “YEVROSAR” MChJ yog‘-moy korxonasida elektr energiya iste‘moli ko‘rsatkichlarini tadqiq qilish. “Fan va texnologiyalar taraqqiyoti” Ilmiy – texnikaviy jurnal. №2/2021. 96-102 b.
2. Jalilov R., Latipov S., Choriyev A. Development of energy characteristics of electric drives of technological equipment and normalization of electric consumption of fat-and-oil enterprise. Scopus, Conference Paper. (RSES 2020) E3S Web of Conferences, 216, article № 01141.
3. Hoshimov O.O., Imomnazarov A.T. Elektromexanik tizimlarda energiya tejamkorlik. Oliy o‘quv yurtlari uchun darslik. – T: O‘AJBNT Markazi, 2004 (2 nashr 2015 yil).
4. Хашимов А.А., Мирисаев А.У., Кан Л.Т. Энергосберегающие асинхронные электроприводы. – Т: Fan va texnologiyalar, 2011. -133b.
5. Xoshimov O.O., Imomnazarov A.T. Elektromexanik qurilma va majmualarning elementlari.–T: TDTU, 2003.

### **ПОДВИЖНОЙ СОСТАВ С БЕСКОЛЛЕКТОРНЫМИ ТЯГОВЫМИ ЭЛЕКТРОДВИГАТЕЛЯМИ**

**БЕРДИЕВ У.Т., БЕРДИЁРОВ У.Н.**

Ташкентский государственный транспортный университет,  
г.Ташкент, Узбекистан

В настоящее время электропривод абсолютного большинства систем может быть выполнен на основе асинхронного короткозамкнутого двигателя с тиристорным преобразователем частоты. Развитие силовой полупроводниковой техники, в частности, разработки технологий изготовления силовых запираемых тиристоров (GTO - тиристоров) и биполярных транзисторов с изолированным затвором (IGBT - транзисторов), сделало возможным создание мощных энергетических систем с асинхронным приводом и управлением практически любой степени сложности. По сравнению с электроприводом постоянного тока достоинствами системы преобразователь частоты - асинхронный двигатель являются простота в эксплуатации и относительно низкая стоимость электродвигателя; недостатками - сложность и высокая стоимость силовой части преобразователя частоты [1].

До последнего времени основным элементом энергетической цепи локомотива являлся тяговый электродвигатель постоянного тока, электро-механическая характеристика которого в наилучшей степени удовлетворяет условиям тяги. Однако, коллекторные тяговые электродвигатели являются узлами с относительно низкими показателями надежности, т.к. относятся к числу наиболее напряженных машин по нагреву, механической прочности и коммутации среди электрических машин. В настоящее время во всем мире широко внедряется подвижной состав с бесколлекторными тяговыми электродвигателями, преимущественно асинхронными тяговыми электродвигателями (ТАД). Такой тяговый электропривод позволяет заметно улучшить эксплуатационные качества силового электрооборудования локомотивов: в 2.4 раза снижаются затраты на ремонт и обслуживание электродвигателей; уменьшаются их весо-габаритные показатели; за счет регулирования момента можно более эффективно использовать сцепление колес с рельсами; на номинальном режиме работы асинхронный тяговый электродвигатель по сравнению с коллекторным имеет более высокое значение КПД [2].

Эффективное использование асинхронных ТАД в энергетических цепях локомотивов требует разработки сложных алгоритмов управления, реализуемых с использованием бортовых компьютеров.

На современных локомотивах используются частотно-токовые системы управления ТАД, которые позволяют получить высокую экономичность его работы в эксплуатации. Однако, до настоящего времени не исследован вопрос о влиянии условий эксплуатации на алгоритм рационального управления ТАД, в частности, в какой степени тепловое состояние электродвигателя влияет на параметры рациональных режимов и показателей эффективности его работы в энергетической цепи локомотива.

Повышение энергоэффективности отраслей народного хозяйства являются ключевыми задачами для социально-экономического развития любого государства. Ресурсоэффективность, энергоэффективность, ресурсосбережение и энергосбережение являются приоритетными направлениями технологического развития, обозначенными в энергетической стратегии Республики Узбекистан на период до 2030 года.

Узбекистан располагает масштабным недоиспользуемым потенциалом энергосбережения, способным конкурировать с приростом производства всех первичных энергетических ресурсов в решении проблемы обеспечения экономического роста страны.

С целью снизить энергоемкость экономики и реализовать политику энергосбережения в Узбекистан поощряется внедрение энергоэффективных двигателей и модернизация железнодорожного транспорта.

Сегодня энергоэффективными считаются двигатели с КПД на 1–10% выше, чем у стандартных машин. Причем, если речь идет о крупных двигателях, разница составляет 1–2%, а в машинах малой мощности она может достигать 7–10%.

Высокий КПД в двигателях достигается за счет:

- увеличения массы активных материалов;
- применения материалов с улучшенными характеристиками;
- конструктивных изменений в машине (уменьшения воздушного зазора, оптимизация зубцово-пазовой зоны магнитопроводов и конструкции обмоток, специальной конструкции вентилятора);
- применения усовершенствованных подшипников.

Помимо более высокого КПД двигатели с повышенной энергоэффективностью характеризуются удлиненным сроком службы. При увеличении КПД двигателя потери в нем снижаются, как и снижается их тепловое воздействие на детали машины. А нагрев является одним из основных факторов, определяющих продолжительность эксплуатации наиболее уязвимого элемента обмотки двигателя.

При этом повышение энергоэффективности машин отражается на других технико-экономических показателях. По статистическим данным [3] стоимость машин с повышенным КПД по сравнению с обычными на 10 – 30% выше, их масса также несколько больше. Увеличение массы активных материалов на 3–6% увеличивает момент инерции ротора на 20–50%, вследствие чего такие двигатели уступают обычным по динамическим показателям.

Направления развития и требования, предъявляемые к тяговому электроприводу. Анализ продукции производителей систем привода и материалов исследований в этой области позволяют отметить следующие тенденции развития тягового электропривода:

1. Увеличение доли систем привода с бесколлекторными двигателями переменного тока и снижение доли систем привода с двигателями постоянного тока, обусловленное низкой надежностью коллекторного узла и более высокой стоимостью коллекторных двигателей постоянного тока по сравнению с двигателями переменного тока.

2. Преимущественное применение для целей тяги регулируемых приводов на базе асинхронных двигателей с короткозамкнутым ротором и статических преобразователей частоты.

3. Рост интереса к приводам на базе многофазных электрических машин и машин с постоянными магнитами.

4. Усложнение структур систем управления и алгоритмов управления электроприводом, связанное с необходимостью обеспечения широкого диапазона регулирования скорости и высокого быстродействия.

5. Повышение эксплуатационной надежности, унификация и улучшение энергетических показателей электропривода.

Среди инвестиционных и инновационных приоритетов развития железнодорожной энергетики отмечается создание нового поколения энергетически эффективного подвижного состава [4,5].

Технические требования к электровозам нового поколения предус-

матривают:

- повышение производительности локомотива не менее чем на 5%;
- снижение расхода топлива не менее чем на 10%;
- увеличение пробегов между техническими осмотрами и ремонтами не менее чем на 50%;
- снижение эксплуатационных расходов на техническое обслуживание и ремонт не менее чем на 25%;
- использование комплектующего оборудования российского производства.

Необходимо отметить, что разработка собственных систем энергоэффективного тягового электропривода, имеет ключевое значение в предотвращении зависимости страны от импорта.

### Литература

1. Эпштейн И.И. Автоматизированный электропривод переменного тока. - М.: Энергоиздат, 1982. -192 с.
2. Rratz G. Die Konzeption dem perspektivesche Triebfarzeuge // Elektrische Bahnen, 1998, № 11, p. 333-337.
3. Энергоэффективность электропривода. Комплексный подход. «Круглый стол» в рамках ПТА-2011 [Электронный ресурс] // Онлайн портал Konstruktor.net машиностроитель». Режим доступа: <http://konstruktor.net/podrobneeelekt/items/ehnergoehffektivnost-ehlektroprivoda-kompleksnyj-podход.168.html> (дата обращения: 08.03.2015).
4. ГОСТ Р 53905-2010. Энергосбережение. Термины и определения. М.: Стандартинформ, 2011. – 16 с.
5. Устенко, А.В. Тенденции развития тяговых двигателей подвижного состава / А.В. Устенко, О.В. Пасько // Электротехника и электромеханика. 2013.



**ЕМ МАЙДАЛАШ ҚУРИЛМАЛАРИНИНГ АСИНХРОН МОТОРИНИ  
ЭКСПЛУАТАЦИЯ ҚИЛИШ ЖАРАЁНИДА СТАТИК ВА ДИНАМИК  
РЕЖИМЛАРИНИ МАТЕМАТИК МОДЕЛЛАШТИРИШ ОРҚАЛИ  
ЭНЕРГИЯ ТЕЖАМҚОРЛИГИГА ЭРИШИШ**

**Пирматов Нурали Бердиёрович**


т.ф.д.,проф., И.Каримов номидаги Тошкент Давлат Техника Университети

**Паноев Абдулло Тиллоевич**

PhD, доц., “Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш  
муҳандислари институти” миллий тадқиқот университети

Бухоро табиий ресурсларни бошқариш институти

Бизларга маълумки ҳозирги вақтда Республикамизда қишлоқ хўжалиги соҳаси борган сари такомиллашиб, ривожланиб бормоқда. Ҳозирги кунда қишлоқ хўжалигида қўлланилаётган ем майдалаш қурилмаларининг асинхрон моторини бир неча усуллар ёрдамида юргизиш мумкин. Масалан маккажўхори уруғини майдалашимиз учун қишлоқ хўжалигида қўлланиладиган ем майдалаш қурилмаларидан фойдаланганимизда, ем майдалаш қурилмаларининг асинхрон моторида жуда катта ток сақрашлари ҳосил бўлади, уни ишга тушириш токи ёки тормозланган ротордаги ток деб номланади. Ишга тушириш токи номинал токдан 5-7 баробар юқори бўлади, қисқа муддат таъсир қилади, тезлашиб ол-ганидан сўнг эса, электр мотордаги ток минимал қийматга тушиб кетади [2-3]. Шунинг учун ем майдалаш қурилмасини эксплуатация қилиш жараёнида, қурилманинг асинхрон моторини ишга тушириш тоқини камайтириш учун, ишга туширишнинг турли усулларидан фойдаланилади. Шу билан бир қаторда таъминот кучланишини стабиллаштириш учун бир қатор чоралар кўрилиши керак. Шу усуллардан бири бу ем майдалаш қурилмаларининг асинхрон моторини тезлигини частота ўзгартгич ёрдамида бошқариш усулидир [1]. Ем майдалаш қурилмаларини ишга тушириш ва бошқаришда частота ўзгартгич ёрдамида амалга оширилади, у автомат ва асинхрон мотор орасида ўрнатилади ва асинхрон моторнинг айланиш частотаси билан бошқарилади, қўшимча тарзда электр энергия тежалишига олиб келади. Бунда ем майдалаш қурилмаларининг асинхрон моторини ишга тушириш ва бошқаришда частота ўзгартгич ёрдамида амалга оширилади. 1-расмда. Ем майдалаш қурилмасининг асинхрон мотор ёрдамида частотали бошқаришнинг ёпиқ функционал схемаси кўрсатилган.



1-расм. Ем майдалаш қурилмасининг асинхрон мотор ёрдамида частотали

бошқаришнинг ёпиқ функционал схемаси (ЧЎ- частота ўзгартгич; АМ - асинхрон Мотор; ТГ – тахогенератор; ЕМ – ем майдалаш қурилмаси)

ЕМ майдалаш қурилмасида энг кўп ишлатиладиган электр моторларидан бири асинхрон моторлар ҳисобланади. Асинхрон машинанинг электромагнит momenti ротор чулғами ўтказгичларидан ўтадиган ток актив ташкил этувчиси ( $I_2 \cos\psi_2$ ) нинг статор чулғами ҳосил қилган айланма майдон, яъни магнит оқим  $\Phi_{\max}$  билан таъсирлашиб Ампер қонунига асосан электромагнит куч  $F_{em} = B_{\delta} li$  вужудга келади. Бу формула момент қийматининг моторда содир бўладиган физик ҳодисалар орасидаги боғланишни ўрнатади. Ундан моторнинг ҳар хил режимлардаги иш жараёнини сифат жиҳатдан таҳлил қилишда фойдаланиш қулай ҳисобланади. Лекин бу формулага кирган ( $\Phi_{\max}$ ,  $I_2$  ва  $\cos\psi_2$ ) катталиклар тўғридан-тўғри тармоқ кучланиши ва машинанинг иш режими билан боғланмаган, уларни тажрибада аниқлаш эса анча мураккабдир. Шу сабабли қуйида электромагнит (айлантирувчи) моментнинг қийматини энг оддий аниқлаш, унга машинанинг ҳар хил параметрлари ва эксплуатацион режимларининг таъсирини ҳисобга олиш имконини берадиган бошқа формула ёрдамида аниқлаш мумкин. ЕМ майдалаш қурилмаларидаги асинхрон машинанинг тенгламаларини қуйидаги кўринишда ёзиш мумкин.

Статор чулғами учун:

$$\left. \begin{aligned} U_{s\alpha} &= d\Psi_{s\alpha} / dt - w_s \Psi_{s\beta} + R_s I_{s\alpha} \\ U_{s\beta} &= d\Psi_{s\beta} / dt - w_s \Psi_{s\alpha} + R_s I_{s\beta} \end{aligned} \right\}$$

Ротор чулғами учун:

$$\left. \begin{aligned} 0 &= d\Psi_{r\alpha} / dt - (w - w_s) \Psi_{r\beta} + R_r I_{r\alpha} \\ 0 &= d\Psi_{r\beta} / dt - (w - w_s) \Psi_{r\alpha} + R_r I_{r\beta} \end{aligned} \right\}$$

Ротор ҳаракат тенгламаси:  $\frac{dw_r}{dt} = \frac{P}{j} (M_{эм} - M_c)$

Асинхрон моторнинг электромагнит momenti:

$$M_{эм} = \frac{m_1 \cdot U_{ном}^2 \cdot \gamma^2}{\omega_{ном}} \cdot \frac{1}{[a(\alpha)]^2 \cdot \frac{\beta}{r_2} + [b(\alpha)]^2 \cdot \frac{r_2}{\beta} + 2 \cdot r_1 \cdot \alpha}$$

бу ерда  $\alpha = \frac{\omega_1}{\omega_{ном}} = \frac{f_1}{f_{ном}}$  - статорнинг нисбий частотаси;  $\beta = \frac{\omega_2}{\omega_{ном}} = \frac{\omega_1 - \omega}{\omega_{ном}} = \frac{f_2}{f_{ном}}$  -

роторнинг нисбий частотаси;  $\gamma = \frac{U_1}{U_{ном}}$  - статорнинг нисбий кучланиши;

$\mu = \frac{M}{M_{ном}}$  - нисбий момент;  $a = \frac{r_1}{r_2}$  Клосс формуласига келтирамыз


$$M_{эм} = \frac{2 \cdot M_{к} \cdot (1 + q \cdot \beta_{к})}{\frac{\beta}{\beta_{к}} + \frac{\beta_{к}}{\beta} + 2 \cdot q \cdot \beta_{к}} \text{ бу ерда } q = \frac{r_1 \cdot X_m^2}{r_2 \cdot \alpha \cdot Z_1^2}; \beta_{к} = r_2 \frac{Z_2(\alpha)}{Z_1(\alpha) \cdot X_2} \text{ -абсолют критик}$$

$$\text{сирпаниш. Критик момент } M_{к}(\alpha, \gamma) = \frac{m_1 \cdot U_{ном}^2}{\omega_{ном}} \cdot \gamma^2 \cdot \frac{q\beta_{к}}{2 \cdot r_1 \cdot \alpha(1 + q\beta_{к})}$$


Асинхрон моторни бошқариш қонунияти (М.П.Костенко қонуни )

$$\gamma = \alpha \sqrt{\mu} \text{ ёки } \frac{U}{U_{ном}} = \frac{f}{f_{ном}} \cdot \sqrt{\frac{M}{M_{ном}}}$$

Ем майдалаш қурилмаларида қўлланиладиган қуввати  $P=3$  кВт, кучла-ниши  $U=220/380$  В, айланиш тезлиги  $n=3000$  айл/мин бўлган 4А100L6У3 типдаги қисқа туташтирилган роторли асинхрон моторнинг  $U/f = \text{const}$  қонун асосида частотали бошқарилган ҳолатдаги механик характеристикаси кўрсатилган.



2 - расм. Асинхрон моторни тезлигини частотали бошқариш характеристикаси ( $M = \text{const}$ )



3-расм. Асинхрон моторни тезлигини частотали бошқариш характеристикаси ( $P = \text{const}$ )

2 ва 3- расмлардан шу нарса кўринадикки, асинхрон моторни частотали бошқариш ҳолатидаги механик характеристикаси табиий механик характеристикага жуда яқин бўлар экан. Бу қурилмалар фойдаланувчи томонидан киритилган қийматлардан ортмаган ҳолда токни жорий қийматини ҳисобга олиб, кучланишни бошқариши мумкин. Шунингдек олинган маълумотлар турли химоя воситалари(фазалар дисбаланси, ўта юкланиш ва бошқалар)ни ишлашида қўлланилиши мумкин. Хулоса ўрнида шуни айтишимиз мумкинки, қишлоқ хўжалиги корхоналарида қўлланилаётган ем майдалаш қурилма-ларининг асинхрон электр моторини эксплуатация қилиш жараёнида асинхрон моторни частотавий бошқаришда электр энергия истеъмоли тежамлидир, чунки частота ўзгартгич асинхрон мотор тезлигини ростлашни, электр юритма Ф.И.К. ни ошишини таъминлайди.

**Фойдаланилган адабиётлар**

1. Baratov R, Pirmatov N, Panoev A, Chulliyev Ya, Ruziyev S and Mustafu-qulov A. Achievement of electric energy savings through controlling frequency convertor in the operation process of asynchronous motors in textile enterprises IPICSE 2020 IOP Conf. Series: Materials Science and Engineering 1030 (2021) 012161 IOP Publishing doi:10.1088/1757-899X/1030/1/012161

2. Chernyshev A.Yu., Dementiev Yu.N., Chernyshev I.A. Drive of the alternating current. - Tomsk: Publishing House of Tomsk Polytechnic University, 2011. 213 p.

3. Pirmatov N., Panoev A. Frequency control of asynchronous motors of looms of textile enterprises E3S Web of Conferences, 2020, 216, 01120.

4. Baratov R., Pirmatov N. Low - Speed generator with permanent magnets and additional windings in the rotor for small power wind plants and micro hydro power plants IOP Conference Series: Materials Science and Engineering, 2020, 883 (1), 012183.

**ИККИ ТЕЗЛИКЛИ АСИНХРОН МОТОРЛАРНИ МАХWELL  
ДАСТУРИ ЁРДАМИДА МОДЕЛЛАШТИРИШ**

**Бобожанов Мақсуд Қаландарович**

техника фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат техника  
университети “Электр таъминоти” кафедраси профессори

**Рашидов Нуралибек Хайридинович**

Тошкент давлат техника университети “Электр таъминоти” кафедраси  
ассистенти

E-mail: [nuralibekrashidov@mail.ru](mailto:nuralibekrashidov@mail.ru)

Махwell дастури чекланган элементлар методига асосланади (Finite Element Method - FEM) ва статик, электромагнит ва электр майдон гармоникаларини, шунингдек, бундан ташқари ўткинчи жараёнларни жуда юқори аниқликда ҳисоблайди[1]. Шунини инобатга олиб, ҳақиқий экспериментлар ўрнига иқтисодий жиҳатдан арзон бўлган компьютер моделларини ишлатиш мумкин.

*Rotational Machine Expert (RMxpert)* - бу электр машиналарини лойиҳалаш ва оптималлаштириш жараёнларини тезлаштирадиган дастурдир. RMxpert электр машиналарининг ишчи характеристикаларини ҳисоблаш классик аналитик назарияларидан ва магнит занжирларни эквивалент усулларида фойдаланади. Дастурга электр моторнинг қуйидаги бошланғич маълумотлари киритилади: чулғамлар тури ва уланиш схемаси, статор ва ротор материалларининг хусусиятлари, геометрик параметрлар, қувват манбаи, юкланиш ва ҳ.к. Шундай қилиб, ушбу дастурий восита стандарт конфигурацияга эга электр машинасини ишлаб чиқариш жараёнини сезиларли даражада тезлаштиришга имкон беради[2].

Тадқиқ қилиш объекти сифатида 4A132M4 типдаги қисқа туташган роторли асинхрон электр моторни кўриб чиқамиз. 1-жадвалда Ansys Maxwell


RMxprt дастурий модули ёрдамида 4A132M4 асинхрон электр моторнинг асосий ўлчамлари кўрсатилган.

1-жадвал

4A132M4 электр моторнинг асосий ўлчамлари	
$D_{\text{ташки.статор}}$	225 мм
$D_{\text{ички.статор}}$	145 мм
$l_{\text{ст}}$	180 мм
$Z_1$	36
$Z_2$	34
$D_{\text{ташки.ротор}}$	144.2 мм
$D_{\text{ички.ротор}}$	50 мм

1-расм, а) ва б) ларда Ansys Maxwell RMxprt дастурий таъминотида икки тезликли 4A132M4 типли асинхрон моторнинг статор ва ротор пазларини шакли геометрик ўлчамлари келтирилган.

RMxprt тўплам функцияси фақатгина чулғамнинг асосий геометрик ўлчамлари ва параметрларини белгилаш, вазифани бериш ва намунавий ечимларни олиш имконини беради.



1-расм. Мавжуд асинхрон мотор пазининг шакли: а) статор; б) ротор

Ansys Maxwell ёрдамида олинган моделлаштирилган натижаларининг тўғрилиги ва ушбу дастур мажмуасини кейинчалик қўллаш мақсадга мувофиқлиги тўғрисида хулоса чиқаришимизга имкон беради.

RMxprt воситасидан фойдаланиб, 2D ва 3D қуриш режимларидан фойдаланиш мумкин. Ушбу режимларда статор ва роторнинг магнит тизимидаги майдон кучларининг тарқалиши, электр моторнинг алоҳида қисмларидаги ҳарорат, статор чулғам фазаларидаги тоқлар ва бошқа параметрларни кўриб чиқиш мумкин[3, 4].


Икки тезликли моторнинг ҳисоби 4A132M4 типдаги бир тезликли мотор



асосида бажарилди. Ишлаб чиқилган ушбу чулғам статор пазлари 36, ротор пазлари 34 та, статор ташқи диаметри 225мм, ички диаметри 145 мм, вал узунлиги 180 мм ҳаво оралиғи  $\delta=0,4$ . ANSYS Maxwell дастури ёрдамида икки тезликли мотор моделлаштирилди. 3-расмда  $p_1=2$  ва  $p_2=3$  томонларда индукция тақсимланиши келтирилган. Графикдан кўринадикки  $p_1=2$  томонда статор тишларида максимал оқим зичлиги кузатилган.

Янги 4A132M4/6 двигателининг экспериментал тадқиқотлари шуни кўрсатадигани  $p_1=2$  томонда  $P_2=9$  кВт,  $\eta=87\%$ ,  $\cos\varphi=0,87$ ,  $I_1=18$  А,  $M=58$  Нм,  $p_2=3$  томонда  $P_2=6$  кВт,  $\eta=85\%$ ,  $\cos\varphi=0.51$ ,  $I_1=20$  А,  $M=58$  Нм .

2-расмлардан кўриниб турибдики, иккала қутблар томон учун ҳам механик характеристикалар етарлича қаттиқлик (номинал сирпаниш 2,5% ва 5%) ва силлиқ кўринишга эга. Жадвалдан кўриш мумкинки, иккала қутблар томони учун ҳам номинал юкланиш momentiда двигателнинг тезланишига тўсқинлик қиладиган момент эгри чизиқлари мавжуд эмас.



2-расм. Икки тезликли моторнинг механик характеристикалари:

а)  $p=2$  томон учун, б)  $p=3$  томон учун

Юқорида келтирилган экспериментал тадқиқотлар натижалари таҳлили асосида шундай хулосага келиш мумкинки, янги турдаги қутблар сони ўзгарувчан чулғам асосидаги икки тезликли мотор юк ташиш транспорт механизмларида мавжуд бўлган бир тезликли моторлар ўрнига жорий қилиш имконини беради.

Қутблари ўзгарувчан чулғамли икки тезликли янги моторлар ишчи характеристикаларини экспериментал тадқиқотларини ўрганиш шуни кўрсатдики, ушбу моторларни энергетик кўрсаткичлари талаб қилинган қийматларга тўлиқ мос келади.

**Адабиётлар**

5. Alwash J.H.H., Ismail K.S., Eastham J.F. A Novel 16/6 Phase Modulated Winding // IEEE transactions on energy conversion, 2000. -vol. 15. -No. 2. -P.188-190.
6. Ansys Maxwell 2D V.15 - Electromagnetic and Electromechanical Analysis: user's guide/ Ansys Inc. – Pittsburgh, 2012. - 628 p.
7. Ansys Maxwell 3D V.15 - Electromagnetic and Electromechanical Analysis: user's guide/ Ansys Inc. – Pittsburgh, 2012. –1006 p.
8. Auinger H. Polumschaltbare Dreiphasenwicklungen mit 6 Klemmen Übersicht zum Stand der Technik. / Bull. ASE-UCS, 1978. -tome 69. -No 17.-P. 926-932.

**ШОЛИ УРУҒИНИ ДИЭЛЕКТРИК ҚУРИЛМАДА САРАЛАШ**

**Юсубалиев Аширбой,**

Энергетика институти техника фанлари доктори профессор

**Шойимова Солиха Пардаевна,**

Бухоро муҳандислик – технология институти “Энергетика” кафедраси  
асистенти. [behruzjonmurodov96@mail.ru](mailto:behruzjonmurodov96@mail.ru)

**Муродова Барчиной Барот қизи,**

Бухоро муҳандислик – технология институти, 604-20 МЭМ гуруҳ  
талабаси.

Олиб борилган илмий изланишлардан маълумки дунёда шу жумладан Республикамизда дон маҳсулотларини экишдан аввал саралаш ва фракцияларга ажратиш технологиясини ва қурилмаларини яратиш, яъни туркумдаги иш унумдорлиги юқори, энергия сарфи кам, металл тежамкор бўлган саралаш ва ажратиш қурилмани яратиш долзарб бўлмоқда. Республикамизда ҳар йили 100 минг тоннага яқин шоли уруғи экиш мавсумига “Кластер” корхоналарига қарашли уруғлик марказларида мавжуд бўлган турли саралаш усткуна ва қурилмалар ёрдамида саралаб, деҳқон ва фермер хўжалиқларига экиш мавсумига етказиб берилмоқда. Ўртача уруғ сарфи 40-50 кг/га, айрим ҳолларда ҳатто 60-80 кг/га ни ташкил этмоқда, бу эса илмий тавсия этилган миқдордан 1,5-2 маротаба кўп, шолини экишга ихтисослашган давлатлардаги уруғ сарфидан 5-7 маротаба кўрпоқдир.

Бундай кўп миқдорда шоли уруғи сарфининг асосий сабабларидан бири экишга тайёрланган уруғнинг экиш сифат кўрсаткичларининг пастлиги. Республикамизда экишга тайёрланган шоли уруғининг айрим йиллари 30-40 фоизини юқори сифатли биринчи сорт талабларига жавоб беради, қолган қисми иккинчи ва учинчи сортлар ташкил этмоқда.

Мана шундай паст сифатли шоли уруғининг таркибида 10-15 фоизгача ва ундан кўпроқ пуч, пишиб етилмаган уруғлар мавжуд, улар тупроққа тушгач умуман униб чиқмайди ёки униб чиққан тақдирда ҳам, кам ҳосил берадиган ва касалликларга тез чалинадиган ниҳол бўлади. Бунинг натижасида ҳосилдорлик кескин камади, юқори нормада уруғ сарфланишидан халқ хўжалиги катта

иктисодий зарар кўрмоқда, қимматбаҳо хом ашё ва озиқ-овқат махсулотни бекорга исроф бўлмоқда.


Шоли уруғининг сарф нормасини камайтиришга ва юқори ҳосил олишга эса, уруғни сифатли электр усулида саралаш орқали эришиш мумкинлигини олимлар ўзларининг илмий ишларида ўрганганлар.

Ҳозирда Республикамизнинг “Кластер” корхоналарига қарашли қишлоқ хўжалик экинларининг уруғларини экиш мавсумига саралаб етказиб бериш марказларида мавжуд бўлган, саралаш қурилма ва устқуналар орқали амалга оширилмоқда.

Аммо ушбу саралаш устқуналарининг саралаш аниқлиги етарли даражада эмаслиги сабабли ишлаб чиқаришга кенг миқёсда қўлланилмаяпти. Марказлардаги саралагичларни мавжуд камчиликларини бироз бўлсада камайтириш мақсадида “Ўзбекистон қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва электрлаштириш илмий-тадқиқот институтида” ЎзМЭИ да яратилган “Диэлектрик” шоли уруғини саралаш қурилмаси яратилди.

Ушбу саралаш қурилмасида шоли уруғини экишдан аввал сифатли саралаш имкони мавжудлиги институт олимлари проф.т.ф.д.А.Юсубалиев, й.и.х.т.ф.н.А.Т.Росабоев ва Бухоро муҳандислик – технология институти мустақил изланувчи С.П.Шойимовалар ҳамкорлигида яратилган “Диэлектрик” шоли уруғини саралаш қурилмаси юқорида айтилган ва саралагичларда мавжуд бўлган камчиликларни бир оз бўлсада бартараф этишга мувофиқ бўлдилар.

Ушбу саралаш қурилмада шоли уруғини экишдан аввал сифатли саралаш имкони мавжуд бўлиб, асосий ишчи орган вазифасини юзасига қарама-қарши қутубли электродлар жойлаштирилган диэлектрик барабан ўтайди 1-Расм.




**1-Расм. Электр саралагич қурилмасининг макет нусхасини принципиал схемаси (а) ва ишчи органи (б).**

1–юклаш бункери; 2–таъминлагич; 3–ерга уланган электрод; 4–ишчи орган; 5–қабул қилиш бункери; 6–чўтка; 7–сирпаниш тахтаси; 8–диэлектрик барабан; 9–фланец; 10–ток ўтказгич; 11–ён дисклар; 12–вал; 13–қарама-қарши ишорали электродлар

Қурилманинг ишлаш принципи куйидагича, қурилма тармоққа уланганда таъминлагич 2, ишчи органи 4 ва ажратиб олувчи чўтка 6 лар электродвигател ҳамда редуктор ёрдамида айланма ҳаракатга келади. Худди шу пайтда

сараланадиган намуна шоли уруғи юклаш бункери 1 дан таъминлагич 2 ҳамда сирпаниш тахтаси 7 орқали ишчи органи 4 нинг юзасига тушган шоли уруғлар диэлектрик барабан 8 билан ажратиб олувчи чўтка 6 ни бир – бирига ишқаланиши натижасида ҳамда қарама – қарши электродлар 13 орасида вужудга келадиган электр майдони таъсирида кутубланади. Бунинг натижасида шоли уруғига икки хил шароитда, яъни ишқаланиш ҳамда қарама – қарши ишорали электродлар орасида вужудга келадиган электр майдони таъсирида бўладиган йиғинди электр кучи таъсир этади. Шоли уруғлари йиғинди электр кучи таъсирида ишчи органи 4 нинг юзасига катта куч билан тортилади. Йиғинди электр кучидан ташқари, шоли уруғларига марказдан қочма куч, оғирлик, инерция, ишқаланиш ва реакция кучлари ҳам таъсир кўрсатади(2-Расм).



2-Расм. Уруғларга таъсир этувчи кучлар схемаси.

Таъсир этувчи кучларнинг ўзаро нисбатига асосан, физик-механик хоссаларига боғлиқ равишда шоли уруғлари айланаётган ишчи органи 4 нинг юзасидан ҳар хил бурчакларда узилиб, қабул қилиш бункери 5 нинг мос фракцияси, яъни уруғлик ёки техник фракциясига ажралади. Ишчи органи 4 нинг юзасига ёпишиб қолган шоли уруғлари ва бошқа аралашмалар чўтка 6 ёрдамида ундан ажратиб олинади.

Ишқаланиш натижасида вужудга келадиган электр майдон кучланганлигининг қийматини бир хил таъминлаб туриб, қарама – қарши ишорали электродларга бериладиган кучланишнинг қийматини ўзгартириш орқали, бошқа қишлоқ хўжалик экинлари уруғларини электр майдонида барча муҳим физик – механик хоссалари, яъни массаси, зичлиги, геометрик ўлчамлари, диэлектрик сингдирувчанлиги, электр қаршилиги ва бошқа шунга ўхшаш муҳим хоссалари бўйича сараланади шу жумладан шоли уруғини экиш мавсумига диэлектрик усулда сараланиб деҳқон ва фермер хўжаликларига экиш мавсумига етказиб берилади.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.**

1. Юсубалиев А., Шойимов П. Диэлектрический сепаратор семян хлопчатника II Труды Уз НИИМЭ. Тошкент. -1992.- с. 151-154.
2. П.Шойимов., С.П.Шойимова., Б.Б.Муродов. Қишлоқ хўжалик уруғларини саралашнинг инновацион–технологик асослари. Монография “Дурдона” нашриёт Бухоро-2020, 130 б.
3. Росабоев А.Т, Шойимов П., Шойимова С.П., Муродов Б.Б. Қишлоқ хўжалик полиз ва сабзавод экинлари уруғларини трибодиэлектрик усулда саралаш. Фан ва технологиялар тарақиёти. Илмий – техникавий журнали. – Бухоро, 2020 №4, 38 – 42 бет.
4. Юсубалиев А., Шойимов П., Шойимова С.П., Муродов Б.Б. Уруғни диэлектрик саралаш устунаси. – Бухоро, 2019 №5, 134 – 137 бет.

**АСИНХРОН ГЕНЕРАТОРГА УЛАНГАН АРАЛАШ ЮКЛАМА МИҚДОРИ ЎЗГАРИШИНING ГЕНЕРАТОР ЧИКИШ КУЧЛАНИШИГА ТАЪСИРИ ТАХЛИЛИ.**

**Бобожонов Ю.М.**

ҚҚДУ, „Электр энергетикаси” кафедраси PhD., Доцент.

**Хазратов.И.Х.**

БМТИ, „ Энергоаудит” кафедраси катта ўқитувчи.

**Сеитмуратов Б.Т.**

ҚҚДУ, „Электр энергетикаси” кафедраси ассистенти.

Ер куррасида органик ёқилғи захираларининг чекланганлиги, уни қозиб олиш ва ташиш билан боғлиқ ҳаражатларнинг кўплиги боис ёқилғи нархининг юқорилигини инобатга олиб кейинги йилларда республикамизда ва чел элларда қайта тикланувчи энергия манбаларини тадбиқ қилиш билан боғлиқ муоммуларга этибор қаратилмоқда ўтказилган тадқиқотлар шуни кўрсатадики ишоншли ва арзон қайта тикланувчи электр манбаларини яратишга доир истиқболли йўналишлардан бири улар таркибида асинхрон генератор (АГ)ларни қўллаш муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади [1,2].

АГ ни автоном ҳолатларида ишлатилганида унда магнитланиш жараёнини ҳосил қилиш учун ташқи манбадан реактив энергия етказиб бериш талаб этилади. Ушбу энергияни етказиб беришнинг энг оддий ва арзон усули АГ статор чулғамларига конденсатор батареяларини улаш орқали амалга ошириш ҳисобланади, натижада АГ ни конденсатор батареялари ҳисобига ўз-ўзидан қўзғатилиши таъминланади [3,4].

АГ электр тизимида параллел уланган ҳолатларида, магнит майдони тизимдан истеъмол қилинадиган рактив қувват ҳисобига яратилади [5].




Мазкур мақолада, Қорақолпоғистон давлат Университети “Электр энергетикаси” кафедрасида ўрнатилган асинхрон двигател (АД) –АГ дан иборат синов стендида экспериментал усул билан аниқланган тадқиқот натижалари таҳлил қилинди.

Қуйида келтирилган схема (расм-1)да, бирламчи двигател сифатида ўрнатилган - қуввати 7,5 kW, айланиш частотаси 1500 айл/мин бўлган АД, АГ сифатида эса - қуввати 4 kW, частотаси 1500 айл/мин, номинал кучланиши 380 V бўлган қисқа туташган роторли асинхрон машинадан фойдаланилди. АГ ни автоном ҳолатида ишлаши таҳлил қилинди.

АГ ни ишга тушириш схемасида статор чулғамига учбурчак усулда уланган конденсаторлар батареяси ёрдамида унинг қўзғатилиши келтирилган.

Учбурчак усулда уланган конденсатор батареяларидан фойдаланилганда сиғимнинг кичик қийматларида АГ ни қўзғалиши тўминланади



Расм-1. АГ нинг актив ва АД дан иборат юкламага ишлаётган схемаси.

1-пўлат ўзак. 2-чулғам. 3-қўзғалмас диск. 4-реостат.

Ўтказилган тадқиқотлардан номинал миқдордаги, яъни 380V ни пайдо бўлиши учун зарур бўлган энг кичик фазавий сиғим:  $C_{кўзғ} = 17$  мкф ни ташкил этиши маълум бўлди.

АГ чиқишига қуввати 1,5 kW бўлган қисқа туташган роторли АД улаб, ишга тушириш учун унга учбурчак усулда уланган ишга тушириш конденсаторлари - Си.т ва ишчи конденсаторларлари - Сишчи ни АД билан баравар улаш лозимлиги маълум бўлди. Бунда Си.т = 55 мкф ва Сишчи = 15 мкф ни ташкил этди. АД ишга тушиб, айланиш тезлиги номинал тезликка эришгандан сўнг ишга тушириш конденсатори Си.т тармоқдан ажратилиши ҳисобига АГ га уланган жами сиғим 32 мкф дан иборат бўлади. АД ишчи ҳолатига келтирилгандан сўнг унинг роторига ўрнатилган электромагнит (электромагнит тормоз-ЭМТ) ёрдамида унда турли қийматдаги тормозловчи моментлар ҳосил қилиш орқали АГ юкласи ошириб борилди, жумладан, АГ нинг кейинги юкламалари ошиб боровчи тартибда: 0,4 kW, 0,5 kW, ва 0,9 kW бўлиб, натижада чиқишидаги частоталар ўзгариши эса мос равишда 49,80 гц,

49,75 гц, 49,70 гц ва 49,50 гц ни ташкил этди. яъни частотани камайиши саноат частотасига нисбатан 1,5% ни ташкил этди.

АГ чиқишидаги кучланиш миқдори эса юқоридаги юкламалар уланганда ҳам ўзгаришсиз 380 V га тенглигича қолиши маълум бўлди.

АГ нинг чиқишига аралаш юкламали АД уланганда чиқувчи кучланишнинг ўзгармас қолишининг сабаби, улар томонидан талаб этиладиган реактив қувватнинг АГ дан эмас, балки ишчи конденсатордан узатилишини кўрсатади.

Хулоса шуки, ишлаб чиқарилиши бугунги кунда кенг йўлга қўйилган, сиғими автоматик ростланувчи коденсаторлар мажмуаси хисобига АГ юкламаси миқдорлари хар қандай ўзгарганида ҳам, АГ лар чиқишидаги кучланиш миқдорининг ўзгармаслиги таъминланади.

### Фойдаланилган адабиётлар.

Yenglar tabiiy, sintetik va mineral materiallardan tayyorlanadi. Masalan,  $80^\circ\text{C}$  dan past temperaturalarda paxta, bizdan,  $110^\circ\text{C}$  dan past temperaturalarda jundan,  $130 \dots 140^\circ\text{C}$  da poliamid, polietilen, poliakrilnitril tolalaridan,  $275^\circ\text{C}$  gacha politetraforetilen va ftoroplastdan,  $400^\circ\text{C}$  gacha shisha tolalaridan yasalgan filtrlovchi yenglar ishlatiladi.

Bu usulda filtrlangan havoni jinlash yoki tozalash bo`limlariga yo`naltirishimiz mumkin.Lekin bu jarayonda filtrlar tez-tez almashtirib turilishini ham inobatga oladigan bo`lsak , sarf xarajatlar me`yoridan oshish ehtimoli ham yo`q emas.

### Foydalanilgan adabiyotlar

1. Analysis of the use of hot air coming out of the drying drum . B.Mirzayev, S.Esonzoda Innovate Technologica Methodical research journal ISSN: 2776-0987 Volume 2, Issue 11, Nov., 2021
2. Ubaydullayev Madamin Mo'minovich, & Ne'matova Feruzaxon Jamolxon Qizi. (2021). The Importance Of Planting And Processing Of Medium-Field Cotton Varieties Between Cotton Rows In Fergana Region . *The American Journal of Agriculture and Biomedical Engineering*, 3(09), 26–29. <https://doi.org/10.37547/tajabe/Volume03Issue09-05>
3. Ubaydullayev, M. M. (2021). G 'o 'zada defoliatsiya o 'tkazishning maqbul me'yori va muddatlari. Monografiya.-Corresponding standards and terms of defoliation of cotton. Monograph.-. Соответствующие нормы и сроки дефолиации хлопка. Монография. Zenodo.
4. Ubaydullayev Madaminjon Mo'minjonovich, & Babayeva Malikaxon Nabijon qizi. (2022). Effectiveness Of Defoliants. *Eurasian Research Bulletin*, 8, 9–12. Retrieved from <https://www.geniusjournals.org/index.php/erb/article/view/1415>

## INNOVATSION TEXNOLOGIYALARDA CHIGITNI TOZALASH VA SARALASH USULLARINI AMALGA OSHIRISH ISTIQBOLLARI

Babayeva Malikaxon Nabijon qizi

Assistent


Farg'ona politexnika instituti

O'zbekiston dunyo bozorida katta talabga ega bo'lgan paxta tolasini yetishtiruvchi mamlakat hisoblanadi. Mamlakatimizda yetishtirilayotgan paxta tolasini bo'yicha dunyoda to'rtinchi o'rinni, uni eksport qilish bo'yicha esa ikkinchi o'rinni egallab turibdi. Paxtani yetishtirish va qayta ishlashdagi sarf-harajatlarni kamaytirishda asosiy muammo bo'lib, urug'lik paxta chigitini tayyorlash masalasi hisoblanadi [1].

Hozirgi kunda urug'lik chigit tayyorlovchi paxta tozalash korxonalarida quyidagi texnika va texnologiyalar qo'llanilmoqda. Urug'lik chigit tayyorlash «Urug'lik paxta xom ashyosini qayta ishlash va urug'lik chigit tayyorlash texnologik reglamenti» bo'yicha amalga oshiriladi. Reglament tukli, mexanik usulda taksizlantirilgan va kam tukli urug'lik chigitlarni tayyorlash texnologiyalariga, dorilash va qoplash jarayonini qo'shgan holda qo'yiladigan asosiy talablarni belgilaydi.


Asosan urug'lik chigit, mexanik (qiya tekislik, to'qli yuza), havo oqimlarida, suv yordamida, elektromagnit yordamida saralash va tozalash texnologik jarayonlari amalga oshiriladi [2].

Hozirgi kunda urug'lik tayyorlash ChSA rusumli urug'lik tukli urug'lik chigit tayyorlash uskunasi ishlab turibdi (1-rasm)



**1-rasm. ChSA tukli urug'lik chigitni pnevmomexanik tozalash va saralash agregatining sxemasi**

*1-pnevmatik quvur, 2- saralash kamerasi, 3- bo'lgichlar, 4- havo so'rish quvuri, 5- yengil chigit kamerasi, 6- va 7- vakuum-klapanlar, 8- qabul qilish bo'g'ini, 9- havo kirish quvuri, 10- chigit tushish quvuri, 11- richag, 12- tortqichlar; 13- chigit chiqish quvuri*



Ushbu uskunani ish unumdorligini va tozalash effektini oshirish maqsadida uskunaning mexanik chigit tozalash bo'limi uskunasini takomillashtirish ishlari olib borildi (2-rasm)



**2-рasm.** 1-kirish quvuri, 2-vintli konveyer, 3-ishchi kamera, 4-podshipnik, 5-val, 6-mayda iflosliklar uchun karman, 7-toladan to‘la ajragan chigitlar tushadigan karman ikkinchi linterlashga yuboriladigan quvur, 8-tolasi bor yaxshi jinlanmagan chigitlarni ajratib oladigan quvur, 9-to‘rli baraban.

Tadqiqot natijalariga ko‘ra, yangi mexanik chigit tozalagich uskunasi yaratildi va tajriba sinovlari amalga oshirildi. Bunda asosan 9-to‘rli baraban yuzalarini shakli turli o‘chamlarga ega bo‘lgan yangi konstruksiyasi ishlab chiqilib sinovlar o‘tkazildi sinov natijalariga ko‘ra, chigitli paxtaning Namangan-77, 1/1 navi chigitining tukdorligi 11.5%,iflosligi 0.3%, shikastlanishi 1% ega bo‘lib taklif etilayotgan shnekli qurilmaning afzalliklarini ko‘rsatib, urug‘lik chigitni saralash va tozalash texnologik jarayonlarni amalda qo‘llash mumkinligini isboladi.

### Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati

1. Исаханов Х.И. Разработка установки для сортировки и улавливания недоджинированны семян и летучек хлопка-сырца в непрерывном технологическом процессе хлопказавода. Дисс. канд. тех. наук Ташкент 1987, С 136 с

2. Тожибоев М.А, Разработка установка подготовки хлопковых семян к переработке с целью улучшения качества линта и семян. Дисс. кан. тех. наук Ташкент. 1993, 143 с.

3.Ubaydullayev Madamin Mo‘minovich, & Ne‘matova Feruzaxon Jamolxon Qizi. (2021). The Importance Of Planting And Processing Of Medium-Field Cotton Varieties Between Cotton Rows In Fergana Region . *The American Journal of Agriculture and Biomedical Engineering*, 3(09), 26–29. <https://doi.org/10.37547/tajabe/Volume03Issue09-05>

4.Ubaydullayev, M. M. (2021). G ‘o ‘zada defoliatsiya o ‘tkazishning maqbul me'yor va muddatlari. Monografiya.-Corresponding standards and terms of defliation of cotton. Monograph.-. Соответствующие нормы и сроки дефолиации хлопка. Монография. Zenodo.

5.Ubaydullayev Madaminjon Mo‘minjonovich, & Babayeva Malikakhon Nabijon qizi. (2022). Effectiveness Of Defoliants. *Eurasian Research Bulletin*, 8, 9–12. Retrieved from <https://www.geniusjournals.org/index.php/erb/article/view/1415>

6.Ubaydullaev, M. M. U., Askarov, K. K., & Mirzaikromov, M. A. U. Effectiveness of new defoliants. Theoretical & applied science Учредители: Теоретическая и прикладная наука,(12), 789-792.

7.M.M.Ubaydullayev, Ne‘matova F.J, & Marufjonov A. (2021). DETERMINATION OF EFFICIENCY OF DEFOLIATION IN MEDIUM-FIBER COTTON VARIETIES. *Galaxy International Interdisciplinary Research Journal*, 9(11), 95–98. Retrieved from

<https://www.giirj.com/index.php/giirj/article/view/453>

**KORXONALARDAGI CHIGITLI PAXTANI IFLOSLIGINI  
INNOVATSION TEXNOLOGIYALARDA ANIQLASH MASHINALARI**

**Farg'ona politexnika institute**

**"Tabbiy tolalar" kafedrasasi assisenti**

**U.Toyirov +998937379697 [ulugbektoyirov4@gmail.com](mailto:ulugbektoyirov4@gmail.com)**

Asosan hozir paxta tozalash korxonalariga kelayotgan chigitli paxta qabul qilish zonalarini tartib bilan amalga oshiriladi. Laboratoriya va tarozidan o'tgandan so'ng paxtani g'aramlanadi. Bu g'aramlashda ham lentali transfortiyorlardan foydalanamiz. Hozirgi kunda eng ko'p qo'llaniladigan lentali transfortiyorlarga TLX-18 rusumli texnologiyasidan foydalanib kelinmoqda. Uning uzunligi 18500 metr, eni 600 mm tashkil etadi. Ish unumdorligi ham boshqa uskunalarga o'xshab soatiga 20000-24000 ni tashkil etadi. [1] Bu usunalarda ochiq va yopiq omborlarni g'aramlashda foydalaniladi. TLX-18 rusumli transfortiyorlardan foydalanganimizda fermer xo'jaliklardan kelayotgan me'yorida ortiqcha miqdorda ifloslik g'aramlash maydoniga organik va mineral aralashmalar qo'shilib ketmoqda.

G'aramlash maydonida ifloslik miqdori me'yorida ortib ketganida paxtani sifatini buzilishiga va qizishiga qorayib ketishiga sabab bo'ladi.



**1-rasm. Avtomatlashtirilgan TLX-18 rusumli lentali transfortiyor**

Biz taklif qilayotgan Avtomatlashtirilgan TLX-18 rusumli lentali transfortiyor avtomatlashtirilgan bo'lib uning ishlash prinsipi ishlab chiqarishda qo'llanilayotgan transportiyorlardan farqi shundaki lentali transportiyorning paxta tushadigan bosh qismining ustiga elektron datchik mahkamlanadi. Datchik elektr divigatel va Xpp qurilmasiga mikro sxemalar bilan uzviy bog'liq bo'lib TLX-18 transportiyoriga kelayotgan chigitli paxtani sifati va ifloslik darajalarini nazorat qiladi hamda ifloslanganlik darajasi belgilangan me'yordan ortib ketsa avtomatik g'aramlash mexanizimini to'xtatadi. [2] Shu tariqa g'aramda iflos aralashmalarni va nuqsonlarni ko'payib ketishiga yo'l qo'ymaydi. Ushbu taklif qilinayotgan datchikning qulayligi shundan iboratki chigitli paxtani sinfi, navi va ifloslik darajasiga qarab nuqsonlarni aniqlaydi va har bir o'tib ketayotgan nuqsonlarni sanaydi va monitorga uzatadi. G'aramga masul bo'lgan tovarshunos har doim g'aramdagi nuqsonlarni ko'rishi va axborot vositalarini tashuvchi mexanizimlarga yuklab olishi hamda qog'oz variantga ko'chirishi ham mumkin.

**Xulosa:** Biz taklif qilinayotgan avtomatlashtrilgan TLX-18 rusumli trasportiyordan paxta tozalash korxonalariga tadbiiq etilsa g'aramlanayotgan chigitli paxtaning tarkibiga qo'shilib ketayotgan aralashmalarning miqdorini aniqlaydi hamda yirik o'lchamdagi iflos aralashmalarni g'aram tarkibiga qo'shilib ketishini oldini oladi.

### Foydalanilgan adabiyotlar:

1. M. A. Babajanov . Texnologik jarayonlarini loyihalash. Darslik. T. Cho'lpon, 2009 -182 bet. [2]
2. F. B. Omonov tahriri ostida "Paxtani dastlabki ishlash sprovochni" (ma'lumotnoma) T. Voris, 2008/ 413 bet.
3. Zikriyayev E. Z. Paxtani dastlabki qayta ishlash. O'quv qo'llanma. T- mehnat 2002 -405 bet. [1]
4. Г. Мирошниченко. Основы проектирования машин первичной обработки хлопка.


## KORXONALARDA CHIGITLAR TAROG'INI SAMARADORLIGINI O'RGANISHDA INNOVATSION TEXNOLOGIYALARDAN FOYDALANISH

*Komilov Jasurbek Nabijanovich*

*Farg'ona politexnika institut*

*Tabiiy tolalar" kafedrasasi assistenti*

Paxta tozalash korxonalarida chigitli paxta, quritish va tozalash sexlarida quritilib, iflos aralashmalardan tozalangandan keyin zavodning bosh korpusiga quvurlarda havo yordamida tashib jinlash uchun yuboriladi.




**1-rasm. Arrali jin mashinasida xom ashyo valigini hosil bo'lishi  
1-oldingi fartuk, 2-xom ashyo valigi, 3-arrali silindir,4-chigit tarog'i.**

Jinlash chigitli paxtani dastlabki ishlash texnologik jarayonining asosi hisoblanib, bunda paxta tolasi chigitdan ajratiladi. Jinlash jarayoni paxtaning tolasini chigitidan mexanik kuch bilan ajratib olinadi[1], bu jarayon arrali jinining ishchi

kamerasida sodir bo'ladi. Chigitda tolani ajratish jarayonida arra tishlari paxta tolalarini ilib olib kolosniklarga olib keladi. Ishchi kamerada arra tishlariga ilingan chigitli paxta qolgan paxta bolakchalarini ham ilashtirib o'zi bilan birga ilashtirib tortadi. Bu jarayonda xom-ashyo valigi hosil bo'ladi. Xom-ashyo valigi arralarning aylanish yo'nalishiga teskari harakatlanadi.

Arra tishlariga ilingan tolalarini kolosniklar orasidan olib boradi. Chigitlar esa kolosniklardan o'taolmaydi va kolosnikdan o'ta olmagan chigitlar xom-ashyo valigining aylanishi natijasida jinlangan chigitlarning 25% xom ashyo valigining markazida harakatlanadi bu esa xom-ashyo valigining zichligi ortib jinlanyotgan paxta bo'lakchalariga salbiy tasir ko'rsatadi. Bu esa chiqayotgan maxsulotni sifatsiz bo'lishiga olib keladi.[2] Hozirgi davr talabi texnologik jarayonlardan unumli foydalanib sifatli maxsulot olish va jahon bozori talablariga mos ravishda maxsulot ishlab chiqarish kerak. Sifatli maxsulot olish uchun texnologik muamolarni hal etish yo'li bilan amalga oshiriladi. Jinning ishchi kamerasida hosil bo'layotgan xom ashyo valigining zichligi ortib ketishi natijasida chigitlarning texnik shikastlanishi va tola tarkibida chigitning po'stoqlari bo'lishiga olib keladi. mumkin.



1-taklif qilinayotgan chigit tarog'i, 2-oldingi fartuk, 3-fartuk richagi, 4-pastki brus, 5-ustki brus.

Chigitli paxtani harakatlanishini bir xil qilib berish va xom ashyo valigining markaziga to'planayotgan chigitlarni tezroq ishchi kameradan chigit tarog'iga yo'naltirib tolasi yechib olingan chigitlarni tezroqda chiqarib yuborish orqali ish unumini oshirishga va sifatini yaxshilashga erishish mumkin. Buning uchun har bir jarayonda qo'llanilayotgan texnologiyalarimiz balki sifatni yaxshilash va ish unumini oshirish ham kerak bo'ladi. Jin mashinasini ish unumini va sifatini yaxshilash uchun quyidagi texnologiyadan foydalanib maxsulotimizni ish unumini oshirishimiz

Ushbu loyihada arrali jin mashinasining takomillashtirilgan chigit tarog'i o'rnatishdan iborat. Ushbu chigit tarog'i yordamida ishchi kameradagi xomashyo valigining tezligini oshirishga xizmat qiladi. Bu esa o'z navbatida arrali jinning ish unumdorligini oshirishga xizmat qiladi. Chigitli taroq asosan hom ashyo valigining zichligini bir hilda taminlab beradi va ishchi kameradagi chigitli paxtaning shikastlanish darajasini pasaytirish maqsad qilingan. Biz izlanishlar davomida takomillashtirilgan chigit tarog'idan foydalanib, tatqiqotlar o'tkazishni maqsad qilganmiz.[3]

Xulosa o'xirida shuni aytish kerak paxta tozalash korxonalaridagi arrali jin

mashinasining ish samaradorligining oshirishda faqatgini ishchi kameraga bog'liq deb olib bo'lmaydi. Biz bunda arrali jinning arralariga va bundan tashqari bir qancha jarayonlarga bog'liqligini ham inobatga olib tatqiqotlarimizni davom ettirishni maqsad qilganmiz.

**Foydalanilgan adabiyotlar:**

1. G'afurov Q.G', Fayzullayev Sh.R., G'afurov J.Q «Texnika va texnologiya yangiliklari» leksiylar kursi – 5320900 - Yengil sanoat buyumlari konstruksiyasini ishlash va texnologiyasi yo'nalishidagi talabalar uchun, 2016.

2. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining PQ-4408-sonli "Paxtachilik tarmog'ini boshqarish tizimini tubdan takomillashtirish chora-tadbirlari to'g'risida"gi qarori// 2017-yil 28-noyabr.

3. Sh.R. Marasulov Paxta va ximiyaviy tolalarni yigirish 2 qism Toshkent<<O'qituvchi>> 1985.

4. Uster Statistics 2018 ma'lumotlari.

5. Ubaydullayev Madamin Mo'minovich, & Ne'matova Feruzaxon Jamolxon Qizi. (2021). The Importance Of Planting And Processing Of Medium-Field Cotton Varieties Between Cotton Rows In Fergana Region . The American Journal of Agriculture and Biomedical Engineering, 3(09), 26–29. <https://doi.org/10.37547/tajabe/Volume03Issue09-05>

6. M.M. Ubaydullayev, Ne'matova F.J, & Marufjonov A. (2021). DETERMINATION OF EFFICIENCY OF DEFOLIATION IN MEDIUM-FIBER COTTON VARIETIES. Galaxy International Interdisciplinary Research Journal, 9(11), 95–98. Retrieved from <https://www.giirj.com/index.php/giirj/article/view/453>

**INNOVATSION TEXNOLOGIYALARDA URUG'LIK CHIGITNI  
TOZALASH SAMARADORLIGINI O'RGANISH**

**G.O.MAXMUDOVA**

*Farg'ona Politexnika instituti. Tabiiy tolalar assistenti*  
+998944964948, [gulshanoyislamova7@gmail.com](mailto:gulshanoyislamova7@gmail.com)

Urug'lik chigit tayyorlash texnologik jarayonlarni talab darajasida amalga oshirish hozirgi kunning asosiy muammolaridan hisoblanadi. Chunki sifatli urug' yilning paxtachilik sohasining serhosil unumdor yutuqlarga erishishini ta'minlaydi.

Sifatli urug' tayyorlash asosan tozalash va saralash texnologik jarayonlaridagi uskunalarni talab darajasidagi ish rejimlariga amal qilish natijasida amalga oshirilsa sifatli chigit olish mumkin.

Urug'lik chigitni ifloslik va tashqi aralashmalardan tozalash ChSA chigit tozalash va saralash agregatida, chigitning tukliligini 6-8 % gacha tushirish 5LP linterlari yordamida, linterlardan o'tkazilgan chigitlarni tozalash va saralash, maxsus saralash-tozalash mashinalarida amalga oshiriladi. Tozalangan va saralangan urug'lik



chigit dorilash mashinasida dorilanib, o'lchab qadoqlash apparatida qoplanadi va qoplarning og'zi tikilib, tayyor mahsulot omboriga jo'natiladi [1].


Ma'lumki ajratish

jarayoni uch usulga bo'linadi.

- havo oqimi yordamida ajratish;
- mexanik moslamalarda ajratish;
- material yuzasining turli xossalari bo'yicha ajratish.

Quyida keltirilgan

usullardan keng tarqalgan hozirgi kunda qo'llaniladigan havo oqimi yordamida ajratish, ya'ni aerodinamik saralagichdan foydalaniladi. Aerodinamik ajratgichning konstruksiyasi quyidagi sxemada keltirilgan [2].



1.3 – rasm Paxta chigitlarini aerodinamik saralagich sxemasi.

1- rama; 2- elektrodvigatel; 3- ВЦ 8-ventilyatori; 4- shkif, 5-chigit bunkeri; 6- chigitni bir tekisda ta'minlovchi; 7- plastinka; 8-qayishqoq elementli o'qli regulyator ; 9- tuynuklar; 10- chigit fraksiyasi kamerasi, 11- yengil aralashmalar chiqib ketuvchi yo'lak, 12-chigit bunkerlari, 13- vakuum klapanlar.

Aerodinamik xossalari bo'yicha fraksiyalarga ajratish tozalangan maydonning ochiq yuzasiga katta boshlang'ich tezlikda maxsus moslama yordamida uloqtirilib, amalga oshiriladi. Bunda kichik aerodinamik xossaga ega bo'lgan va og'irroq fraksiyalar kichik massali yuqori aerodinamik fraksiyalarga nisbatan uzoq masofaga uloqtiriladi.

Aerodinamik chigit saralagichning ishlash prinsipi: chigit ta'minlagich 6 orqali separasion kamera 10 ga tushadi. Natijada seksiyalarda tezligi pasaygan chigitlar o'z og'irligi ta'sirida separasion kameraning tagiga joylashtirilgan to'plagichlar 12 ga tushadi va saralash jarayoni yuz beradi. Separasion kamerada havo tezligining kamayishi natijasida jinlangan chigitlar aerodinamik xususiyatlari bo'yicha og'irlik kuchi ta'sirida fraksiyalarga ajratish sodir bo'ladi.

### Xulosa

Urug'lik chigitni aerodinamik usulda saralash urug'lik chigitlarni uchuvchanlik bo'yicha fraksiyalarga ajratishga moslangan bo'lib, chigit sifatini oshirishga olib keladi va chigitning unib chiqish xususiyatlarini yuqori darajada bo'lishini ta'minlaydi.

### Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati

1. Shaimov P. "Сортирование опушенных семян хлопчатника в барабанном диэлектрическом сепараторе", Диссертационная работа 1995 год



2. Tuxtaboyev S.T. Устройство для очистки и сортирования опушенных семян в вертикальном воздушном потоке. Журнал “Хлопковая промышленность”, 1997г. N1, стр38.

3. Ubaydullayev Madamin Mo'minovich, & Ne'matova Feruzaxon Jamolxon Qizi. (2021). The Importance Of Planting And Processing Of Medium-Field Cotton Varieties Between Cotton Rows In Fergana Region . *The American Journal of Agriculture and Biomedical Engineering*, 3(09), 26–29. <https://doi.org/10.37547/tajabe/Volume03Issue09-05>

4. Ubaydullayev, M. M. (2021). G 'o 'zada defoliatsiya o 'tkazishning maqbul me'yor va muddatlari. Monografiya.-Corresponding standards and terms of defoliation of cotton. Monograph.-. Соответствующие нормы и сроки дефолиации хлопка. Монография. Zenodo.

5. Ubaydullayev Madaminjon Mo'minjonovich, & Babayeva Malikakhon Nabijon qizi. (2022). Effectiveness Of Defoliants. *Eurasian Research Bulletin*, 8, 9–12. Retrieved from <https://www.geniusjournals.org/index.php/erb/article/view/1415>

6. Ubaydullaev, M. M. U., Askarov, K. K., & Mirzaikromov, M. A. U. Effectiveness of new defoliants. Theoretical & applied science Учредители: Теоретическая и прикладная наука,(12), 789-792.

7. M.M. Ubaydullayev, Ne'matova F.J, & Marufjonov A. (2021). DETERMINATION OF EFFICIENCY OF DEFOLIATION IN MEDIUM-FIBER COTTON VARIETIES. *Galaxy International Interdisciplinary Research Journal*, 9(11), 95–98. Retrieved from

<https://www.giirj.com/index.php/giirj/article/view/453>

8. Ubaydullaev M.M., & Komilov J.N. (2022). EFFECT OF DEFOLIANTS FOR MEDIUM FIBER COTTON. *International Journal of Advance Scientific Research*, 2(05), 1–5. <https://doi.org/10.37547/ijasr-02-05-01>

9. Ubaydullaev M.M., & Mahmutaliyev I.V. (2022). EFFECTIVENESS OF FOREIGN AND LOCAL DEFOLIANTS ON THE OPENING OF CUPS. *International Journal of Advance Scientific Research*, 2(05), 6–12. <https://doi.org/10.37547/ijasr-02-05-02>

10. Ubaydullaev M.M., & Makhmudova G.O. (2022). MEDIUM FIBER S-8290 AND S-6775 COTTON AGROTECHNICS OF SOWING VARIETIES. *European International Journal of Multidisciplinary Research and Management Studies*, 2(05), 49–54. <https://doi.org/10.55640/eijmrms-02-05-12>

11. Ubaydullaev M.M., & Sulonov S.T. (2022). DEFOLIATION IS AN IMPORTANT MEASURE. *European International Journal of Multidisciplinary Research and Management Studies*, 2(05), 44–48. <https://doi.org/10.55640/eijmrms-02-05-11>

12. Ubaydullaev, M. M. (2020). The importance of sowing and handling of c-8290 and c-6775 seeds in the conditions of the meadow soils of the Fergana area. In *International conference on multidisciplinary research* (p. 11).

13. Тешаев, Ф. Ж., & Убайдуллаев, М. М. (2020). Определение

эффективных норм новых дефолиантов в условиях лугово-солончаковых почв Ферганской области при раскрытии коробочек 50-60% сортов хлопчатника с8290 и с6775. Актуальные проблемы современной науки, (5), 62-64.

## ХОМ АШЁ ВАЛИГИНИНГ ТАРКИБИЙ ҚИСМЛАРИНИ ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАР МИСОЛИДА ЎРГАНИШ


**ЮЛДАШАЛИ ЭРГАШЕВ**

*Доцент, Фаргона политехника институти*

**ТУРАНОВ ФАХРИДДИН АКРАМЖОН ЎҒЛИ**

*Фаргона политехника институти*

Хом ашё валигининг таркибий қисмлари



2.2.2-расм.

I- тўлиқ жинланган чигитлар (100)

II- кам толали чигитлар (75)

III- кўп толали чигитлар (25)

V- умуман жинланмаган чигит (0)

IV- қисман жинланган чигит (5)

Жин ускунасининг 12 кг/арра\*соат иш унумдорлигида эса, хом ашё валиги таркибида тўлиқ жинланган чигитлар миқдори 47,3 фоизни ташкил этмоқда. Жин ускунасининг иш унумдорлиги ошиб бориши билан тўлиқ жинланган чигитларнинг миқдори камайиб бормоқда. Умуман жинлангмаган чигитли пахта 16,6 фоизни ташкил этмоқда. Яъни хом ашё валигининг толадорлиги ошмоқда. Қисман жинланган чигитлар 11,7 фоизни ташкил этмоқда. Кўп толали ва кам толали чигитлар мос равишда 14,3 ва 10,1 фоизни ташкил этмоқда.

Тадқиқот натижаларини тахлилига кўра, хом ашё валиги таркибий қисмларини миқдорига жин ускунасининг иш унумдорилиги таъсир омиллардан бири эканлиги аниқланмоқда.

Жинлаш жараёнида аррали цилиндр таъсирида чигит юзасидан толалар бирданига ажралмайди. Аррали диск тишлари неча маротаба таъсир килганда чигит толалардан тўлиқ ажралишини ва ишчи камерада чигитни қанча вақт оралиғида бўлишини тадқиқ этиш учун тажриба ўтказилди. Тажриба ишлаб чиқариш шароитида ўтказилди. Тажрибалар Фарғона вилояти Тошлоқ пахта тозалаш корхонасида урнатилган 4ДП-130 русумли аррали жин ускунасида олиб борилди. Чигитли пахтанинг С6524 селекцион нави 1 саноат нави намлиги 8 фоиз булган хом ашёда олиб борилди. Дастлаб бир чигитли пахта бўлакчалари электрон тарозида тортилди. Ўртача бир чигитли пахтанинг оғирлиги 0,2 г ни, чигит эса 0,125 г ва толалар 0,075 ни ташкил этди. Пахта бўлакчасини тарозида тортишдан олдин ифлосликлар ва нуксонлардан тозаланди. Мингта бир чигитли пахта бўлакчалари кизил рангига бўялиб, жин ускунасининг ишчи камерасига таъминлагич лотогидан келиб тушаётган умумий пахта оқимида кўшиб ташланди. Ташланган дақиқа белгилаб қуйилди. Хом ашё валиги кузатилганда қизил рангга бўялган бир чигитли пахта бўлакчаси валикни ўртача 7-8 марта айланганида кўздан ғойиб бўлиб, хом ашё валигининг ички қисмига кириб кетиши кузатилди. Бир чигитли пахта бўлакчаси ишчи камерага ташлангандан сўнг ўртача 2 дақиқа ва 20 сония вақт ўтгандан сўнг толаси тўлиқ ажралган чигит колосник юзаси бўйлаб пастга тушди. Лекин, баъзи чигитлар 5, 10, 14, 23 дақиқа ва ундан ортиқ вақт ораликларида ишчи камерадаги хом ашё валигидан ажралиб чиқди. Чигитни хом ашё валиги таркибида қанча вақт оралиғида бўлиши ва қандай траектория билан ҳаракатланиши аниқ бир қонуниятга бўйсинмаслиги аниқланмоқда.

Шунинг учун хом ашё валигининг таркиби қанча юқори бўлса, яъни толали чигитлар кўп бўлса, шунча жараён бир текисда у<sup>тиши</sup> таъминланади. Бунинг учун жараёнга бериладиган чигитли пахта тинимсиз бўлиши, чиқаётган чигит ҳам тўхтовсиз амалга ошириши зарурдир.

Тадқиқотлардан маълумки, толаси тўлиқ ажралган чигит хом ашё валигида анча вақт чиқолмасдан қолиб кетади, натижада хом ашё валигининг зичлигини ошириб юборади. Бу эса маҳсулотларнинг сифатини пасайиб кетишига сабаб бўлади. Шунинг учун пахта тозалаш корхоналарида ҳар сменада бир ёки икки маротаба жин ускунаси тўхтатилиб, хом ашё валиги ишчи камерадан бўшатилади ва янги пахта хом ашёси билан таъминланиб жинлаш жараёни бажарилади. Бунда ишчи камерада анча вақт қолиб кетган толаси тўлиқ ажратилган чигитларни чиқариб юбориш кўзда тутилади.

Бизнинг асосий вазифамиз ишчи камерасидаги хом ашё валиги таркибидаги толаси тўлиқ ажралган чигитларни ишчи камерадан тезроқ чиқариш. Натижада хом ашё валигининг таркиби ўзигаради, яъни толадорлиги ортади. Бунда эса арра тишлари юзасининг тола билан тулиши тўлиқроқ

бўлишига эришилади. Ўз навбатида, аррали жинлаш жараёнининг яхшиланишига, иш унумдорлиги ва чиқаётган жинлаш махсулотларнинг сифат курсаткичлари ортишига олиб келади. Юкорида айтилганидек, хом ашё валигининг таркиби ўзгариши унинг зичлигини камайишига, айланиш тезлигининг ошишига олиб келади.

Ундан ташқари, толадорликнинг ошиши, зичликнинг камайишига ўз навбатида чиқаётган махсулотларнинг сифатини яхшилашга олиб келади. Шунинг учун асосий вазифа ишчи камерадаги хом ашё валиги таркибидаги толаси тўлиқ ажралган чигитларни камайтириш оркали унинг зичлигини камайтиришдир. Зичлик канча паст бўлса, жараёнда олинаётган махсулотларнинг сифат кўрсаткичлари шунча яхшиланади, акс холда, қанчалик хом ашё валигининг айланиш тезлиги қанча кўпрок бўлса, шунча сифат ёмонлашади.

Юкоридаги тадқиқотлардан маълум бўлдики, аррали жиннинг иш унумдорлиги ортгани сари толаси ажратилган чигитларнинг миқдори камайиб борди, толали чигитнинг миқдори эса ортиб борди. Бунинг натижасида хом ашё валигининг зичлиги ортиб кетиши, натижада жинлаш жараёнида тиқилиш, жиннинг тўхталишини олди олинди. Яъни жинлаш жараёнининг бир текисда бориши ва чиқаётган махсулотларнинг табиий сифат кўрсаткичлари сақлаб қолиниши таъминланди. Жин ускунасининг иш унумдорлиги ошгани сари хом ашё валиги таркиби толадорлиги ошмоқда. Лекин, тўлиқ жинланган чигитлар миқдори хом ашё валиги таркибини асосий қисмини ташкил этмоқда.

Шунинг учун биз хом ашё валигининг тезлигини ошириб толаси тўлиқ ажратилган чигитларни кўшимча чиқаришга имкон берувчи усулни қўллашни таклиф қиламиз.

#### **FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO‘YXATI**

1. Мирошниченко Г.И. и др. Оборудование и технология производства первичной обработки хлопка. – Т., «Укитувчи», 1980. – 328 с.

2. Р.З.Бурнашев Ш.Т.Эргашев Овозможности самоброса волокна зубьями джинных пил с уменьшенным значением переднего угла, ТИТЛП.-Ташкент, 1989.-9 с.-Деп. В УзНИИИТИ 25.10.89, №978-Уз.

**RAQAMLI TEXNOLOGIYALAR ASOSIDA TABIIY TOLALARNI  
YETISHTIRISH USULLARI**

**Niyazaliyeva Muxayyo Maxmudovna,  
katta o'qituvchi, Farg'ona politexnika instituti,  
+99890272-72-71 [muhayyo.niyazaliyeva@ferpi.uz](mailto:muhayyo.niyazaliyeva@ferpi.uz)**

Yengil sanoat korxonalarida tabiiy xomashyolarni dastlabki va qayta ishlash jarayonlarining uzluksizligini ta'minlash iqtisodiy muammolar yechimi hisoblanib, mavjud ob'ektiv va sub'ektiv resurslarining muntazam harakat siklini ham ta'minlaydi. Tabiiy ipak ishlab chiqarish texnologiyasi pilla homashyosiga dastlabki ishlov berish bilan boshlanadi. Ma'lumki, yaqin yillargacha pilla mavsumiy yetishtiriladigan xomashyo hisoblanar edi. Qimmatbaho to'qimachilik tolalariga oshib borayotgan talabga javoban ularning xajmini oshirish yo'llari sifatida yilning mo'tadil ob-havoli paytlarida takroran ipak qurti boqishni yo'lga qo'yish bilan amalga oshirilmoqda.

Ipakchilik amaliyotida pilla yetishtirishning ko'plab usullari mavjud bo'lib, ular pillalarni yetilib kelish muddatlari, inkubatorlarga urug'larni jonlantirishga qo'yish vaqti va usuli, ipak qurti boqish agrotexnikasi, iqlim, ob-havo sharoiti va boshqa bir qancha omillarga bog'liq bo'ladi. Odatda tut ipak qurtini boqishda quyidagi usullardan ko'proq foydalaniladi: tezkor usul yoki yuqori harorat rejimida qurt boqish; amaldagi usul; sust usul yoki past haroratda qurt boqish; an'anaviy usul; plyonka ostida boqish; BFM bilan ishlov berilgan barglar bilan boqish va boshqa usullar.

Tezkorlik usulida qurt boqishda qurtxona harorati qurtning kichik yoshlarida 27-28 °S, katta yosh va pilla o'rash davrida 25-26 °S qilib ushlab turiladi, qurt boqish davri 22,0-23,0 kunni, pilla o'rash esa 5,0-6,0 kunni, umumiy pilla yetishtirish vaqti 27,0-28,0 kunni tashkil qiladi. Amaldagi usulda qurt boqishda qurtxona harorati kichik yoshlarda 25-26 °S, katta yoshlarida 24-25 °S qilib ushlanadi, qurt boqish davri 25,0-26,6 kun, pilla o'rash davri 7,0 kun, jami pilla yetishtirish vaqti 32,0-33,0 kunni tashkil qiladi. Sust usulda qurt boqishda qurtxona harorati 22-24 °S orasida, qurt boqish davri 30,0-32,0 kunni, pilla o'rash davri 8,0-10,0 kun, umumiy pilla yetishtirish vaqti esa 38,0-40,0 kunni tashkil etadi. Fermer xo'jaliklari a'zolari va qishloq aholisi xonadonlarida pilla yetishtirishning an'anaviy usulidan foydalaniladi.

2022 yilning birinchi ipak qurti boqish mavsumida O'zbekiston tabiiy tolalar ilmiy tadqiqot instituti bazasida 5 apreldan boshlanib, intensiv usul qo'llanilmoqda.

Pillalarning hosildorligi, sifati, texnologik ko'rsatkichlari va boshqa ko'rsatkichlariga ularning yetishtirish usullaridan tashqari ipak qurtining zotlari va duragaylari ham katta ta'sir ko'rsatadi.

Olib borilayotgan tadqiqot natijalari xulosasiga ko'ra pilla klasterlarini tashkil etishda pilla zahirasini oshira borib, dastlabki va qayta ishlash korxonalari faoliyatida ham qulaylik yaratiladi.

**Фойдаланилаган адабиётлар рўйхати**

1. А.Ю.Рахимов, У.О.Ахунбабаев, М.М.Мирзахонов, А.А.Рахимов. Тирик пилла етиштириш, саклаш ва чувиш технологик жараёнлари / Ўқув қўлланма. Фарғона.: «CLASSIC» нашриёти 2020. - 124 б.
2. Niazalieva M.M., Mirzakhonov M., Axunbabaev U.O. – Improvement of the recycling process cocoons received from the repeat feeding. Journal of Hunan University (Natural Sciences). Vol. 48. No. 12. Dekember 2021. 1530-1536
3. У.О.Ахунбабаев, А.Э.Гуламов, Г.Г.Асраров, И.И.Тўйчиев, Г.Г.Мавлянбердиева /Юқори сифатли 3А синф кўрсаткичларига мос келадиган хом-ипак ишлаб чиқариш учун намунавий технологик харита // «Тўқимачилик толаларини чуқур қайта ишлашнинг муаммолари ва ечимлари» (ЎзТТИТИ-2020). Республика миқёсидаги илмий-техникавий анжуман материаллари тўплами. Марғилон, Ўзбекистон табиий толалар илмий тадқиқот институти, (19-20 октябр 2020 й.). – Фарғона.: «CLASSIC» нашриёти 2020. - 124 б.
4. Ахунбабаев О.А., Мавлянбердиева Г.Г., Ахунбабаев У.О., Тўйчиев И.И., Мирзахонов М.М. Хом ипак. Техник шартлар. / Тошкент, “Фан ва технология” нашриёти, 2018. - 84 б.
5. Niazalieva M.M., Mirzakhonov M. – The importance of improving technological processes for storage and processing of dry cocoons grown in different seasons. International Engineering Journal For Research & Development. Vol. 6 Issue 3. Sijif: 7. 169




**CHIGITLI PAXTANI G`ARAMLASHGA TAYYORLASHNING  
INNOVATSTSION USULLARINI ISHLAB CHIQISH**

*Toshmirzayev Qodirjon Odiljonovich*

*Farg'ona politexnika instituti assistenti*


*Farg'ona sh., O'zbekiston*

+998916979397, [qodirjonodiljonovich@mail.ru](mailto:qodirjonodiljonovich@mail.ru)



**1- Rasm. XPP-3 rusumli chigitli paxtani telejkadan qabul qiluvchi roliganli qurilmaning umumiy ko`rinishi**

Bu majmuaning (kompleks) texnik ish unumdorligi soatiga 30 tonnagacha, bu esa priseplar kuzovining yukiga (ortilgan paxta xajmiga) va paxtani tushiruvchi-joylovchi ishchilarning soni va ishlashiga bog'liq. Bu majmualardan tashqari ko'pchilik PTM da hozirgacha, paxtani transportdan qabul qilish qurilmasi PLA va tasmali transportyor TLX-18 ham ishlatilmoqda.[2]



**2- Rasm. XPP-3 rusumli chigitli paxtani telejkadan qabul qiluvchi roliganli qurilma sxemasi**

1. Roligan; 2. Elevator; 3. Tasmali uzatgich; 4. Bort; 5. Yetaklovchi baraban.; 6. Paxtani uzatuvchi nov; 7. Boshqaruvchi shit; 8. Telejka;
- 2.

Chigitli paxta ochiq maydonchaga g'aram (bunt) qilib va usti berk ombor, ayvonlarga joylanadi. Tomida (binoda) ochiladigan teshigi bo'lgan omborlarga yuklashda transportyorlar omborning tashqi tomonidan o'rnatiladi. Tomida (binoda) ochiladigan teshigi bo'lmagan omborlar va ayvonga paxta yuklash transportyorning yuklovchi qismini ichkariga kirgizib bajariladi. Paxtani g'aram (bunt) maydonchalariga tarqatishda qo'l mehnatining miqdorini kamaytirish maqsadida ikki XPP va KLP-650 majmualaridan ombor yoki ayvonlarda esa uch, to'rt majmualardan (kompleksdan), tashkil topgan mashinalardan foydalaniladi.[3]

Taklif qilayotgan XPP-3 elevatori tishlari ostiga o'rnatilayotkan to'rli yuza qo'yilganda chigitli paxta g'aramlashgacha mayda iflosliklardan tozalanish koeffitsenti oshadi bu esa g'aramlashdan so'ng ham chigitli paxtani keyingi jarayongacha sifatli saqlashga va keyingi texnologik jarayonlarga esa oldingilarga qaraganda sifatli chigitli paxta yetkazib beriladi.

Xulosa ohirida shuni aytish kerakki, XPP-3 elevatori tishlari ostiga o'rnatilayotgan to'rli yuza chigitli paxta g'aramlashgacha oldingi jarayonga qaraganda mayda iflosliklardan ko'proq tozalanadi va g'aramlashdan keyingi jarayonga sifatli chigitli paxta yetkazib berish va mexanizmlarni ish unumdorligi oshirish ko'zda tutilgan.

### **Foydalanilgan adabiyotlar**

1. Tillaev M. T Babadjanov M. A, "Paxtani dastlabki ishash texnologiasi va jixozlari". Ma'ruza kursi. TTYSI. Toshkent. 2009. [1]
2. Babadjanov M. A. "Paxtani dastlabki ishlash texnologiyasi va jixozlari fanidan chigitli paxtani hamda tolani tozalash qismlaridan talabalarda amaliy malaka ko'nikmalarini shakllantirish bo'yicha uslubiy qo'llanma, TTYSI. Toshkent. 2009.[2]
3. "The selection of the control parameter of the raw cotton electric sorter" Q.O.Toshmirzayev, M.M.Niyazaliyeva, A.O.Ibragimov, IT Methodical Research Journal, ISSN: 2776-0987 Volume 2, Issue 11, Nov., 2021
4. "Analysis of fluff in the Process of Lintering of Seeds" Q.O.Toshmirzayev, M.M.Niyazaliyeva, A.O.Ibragimov, Central Asian journal of theoretical and applied sciences, Volume: 02 Issue: 11 Nov 2021 ISSN: 2660-5317
5. Oripov, N., Komilov, J., Xolikova, Z., & Toshmirzaev K, O. "Research on the Introduction of a Double-faced Improved Cotton Separator". International Journal of Innovations in Engineering Research and Technology, 7(12), 105-110.

## INNOVATSION TEXNOLOGIYALARDA PAXTA TOLASINING RANG KO'RSATKICHLARINI BAHOLASH

Farg'ona politexnika instituti

“Tabiiy tolalar” kafedrası assistenti

Ibragimov Axadjon Odiljonovich

+998998592019 [nuraxad1989@gmail.com](mailto:nuraxad1989@gmail.com)

Hozirgi kunda paxta tolasi sifat ko'rsatkichlarini o'lchash uchun ko'plab usullar, texnika va qurilmalar mavjud. Ulardan ba'zilari paxta tolasining ma'lum parametrlarini o'lchash uchun mo'ljallangan.

Masalan: Mikroner, Pressley, Stelometer, Fibrograf, Termodetektor va boshqalar.. Ushbu qurilmalar va tizimlar paxta tolasi ishlab chiqaruvchilarini, savdogarlarini va yigiruvchilarini nafaqat paxta tolasini tasniflashda, balki tolaning ishlashini bashorat qilishda foydalanishi mumkin bo'lgan qimmatli ma'lumotlar bilan ta'minlaydi.

**Paxta tolasi rangini o'lchash.** Paxta tolasining rangi sifat tasnifini belgilovchi asosiy eng muhim xossalaridan biridir. Paxta tolasi rangiga uni yetishtirish bilan bog'liq ko'plab omillar ta'sir qilishi mumkin. Paxta tolasi rangini baholash odatda organoleptik usulda klassyorlar tomonidan amalga oshiriladi. Rang o'lchash prosessida paxta tolasi namuna oynasiga qo'yiladi va oldindan belgilangan bosimgacha siqilish natijasida lampalardan tushgan nur qaytib, filtrlardan o'tib va fotodiotlar yordamida qaytarilgan paytda paxta tolasining ikkita komponenti: yorqinlik-nur qaytarish koeffitsenti (Rd, %) va sarg'ishlik darajasi (+b) qiymatlari o'lchanadi. Nur qaytarish koeffitsenti tolaning qanchalik yorqinligi, oqligi yoki xiraligi, kulrangligini tavsiflaydi.

Paxta tolasining rang bo'yicha navi HVI da o'lchangan Rd va +b qiymatlarini 1-rasmga muvofiq Nikerson va Hunter diagrammasidagi kesishish nuqtalarini joylashishi bo'yicha aniqlanadi. Yorug'lik ikkita alohida detektor bilan o'lchanadi. Bu detektorlardan keladigan signallar namunani rang (Rd) va (+b) o'lchov birligining eng yaqin o'ndan bir qismigacha aniqlik bilan hisoblash uchun ishlatiladi. HVI tomonidan aniqlangan fiksatsiya darajasi (Rd) namunaning yorqinligini ko'rsatadi, bu Nickerson-Hunter rang jadvalida ko'rsatilgan (Rd) mos keladi.

Hozirda HVI paxta tolasi rangini o'lchashning umumjahon usuli sifatida dunyo bo'ylab ko'rib chiqilmoqda. HVI tizimida tolaning rang bo'yicha navi Nickerson-Hunter 1-rasm rang jadvali bo'yicha Xalqaro America Universal standartiga muvofiq “Upland” uch raqamli kod bilan belgilanadi.


Xalqaro America Universal standartiga muvofiq rang kodining ikkita birinchi raqami rang bo'yicha navini tavsiflaydi. Aniqroq o'lchash uchun navning har bir qiymati, navning ichida rangni farqlanishini ko'rsatuvchi kvadratlarga bo'linadi. Rang kodining uchinchi raqami kvadratning kodini belgilaydi. 1-rasmda keltirilgan.

Xalqaro America Universal standartiga muvofiq “Upland” o'rta tolali paxta tolasi rangi bo'yicha oq bo'lishi kerak. Paxta tolasi rangiga qarab guruhlarga bo'linganda sarg'ishlikka turlicha to'yinganligi hisobiga ko'ra: White-oq, Light

Spotted-kuchsiz dog'li, Spotted-dog'li, Tinged-sarg'ish, Yellow Stained-sariq guruhlarga bo'linadi.

Rang bo'yicha har bir guruh ichidagi navlar ifloslikning ortib borishi va noqulay ob-havo sharoitlari natijasida qorayish darajasi bilan farqlanadi, bu yorug'likni qaytarish koeffitsiyenti kamayishida aks etadi va quyidagicha klassifikator navlariga bolinadi: Good Middling(GM)-yaxshi o'rta; Strict Middling(SM)-qat'iy o'rta; Middling(Mid)-o'rta; Strict Low Middling(SLM)-qat'iy past o'rta; Low Middling(LM)- past o'rta; Strict Good Ordinary(SGO)- qat'iy yaxshi oddiy; Good Ordinary(GO)- yaxshi oddiy; Below Grades(BG)-nostandart.

*1-rasm.* Nickerson-Hunter rang jadvali.



HVI tizimi rang va ifloslik modulida aniqlanadigan Color Grade (America Universal standartiga muvofiq rangi) ko'rsatkichi O'zbekiston paxta tolasiga qo'lanilmaydi. Bunga sabab HVI tizimi rang va ifloslik modulida aniqlanadigan Color Grade paxta tolasining rang bo'yicha navi Nikerson va Hunter diagrammasiga asosan faqat USDA standart tog'li paxtasining Rd va +b qiymatlari HVI ga integratsiya qilingan.

AQSHning noqulay ob-havo, iqlim sharoiti O'zbekiston iqlim sharoitidan tubdan farq qilgani uchun paxta tolasining ranglari ham bir-biridan keskin farq qiladi. O'zbekiston paxta tolasini HVI tizimida sinovdan o'tkazilganda O'zDSt 604:2016 standartining 5.2.1 bobida keltirilgan paxta tolasining sanoat navlari rangi va tashqi ko'rinishi talablariga nomutanosib natijalarni bermoqda. Bugungi kunda HVI paxta tolasini rangini o'lchashning umumjahon usuli sifatida dunyo bo'ylab ko'rib chiqilmoqda va klassyor tomonidan aniqlanadigan sub'ektiv vizual baholashni ob'ektiv instrumental o'lchashga almashtirish rejalashtirilgan. Buning uchun HVI tizimi rang va ifloslik modulida aniqlangan Nickerson-Hunter rang jadvalida keltirilgan rang kodlari nomenklaturasini o'zlashtirish, ayrim davlat standartlari va O'zbekiston paxta tolasining tashqi ko'rinish namunalarini(etalon namunalar) o'zgartirish orqali yuqorida keltirilgan kamchiliklarga echim topish mumkin.



### Foydalanilgan adabiyotlar.

1. O‘zbekiston standartlashtirish, metrologiya va sertifikatlashtirish agentligi. O‘zDSt 3295:2018. “Paxta tolasi klassifikatsiyalash asboblari yordamida fizik-mexanik xususiyatlarini o‘lchash uchun standart sinash usullari”. Toshkent.
2. O‘zbekiston standartlashtirish, metrologiya va sertifikatlashtirish agentligi. O‘zDSt 629:2010. “Paxta tolasi rangi va tashqi ko‘rinishini aniqlash usullari”. Toshkent.
3. “Analysis of fluff in the Process of Lintering of Seeds” Q.O.Toshmirzayev, M.M.Niyazaliyeva, A.O.Ibragimov, Central Asian journal of theoretical and applied sciences, Volume: 02 Issue: 11 Nov 2021 ISSN: 2660-5317

### The advantages of foreign technology Chet el texnologiyasining afzalliklari

Rakhimjonov Azizbek Ravshanbek ugli, assistant, Department of "Natural Fibers", Fergana Polytechnic Institute, Fergana City, Uzbekistan,  
[raximjonov.azizbek@mail.ru](mailto:raximjonov.azizbek@mail.ru)

Tursunaliyev Ixvoliddin Biloliddin ugli, student, Fergana Polytechnic Institute, Fergana city, Uzbekistan, [ixvoliddintursunaliyev8@gmail.com](mailto:ixvoliddintursunaliyev8@gmail.com)

Raximjonov Azizbek Ravshanbek o‘g‘li, assistant, “Tabiiy tolalar” kafedrası, Farg‘ona politexnika instituti, Farg‘ona shahar, O‘zbekiston,  
[raximjonov.azizbek@mail.ru](mailto:raximjonov.azizbek@mail.ru)

Tursunaliyev Ixvoliddin Biloliddin o‘g‘li, talaba, Farg‘ona politexnika instituti  
[ixvoliddintursunaliyev8@gmail.com](mailto:ixvoliddintursunaliyev8@gmail.com)

*Yurtimizda qo‘lda yoki mashinada terilgan paxtani iflosliklardan tozalash uchun quritish –tozalash bo‘limlarida tozalovchi mashinalar 1XK, CЧ-02(mayda iflosliklar uchun), ЧХ-3М2 (Mexnat), PX-I (yirik iflosliklar uchun) o‘rnatiladi. Paxtaning mayda iflosliklari qoziqchali barabanli (1XK, CЧ-02) tozalash mashinalarida ajratiladi.*

*Chigitli paxtadan mayda iflosliklarni ajratib olish mashinalarga bog‘liq holda kechadi. SHuning uchun paxtani mayda iflosliklardan tozalashda qoziqchali tituvchi tozalash mashinasi qo‘llaniladi. Ushbu tozalagichning asosiy ishchi qismlari baraban va to‘rli yuzadan iborat.*

*Barabanlar qoziqchali, plankali, tishli plankali va yig‘ma bo‘ladi.*

*To‘rli yuza po‘lat simlar to‘qimasidan tayyorlanadi. Kolosnikli va shtamplangan po‘lat varaqalaridan turli shaklda teshikli qilib yasaladi.*

*Bir chigitli va ko‘p chigitli paxtalar tituvchi-tozalovchi baraban ta‘sirida bir necha marta to‘rli yuzaga uriladi, natijada paxta qo‘shimcha titilib, iflosliklardan ajraydi, sekin asta elanib, to‘r yuzasiga to‘kiladi.*

*Paxtaning texnologik tozalanish sifati undagi iflosliklarning bor yo'qligi bilan aniqlanadi. Chiqayotgan chiqindi ifloslik miqdori mashinaning to'g'ri joylashishiga qarab emas, balki paxtani qo'lda yoki mashinada terilganiga, naviga, uning birlamchi iflosligi va namligiga, shuningdek tozalash mashinalarining ishlab chikarishga, qoziqchali tituvchi baraban aylanishiga bog'liq.*

*1XK qoziqchali-plankali tozalagich o'rta tolali chigitli paxtani mayda ifloslikdan tozalash uchun mo'ljallangan(namligi 7-8 % atrofida bo'lishi kerak) bo'lib, PTK larning quritish-tozalash va tozalash bo'limlarining uzluksiz texnologik jarayoniga o'rnatilgan bo'ladi.*

*Bu tozalash mashinalari arrali barabanli tozalash mashinalaridan oldin, texnologik jarayon boshiga o'rnatiladi. Qayta tozalash uchun esa, texnologik jarayonning oxiriga ham o'rnatiladi.*

*Chigitli paxtani yirik iflosliklardan tozalash uchun tozalash mashinasining arrali sektsiyalari va regeneratsiya qilish barabanlari qo'llaniladi. Bu barabanlar kolosnikli panjara va paxtani arra tishlariga bosish cho'tkalari bilan birgalikda ishlaydi.*


*Paxtani yirik iflos aralashmalardan tozalash uchun asosan: batareyali yig'ishda ЧХ-5 va ЧХ-3М2 «Мехнат», oqimda esa 1XII va PX-1 tozalagichlar va EH-177 arrali sektsiyasi bo'lgan VXK turidagi paxta tozalash agregatlaridan foydalaniladi.*

*ЧХ-5 arrali tozalagich o'rta tolali chigitli paxtani yirik ifloslikdan tozalash uchun mo'ljallangan(namligi 7-8 % atrofida bo'lishi kerak) bo'lib, PTKlarning quritish-tozalash va tozalash bo'limlarining uzluksiz texnologik jarayoniga o'rnatilgan bo'ladi.*

*Bu tozalash mashinalari qoziqchali barabanli tozalash mashinalaridan keyin texnologik jarayonga o'rnatilgan bo'lib, batareya tizimida ishlaydi.*

*1XK –rusumli tozalash mashinasining tuzilishi va ishlash*

*10-rasmda ushbu mashinaning ko'ndalang kesim sxemasi keltirilgan. Tozalagich 8 ta qoziqchali-plankali barabandan iborat. Qoziqchalar 75 mm balandlikda, har ikki qator qoziqchadan so'ng parraklar (plankalar) ham shu balandlikda barabanga qotirilgan. Barabanlar ostiga kolosnikli panjaralar yoki perfaratsiya usulida tayorlangan to'r o'rnatilgan .*





1-rasm. 1XK

rusumlichigitlipaxtanimaydaiflosliklardantozalagichningtexnologixemasi.

1-ta'minlashvaliklari; 2-qoziqchali-parraklibarabanlar; 3-to'rlisirt (yuza);  
4-ifloslikbunker; 5-nov.

*Mashinaga paxta yuklash shaxtasi orqali ta'minlovchi valiklarga (1) uzatiladi. Ta'minlovchi valiklar qoziqchali-plankali barabanlarga paxtani bir me'yorda ta'minlash vazifasini o'taydi. IBA variatoriga ulangan bo'lib, uning ta'minlovchi valiklari 0-20 (ayl/daq) gacha aylanishlar soniga ega. Qoziqchali barabanlarga (2) paxta tushadi va qoziqchalar bilan titilib, to'rli yuzaga (3) uriladi.*

*Natijada chigitli paxta silkitilib, mayda iflosliklardan tozalanadi. To'rli yuza orqali ajralib chiqqan iflosliklar bunkerlarga (4) tushib, yig'uvchi shnek yordamida tashqariga chiqib ketadi.*

*1XK tozalagichining asosiy texnik ko'rsatkichlari:*

1. Ish unumdorligi, t/soat.....	5,0÷7,0
2. Aylanish tezligi, ayl/daq:	
a) ta'minlovchi valik.....	0÷14
b) qoziqchali baraban.....	480
3. Texnologik masofa (to'rli sirt bilan qoziqchali baraban oralig'i), mm.....	14÷20
4. Tozalash samaradorligi, %.....	45÷50 %

*MQZK -2400 tozalagichi 2 sekūiyadan iborat tozlagichlar qo'llanilib ular mayda va yirik iflosliklardan tozalaydi. Ikkita elektrodvigatel ishlatiladi, biri qoziqchali baraban uchun, ikkinchisi arrachali barabanga muljanlangan. Paxta yo'naltirgich valigi (1) yordamida tozalagich ichiga qoziqchali baraban (2) ustiga tushadi. Qoziqchalar bilan titilib chetki barabanga (3) uzatiladi va yo'nalishini o'zgartirib qoziqchali baraban tagiga tushadi. Paxta simli kolos niklari yuzasidan o'tib, markazdan qochma kuch hisobiga va qoziqchali barabanlarga urilishi hisobiga iflosliklardan ajraladi va ular simli kolosniklar orasidan o'tib ketadi.*



MQZK-2400 rusumli paxta tozalagichining kondalang qirgimi

1.Yo‘naltiruvchi valik; 2.Qoziqchali baraban; 3.CHetki qoziqchali baraban; 4.Uchbur chakli kolosniklar; 5.Arrachali baraban; 6.Tekislovchi cho‘tka; 7-kolosniklar; 8- cho‘tkali baraban; 9.O‘tuvchi shaxtasi; 10.Katta qoziqchali tozalash barabani; 11-to‘rli yuza; 12-tozalangan paxtani qabul qiluvchi lotok; 13-chiqindilarni olib ketuvchi konveer (burama).

Hamma barabanlar bir xil tezilgan bo‘lib, bir tarafga qarab va bir xil tezlikda aylanadi, shuning hisobiga paxta titilib, biridan ikkinchisiga va keyingisiga o‘tadi,xamda paxtani tozalash jarayoni amalga oshiriladi. O‘tuvchi shaxta (9) tarafiga siljib, tozalanib boradi.

Endi tozalanadigan paxta keying tozalash sekciyasiga tushadi, u erda katta aylanali tozalovchi baraban (10) o‘rnatilgandir. Paxta yana bir marta mayda iflosliklardan tozalanadi. CHunki baraban ostida to‘rli yuza (11) o‘rnatilgan bo‘lib uning teshiklaridan mayda ifloslik o‘tishi mumkin va tozalangan paxta lotok (12) orqali keying jarayonga o‘tib ketadi.

MQZK-2400 rusumli paxta tozalagichining texnik ko‘rsatkichlari

1.Paxta boo‘icha ish unumdorligi,kg/soat.....	8000
2.Tozalash samaradorligi, %.....	70
3.Qoziqchali baraban bilan kolosnik panjarasi orasidagi texnik tirqish, mm.....	14÷18
4.Tashqi o‘lchamlari, mm : Uzunligi .....	3893
Eni.....	3680

**Adabiyotlar ro‘yxati:**

1. A.Salimov, S.Gafurova, O.Salimov. Paxtani tayyorlash va saqlashda zamonaviy axborot - kommunikasion texnologiyalarni joriy etishdagi tajribalar tahlili. TTESI Magistratura talabalarining ilmiy maqolalar to‘plami 2019.

2. Основы процесса заготовки и хранения хлопка-сырца.. Монография. Ташкент-2020

3. Paxtanidastlabkiishlashningmuvofiqlashtirilgantexnologiyasi. (PDI 70-2017), T.: «Paxtasanoatilmiymarkazi», 2017.

4. .B.Omonovumumiytahririostida  
“Paxtanidastlabkiishlashbo‘yichaspravochnik” T., “Vorisanariyot”, 2008 y.

### ***INNOVATSION TEXNOLOGIYALARNI QO‘LLASH ASOSIDA PAXTA SEPARATORINING ISHLASH JARAYONINI ILMIY TAXLILI***


Oripov Nodirbek Mansurjon o‘g‘li

Farg‘ona politexnika instituti


tayanch doktorant

e-pochta: [oripov-n@gmail.com](mailto:oripov-n@gmail.com)

**Kirish.** Paxta tozalash korxonalarining unumli ishlashi va undan olinayotgan mahsulotlarning sifatli bo‘lishi korxonadagi texnologik jarayonlarning va unda ishtirok etayotgan uskunalarning sifatli ishlashiga bog‘liqdir. Bu esa mutaxassislardan chuqur bilim talab etadi, chunki xar bir texnologik mashinaning ishlashini va uni boshqarishni, butun texnologik jarayonni mukammal bilishni talab etadi, buning hammasi olinayotgan mahsulotning sifatli bo‘lishini ta‘minlashga qaratilgandir. Hozirgi kunda paxta tozalash korxonalarida chigitli paxtani havodan ajratish uchun CC-15A separatoridan foydalaniladi.




(1-rasm). CC-15A separatorining kundalang kesim yuzasi.



(2- rasm). CC-15A separatorining ko'ndalang kesimining ko'rinishi

1-kirsh quviri; 2 - ishchi kamera; 3 – qirg'ich; 4 – to'rli yuza; 5 - val; 6 – chiqish quviri; 7 - vakuum-klapan; 8 - vakuum-klapan vali; 9 -reduktor; 10 - elektrodvigatel; 11, 13 - shkif; 12 – tasmali uzatma; 14 - asos; 15 - vakuum-klapan parraklari.


Ilmiy tadqiqot ishlari tahlillaridan kelib chiqqan holda tadqiqotchilar yangi samarador separator konstruksiyasini ishlab chiqdilar. Taklif qilinayotan chigitli paxtani havodan ajratish uchun mo'ljallangan separator paxta tozalash korxonalariga joriy qilinishi mumkin. Taklif qilinayotgan separator ishchi kamerasiga gorizontal tekislik bo'yicha qo'shimcha bir juft to'rli yuzalar joylashtirilgan. To'rli yuzalar diametri mavjud to'rli yuzalar diametriga teng.



(3-rasm) Qurilmaning kondalang qirqim yuzasi

1-kirsh quviri; 2 - ishchi kamera; 3 – qirg'ich; 4 – to'rli yuza; 5 - val; 6 – chiqish quviri; 7 - vakuum-klapan; 8 - vakuum-klapan vali; 9 -reduktor; 10 - elektrodvigatel; 11, 13 - shkif; 12 – tasmali uzatma; 14 - asos; 15 - vakuum-klapan parraklari.

Qo'llanib kelinayotgan separatorlardan farqli, ravishda gorizontal tekislikda joylashtirilgan qo'shimcha bir juft to'rli yuzalar yordamida so'riladigan havo miqdori ikkiga bo'linib ketadi. Bu esa ishchi kamerasiga kirib kelayotgan paxtaning birinchi juftlik to'rli yuzalarga qarab harakatlanish ehtimolini kamaytiradi. Birinchi juftlik to'rli yuzalarda havo ichki tomondan so'rilganligi sababli sidirg'ich ham o'sha tomonga o'rnatilgan bo'ladi. Ikkinchi juftlikda havo to'rli sirtni tashqi tomonidan so'rilganligi uchun, sidirg'ich tashqi tomoniga joylashtiriladi.



(4-rasm). *Qurilmaning yon ko‘rinishi.*

1-kirish quvuri; 2-ishchi kamera; 3-yuqorigi to‘rli yuza; 4-yuqorigi to‘rli yuzaning sidirg‘ichi; 5-xavo chiqish quvuri; 6-pastki to‘rli yuza; 7-pastki to‘rli yuzaning sidirg‘ichi; 8-vakuum klapan

*Havo tezligi o‘zgarishining dinamik kuch mikdorining o‘zgarishiga ta’siri*

1-jadval

					$\Delta$	$s$ - prujinaning elastiklik koeffitsiyen ti	$\Delta K_g$ dinamik koeffitsiyent	$P_g$ dinamik kuch, N
	m	m		$n$	0	1,5	2,75	31,51
					0	1,5	3,06	35
					0	1,5	3,88	44,38
					0	1,5	4,74	54,23

(1-jadval) da cepearatr kamerasida paxtaning ko‘prok xarakatlanishi mumkin bo‘lgan 15 m/c tezligini tanlab olindi va unda xosil bo‘lgan dinamik kuch mikdorini chigitni shikastlantirish mumkin bo‘lgan kuch mikdoridan 1,5 marotaba kamligini aniqlandi.

**Xulosa.**

Pnevmoseparator konstruksiyasini takomillashtirish bo‘yicha o‘tkazilgan tadqiqotlar, hamda yaratilgan yangi konstruksiyalar paxtani havo oqimidan ajratish jarayoni samarali oshirish imkoniyatlarini beradi va paxtaning tabiiy xususiyatini saqlab qolish imkoniyatini beradi.

Foydalanigan adabiyotlar ro‘yxati

1. Muradov R. Paxtani dastlabki ishlash texnologiyasidagi tashish jarayonining samaradorligini oshirish asoslari. Texn. fan. dokt. dissertatsiyasi. Toshkent-2004, 289 b.



2. Muradov R. *Separatorning to'rtli yuzasiga paxtaning kelib urilishini kamaytirish usuli.* // *J. Mexanika muammolari*, №3, 2000. S.77-80.
3. Muradov R. Maxkamov A. Pirnazarov A. *Paxtani havo yordamida tashish jarayonida dinamik kuchlardan samarali foydalanish* // *TTYeSI Respublika ilmiy-amaliy konferensiya tezislari. Toshkent-2006 y.*
4. Ubaydullayev Madamin Mo'minovich, & Ne'matova Feruzaxon Jamolxon Qizi. (2021). The Importance Of Planting And Processing Of Medium-Field Cotton Varieties Between Cotton Rows In Fergana Region . *The American Journal of Agriculture and Biomedical Engineering*, 3(09), 26–29. <https://doi.org/10.37547/tajabe/Volume03Issue09-05>
5. Ubaydullayev, M. M. (2021). G 'o 'zada defoliatsiya o 'tkazishning maqbul me'yor va muddatlari. Monografiya.-Corresponding standards and terms of defoliation of cotton. Monograph.-. Соответствующие нормы и сроки дефолиации хлопка. Монография. Zenodo.

## **YIGRUV SEXI MASHINALARI BOSHQARISH UZELLARINI TAKOMILLASHTIRISHDA RAQAMLI TEXNOLOGIYALARNI JORIY ETISH**

**Toshtemirov Qosim Abdullxayevich**

Fargona politexnika instituti, assistant

Respublikamizda paxta xomashyosini chuqur qayta ishlash asosida yuqori qo'shimcha qiymatga ega bo'lgan tayyor to'qimachilik va yengil sanoat mahsulotlari ishlab chiqarishni rivojlantirish, paxta tozalash sanoatini modernizatsiya qilish asosida ichki va tashqi bozor uchun chiqarilayotgan paxta mahsulotlari sifati va unimdorlik ko'rsatkichlarini yaxshilash mxsvida, ularning raqobatbardoshligini ta'minlashga alohida e'tibor qaratilmoqda. Jumladan, 2017-2021 yillarda O'zbekiston Respublikasini yanada rivojlantirish bo'yicha Harakatlar strategiyasida, «milliy iqtisodiyotning raqobatbardoshligini oshirish, iqtisodiyotda energiya va resurslar sarfini kamaytirish, ishlab chiqarishga energiya tejaydigan texnologiyalarni keng joriy etish» vazifalari belgilab berilgan [1]. Ushbu vazifalar ijrosini ta'minlashda paxta sanoati korxonalarida yigirish mashinasining ishchi silindri aylanish tezligini ratsional boshqarishga asoslangan yigirish jarayonini samarali texnologiyasi va vositalarini yaratish va ishlab chiqarishga joriy etish muhim ahamiyatga ega. Yigirish korxonalarining asosiy texnologik Xalqali yigirish mashinalarida qo'llaniladigan yugurdak va ip o'tkazgichlarni taxlili to'qimachilik sanoatining asosiy ishlab chiqarish jarayonlaridan biri bo'lgan yigirish texnologik jarayonlariga qo'yiladigan talablar ortib bormoqda bunga sabab nafs yupqa texnik talablarga javob beradigan materiallarga bo'lgan extiyoj yuqoriligidandir. Xalqali yigirish mashinasi detallari o'ta murakkab giolitikka shakillarga ega va bazi detallari katta tezlikda ishlash qobiliyatiga ega. Bunday detallarga yugurdak va ip o'tkazgichlar kiradi. Bu ikki detal ip yigirish texnologik jarayonlarini sifatli amalga oshiruvchi detallar tarkibiga kiradi xozirgi kunda ishlab chiqarishda ikki gruxdagi:



-Elipissimo. -S ko'rnishdagi yugurdaklar qo'llaniladi. Yugurdaklarni ishlab chiqarishda uning geometrik olchamlarini xalqaning profiliga mos kelishi kerak. Yugurdaklarni xizmat muddati uning qanday materialdan tayorlanganligiga ish sharoitiga va unga o'z vaqtida servis xizmatlarini ko'rsatishga bog'liq cho'zish asbobidan chiqqan muchka ip o'tkazgichdan o'tib yugurdak urchiqning aylanishi tufayli pishitilib ipga aylanadi. Yugurdak tanlash ip yigirish jarayonidan chiqayotgan maxsulot ipning sifat ko'rsatkichlariga ta'sir etish ahamiyatiga ega. Asosan ipni bir tekis o'rash xamda uni zichligini saqlash undan tashqari o'rash jarayonida ipning tuksizligini uzilishini kamaytirishga olib keladi. Yugurdaklarni nomeriga qarab ipni nomeri assortimentiga qarab tanlanadi. Yugurdaklar katta tezlikda ishlaganligi sababli qizib ketmasligini oldini olish uchun ularni konstruksiyasini takominlashtirilgan

#### Halqa va yugurdak

Ipning pishitilishi va naychalarga o'ralishida yugurdak bilan halqa ma'lum rol o'ynaydi. *Yugurdaklar* – pishitish mexanizmining asosiy organlaridan biri hisoblanadi. U skoba shaklida bo'lib po'lat simdan yasaladi. Yugurdaklar ikki turda S –simon (a) va ellips shaklida (b) ishlab chiqariladi. Bundan tashqari yugurdak ko'ndalang kesimi turlicha bo'lishi mumkin (v).


Mingta yugurdakning grammlardagi massasi uning nomerini bildiradi. Naychaning diametri qancha kichik, yigirilayotgan ip ingichka, urchuqlarning aylanish tezligi yuqori, halqaning diametri katta bo'lsa, yugurdak Shuncha yengil bo'lishi kerak.

Yugurdakning ishlash muddati 150-200 soatgacha bo'lib, ular maxsus grafik asosida muntazam almashtiriladi.

#### Ip o'tkazgichlar

Ip o'tkazgichlar Cho'zish asbobidan chiqib kelayotgan ipni urchuqlarning o'qiga vertikal yo'nalishda ip o'tkazib turish uchun xizmat qiladi.

Ip o'tkazgichlar po'lat simdan yasalgan ilmoqli halqa 2 ning silindrik brusi 1 ga parallel yo'naltirilgan burchaklikka mahkamlangan. Ip o'tkazgichning halqasidan o'tkazilgan osma 4 yordamida u urchuq 3 ning o'qiga nisbatan tik qilib o'rnatiladi. Osmaning uchi urchuq o'qining markaziga to'g'ri kelishini ta'minlash uchun urchuqqa shablon 5 o'rnatiladi. Shunda ip yaxshi pishitiladi va pishitish jarayoni meyorda o'tadi.



*Ip o'tkazgich*

Ip o'tkazgichlarning yana bir vazifasi Shundan iboratki, ular ip pishitish jarayonida hosil bo'lgan balonni (egri chiziqni) bir xil balandlikda va bir xil taranglikda tutib turadi. Ip pishitilayotgan vaqtda mashinaning halqali plankasi ko'tarilib-tushib turadi. halqali planka yuqoriga ko'tarilgan paytda ballon kichkina (kalta), pastga tushganda esa katta (uzun) bo'ladi. Tajriba Shuni ko'rsatdiki, minimal ballon 52 mm, maksimal ballon esa 214 mm. Buning natijasida pishitish paytida ipning tarangligi har xil bo'lib, u ko'p uziladi va mashinaning ish unumi kamayadi.

Ip o'tkazgichlarning yana bir vazifasi Shundan iboratki, u ip uzilganda uning uchini ushlab qoladi, aks holda uzilgan ipni ushlab ancha qiyinlashadi. Ipning uchi ip o'tkazgichlar ilmog'ining uchidagi o'yig'ida ushlanib qoladi Yugurdaklarni ishlab chiqarishda uning giometirik olchamlarini xalqaning profiliga mos kelishi kerak. Yugurdaklarni xizmat muddati uning qanday materialdan tayorlanganligiga ish sharoitiga va unga o'z vaqtida servis xizmatlarini ko'rsatishga bog'liq cho'zish asbobidan chiqqan muchka ip o'tkazgichdan o'tib yugurdak urchiqning aylanishi tufayli pishitilib ipga aylanadi.

### Xulosa

Uskunani ishlab chiqarishga qo'llanilsa yigirilayotgan ipning sifat ko'rsatkichlari, mehnat unimdorligini xamda xom-ashyoni tejash vaqt va ishchi kuchidan foydalanish 7-8%ga oshishini taminlab uzellarni ishlash vaqtini uzayishiga erishish mumkin. oshadi. Hozirgi kunda ushbu uskuna Toshkent textile group texnologik ishlab chiqarish jarayonida qo'llanilmoqda.

### Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati.

1. I. A. *Karimov*. Barkamol avlod—O'zbekiston taraqqiyotining poydevori.— «O'zbekiston», 1997.
2. *S.P. Marasulov*. Paxta va kimyoviy tolalarni yigirish. II-qisim. — T «Ўқитувчи», 1985.

И

3. *A. Г. Севостьянов и др.* Механическая технология текстильных материалов. — М.: Легпромбытиздат, 1989.

4. Ubaydullayev Madamin Mo'minovich, & Ne'matova Feruzaxon Jamolxon Qizi. (2021). The Importance Of Planting And Processing Of Medium-Field Cotton Varieties Between Cotton Rows In Fergana Region . *The American Journal of Agriculture and Biomedical Engineering*, 3(09), 26–29. <https://doi.org/10.37547/tajabe/Volume03Issue09-05>

5. Ubaydullayev, M. M. (2021). G 'o 'zada defoliatsiya o 'tkazishning maqbul me'yor va muddatlari. Monografiya.-Corresponding standards and terms of defliation of cotton. Monograph.-. Соответствующие нормы и сроки дефолиации хлопка. Монография. Zenodo.

## IP TUKDORLILIGINI INNOVATSION TEXNOLOGIYALAR BO'YICHA O'RGANISHNING AFZALLIKLARI

*Sultonov Saminjon To'xtasinovich,*

*Farg'ona politexnika instituti. Tabiiy tolalar kafedra assistenti,*

Hozirda, yurtimizda to'qimachilik sanoati ravnaqi uchun barcha sharoitlar – xom-ashyo zahiralari, mehnat resurslari mavjud bo'lib, eng ilg'or texnologiyalar bo'yicha ishlaydigan uskunalari bilan jihozlanmoqda. Respublikada yetishtiriladigan paxta tolasidan tayyor mahsulotlar ishlab chiqaruvchi qator qo'shma va xususiy korxonalarining faoliyati boshlanishi bilan eksportbop to'qimachilik mahsulotlari ishlab chiqarish hajmi ortdi. 2022-yilga qadar yurtimizda yetishtiriladigan paxta tolasining 100%ini (1 mln. tonna tola) O'zbekiston korxonalarida qayta ishlanishi bilan birgalikda qo'shimcha 300 ming tonna kimyoviy tola sotib olinishi ham rejalashtirilgan.

Bu borada O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017-yil 28-noyabrdagi PQ-4408-sonli "Paxtachilik tarmog'ini boshqarish tizimini tubdan takomillashtirish chora-tadbirlari to'g'risida"gi qarori muhim omil bo'lib xizmat qilmoqda [1]. Bizga ma'lumki, ipning muhim xususiyatlaridan biri tuklilikdir. Quyidagi 1-rasmda ipdagi tukdorlikni tasvirlangan.



1-rasm. Ip tukdorligi

Tuklar odatda standart og'ish bilan aniqlanadi, CV (%) ga o'xshash [2].

Umuman olganda, iplardagi uzun tuklar keyingi jarayonlarda sezilarli darajada halaqit qiladi, qo'shimcha xarajatlar kelib chiqadi va to'qimachilik mahsuloti ko'rinishini va amaliy xususiyatlarini pasaytiradi [3].

Maqolaga tegishli bo'lgan tadqiqot ishini o'tkazishda "Indorama Kokand Tekstil" korxonasi laboratoriyasida mavjud bo'lgan Uster firmasi jihozlaridan foydalanib, tajriba uchun olingan iplarning nomeri, buramlar soni, notekisligi va tukdorligi kabi xossalarni o'rganildi.


"Indorama Kokand Tekstil" korxonasidan tadqiqot uchun olingan iplarning ko'rsatkichlari tukdorlik darajasi bo'yicha Uster Statistik 2018 5% li ko'rsatkichlariga solishtirilganda ( $N_e=30$ ) qayta tarash kompakt ipi 21,3 % ga, ( $N_e=30$ ) oddiy karda kompakt ipida 1,36 % ga karda pnevmomexanik ipida esa 23,3 % ga yuqoriligini ko'riladi. Shu o'rinda natijalarni tahlil qiladigan bo'lsak, tadqiqot uchun olingan iplar orasida oddiy karda kompakt ipi tukdorlik ko'rsatkichi bo'yicha eng past ekanligi va deyarli karda kompakt ipi uchun Uster statistik 2018 5 % li ko'rsatkichlariga mos ekanligini ko'rishimiz mumkin bo'ladi.

Quyidagi jadvalda "Indorama Kokand Tekstil" korxonasidan olingan iplarning ko'rsatkichlarini Uster statistik 2018 5 % li ko'rsatkichlariga taqqoslanganini ko'rish

mumkin.

“Indorama Kokand Tekstil” korxonasidan olingan iplarning ko’rsatkichlari

Ko’rsatkichlar nomi	Uster statistika 2018 qayta tarash ipi uchun	Kompakt qayta tarash yigiruv korxonasi natijasi	Uster statistika 2018 oddiy karda ipi uchun	Oddiy karda kompakt yigiruv korxonasi natijasi	Uster statistika 2018 Pnevmo mexanika yigiruv	Karda pnevmomehanika yigiruv korxonasi natijasi
	$N_e=30$	$N_e=30$	$N_e=30$	$N_e=30$	$N_e=30$ OE	$N_e=30$ OE
Chiziqli zichligi, teks	19,6	19,6	19,6	19,6	19,6	19,6
Uzilish kuchi (Forse), sN	431	420,9	375	342,8	250	249,4
Nisbiy pishiqligi, (Rkm) sN/teks	21,8	21,38	18,9	17,49	12,8	12,67
Ingichka joylar soni (Thin -50% /km)	0	9	3	238	9	80,3
Qalin joylar soni (Thick+50% /km)	6	16	50	161	43	106,5
Tugunchaklar soni (Neps200 /km)	17	24	115	163	9	402,8
Tukdorlik ko’rsatkichi, H	3,8	4,61	4,4	4,46	3,6	4,44



Ushbu maqolada sinov uchun turli yigirish usullari va tizimlarida bir xil nomerdagi ( $N_e=30$ ) iplar korxonasi sharoitida yigirib olindi. Yuqoridagi sinov ishlarida

iplarning sifat ko'rsatkichlari tadqiq etilib, iplarning tukdorlik ko'rsatkichlarini aniqlashda "Indorama Kokand Tekstil" korxonasiidagi Uster Tester 6 jihozidan foydalanildi. Natijalarni jadvallar va diagrammalar ko'rinishida taqdim etildi.

**Foydalanilgan adabiyotlar:**

1. G'afurov Q.G', Fayzullayev Sh.R., G'afurov J.Q «Texnika va texnologiya yangiliklari» leksiyalar kursi – 5320900 - Yengil sanoat buyumlari konstruksiyasini ishlash va texnologiyasi yo'nalishidagi talabalar uchun, 2016.

2. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining PQ-4408-sonli "Paxtachilik tarmog'ini boshqarish tizimini tubdan takomillashtirish chora-tadbirlari to'g'risida"gi qarori// 2017-yil 28-noyabr.

3. Sh.R. Marasulov Paxta va ximyaviy tolalarni yigirish 2 qism Toshkent<<O'qituvchi>> 1985.

4. Uster Statistics 2018 ma'lumotlari.

5. Ubaydullayev Madamin Mo'minovich, & Ne'matova Feruzaxon Jamolxon Qizi. (2021). The Importance Of Planting And Processing Of Medium-Field Cotton Varieties Between Cotton Rows In Fergana Region . The American Journal of Agriculture and Biomedical Engineering, 3(09), 26–29. <https://doi.org/10.37547/tajabe/Volume03Issue09-05>

**MINORALI QURITGICH USKUNALARINING QIYOSIY  
TAHLILINI RAQAMLI TEXNOLOGIYALAR ORQALI AMALGA  
OSHIRISH**

*Farg'ona politexnika instituti, Tabiiy tolalar kafedra mudiri  
q.x.f.f.d (PhD) Ubaydullayev Madaminjon Mo'minjonovich  
+998902746554 [mubaydullayev6554@gmail.com](mailto:mubaydullayev6554@gmail.com)*

Ma'lumki mamlakatimiz paxta sanoati rivojlangan mamlakatlar qatoriga kiradi Paxtani yetishtirish bo'yicha 4-o'rinda turadi eksport kilishda esa 2-o'rinni egallab turibdi ishlab chiqarilgan maxsulotlarimiz sifatli chiqishi albatta uni meyoriy darajada quritishgaxam bog'liq biz quritishda kam sarf xarajat qilganxolda yuqorinatijaga erishish maqsadida klaster usulida 2 ta aloxida aloxoxida ish olib borayotgan paxtatozalash korxonalarida tajribalar otkazdik [1]


Rishton Paxta tozalash MChJ Korxonasi xamda Boxodir Log'on Tekstil MChJ Qoshma Koxonasi faoliyat ko'rsatayotgan Paxta tozalash korxonalaridagi quritish uskunaari 2CB-10 hamda minorali quritgich uskunalari texnologik jarayonlari qiyosiy tahlil qilish va texnologik jarayonlarda va texnologik jarayonlariga Chigitli paxtani husiyatlarini tasirini o'rganish uchun Tajriba sinovlari o'tkazildi tajriba o'tkazish uchun Rishton paxta tozalash hamda Bahodir log'on tekstil MЧЖ Qo'shma korxonalarini tanlab olindi. Rishton paxta tozalash korhonasida 2CB-10 Quritish



uskunasi o'rnatilgan bo'lib ushbu quriilmada tahlil qilish uuchn Namangan 77 seleksion paxta navining 1 sinf 1navi namligi 10% iflosligi 5% bolgan chigitli paxta tanlab olindi va tajriba sinovlari o'tkazildi.

Namligi 10% iflosligi 5% bo'lgan chigitli paxta barabanga berilganda 100°C issiqlik berildi Quritish barabanidan chiqqan chigitli paxta 7 % ni ifloslogi 5% tashkil qildi bunda barabanning quritish samaradorligi 3 % tashkil qildi.


Bohodir logon Tekstil MЧЖ Qo'shma korhonasida minorali quritish uskunasi o'rnanilgan Quritgich ichida paxtani tiqilib qolishini oldini olish maqsadida polkalar oldi qismi gorizantga nisbatan 450 qilib joylashtirilgan pnevmatransportda havo oqimi 20-25m/s bo'lib, paxta xom ashyosini 10-12m/s tezlikda minorali quritgich polkasiga tushadi.



2СБ-10 rusumli quritgich barabani sxemasi

1-quritish agenti quvuri; 2-shnekli ta'minlagich; 3-oldingi sapfa; 4-kurakchalar; 5-baraban; 6-mo'ri; 7- spitsalar; 8-podshipnik; 9-reduktor; 10-barabanni harakatlantiruvchi elektr dvigatel; 11 va 14 -orqa va oldingi tayanchlar; 12-tushurish kurakchasi; 13-tushurish tarnovi.

Quritgichda esa 7-8 m/s tezlikda xarakatlanadi. Quritish uskunasida paxta xom ashyosini bo'lish vaqti 10÷15 sek tashkil etadi. Shuning uchun minorali quritgichni namlik ajratish 2-3% ni tashkil etadi. Quruq paxta bo'yicha ish unumdorligi 8000 kg/soat namlik ajratish bo'yicha quritish agenti xarorati 1100 S bo'lganda birinchi bosqichda 2000 kg ni tashkil etadi[2]



Minerali quritgichning sxemasi

Bu yerda: 1 – quvur, 2-mayda iflosliklardan tozalash uskunasi, 3- bunker ta'minlagich, 4- paxta xom ashyosi va quritish agentini tashuvchi quvur, 5-quritish uskunasi polkalari, 6 – paxtaxomashyosivaquritishagentinitashuvchi quvur.

Quritgich ichida paxtani tiqilib qolishini oldini olish maqsadida polkalar oldi qismi gorizantga nisbatan 450 qilib joylashtirilgan pnevmatransportda havo oqimi 20-25m/s bo'lib, paxta xom ashyosini 10-12m/s tezlikda minerali quritgich polkasiga tushadi. Quritgichda esa 7-8 m/s tezlikda xarakatlanadi. Quritish uskunasi paxta xom ashyosini bo'lish vaqti 10÷15 sek tashkil etadi. Shuning uchun minerali quritgichni namlik ajratish 2-3% ni tashkil etadi. Quruq paxta bo'yicha ish unumdorligi 8000 kg/soat namlik ajratish bo'yicha quritish agenti xarorati 1100 S bo'lganda birinchi bosqichda 2000 kg ni tashkil etadi unga Namangan 77 seleksion paxta navining 1 sinf 1navi namligi 10% iflosligi 5% bolgan chigitli paxta berilganda 100 0 C Issig'lik berildi quritgichdan chiqqan chigitli pahta namligi 8 % ni iflosligi 3.5 % ni tashkil etti bundan ko'rinib turibdiki Minerali quritgichning quritish samaradorligi 2 % ni tozalash samaradorligi esa 1.5 % ni tashkil etdi.

Xulosa qilib aytganda quritish uskunalarini tahli lqilinganda barabanli quritish uskunasi nam ajratish ko'rsatgichlari 2СБО-10 da 3% ni tashki etdi minerali quritgichda 2% tashkil qildi bu shuni ko'rsatadki tanlab olingan seleksiyon navida barabanli quritgichda yuqori natijaga erishildi chigitlipaxta seleksionnavlari quritish texnologik jarayonlari uskunalariga ham o'z tasirini k o'rsatishi tasdiqlandi.

#### Foydalanilgan adabiyotlar:

1. G'afurov Q.G', Fayzullayev Sh.R., G'afurov J.Q «Texnika va texnologiya yangiliklari» leksiyalar kursi – 5320900 - Yengil sanoat buyumlari konstruksiyasini ishlash va texnologiyasi yo'nalishidagi talabalar uchun, 2016.
2. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining PQ-4408-sonli “Paxtachilik tarmog'ini boshqarish tizimini tubdan takomillashtirish chora-tadbirlari to'g'risida”gi qarori// 2017-yil 28-noyabr.

3. Sh.R. Marasulov Paxta va ximiyaviy tolalarni yigirish 2 qism Toshkent<<O‘qituvchi>> 1985.

4. Uster Statistics 2018 ma’lumotlari.

5. Ubaydullayev Madamin Mo’minovich, & Ne’matova Feruzaxon Jamolxon Qizi. (2021). The Importance Of Planting And Processing Of Medium-Field Cotton Varieties Between Cotton Rows In Fergana Region . The American Journal of Agriculture and Biomedical Engineering, 3(09), 26–29. <https://doi.org/10.37547/tajabe/Volume03Issue09-05>

**OQOVA SUVLARNI BIOLOGIK TOZALASH JARAYONIDA AERATSIYA TIZIMINING ENERGIYA SAMARADORLIGINI OSHIRISH**  
**Maxsud Idrisovich Maxmudov, Zafarbek Esanovich Qo’ziyev, Akramjon Akmal o’g’li Jabborov**

**Buxoro muhandislik-texnologiya instituti**

So‘nggi vaqtlarda iqtisodiyotning turli tarmoqlarini rivojlanishi oqibatida butun dunyoda global energetika inqirozi va atrof–muhitga juda katta zarar vujudga kelmoqda. Natijada, oqova suvlarni tozalash tizimlarini takomillashtirishga alohida e’tibor qaratilmoqda. Oqova suvlarni biologik tozalash ekologiyaga zararsizligi tufayli bunday loyihalar amaliyotga tobora keng qaratilyapti, ularga katta miqdorda investitsiya yo‘naltirilgan holda ilmiy tadqiqotlar va ishlanmalar qo‘llab-quvvatlanayapti. Jumladan, 2020-2023 yillarda Buxoro viloyatida suv ta’minoti va kanalizatsiya tizimini rivojlantirish va

Oqova suvlarni biologik tozalash inshootlarida aeratsiya jarayonida aerotenkga uzatilayotgan havoning sarfi va quvvatini boshqarish iqtisodiy jihatdan samarali hisoblanadi.

Aeratsiya jarayonidagi havoning sarfi quyidagicha aniqlanadi [2,3]:

$$Q_{air} = q_w \frac{q_0(L_{en} - L_{ex})}{K_1 K_2 K_m K_3 (C_a - C_0)}$$

bu yerda:

$q_0$  – kislородning solishtirma sarfi, mg/mg KBBE<sub>to‘liq</sub>;

$K_1$  – aerator turini hisobga oluvchi koeffitsient [3,7];;

$$K_1 = 0,937 \frac{f}{F} + 1,47$$

bu yerda:

$\frac{f}{F}$  – aeratsiya hududi yuzasining aerotenk yuzasiga nisbati;

$K_2$  – aeratorning havo haydash chuqurligini hisobga oluvchi koeffitsient;

$K_m$  – oqova suvning haroratini hisobga oluvchi koeffitsient;

$K_3$  – faol loyqa aralashmasidagi kislородni uzatish tezligining toza suvga nisbati hisobga olingan koeffitsient.

Havo kislородining suvda eruvchanligi va aerotenkda erigan kislородning konsentratsiyasini quyidagi formuladan aniqlaymiz [2].

$$C_a = C_T \frac{1 + h}{20,6}$$

$$C_T = 0,0043 \cdot t_W^2 - 0,358 \cdot t_W + 14,5$$

bu yerda:

$C_T$  – havo kislorodining harorat va bosimga bog`liq suvda eruvchanligi, mg/l;

$t_W$  – oqova suvning harorati, °C;

$h$  – aeratorning havo haydash chuqurligi, m.

Aerotenkga havo uzatayotgan havo haydash qurilmalarining quvvati quyidagi formuladan aniqlaymiz [3,4]:

$$N = \frac{z \cdot Q_{air} \cdot 0,278}{1000 \cdot \eta}$$

bu yerda:

$\eta$  – qurilmalarning foydali ish koeffisienti.


$z$  – qurilmalarning bajargan ishi.

Havo haydash qurilmalarining bajargan ishi:

$$z = 13,1(p_2^{0,29} - 26,3)$$

bu yerda:

$p_2$  – havoning bosimi, kPa;



4-rasm. Oqova suvning hisobiy sarfining turli qiymatlarida suvda erigan kislorod konsentratsiyasining aerotenkga uzatilayotgan va turli bosimlarda havo uzatayotgan havo haydash qurilmalarining quvvatining havoning sarfiga bog`liqlik grafiklari

Olib borilgan tadqiqot natijalari quyidagi xulosalarga olib keldi:

Oqova suvning o`rtacha harorati 20°C bo`lganligi uchun unda erigan kislorod konsentratsiyasi 9 mg/l ekanligi va me`yoriy qiymatlardan 2-3 marta kattaligi aniqlandi.

Oqova suvni tozalash inshootida oqova suvning hisobiy sarfining o`rtacha qiymati 40 000 m³/s ekanligini hisobga olib, suvda erigan kislorod konsentratsiyasining miqdori 4 mg/l dan 2 mg/l ga kamayganda uzatilayotgan havoning sarfi 380 m³/s dan 290 m³/s gacha kamaydi.

Aeratsiya jarayonida diskli aeratorlar qo`llanilganda o`rtacha harorati 20°C da

suvda erigan kislorod konsentratsiyasining miqdori 4 mg/l ga teng bo'lganda uzatilayotgan havoning sarfi 380 m<sup>3</sup>/s dan 275 m<sup>3</sup>/s gacha kamayganligi aniqlandi.

Matlab dasturida qurilgan grafikda korxonadagi mavjud 5 ta 200 kW quvvatli havo haydash qurilmalari 0,1-0,2 MPa qiymatlarda bosim bilan havo uzatsa havoning sarfi 200–400 m<sup>3</sup>/s oraliqda o'zgarishini hisobga olsak, havoning sarfi 200 m<sup>3</sup>/s bo'lganda uzatilayotgan havoning quvvati 7,5 martagacha, 400 m<sup>3</sup>/s da esa 5 martagacha kamayar ekan.

Olingan natijalarni tahlil qiladigan bo'lsak ushbu korxonadagi havo haydash stansiyasi 5 ta havo haydash qurilmasidan tashkil topgan bo'lsa ularning 3 tasini boshqarish orqali oqova suvni tozalashning tannarxini kamaytirish imkoniyatlari mavjud.

### Foydalanilgan dabiyyotlar

1. <https://kun.uz/en/news/2020/08/14/437-million-to-be-allocated-for-modernization-of-water-supply-systems-in-bukhara>
2. M.I. Maxmudov, Z.E. Kuziev, S.S. Nurov, S.S. Sidikov “Assessment of energy saving capabilities in air blowers of biological wastewater treatment plants”. European journal of molecular & clinical medicine, 2020, №7 (06), pp. 1474-1486.
3. Ю.В. Воронов, С.В. Яковлев. Водоотведение и очистка сточных вод. Москва. 2006.

## **“BUXORODON MAHSULOTLARI” AJ KORXONASIDA KUCHLANISH NOSIMMETRIKLIGINI ELEKTR ENERGIYASI SIFAT KO‘RSATKICHLARIGA TA’SIRI. SHOBOYEV A.H., IZZATULLOYEV S.M.**


### **Buxoro muhandislik-texnologiya instituti**

Kuchlanish nosimmetrikligi – fazalar o'rtasida yuklamaning taqsimlanishi notekis bo'lganda, bir faza ko'p, ikkinchisi kam yuklanganda, faza kuchlanishlari son qiymatlari va faza siljish burchaklari teng bo'lmaydi. Dissertatsiya ishida kuchlanish nosimmetrikligini energetik ko'rsatkichlarga ta'siri o'rganishda elektr energiyani sifat ko'rsatkichlarini o'lchovchi qurilmadan foydalanilmaganligi uchun taqiqot natijalarini olishda imitatsion modeldan foydalanildi, ya'ni suniy ravishda kuchlanish nosimmetrikligi keltirib chiqarib tadqiqot natijalari olindi. [1]

#### **Stator zanjiridagi nosimmetriklik**

19-rasmda ko'rsatilgandek asinxron mashinani statoriga nosimmetrik kuchlanish berilib, mexanik xarakteristikasi tahlil qilingan. Tadqiq etilayotgan asinxron mashina mexanik xarakteristikasini tahlil qilishda 2 ta to'g'ri va teskari ketlikdagi kuchlanish orqali ta'minlangan simmetrik tizim bilan almashtirilishi mumkin.





1-рasm. Stator chulgʻamlari nosimmetrik taʻminlangan asinxron mashina.

Ikkala tizim kuchlanishlari mos xolda toʻgʻri va teskari ketma-ketlikdagi aylanuvchi maydon xosil qiladi. Asinxron mashina rotori toʻgʻri ketma-ketlikdagi magnet maydon yoʻnalishida aylanadi, teskari ketma-ketlikdagi maydonga nisbatan sirpanishi  $1+(1-s)=2-s$ , bu yerda  $s$ - toʻgʻri ketma-ketlikdagi magnet maydonga nisbatan sirpanish.

Asinxron mashinani toʻgʻri va teskari ketma-ketlikdagi moment ifodalari oddiy almashtirish sxemalari asosida aniqlash mumkin. Stator zanjiri aktiv qarshiligidagi kuchlanish tushuvini hisobga olmaganda moment ifodalari quyidagicha boʻladi.

$$M_1 = \frac{3U_1^2 r_2' / s}{\omega_0 ((r_2' / s)^2 + (x_1 + x_2')^2)} = \frac{2M_{k1}}{s/s_k + s_k/s'} \quad (1)$$

$$M_2 = \frac{3U_2^2 r_2'' / (2-s)}{\omega_0 ((r_2'' / (2-s))^2 + (x_1 + x_2'')^2)} = \frac{2M_{k2}}{(2-s)/s_k + s_k/(2-s)}; \quad (2)$$

$$\begin{cases} M_{k1} = (U_1/U_n)^2 M_n; \\ M_{k2} = (U_2/U_n)^2 M_n; \end{cases} \quad (3)$$

Bu yerda,  $U_1$  – toʻgʻri ketma-ketlikdagi kuchlanish, V;

$U_2$  – teskari ketma-ketlikdagi kuchlanish, V;

$M_k$  – elektr mashina stator chulgʻami qisqichlarida nominal simmetrik kuchlanishda  $U_n$  da kritik momenti, N\*m;

$s_k$  -  $M_k$  ga mos kritik sirpanish.

Nosimmetrik kuchlanishda mashina stator chulgʻamida hosil boʻladigan natijalovchi (yigʻindi) moment quyidagiga teng:

$$M = M_1 - M_2. \quad (4)$$

Asinxron dvigatelni nosimmetrik ishga tushirish oʻxshash holat 19(v)-rasmda koʻrsatilgan bir valga ulangan ikki dvigatelli elektryuritma misolida koʻrish mumkin.

Nosimmetrik kuchlanishda ishlovchi asinxron mashinani mexanik xarakteristikasi nominal tavsif 1da 1(a) -rasm) grafigi ichida yotadi. 1(b) –rasm) avtotransformator

AT holati 1 da turganda nominal tavsif, avtotransformator xolati 2 da turganda bir fazali ulanishdagi tavsif 2 yegri chizig'ini olinadi. Nosimmetrik kuchlanishda ishlovchi asinxron mashinada yuqori chastotali teskari ketma-ketlik toklari rotor o'zagidagi isroflarni oshishiga olib keladi. Shu sababli elektr mashinani ayrim bir parametrlarida  $r_2'' > r_2'$  o'zgarish bo'ladi.

“Buxorodonmahsulotlari” AJ korxonasidagi omixta yem sexida o'rnatilgan quvvati 45 kVt MT 62-10 ni uch xolatda nosimmetrik kuchlanishdagi energetik tavsiflarini ko'rib chiqamiz.  $r_{qo'sh2} = 5r_2$

Jadval-1

Tadqiq etiladigan xolatlar raqami	$U_{ak}, \%$	$U_{bk}, \%$	$U_{ck}, \%$
1-xolat	100	50	110
2-xolat	100	90	110
3-xolat	100	135	110

Elektr mashinaning parametrlari:

$U_n = 380$  V;  $PV = 25\%$  da  $R_n = 45$  kVt;  $\omega_n = 60,4$  rad/s ( $n_n = 577$  ayl/min);  $M_k/M_n = 3,2$ ;  $E_{2n} = 206$  V;  $r_1 = 0,0682$  Om;  $r_2 = 0,028$  Om;  $r_2' = 0,0951$  Om;  $x_1 = 0,186$  Om;  $x_2 = 0,0547$  Om;  $x_2' = 0,186$  Om;  $x_k = x_1 + x_2' = 0,372$  Om;  $r_{2umum}' = 6r_2' = 0,57$  Om.


To'g'ri  $\dot{U}_1$  va teskari  $\dot{U}_2$  ketma-ketlikdagi faza kuchlanishlarini aniqlashni analitik usullari quyidagi formulalar bilan topiladi:

$$U_1 = -\frac{1}{3\sqrt{3}}(\dot{U}_{ab} + a\dot{U}_{bc} + a^2\dot{U}_{ca}); \quad (5)$$

$$\dot{U}_2 = \frac{1}{3\sqrt{3}}(\dot{U}_{ab} + a^2\dot{U}_{bc} + a\dot{U}_{ca}). \quad (6)$$

Bu yerda,  $a = -1/2 + j\sqrt{3}/2$ ;  $a^2 = -1/2 - j\sqrt{3}/2$ .

Biroq vaqtni tejash maqsadida to'g'ri  $\dot{U}_1$  va teskari  $\dot{U}_2$  ketma-ketlikdagi faza kuchlanishlarini grafik usulida topamiz.




2-rasm. To'g'ri ketma-ketlikdagi kuchlanishni grafik usulida aniqlash.

To'g'ri  $\dot{U}_1$  va teskari  $\dot{U}_2$  ketma-ketlikdagi faza kuchlanishlarini topishda biror bir vektorni  $a$  ga ko'paytirish ushbu vektorni soat yo'nalishiga teskari  $120^\circ$  ga burish orqali,  $a^2$  ga ko'paytirishda vektorni soat yo'nalishiga teskari  $240^\circ$  ga yoki soat

yoʻnalishiga mos  $120^{\circ}$  burish orqali hisoblanadi.

2-rasmda kuchlanishning berilgan qiymatlari asosida kuchlanish vektorlari  $\dot{U}_{bc}$ ,  $\dot{U}_{ab}$ ,  $\dot{U}_{ca}$  qurilgan va kuchlanish vektori  $\dot{U}_1$  topilgan. Bu yerda  $\dot{U}_{ca}$  vektorni soat yoʻnalishiga qarshi  $120^{\circ}$ ,  $\dot{U}_{ab}$  vektorni soat yoʻnalishiga mos  $120^{\circ}$ . Natijaviy vektor  $\dot{U}_1$  ni  $\dot{U}_{bc}$  vektorni  $\dot{U}_{a'1b}$  va  $\dot{U}_{c'1a'}$  vektorlarga qoʻshish orqali olinadi. Barcha berilgan nosimmetrik xolatlar uchun mos vektorlarni qurish orqali toʻgʻri va teskari ketma-ketlikdagi kuchlanish vektorlari topiladi. Birinchi xolat uchun toʻgʻri  $\dot{U}_1=182$  V va teskari  $\dot{U}_2=57,5$  V ketma-ketlikdagi faza kuchlanishlari.



3 -rasm. Asinxron mashinani mexanik tavsiflari 1-4 xolatlar misolida.

3(b)-rasmda keltirilgan tavsiflar berilgan formulalar asosida qurilgan. Rasmda keltirilgan 4-egri chiziq simmetrik nominal kuchlanishdagi tavsifni beradi.

#### Foydalanilgan adabiyotlar

9. Abidov A.A. Programma energo– i resursosberejениya – intensivnyy put razvitiya ekonomiki narodnogo xozyaystva. // Problemy energo– i resursosberejениya. – Tashkent, 2003. –№1–2. –С. 54–60.
10. Adamovich A.R. i dr. Planirovanie texnicheskix poter elektroenergii v sisteme elektrosnabjениya metallurgicheskogo predpriyatiya // Elektriqa. –Moskva, 2005. – №2. –S.12–17.
11. Sadullaev N.N., Shoboev A.H. Korxona elektr taʻminoti sxemasi parametrlarini oʻzaro bogʻliqliklarini hisobga olib optimallashtirish. «Ishlab chiqarishni yuqori texnologiyalar asosida modernizatsiyalash-taʻlim tizimining ustivor vazifasi» mavzusida oʻqituvchi, stajor-tadqiqotchi-izlanuvchi, magistrilar ilmiy-amaliy anjumani. Buxoro-2012. 143-145 b.
12. Sadullaev N.N. Informatsionno-analiticheskaya sistema dlya issledovaniya energoeffektivnosti v promyshlennosti. Tashkent. «Chashma-print». 2013. 171 s.

## ТҮРТ СИМЛИ УЧ ФАЗАЛИ ТАРМОҚЛАРДА НОСИММЕТРИКНИ МАТРИЦАВИЙ ТЕНГЛАМАЛАР ЁРДАМИДА ҲИСОБЛАШ.

**ШОБОЕВ А.Ҳ., ИБОДОВ М.А.**

**Бухоро муҳандислик-технология институти**

Электр энергия истеъмоли 20-25% ни ташкил этадиган иқтисодиёт сектори уй-жой коммунал ҳисобланади [1]. Бу сектор истеъмолчилари асосан бир фазали электрэнергия истеъмолчилари бўлиб, уч фазали тармоқда носимметриклик келтириб чиқаради. Уч фазали симметрикликни таъминлаш учун 10/0,4 кВли трансформаторга уланган истеъмолчилар ҳар бир фазага тенг миқдорда тақсимланади. Шунга қарамадан истеъмолчилар юкламаси ўзгариб тургани учун уч фазали тармоқда носимметрик юклама ҳосил бўлади. Ҳозирги кунда 10/0,38 кВли трансформатордан таъминот олган бир фазали истеъмолчиларда электр энергияси назорати ва ҳисоблаш автоматлаштирилган тизими (ЭНҲАТ) жорий қилинганини ҳисобга олсак, бир фазали носимметрик юкламали тармоқларда электрэнергия исрофларини, трансформаторни ҳар бир фаза бўйича юкланганлигини ва носимметриклик коэффицентини ҳисоблаш имкони бор [2]. Тўрт симли уч фазали тармоқларда носимметрик юклама кўшимча исрофларни келтириб чиқаради. Исрофларни ортиши тақсимловчи тармоқнинг симметрик юкламадаги исрофларига нисбаттан қуйидаги формула билан аниқланади:

$$\Delta P_{\text{нос}} = \Delta P_{\text{сим}} \cdot K_{\text{кўш}}; \quad (1)$$

бу ерда,  $\Delta P_{\text{нос}}$  – носимметрик режимдаги қувват исрофи, кВт;  $\Delta P_{\text{сим}}$  – симметрик режимдаги қувват исрофи, кВт;  $K_{\text{кўш}}$  – кўшимча қувват исрофлари коэффицентини.

Бир фазали истеъмолчиларнинг ишига носимметрик юклама салбий таъсир кўрсатади. Асосан ускуналарнинг ишлаш муддатига, ишончилигига ва сифатига таъсир кўрсатади. 0,38 кВли бир фазали истеъмолчи (БФИ)лар улаган тақсимловчи тармоқларда юкламани тенг тақсимлаш учун қуйидагича алгоритм ишлаб чиқилди. Ишлаб чиқилган алгоритм дастлаб 0,38 кВли бир фазали истеъмолчиларга ўрнатилган электрэнергия ҳисоблагичларидан йиғилган маълумотлар асосида ишлайди. Бунда асосан истеъможининг кучланиши, токи ва қувват коэффицентини маълумотлари йиғилади. Тўпланган маълумотлардан БФИ матрица кўринишидаги кучланиш, ток ва қувват коэффицентини матрицалари шакллантирилади. Матрица элементлари ҳар бир фазага уланган истеъмолчи тартиб рақами бўйича тартибланади. Трансформатордан кейин уланган А фазадаги 1-истеъмолчи параметрлари (кучланиш, ток ва қувват коэффицентини) қийматлари 1-устун ва 1-сатрга беркитилади, яъни А фазага уланган истеъмолчи параметрлари 1-устунга тартиб билан жойлаштирилади. Шу тартибда В ва С фазага уланган БФИ лар тузиладиган матрицанинг 2 ва 3-устунларига жойлаштирилади. Алоҳида олиб қаралганда ҳар бир фаза алоҳида-алоҳида устун матрицадан иборат бўлади. БФИларнинг кучланиш матрицалари қуйидаги кўринишда бўлади [3]. Кучланиш матрицаси:

$$U_{ij} = \begin{bmatrix} U_{11} & U_{12} & U_{13} \\ U_{21} & U_{22} & U_{23} \\ \dots & \dots & \dots \\ U_{i1} & U_{i2} & U_{i3} \end{bmatrix}; \quad (2)$$

Айни вақтдаги истеъмол қилинаётган ток қийматларидан тузилган ток матрицаси:

$$I_{ij} = \begin{bmatrix} I_{11} & I_{12} & I_{13} \\ I_{21} & I_{22} & I_{23} \\ \dots & \dots & \dots \\ I_{i1} & I_{i2} & I_{i3} \end{bmatrix}; \quad (3)$$

Матрица индексидаги  $i$ - бир фазага уланган истеъмолчи тартиб рақамини белгилайди,  $j$ -ҳар бир фаза тартиб рақамини ифодалайди. Матрица ўлчами бир фазага уланган максимал истеъмолчилар сонидан шаклланади. Қувват коэффиценти матрицаси қуйидаги кўринишда бўлади:

$$\cos \varphi_{ij} = \begin{bmatrix} \cos \varphi_{11} & \cos \varphi_{12} & \cos \varphi_{13} \\ \cos \varphi_{21} & \cos \varphi_{22} & \cos \varphi_{23} \\ \dots & \dots & \dots \\ \cos \varphi_{i1} & \cos \varphi_{i2} & \cos \varphi_{i3} \end{bmatrix}; \quad (4)$$

БФИларниг айни вақтдаги истеъмол қилаётган актив қувват қийматларидан тузилган матрица қуйидаги кўринишда бўлади:

$$P_{ij} = \begin{bmatrix} P_{11} & P_{12} & P_{13} \\ P_{21} & P_{22} & P_{23} \\ \dots & \dots & \dots \\ P_{i1} & P_{i2} & P_{i3} \end{bmatrix}; \quad (5)$$

БФИларниг ток, кучланиш ва қувват коэффиценти матрицаларидан истеъмолчиларнинг реактив қувват матрицалари ҳисобланади. Реактив қувват матрицаси қуйидаги формула билан ҳисобланади:

$$Q(i, j) = U(i, j) \cdot I(i, j) \cdot (1 - \cos^2 \varphi(i, j)); \quad (6)$$

БФИларниг қувват матрицаларидан истеъмолчиларнинг тўла қувват матрицалари ҳисобланади. Тўла қувват матрицаси қуйидаги формула билан ҳисобланади.

$$S(i, j) = \sqrt{P(i, j)^2 + Q(i, j)^2}; \quad (7)$$

Ҳар бир фаза бўйича умумий юкламани ҳисоблаш учун ток матрицаси устун элементлари бўйича умумлаштирилади. Ҳар бир фаза бўйича умумий юкламани қуйидаги формула билан ҳисобланади.

$$I_{A \text{ фаза}} = \sum_{i=1}^n I_{i1} = I_{11} + I_{21} + \dots + I_{i1}; \quad (8)$$

$$I_{B \text{ фаза}} = \sum_{i=1}^n I_{i2} = I_{11} + I_{21} + \dots + I_{i2}; \quad (9)$$

$$I_{C \text{ фаза}} = \sum_{i=1}^n I_{i3} = I_{11} + I_{21} + \dots + I_{i3}; \quad (10)$$

Ишлаб чиқилган алгоритм асосида “MatLab” амалий пакетида дастлабки дастур матни ёзилди. Натижалар ҳаққонийлигини текшириш учун тўртсимли уч фазали тармоқга уланган бир фазали истеъмолчилар гуруҳидан иборат оддий чизма олинди, яъни бир фазали истемолчилар сони 9 та. Ҳар бир фазага 3 тадан БФИ уланган. БФИлар электр таъминоти тизимида СИП-1А (3x16+1x25) типдаги изоляцияланган кабел йўли ишлатилган.



Носимметрик юкланган истемолчиларнинг тўла қувват матрицаси (6) ва (7) тенгламалардан фойдаланиб шакллантирилади [4]:

$$S_{ij} = \begin{vmatrix} P_{11} + jQ_{11} & P_{12} + jQ_{12} & P_{13} + jQ_{13} \\ P_{21} + jQ_{21} & P_{22} + jQ_{22} & P_{23} + jQ_{23} \\ P_{31} + jQ_{31} & P_{32} + jQ_{32} & P_{33} + jQ_{33} \end{vmatrix} = \begin{vmatrix} 6 + j4 & 8 + j5 & 8 + j3 \\ 7 + j2 & 14 + j8 & 12 + j7 \\ 10 + j4 & 15 + j9 & 10 + j4 \end{vmatrix}$$

Ишлаб чиқилган компьютер модели дастури юкламаси катта бўлган фазалардаги 1-истемолчиларни бошқа, юкламаси кичик фазага ўтказди ва ҳар бир фазадаги юклама тоқларини қайта ҳисоблаб натижани чиқаради.

Компютер модели ҳисоблашлари асосида А фаза юкламаси кичик ва В фаза юкламаси катталиги аниқланди. Компютер модели В фазадаги 1-истемолчини, А фазага 4-янги истемолчи қилиб қайта тақсимлайди. Юкламаси қайта тақсимланган тўла қувват матрицаси куйидагича бўлади:

$$S_{ij} = \begin{vmatrix} P_{11} + jQ_{11} & P_{12} + jQ_{12} & P_{13} + jQ_{13} \\ P_{21} + jQ_{21} & P_{22} + jQ_{22} & P_{23} + jQ_{23} \\ P_{31} + jQ_{31} & P_{32} + jQ_{32} & P_{32} + jQ_{32} \\ P_{41} + jQ_{41} & P_{42} + jQ_{42} & P_{42} + jQ_{42} \end{vmatrix} = \begin{vmatrix} 6 + j4 & 0 & 8 + j3 \\ 7 + j2 & 14 + j8 & 12 + j7 \\ 10 + j4 & 15 + j9 & 10 + j4 \\ 8 + j5 & 0 & 0 \end{vmatrix}$$

Юклама тоқларини ҳар бир фаза бўйича қайта ҳисобланганда, куйидаги тоқ матрицаси ҳосил бўлди:

$$I(i, j) = \begin{vmatrix} I_{11} & I_{12} & I_{13} \\ I_{21} & I_{22} & I_{23} \\ I_{31} & I_{32} & I_{33} \\ I_{41} & I_{42} & I_{43} \end{vmatrix} = \begin{vmatrix} 10,96 & 0 & 13 \\ 11,07 & 24,53 & 21,13 \\ 16,38 & 26,61 & 16,38 \\ 14,35 & 0 & 0 \end{vmatrix}$$

Ҳар бир фазага юкламалар қайта тақсимланишдан олдинги ва кейинги фаза бўйича умумий юклама тоқлари куйидагича бўлади:

$$I(i, j)_{\text{олдинги}} = \sum_{i=1}^n I_{ij} = |38,43 \quad 65,49 \quad 50,51|;$$

$$I(i, j)_{\text{кейинги}} = \sum_{i=1}^n I_{ij} = |52,78 \quad 51,14 \quad 50,51|;$$

Юкламалар қайта тақсимлангач ҳар бир фазадаги умумий юклама тоқлари нисбаттан тенглашди.

### Хулоса:

- Ишлаб чиқилган алгоритм ёрдамида ҳар бир фазадаги умумий юклама тоқи қиймати аниқланди.
- Тўрт симли уч фазали тармоқ фазаларидаги максимал ва минимал умумий юклама тоқ аниқланди.
- Умумий юклама тоқи катта бўлган фазадаги биринчи истемолчи умумий юклама тоқи кичик бўлган фазага автоматик уланиши орқали, ҳар бир фазадаги умумий юклама тоқлари нисбаттан тенглаштирилди.

**Адабиётлар рўйхати:**

1. <http://matveev-igor.ru/articles/405751>
2. Ф. Д. Косоухова. Энергосбережение в низковольтных электрических сетях при несимметричной нагрузке / Под общей ред. : Монография. — СПб.:Издательство «Лань», 2016. — 280 с.
3. Садуллаев Н. Н., Шобоев А.Х., Нематов Ш.Н. Мониторинг показателей электропотребления с использованием матричной модели системы электроснабжения предприятия. Горный вестник Узбекистана. –Навои, 2018 № 3 (74). с 93-96.
4. Садуллаев Н. Н., Шобоев А.Х. Садуллаев Н. Н., Шобоев А.Х. Исследования влияния нелинейностей при оптимизации параметров схемы электроснабжения предприятий Исследования влияния нелинейностей при оптимизации параметров схемы электроснабжения предприятий. Развитие науки и технологий. Бухара-2015 №1. с. 34-37.